



Одилхон қори Юнусхон ўғли

**ЭЗГУЛИК
КУШАНДАСИ**



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК:297.1

КБК:86.38

Ю–57

Ю–57 **Юнусхон ўғли, Одилхон қори.**
Эзгулик кушандаси. – Т.: “Sharq”, 2018. –
216 б.

ISBN 978-9943-26-758-9

УЎК: 297.1

КБК: 86.38

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг
№ 6626-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-26-758-9

© Одилхон қори Юнусхон ўғли, 2018.

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2018.

ФОЙДАЛИ КИТОБ БЎЛИБДИ

Оламлар парвардигори ва тарбият кунандаси Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарган суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга салоту саломлар бўлсин!

Истиқлол шарофати билан динимиз таълимотини ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Бунинг учун Аллоҳга беадад ҳамду санолар айтаман!

Китоб расталарини кезиб юрганимда, расталардаги диний адабиётларни кўриб кўзим қувнади. Собиқ Иттифоқ даврида кимнинг уйидан оддий эски ўзбек ёзувидаги китоблар чиқса, хонадон соҳибини «Сен диндор экансан», деб қамоққа олишарди. Ўша давр билан ҳозирги даврнинг динга муносабатини солиштириб кўрсак ер билан осмонча фарқ қилади.

Яқинда Одилхон қори қўлимга бир китобнинг нусхасини тутқазиб, «Мана шу китобни ўқиб, тақриз ёзиб беринг», деди.

Китобни ўқиб жуда таъсирландим ва Одилхоннинг ҳақиқага дуолар қилдим. Ҳасад ҳақида, унинг зарарлари, унинг давоси ҳақида батафсил маълумот берган. Шу кунгача ҳасад тўғрисида кўп китоблар нашр этилган бўлса-да, ушбу китоб ўзгача. Одилхон қори ҳасадни тўлалигича очиб берган. Хусусан, ҳасадгўйларнинг оқибати ёмонлик билан тугашини ҳаётий мисоллар билан ёритиб берилганлиги ҳасад ёмонлигини китобхоннинг тасаввурида гавдалантиради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Олов ўтинни еб йўқ қилганидек, ҳасад савоб амалларни йўқ қилади», деганлар. Шундай экан, ҳар бир

мўмин қилган савоб амалларини ҳимоя қилиш мақсадида бадхулқлигидан, ҳасаддан қутулиш мақсадида ушбу китобни ўқиб чиқса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аллоҳ ушбу китобни ҳаммамизга манфаатли қилсин ва Одилхон қорининг илмий фаолиятларига баракалар ато қилсин. Ушу китобга ўхшаган яна бошқа фойдали китобларни кўплаб ёзишни Аллоҳ сизга мурасар айласин!

*Анвар қори Турсунов,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*

МУҚАДДИМА

Барча ҳамду санолар Ёлғиз Аллоҳ таолога хосдир. Биз У Зотдан мадад сўраймиз, гуноҳларимиз учун истиғфор айтамиз, нафсимиз ва амалларимиз ёмонлигидан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, уни адаштирувчи йўқ. Кимни адаштириб қўйса, уни тўғри йўлга бошловчи йўқ. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У Ёлғиздир, шериги йўқ. Яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва Расулидир.

Ҳасад қалб касалликлари ичида энг хавфлисидир. Зеро, қалбида ҳасад уруғи ниш урган кишининг хулқи ва табиати айниб, бора-бора тили ёлғон, ғийбат, тухмат ва бўҳтонга ўрганади. Бу иллатга мубтало бўлиш туфайли турли ифво, гап-сўз ва миш-мишларни тарқатишдан уялмайди. Бир қараганда, бу иллат безарар кўринса-да, аммо кўп ёмонликлар айнан ундан пайдо бўлишини унутмаслик керак. Ҳасад туфайли оға-инилар ва яқин қариндошлар юз кўрмас ётга, дўстлар душманга айланади. Ҳасад одамзод мубтало бўлган бедаво дарддир. Одам Ато ва Момо Ҳаво зурриётлари тақдирига шу иллат билан курашиш битилган. Агар ундан қалбини сақлай олса, жаннат неъматларига эришади ва охират ажр-савобини қозонади. Шу боис, ҳасадни энг ёмон ва энг хавфли қалб иллоти деб таъкидланган. Чунки бу иллатга мубтало бўлиш айтиб ўтилган абадий неъматлардан мосуво этади.

Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бандда ўзини ҳасад ўтида ёқмайди, аланга олмасдан олдин уни ўчиради. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мўмин-мусулмон умматини: **“Ҳасадчи мендан эмас”**, деб огоҳлантирганлар. Яна бир ҳадиси шарифда: **“Мўмин ҳавас қилади, мунофиқ**

эса ҳасад”, дейилган. Абу Довуд ва Ибн Можа ривоятида Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Олов ўтинни “еган”дек ҳасад ҳасанот (яхшилик)ларни ейди”,** деганлар. Шу маънода айтиш мумкинки, жигарига курт тушиб, уни еб битиргач, ҳар қандай жонзот нобуд бўлишини яхши биламиз. Ҳасад ҳам соғлом ва пок қалбга тушиб, уни еб битирадиган куртга ўхшайди. Бу курт қалбдаги жамики яхшиликларни еб битиради. Яхшилик асари қолмаган қалбни шайтон ўзиники қилиб олади. Халқимиз ҳам ҳасад тўғрисида **“Гадонинг душмани гадо”,** деб бекорга айтмайди.

Афсуски, ҳаётимизда ҳасад қилиш, ичиқоралик ва кўролмаслик учраб туради. Тўғрироғи, бу иллатлар ўтган тузумда авж олиб, унга нисбатан оддий ҳол деб қаралган. Чунки шўро сиёсати айнан мана шу иллатлар оммалашишидан манфаатдор бўлганидан кўз юмиб бўлмайди. Ўша вақтларда омма ичида бирон фазилати билан танилиб, кўзга ташланган одамга ҳасад назари билан қаралиб, устидан турли идораларга иғво ва туҳмат хатлари уюштирилган. Уч-тўрт киши гувоҳлигида юмалоқ хат битилиб, махсус идоралар ҳукмига ҳавола этилган. Лекин бу иллатни ўтган тузум билан бутунлай хослаб қўйиш ҳам у қадар тўғри эмас.

Дунё дунё бўлибдики, инсон зотининг қон томирида шайтон айланиб, ҳасадчи ва фисқу фасод тарқатувчи иғвогарларни пайдо бўлишига замин яратади. Ёмон ва зарарли иллат бўлгани учун уламолар ҳасаднинг таъриф-тавсифини батафсил ва мукаммал баён этиб, ундан сақланиш йўллари кўрсатиб берганлар. Қуръони Карим оятларида ҳам, мухтарам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам ҳасад ва ҳасаддан сақланиш ҳақида керакли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар келтирилган. Бу хусусда китобимиз давомида ўқувчиларга зарур ва керакли маълумотларни келтириб ўтамиз.

Қўлингиздаги китобда айнан ҳасад иллоти, унинг мазмун-моҳияти, зарарлари, сабаблари, оқибатлари

ва давоси ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, ўқувчиларга соғлом рақобат ва солиҳ амаллардан мусобақалашиб ҳақидаги ўз мулоҳазаларимизни ҳам келтириб ўтамизки, бу ҳасад маъносини янада кенгрок тушуниб олиш ва ундан ўзини сақлашда катта ёрдам беради, деган умиддамиз.

Шунингдек, кўз тегиши, иссиқ-совуқ қилиш каби тадбирлар тўғрисида ҳам баҳоли қудрат тўхталиб ўтишга азму қарор қилдик. Чунки инсон руҳи ва танасига зарар бериш жиҳатидан уларнинг айнан ҳасад билан боғлиқлигини кўпчилик билмас. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, ҳалига қадар ҳасад иллатини даволайдиган дори кашф этилмаган, тиббий муолажа каби уни дамлама ёки ҳақдори ичиш орқали тузатиш иложи йўқ. Бу иллатнинг давоси ва муолажаси жуда оғир.

Шунга қарамай, улуғ пайғамбарлар ва қалб муолажаси билан махсус шуғулланган етук уламолар ҳасаддан қутулиш йўллари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, унинг дарди бедаво иллат эканини айтганлар. Ноумид шайтон деганларидек, мазкур китобимиз айрим кишиларга ҳасад ҳақида кенгрок тасаввур ҳосил қилиши ва ундан қутулишига ёрдам берса беҳад хурсанд бўлар эдик. Чунки тавфиқни Аллоҳ таоло беради, бандасининг кўлидан етказиш келади, холос.

Зеро, Алишер Навоий бобомизнинг: “Эл ичра, эй ҳасуд, сени қилди ҳақ залил”, деган мисралари ҳам ҳасад ҳасадгўй инсонни ўзи билмаган ҳолда халқ назарида залил ва хор қилиб қўйишини таъкидлаб келган. Энг афсусли жиҳати шундаки, ҳасадчи бу иллатдан қутулмай ҳаётдан кўз юмса, бу дунёда хор ва залил бўлишдан охиратдагиси янада аянчли тус олади. Энг қизиғи шундаки, бу хунук ва ёмон иллатга мубтало бўлганини ҳасадгўйнинг ўзи билмайди. Ҳасад унинг ич-этини егани ва қалбини ҳасад ўти куйдиргани учун бошқага етган яхшилиқни кўра ол-

майди. Бу яхшилик ундан кетиб, ўзига қайтиб кели-
шини истайди ва гуноҳкор бандага айланади.

Келинг, сиз азиз ўқувчилар билан ҳасад тўғри-
сидаги суҳбатимизни бошласак. Бу суҳбатимиз сиз-
ларга мароқли бўлиб, ҳаёт йўлингиз учун етарли
панд-насиҳат ва ибратга эга бўласиз деган фикрда-
миз. Сизга бирон манфаат етказа олсак, беҳад хур-
санд бўлиб, ҳақимизга дуо қилиб қўйишни унутмас-
лигингизни ўтиниб қоламиз.

Муаллиф

“ҲАСАД” СЎЗИНИНГ МАЪНОСИ

Ҳасад ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиш учун дастлаб бу сўзнинг қандай маъно ифода этишини билиб олиш керак. Мазкур сўз луғатда “Аллоҳ берган неъмат ёки фазилатнинг бир кишидан кетиб, ҳасадчи ўзига ўтиб қолишини хоҳлаш” маъносини билдиради. Ибн Арабий “ҳасад” аслида “терисини шилмоқ” маъносини беришини айтган. Араб тилида ҳасадга зидроқ маънода “ғибто” сўзи ҳам қўлланади. Бу сўз “бирон кишидаги неъматни кўриб, унинг ўзида ҳам бўлишини хоҳлаш, ҳавас қилиш” маъноларига эга.

Агар эътибор берсак, “ғибто”да неъматнинг кетишини хоҳлаш маъноси мавжуд эмас. Аммо уламолар ғибтони ҳам худди ҳасад каби зарарли эканини таъкидлаб, фақат зарари ҳасадга қараганда кам эканини билдиришган. Жумладан, Азҳарий: “Ғибто ҳасаднинг бир туридир, бироқ ундан энгилроқ”, дейди. “Лисонул араб” луғатида “ҳасад” сўзига “терисини шилмоқ”, ғибто эса “бирон нарсани текшириб билмоқ, аниқламоқ”, деган таъриф берилиб, агар пўстлоғи шилиб олинса, дарахт куриб қолади. Бу ҳасаддир. Агар япроғи юлиб олинса, илдизи қуримаса ҳам, дарахтга зарар етади. Бу ғибтодир”, дейилган (*Ибн Манзур, “Лисонул араб”, 5-жузъ*).

Ибн Умар розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилади: **“Икки кишига ҳавас қилса бўлади: биринчиси, Аллоҳ Қуръон (илми)ни берган бўлиб, кечаю кундуз уни тиловат қилиб, унга амал қиладиган киши. Иккинчиси, Аллоҳ мол-дунё ато этган бўлиб, ўз бойлигини кечаю кундуз инфоқ-эҳсон қиладиган киши”** (*Имом Бухорий, Имом Муслим, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривояти*).

Бу ҳадисда “ҳавас” деб таржима қилинган сўз аслиятда “ҳасад” деб келтирилган. Баъзан “ҳасад” ка-

лимаси ҳам “ҳавас” маъносида қўлланиш ҳолати ҳам учрайди. Имом Нававий “Саҳиҳи Муслим”га ёзган шарҳида бунини шундай изоҳлайди: “Уламолар фикрига кўра, ҳасад икки хил бўлади: ҳақиқий ҳасад ва мажозий ҳасад. Ҳақиқий ҳасад неъматни ўз эгасидан кетишини хоҳлашдир. Ижмоъ ва саҳиҳ ҳадисларга кўра, бундай истакда бўлиш ҳаромдир. Мажозий ҳасад эса ғибто (ҳавас қилиш)дир. У бирон кишидаги неъматни ўзида ҳам бўлишни исташдан иборат. Лекин бу ерда неъматнинг кетишини хоҳлаш ирода қилинмайди. Агар ғибто дунё билан боғлиқ бўлса мубоҳ, охират ва тоат-ибодат билан боғлиқ бўлса мустаҳабдир”. Ҳадисдаги “ҳасад”дан мурод ғибтодир” (Имом Нававий, “Шарҳун Нававий ъала саҳиҳи Муслим”, 6-жузъ).

Аксар кишилар ҳасад ва ҳавасни бир-биридан фарқлаб олмайди. Ҳасад ва у билан боғлиқ кўрсатмалар Қуръони Каримда беш марта такрорланади. Шунингдек, ҳадиси шарифларда ҳам ҳасад иллати ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Аллоҳ ва Унинг Расули бир иллат ҳақида зикр этаётган бўлса, демак, у фойда ва ҳикматдан холи эмас. Ҳақиқатан, ҳасад инсон нафсидаги мавжуд табиий хусусият бўлиб, Аллоҳ сақлаган зотларгина унинг ёмонлигидан сақлана олади. Ибн Қаййум шундай деган: “Ҳасаднинг асли Аллоҳ таоло берган неъматни ёмон кўриш ва унинг заволи топишини хоҳлашдир. Ҳасадгўй неъматнинг душманидир. Бундай ёмонлик ўзидан ва табиатидандир. Ҳасад бирон кишидан юктириб олинган касаллик эмас, балки нафсининг пасткашлиги ва ёмонлигидан пайдо бўлади” (“*Ат-тафсирул Қаййум*”).

Айрим уламолар фикрига кўра, ҳасад неъматнинг заволи топишини хоҳлаш эмас, балки бировнинг муваффақиятини кўролмасликдир. Бир одам ўзидан бошқа кишига етган неъматни ёқтирмаса, ундан ичи куйса, шу неъмат заволини хоҳласин-хоҳламасин, ҳасад қилган ҳисобланади. Шундай экан, ҳаётда ҳасад-

гўйлар ҳам ҳар хил. Баъзи бирлари неъматни кўриб, ўзининг ундан маҳрумлигини эслаб ғамга ботади. Яна баъзилари неъматни хушламайди, унинг заволини хоҳлайди. Шундайлари ҳам борки, неъматни бутунлай йўқ бўлиб кетиши йўлида ҳаракат қилади, “душмани”ни жазолаш учун елиб-югуради, “алами”дан чиқмагунича тиниб-тинчимайди.

Салафи солиҳлардан бири: “Осмонда Аллоҳ таолога бўйин товлаб, содир этилган биринчи гуноҳ бу – ҳасаддир”, деган экан. Ҳаммага маълумки, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни лойдан яратди, унга руҳ ва жон ато этди. Ҳамма фаришталарига илоҳий маҳоратини намоиш этиб, унга сажда қилишларини буюрди. Ҳамма фаришталар илоҳий кудратга тан бериб саждага бош эгдилар. Биргина Иблис алайиляна сажда қилишдан кибр-ҳаво ва ҳасад туфайли бош тортди ва лойдан яратилган махлукдан ўзини афзал ва устун деб билди. Ана шу вақтда ҳасад Иблисни йўлдан адаштирди, кибр-ҳавога ундади ва Аллоҳ таолодан бўйин товлашга мажбур қилди, биринчи гуноҳ – ҳасадни содир этди.

Ҳакимлардан бири: “Ким Аллоҳ таолонинг тақдирига рози бўлса, ҳеч ким уни норизо қила олмайди. Берганига қаноат қилган кишининг қалбига ҳасад йўл топа олмайди”, дебди. Демак, ҳасаднинг келиб чиқишига тақдирдан норозилик ҳам сабаб бўлар экан. Ким тақдирига битилганидан норози бўлиб, ундан яхшироғига лойиқман, деб ўйласа, адашади ва қалбида ҳасад ниш уради. Балоғат аҳлидан бири: “Инсонлар ҳасад қилувчи ва ҳасад қилинувчилардан иборат. Ҳар бир неъматнинг ўз ҳасадчиси бор”, деган экан.

Адиблардан бири деди: “Ҳасадчидек мазлумга ўхшаш золимни кўрмадим: доимий хўрсиниш, аримас ғам, саросимага тушган қалб”. Ҳасадгўй кишини ҳасадидан қайтариш осон эмас. Ҳаётда бундай бўлса яхши бўларди, ундай бўлса, яхши бўларди, деб доимий норози бўлиб юрган одамга дуч келсангиз,

билингки, унда ҳасад илллати мавжуд. У ўзини бу иллатдан халос этиши керак. Мабодо, ўзидаги бу иллатни тузатишга эътибор бермаса, бутун ҳаётини норози кайфият билан ўтказса, шундан ҳам билингки, у бебаҳо ва қимматли вақтини бой берибди. Бу оғир ва ўрнини тўлдириш иложи йўқ ютқизишдир. Шунинг учун ҳасаднинг маъноси ва унинг нақадар мудҳиш иллат эканини яхшилаб билиб олмаган киши қалбига ҳасад кирганини пайқамайди ва бу иллатни қалбидан кетказиш ҳақида ташвиш қилмайди. Аллоҳ таоло шундай тоифалардан бўлиб қолишдан асрасин!

ҲАСАД ВА ҲАВАС ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ

Айтиб ўтилганидек, ҳасад билан ҳавасни яхши фарқлай олмаган киши ҳасаддан тийилиши мушкул. Ҳасад бировга ёмонликни раво кўриш, ҳавас эса бировга етган яхшиликдан хурсанд бўлиш ва ўзига ҳам ўша неъмат етишини орзу қилишдир. Пайғамбаримизнинг ҳавас ҳақида билдирган фикрлари бу тўғридаги тасаввуримизни янада кенгайтиради:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: قَالَ لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ رَجُلٌ عَلَّمَهُ اللَّهُ الْقُرْآنَ فَهُوَ يَتْلُوهُ آتَاءَ اللَّيْلِ وَآتَاءَ النَّهَارِ فَسَمِعَهُ جَارٌ لَهُ فَقَالَ: لَيْتَنِي أُوتِيَتْ مِثْلَ مَا أُوتِيَ فَلَانَ فَعَمِلْتُ مِثْلَ مَا يَعْمَلُ وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَهُوَ يُهْلِكُهُ فِي الْحَقِّ فَقَالَ رَجُلٌ: لَيْتَنِي أُوتِيَتْ مِثْلَ مَا أُوتِيَ فَلَانَ فَعَمِلْتُ مِثْلَ مَا يَعْمَلُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي حَتْمٍ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади:

“Икки кишига ҳавас қилинади: (биринчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга Қуръон (илми)ни берган бўлиб, кечаю кундуз тиловат қилади. Қўшниси (Қуръон ўқиганини) эшитиб: “Қанийди фалончига берилган нарса менга ҳам насиб этганида, унга ўхшаб амал қилардим!” деб орзу қилади. (Иккинчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга бойлик ато этган бўлиб, (бойлигини) ҳақ йўлда сарфлайди. (Буни кўрган) киши: “Қанийди фалончига насиб этган нарса менга ҳам берилганда, мен ҳам унга ўхшаб амал қилардим!” деб орзулайди” (*Бухорий, Аҳмад ва Байҳақий ривояти*).

Демак, мазкур ҳадисга амал қилмоқчи бўлсак, дунёда икки кишининг қилаётган ишига ҳавас қилса бўлар экан: бири Қуръонни ўрганган киши. У эртаю кеч Қуръон билан ҳамнафас, қўли ишда бўлса ҳам, тили ва қалби Қуръон оятларини пичирлаб, тадаббур қилиш билан банд. У ўз ҳаётида ҳам Қуръонда айтилганларга амал қилишни ўйлайди, яъни у буюрган солиҳ амалларни қилиб, ёмон амаллардан юз ўгиради. Ана шу бандага ҳавас қилса арзийди ва буни ҳасад дейиш мутлақо тўғри эмас. Яна ҳавас қилинадиган иккинчи киши ҳалолдан мол-дунё топиб, уни ҳалол йўлга сарфлайди. Мана шундай сахий бойларга ўхшашни ният қилинса, бундай кишини ҳасадчи деб бўлмайди. Ҳасад катта гуноҳ, ҳавас эса гуноҳ эмас. Ҳасадчи биров эришган ютуқни кўра олмай, хафа бўлади. Ҳавас қилувчи эса кимнинг омади чошиб, муваффақият қозонса, ундан хурсанд бўлади ва ўзига ҳам шунга ўхшаши берилишини Аллоҳдан сўрайди.

Ким ўзида ҳасад туйғуси бор-йўқлигини билмоқчи бўлса, биродарига ато этилган бир фазилат ҳақида ўйлаб кўрса, ҳақиқатдан огоҳ бўлади. Аллоҳ таоло мушарраф этган ана шу фазилатга муносабатини тафтиш қилсин. Шу неъматни деб дўстини ёқтирмай қолмаяптими, унга етган неъмат завол топишини ич-ичидан хоҳламаяптими? Агар қалбида шунга

ўхшаш ўй-кечинма ўтгудек бўлса, бу аниқ ҳасаддир. Агар унга ато этилган неъматдан холис қувонса, ўзига ҳам шундай неъмат берилишини хоҳласа, бу ҳасадга ўтмайди. Мана бу ҳадиси шариф ҳасад ҳақидаги фикримизни янада бойитади:

وَعَنْ أَبِي كَبْشَةَ الْأَمْرِي رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: ثَلَاثَةٌ أُقْسِمُ عَلَيْهِنَّ وَأُحَدِّثُكُمْ حَدِيثًا فَاحْفَظُوهُ قَالَ: مَا نَقَصَ مَالُ عَبْدٍ مِنْ صَدَقَةٍ وَلَا ظَلِمَ عَبْدٌ مَظْلَمَةً فَصَبَرَ عَلَيْهَا إِلَّا زَادَهُ اللَّهُ عِزًّا وَلَا فَتَحَ عَبْدٌ بَابَ مَسْأَلَةٍ إِلَّا فَتَحَ اللَّهُ عَلَيْهِ بَابَ فَقْرٍ أَوْ كَلِمَةً نَحْوَهَا وَأُحَدِّثُكُمْ حَدِيثًا فَاحْفَظُوهُ قَالَ: إِنَّمَا الدُّنْيَا لِأَرْبَعَةٍ تَقْرٍ عَبْدٍ رَزَقَهُ اللَّهُ مَالًا وَعِلْمًا فَهُوَ يَتَّقِي فِيهِ رَبَّهُ وَيَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَيَعْلَمُ اللَّهُ فِيهِ حَقًّا فَهَذَا بِأَفْضَلِ الْمَنَازِلِ وَعَبْدٌ رَزَقَهُ اللَّهُ عِلْمًا وَلَمْ يَرِزُقْهُ مَالًا فَهُوَ صَادِقُ النِّيَّةِ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ بِعَمَلِ فُلَانٍ فَهُوَ بَيْنَيْتِهِ فَأَجْرُهُمَا سَوَاءٌ وَعَبْدٌ رَزَقَهُ اللَّهُ مَالًا وَلَمْ يَرِزُقْهُ عِلْمًا فَهُوَ يَجْطِ فِي مَالِهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ لَا يَتَّقِي فِيهِ رَبَّهُ وَلَا يَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَلَا يَعْلَمُ اللَّهُ فِيهِ حَقًّا فَهَذَا بِأَخْبَثِ الْمَنَازِلِ وَعَبْدٌ لَمْ يَرِزُقْهُ اللَّهُ مَالًا وَلَا عِلْمًا فَهُوَ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ فِيهِ بِعَمَلِ فُلَانٍ فَهُوَ بَيْنَيْتِهِ فَوِزْرُهُمَا سَوَاءٌ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَقَالَ أَبُو عَيْسَى: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ.

Абу Кабша Аморий розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, у Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганларини эшитган экан: “Уч

нарсага қасам ичаман ва мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар: банданинг моли садақа билан камаймайди, бир бандага зулм қилинса ва ўшанга сабр қилса, албатта Аллоҳ унинг обрўсини зиёда қилади. Агар банда ўзига тиланчилик эшигини очса, албатта Аллоҳ унга фақирлик эшигини очади (ёки шунга ўхшаш сўз айтдилар).

Мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар: Албатта дунё тўрт кишиникидир – бойлик ва илм берилган банда Парвардигорига тақво қилади, силаи раҳм қилади ва унда Аллоҳнинг ҳақини билади. Бу энг афзал даражадир! Яна бир бандага Аллоҳ илм беради, аммо бойлик бермайди. Шунга қарамай унинг нияти тўғри, агар Аллоҳ менга ҳам бойлик берганида фалончининг амалини қилган бўлардим, дейди. У ниятига яраша (ажр) олади ва у иккисининг савоби бир хил.

Яна бир бандага Аллоҳ бойлик беради, аммо илм бермайди. У молини илмсиз ҳолида исроф қилади, Парвардигорига тақво қилмайди, силаи раҳм қилмайди ва унда Аллоҳнинг ҳақларини билмайди. Бу энг ёмон даражадир!

Яна бошқа бир бандага Аллоҳ бойлик ҳам, илм ҳам бермайди, шунга қарамай, агар менда ҳам бойлик бўлганида фалончининг амалини қилардим, дейди. Шундай экан, у ниятига яраша олади. У иккисининг гуноҳи бир хилдир” (Термизий, Ибн Можжа, Аҳмад ривояти. Абу Исо Термизий ҳадиснинг санадини ҳасан саҳиҳ деган).

Мазкур ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир мўмин киши билиши лозим ишлар хусусида хабар бериб, уларнинг қай даражада муҳимлигини таъкидлаш мақсадида олдиндан “уч нарсага қасам ичаман” демоқдалар ва яна бу сўзларига лоқайд ва бепарво бўлишнинг олдини

олиш учун икки марта “**Мен сизларга бир ҳадис айтаман, уни ёдлаб олинглар**”, деб уқтирмақдалар.

Иккинчи тоифага мансуб кишига Аллоҳ таоло бойлик бермаса ҳам, фойдали ва шаръий илм беради. У олган илмининг ҳақини адо этиш мақсадида одамларга илмини тарқатиб, шу йўл орқали ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам фойда етказди. Бундай банданинг қалби пок ва нияти холисдир. Шу сабаб бойлиги бўлмаса-да, бойлик ва илмни ўзида жамлаб, уларнинг ҳақини чиройли суратда адо қилаётган солиҳ мўмин бандага ҳавас қилиб: “Эй Аллоҳим, агар менда ҳам бойлик ва мол-дунё бўлганида, фалончи банданг каби Сенинг розилигинг йўлида инфоқ-эҳсон, садақа қилар эдим, қариндошларимга ёрдам берган бўлардим!” деб орзулайди. Унинг бундай нияти бесамар кетмайди, карами кенг Аллоҳ холислиги ва қалби поклиги учун унга ҳам худди биринчи тоифага берган савобини ато қилади. Тўғри, фақат яхши ниятнинг ўзи афзал даражага олиб чиқмаса-да, ҳарҳолда шунга яқинроқ мартабага кўтаради, чунки холис ниятли бандада имкон ва молу мулк бўлганида албатта уни ажр-савоб оладиган жойларга сарфлаган бўларди. Бундан келиб чиқадикки, мўмин банда доим холис ниятда бўлиб, солиҳ амалларни қилиб яшаётганларга ҳавас қилиши ва ўзи ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қилиши лозим.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Мўмин киши ҳавас қилади, мунофиқ киши эса ҳасад қилади”, деган сўзларидан мўмин кишиларда ҳасад мутлақо бўлмаслигини билиб олсак бўлади. Агар унда ҳасад бўлса, у ҳақиқий мўмин эмас. Муовия розияллоҳу анҳу: “Ёмон хислатлар ичида ҳасаддан одилроғи йўқ. У ҳасад қилинувчига етиб бормай ҳасадчини қатл қилади”, деди. Донишмандлардан бири: “Хурсанд бўлган пайтингда ҳасадчининг ғам чекиши унинг жазосига кифоядир”, дейди. “Мансурул ҳикам”да: “Ҳасадчининг азоб-укубати

унинг ўзидандир”, дейилган экан. Асмабий айтади: “Бир аъробийдан: “Қандай қилиб узок умр кўрдингиз?” деб сўрадим. У: “Ҳеч кимга ҳасад қилмаганимдан шунча йил яшадим”, дея жавоб қилди”. Ҳасад ва ҳавас орасини ажратиб олган киши ўзи билиб-билмаган ҳолда гуноҳга йўл қўймайди ва тинч-хотиржам ҳаёт кечиради.

ШАЙТОН ВА ҲАСАД

Диний таълимотга кўра, Аллоҳ таоло Одам Атони яратиб, уни фаришталарга намойиш этиши инсоният тарихи учун улуғ воқеадир. Аммо биргина Иблис Аллоҳ таоло амрига итоат этмай қаҳр-ғазабга учрайди. Иблис ўз қилмишига тавба ва надомат қилиш ўрнига баттар норози бўлиб, исён қилди.

“(Иблис) айтди: “Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта мен уларга (яъни, Одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли қилиб қўяман, албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздираман!” (*Ҳижр сураси, 39-оят*).

Бунинг маъноси шуки, Иблис алайҳилаъна: “Эй Раббим! Мени тўғри йўлдан адаштирганинг учун бундан кейин Одам болаларига гуноҳ-маъсиятларни чиройли қилиб кўрсатаман, уларни қабоҳатга тарғиб этаман, ёмон йўлга бошлайман, барчаларини тўғри йўлдан адаштираман”, дея таъна қилади. Бу оятда айтилишича, тақиқланган дарахтдан ейишга ундаган шайтон Одам Ато ва унинг зурриётларини гуноҳларга чақиришга ва йўлдан оздиришга қодир эканини маълум қилмоқда. Келаси оятда “Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларинггина (ҳақ йўлдан озмай қоладилар)”, дейилган. Кўриниб турибдики, шайтон ўз қилмишига пушаймон бўлмади, афсусланмади, баттар туғёнга берилиб, Одам фарзандларига душман бўлишини очик-ойдин

тан олди. Шу боис, аксар одамлар шайтон макрига учиб, тўғри йўлдан адашади, гуноҳларга кўл уради, ҳақ йўлдан тойилади, ўғрилик, қотиллик қилади, бировнинг молига кўз олайтириб, ҳақ-ҳуқуқини топташдан ҳам қайтмайди. Бироқ Аллоҳнинг ихлосли бандалари, чин тақводор кишилар шайтон васвасасига учмайдилар, Парвардигорнинг Ўзи уларни Иблис макридан сақлайди, уларни тўғри йўлдан юришга муваффақ этади.

Шайтон ва инсон ўртасидаги адоват фаришталарни инсонга сажда қилишга буюрилган вақтдан бошланган. Шу боис, бу адоватни азалий дейилади. Ана ўшанда Иблис кибр-ҳавоси туфайли Одамга сажда қилмагани учун Аллоҳ таолонинг қаҳрига учраб, лаънатга гирифтор бўлади. Ана ўшандан бери шайтон инсонларни адаштиришга ваъда беради. У башарият орасига низо ва фитна-фасод уруғини сочиб, разил ниятига эришишни илгаридан ваъда берган. Аммо қалб кўзи ёпиқ одамлар ашаддий душман – шайтонга бўйсуниб, унга итоат этган сари хорликка юз тутади, адоват ва ёмонликка йўлиқади. Бунга Иблиснинг ҳасади – лойдан яратилган инсон зотига ўзини тенг кўрмагани сабаб бўлган. Шу боис, ҳасади қўзиб, лойдан яратилган инсонни менсимади, сажда қилиш буйруғидан бош тортди. Ҳаётда ҳам Иблис йўлини тутган иблисифат бандалар йўқ эмас. Ўзи бир томчи нутфадан дунёга келган бўлса ҳам, ўзига ўхшаш дунёга келган яна бир инсондан бурун жийиради, унга паст назар билан қарайди ва уни ўзига тенг кўрмайди. Бундай қилиқни Иблисдан мерос қилиб олган издошлари давом эттириб келмоқда. Аслини таниган инсонлар бундай одатни тарк этади. Ким бўлишидан қатъи назар, инсонлар бир-бирига биродар ва оға-ини эканини унутмайди. Яъни, ҳаммалари асли лойдан яратилганини асло эсдан чиқармайди.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الشَّيْطَانَ يَجْرِي مِنْ ابْنِ آدَمَ بَجْرَى الدَّمِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهَ.

Анас ибн Молик розияллоху анху Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан ривоят қилади: “Албатта шайтон (макр-ҳийласи) одам боласининг қон томирларида юради” (Муслим, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилган).

Уламолар бу ҳадисни шундай изоҳлашган: биринчиси, ҳадис зоҳирига кўра, Аллоҳ таоло шайтонга инсон ичига кириб, қон томирларида оқиш учун куч-қувват, қудрат ато этган. Иккинчиси, бу истиорадир. Яъни, шайтоннинг инсон қон томирларида юриши бандани васваса қилиш ва адаштириш маъносини англатади. Инсон қони уни тарк этмаганидек шайтон ҳам унга ҳамроҳлик қилади. Ҳар ерда ҳозир нозир шайтон бандани йўлдан уриш пайида юради. Учинчиси, шайтон васвасаси танадаги нозик хилқат орқали қалбга етиб боради. Валлоху аълам!

Мана шу ҳадисни далил қилган айрим уламолар: “Шайтон одам боласини нафси аммора (ёмонликка буюрувчи нафс) орқали гуноҳларга бошлайди. Унинг маркаби, яъни қувватлантирувчи манбаи қондир. Бу васвасани фақат очлик ва ташналик ҳамда рўза тутиш орқали қон йўллари бекитиш билан даволанади. Ана шундай қилинса, шаҳват ва ҳою ҳаваслар ўти сўнади. Натижада, шайтон қуролроғсиз қолади”, деб айтишган.

Ҳар бир инсоннинг ҳамроҳи – шайтон унинг танасига даҳл қилиб, қон томирларида оқади. Инсон зотига буни кўриш қобилияти ато этилмаган. Қон билан бирга томирларда айланиб юрган Иблис бандани йўлдан оздириш ва исён қилишга ундайди. Агар иймон кучли бўлса, Аллоҳ таолога ибодат

қилиш билан қувватланса, шайтон заиф ва ночор ҳолда унга таъсирини ўтказа олмайди. Борди-ю, банда Аллоҳнинг нуридан холи бўлса, тоат-ибодатларини чала-чулпа ва ҳафсаласиз бажарса, шайтон унга ўз ҳукмини ўтказиб, амрига итоат эттиради. Ҳасадчиларнинг кўпида шундай ҳолат кузатилади. Шунинг учун ҳасадчи шайтон макрига тез илинади. Тўсатдан бойиб қолган ёки бирон яхшиликка эришган кишини кўрган ҳасадчи ҳасад ўтида ёнади, юрак-бағри куяди. Аслида у биродарига барака тилаб: “Аллоҳ баракали қилсин, бардавом қилсин, яхши кунларга буюрсин!” деб, унга ҳавас қилиши керак эди. Бироқ ғайрлик йўлини танлаб, шайтон ноғорасига ўйнайди. Беш бармоқ бир-биридан фарқ қилганидек, ҳаётда ҳам одамлар бир-биридан фарқлидир. Бирига етган яхшилик бирига етмаслиги, бирига келган ёмонлик яна бирини четлаб ўтиши мумкин. Бири бой яшаса, яна бири зўрға кун кечириб, оиласини амал-тақал қилиб тебратиши мумкин. Агар ўз тақдиридан рози бўлмаса, дарҳол шайтон олдига келиб, уни васваса қила бошлайди ва уни тўғри йўлдан оздиради. Натижада, ўзига ато этилмаган неъматни қўлга киритаман деган ниятда нотўғри йўлга кирганини билмай қолади.

Муҳаммад ибн Сирин: “Дунё нарсасини деб ҳеч кимга ҳасад қилмадим. Агар у жаннат аҳлидан бўлса, қандай қилиб жаннатда юрувчига ҳасад қилай? Агар у дўзах аҳлидан бўлса, қандай қилиб дўзахда юрган кишига ҳасад қилай”, деган экан. Бундан тақдири азалда битилган ёзуққа қарши бориб бўлмаслиги ва ҳасадчи ўз тақдирига битилганини тан олмаслигини тушунамиз. Бироқ хом сут эмган бандаларнинг ҳаммалари ҳам Муҳаммад ибн Сирин ўйлагандек яшамайди. Бетоқатлик қилиб, ўз бошига бало ва мусибат орттириб олади. Бунга эса ҳасад ва ҳасад ўтида ёниш сабаб бўлганини асло эсдан чиқармаслик керак.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Шайтон инсон боласининг қон томирларида оқиши, уни йўлдан оғдириши ва васваса қилиши.

2. Шайтон инсон боласини тарк этмаслиги ва гофил бандани адаштириши.

3. Шайтон инсон қалби орқали уни йўлдан уриши.

4. Шайтон васвасасидан халос бўлиш учун Аллоҳни зикр қилиш, рўза тутиш ва нафсни тийиш лозимлиги.

5. Ҳеч бир инсон шайтон васвасасидан холи эмаслиги (Фақат Аллоҳ хоҳлаган бандаларгина Иблис макридан саломат бўладилар).

Мана бу ривоятда ҳам бандага жинлар вакил қилиб қўйилгани айтилади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ إِلَّا وَقَدْ وُكِّلَ بِهِ قَرِينُهُ مِنَ الْجِنِّ قَالُوا: وَإِيَّاكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: وَإِيَّايَ إِلَّا أَنَّ اللَّهَ أَعَانَنِي عَلَيْهِ فَأَسْلَمَ فَلَا يَأْمُرُنِي إِلَّا بِحَيْرٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو أَحْمَدَ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Сизлардан ҳар бирингизга жинлардан бўлган ҳамроҳ вакил қилинган”, дедилар. Шунда: “Ё Расулуллоҳ, сизга ҳам (вакил қилинганми?)” деб сўралди. У зот жавоб бердилар: “Ҳа, шундай. Фақат Аллоҳ менга ёрдам берди, у мусулмон бўлди. Шу сабаб мени фақат яхшиликка буюради” (*Муслим ва Аҳмад ривоят қилган*).

Ҳадис таржимасида “ҳамроҳ” деб берилган сўз арабий матнда “қарийн” шаклида келган. Мазкур калима “ҳамроҳ”, “суҳбатдош”, “завж” (жуфти ҳалол) маъноларини ифодалайди. Ҳадисдаги “мусул-

мон бўлди” (арабий матнда “фа-аслама” тарзида келган) жумласини уламолар шундай изоҳлашган:

1. Мен унинг ёмонлигидан ва фитнасидан саломат бўлдим.

2. Ўша ҳамроҳ мусулмон бўлди, у мени фақат яхши ишларга буюради. Бу ўринда “аслама” феъли “бўйсунуш”, “тўлиқ итоат этиш” маъносида келади¹.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Ҳар бир бандага жинлардан бири ҳамроҳлик қилиши ва доим у билан бирга юриши.

2. Шайтон ҳар бир одамни йўлдан уриши, васваса қилиши, фитнага солиши. Ҳадисда шунга ишора қилиниб, имкон қадар шайтондан ҳимояланишга чақирилган.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шайтон васвасасидан саломат эканлари.

Қози шундай деган: “Уммат ижмоъсига кўра, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таналарида, хотирларида ва тилларида шайтон васвасасидан сақланган”. Агар банда Аллоҳни унутса, шайтон уни ўз ҳукмига юргизади, устидан ҳукмронлик қилади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Каломи мажидда шундай деган:

“Ким Раҳмон Эслатмасидан юз ўгирса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўямиз ва у ўшанга ҳамроҳ бўлади” (“Зухруф” сураси, 36-оят).

Мазкур оят таржимасида “юз ўгирса” деб берилган сўз арабий матнда “яъшу” тарзида ифодаланган. “Ашаа” феъли кўз заифлашиши, кўриш қуввати камайиши маъносини англатади. Бу ўринда басират деганда қалб кўрлиги ва яхшилиқни идрок эта олмаслик назарда тутилмоқда².

¹ Биринчи таъвил соҳибларига кўра, “асламу”, иккинчи қавл эгалари наздида эса “аслама” бўлади. Қози Иёз рафъни саҳиҳ-мухтор деган. Лекин фатҳа билан ўқиш мухтордир (Манба: Имом Нававий, “Шарҳу саҳиҳи Муслим”).

² М а н б а: Муҳаммад Саййид Тантовий, “Ал-васит”.

Кимда-ким Аллоҳнинг зикри ва Қуръонни унутса, маъсиятга ботса, дунё лаззатларига берилса, азобдан қўрқмаса, бундай банда устидан инсон ва жинлар шайтони ўз ҳукмини ўтказди, гуноҳ ва шаҳватлар зийнатлаб қўйилади, ҳалолдан тўсилиб, ҳаромга даъват этилади. Бир сўз билан айтганда, шайтон бундай кимсанинг қалби ва ақлини эгаллаб, охир-оқибат Аллоҳнинг ғазабига йўлиқтиради. Демак, ким Қуръонни – Аллоҳнинг зикрини ўзига лозим тутса, ҳидоят топади, улуғ бахтга эришади. Ким Каломуллоҳдан юз ўгирса, икки дунёда бадбахтлик балосига йўлиқади. Шайтон Қуръондан юз ўгира-диган кимсаларни ўзига дўст тутади, уларни ҳақ йўлдан адаштиради. Ваҳб ибн Мунаббаҳдан ривоят қилинади: “Одамлардан бирон киши йўқки, унга шайтон вакил қилинмаган бўлса. Шайтон кофирнинг ҳамтавоғи бўлиб, таомидан истеъмол қилади, ичим-лигидан ичади, тўшагида бирга ухлайди. Аммо мўмин банда шайтондан узоқ бўлади. Шайтон: “Мўмин қачон ғафлатда қолар экан”, деб кутиб туради ва ундан устун келишга ҳаракат қилади. Одамлар ичида шайтонга энг севимлиси уйқучи ва очкўзлардир” (*Имом Аҳмад “Зухд”да ривоят қилган*). Шунинг учун мўмин-мусулмон киши шайтон ҳар доим йўлдан уриш пайида атрофида айланиб юришини эсдан чиқармайди, қачонки бир бало ва мусибатга йўлиқса, буни ўз нафсидан билиб, Аллоҳ таолодан ёрдам беришини ва шайтон васвасасидан ҳалос этишини тилайди. Чунки ҳар доим ёнида юриб, ҳар бир хатти-ҳаракатдан хабардор душманни енгил ва унинг тузоғидан ҳалос бўлиш осон эмас. Мўмин кишининг ҳолати ҳам шундай. У Аллоҳни ёдида тутиб, ҳар доим зикрда бўлар экан, бу душман унга дахл қила олмайди, ҳамла қилганида ҳам ундан

нажот берувчи Зот борлигини ёдга олиб, ўзини ҳимоя қилади.

ҲАСАД – ЭЗГУЛИК КУШАНДАСИ

Ислом дини ҳам моддий, ҳам маънавий пок бўлишга ҳамда ҳар қандай разолат ва ёмон иллатларга қарши курашишга буюради. Ҳасад разил ва ёмон иллатлардан биридир. Қуръони Карим қалбни ҳасаддан поклашга ва ундан четланишга чақиради. Аллоҳ таоло айтади:

“Аллоҳ бирон неъмат билан бирингизни (бошқа) бирингиздан ортиқ қилиб қўйса, сизлар уни (ҳасад-адоват билан) орзу қилманг! Эркаклар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Аёллар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Сизлар (бировларга берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига) Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан сўранглар. Албатта Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи Зотдир” (*“Нисо” сураси, 32-оят*).

Ривоят қилинишича, Умма Салама розияллоҳу анҳо онамиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга: “Ё Расулуллоҳ, эркаклар ғазотга чиқади, биз унда иштирок этмаймиз. Бизга мероснинг ярми тегади...” деганида, бу хусусда Аллоҳ таолонинг **“Албатта мусулмон эркаклар ва мусулмон аёллар...”** деган ояти (*“Аҳзоб”, 35*) нозил бўлган (*Термизий, Ҳоким, Абд ибн Ҳумайд, Ибн Жарир, Саид ибн Мансур, Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти*).

Аллоҳнинг неъматлари баробар улашилмаслигига сабаб бандаларни имтиҳон қилиш ва аслини ноаслидан ажратиш учун бўлади. Бир киши жуда бойиб, мол-давлати ҳаддан ошади, бутун уруғ-аймоғига ҳам етиб ортиши мумкин. Зўрға кун кечириб, чор-ночор яшаётганлар бунинг бир ҳикмати борлигини унутади. Ахир, у сизнинг ҳимматингиз

эвазига эришгани йўқ-ку! Тўғрими? Ҳасад қилиш ўрнига сиз ҳам Аллоҳдан сўранг. Аллоҳнинг карами кенг. Ўзингизни қийнаб, бировларга ёмонлик тилаб ҳасад қилишнинг нима кераги бор?! Унинг ўрнига феълингизни кенг тутиб, инсонларга хайрихоҳ бўлинг!

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтади: “Киши: “Қани энди менда фалончининг бойлиги бўлса, пистончининг мол-дунёси бўлса!” деб орзу қилмасин, “Агар менда ҳам фалончидагидек бойлик бўлганида...” демасин. Аллоҳ бу ишдан қайтарган, балки банда Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан сўрайди”. Ҳар бир эркак ва аёл амалига яраша ҳисоб қилинади. Бундан кўпини ундан сўралмайди. Агар яхши амаллари кўп бўлса, мукофот олади, агар ёмон амаллари кўп бўлса, жазосини тортади. Аллоҳ мол-дунёга ким муносиб эканини бандасидан яхшироқ билади ва шунинг учун унга бойлик ато этади. Парвардигори олам ким учун камбағаллик афзал эканини ҳам бандасидан кўра яхшироқ билади ва уни фақир қилиб қўяди. Шунинг учун одамларни ҳолатлари, сабб-ҳаракатлари ва интилишларига қараб бир-бирларидан афзал қилиб қўйилганини кўрамыз. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қиладиларми?” (*“Нисо” сураси, 54-оят*).

Ҳасадчи Аллоҳ таолонинг фазлу марҳамати бошқалардан олиниб, улардан устун ва афзал бўлишни истайди. Ҳасад қалбини кемириб, ҳол-жонига қўймайди. Ислом тарихидан маълумки, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга берилган пайғамбарлик, нубувват ва рисолат неъматига ҳасад қилишганидан у зот келтирган рисолатни тасдиқлашмайди ва иймон келтиришмайди. Нега десангиз, Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг Бани Исроилдан эмас, араблардан чиққани сабаб бўлган. Шу тариқа уларни ҳасад ва кек-адоват адаштириб, рисолатни тан олмас-

лик даражасига етказди. Чунки Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломдан илгари Иброҳим алайҳиссалом оиласига шундай неъматларни ато этганини унутиб қўйишди. Шунингдек, Аллоҳ хоҳлаган қавми ва бандасини бошқалардан афзал ва устун қилишини унутиб, илоҳий амрга шаккоклик қилдилар.

Иброҳимга берилган нарсалардан ажабланмай, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ато этилган неъматларни кўролмасликларини бир ўйлаб кўринг! Мана шу саволга жавоб топиш масалани ҳал қилади. Аллоҳ таоло ҳасадчининг ҳасаидан паноҳ сўрашга чақириб деди: “(Эй Муҳаммад,) **айтинг: “Мен тонг Раббисидан паноҳ сўрайман. Яратган (нарса)ларининг ёмонлигидан, қоронғу кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам урувчи (аёллар)ларнинг ёмонлигидан, ҳасад қилувчи ҳасадчининг ёмонлигидан (паноҳ сўрайман)”**”.

Аллоҳ таоло мазкур оятларда бандаларини Ўзи яратган нарсалар, тугунларга дам урадиган хотинлар ёмонлиги ҳамда ҳасадчилар ғаразидан паноҳ сўрашга буюрмоқда. Мана шу айтилганлар инсон ҳаётида ҳар доим учраб туради. Шу боис, Аллоҳ таоло уларни таъкидлаб келтириш баробарида улардан паноҳ сўраш лозимлигини билдириб қўймоқда. Қуйида мазкур суранинг ҳар бир оятини алоҳида кўриб чиқамиз: “(Эй Муҳаммад,) **айтинг: “Мен тонг Парвардигоридан яратган (нарса)ларининг ёмонлигидан...”** Аллоҳ яратган махлуқот ва мавжудотларнинг ҳисоби чексиз. Улардан инсонга фойдалиси ҳам, зарарлиси ҳам бор. Лекин банда ундан қайси бири фойдалию қайси бири зарарли эканини билмайди. Шу сабаб, хоҳ жонли бўлсин, жонсиз бўлсин, банда яратилган барча нарсалар ёмонлигидан паноҳ сўраб Аллоҳга илтижо қилиши лозим. Чунки бу каби махлуқлардан бирини кўз билан кўриш иложи бўлса, бошқа бирини мутлақо кўриб бўлмайди. Аллоҳ таоло бу ўринда Ўзини нима сабабдан “тонг Парвардигор

ри” деб атаганига уламолар шундай сабабни келтирадилар: “Аллоҳ зулматли кечадан сўнг тонгни оттиради ва бутун олам чароғон бўлади. Бу ишга қодир бўлган Зот паноҳ сўровчи бандасини қалбига қўрқинч солиб турган нарсалардан сақлашга ҳам Қодирдир”.

“Қоронғу кечанинг ёмонлигидан...” Қоронғи кечадан паноҳ сўрашга амр қилиниш сабаби шуки, куёш ботиб, атроф зулматга чўмганда, ўз-ўзидан қалбни қўрқув ва ваҳима чулғаб олади. Одатда, кундуз куни бемалол ўтиладиган жойлардан кечаси хавотир билан ўтилади. Шунингдек, ёввойи ҳайвон ва ҳашаротлар кечаси инларидан овга чиқиб, ўғри ва қотиллик каби жинойтчилар ҳам айнан кечаси содир этилади. Кечаси уйқу ва ором пайти бўлишдан ташқари хавф-хатар ва қўрқувга тўлалиги учун кечанинг ёмонликларидан паноҳ сўрашга буюрилмоқда.

“Тугунларга дам урувчи (аёллар)ларнинг ёмонлигидан...” Ушбу оятда ипни боғлаб, тугунларга дам уриб, сеҳр қилувчи, эр-хотин, ота-бола орасига низо солувчи, кишиларни фаолиятдан қолдириш учун ҳаракат қилувчи жодугар аёллар ёмонлигидан паноҳ сўрашга амр қилинмоқда. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Ким бир тугун боғлаб, унга дам солса, аниқки, сеҳр қилибди. Ким сеҳр қилса, аниқки, ширк келтирибди” (*Насоий, Табароний ва Ибн Мардавайҳ ривояти. Ривоят санади заиф*).

“Ҳасад қилувчи ҳасадчининг ёмонлигидан паноҳ сўрайман”. Ҳасад энг ёмон иллатлардан бўлиб, барча гуноҳларга сабаб бўлувчи омилдир. Ер юзидаги биринчи исён ҳам ҳасад туфайли содир бўлган. Аввалги оятда айтилган тугунларга дам солувчилар ҳам ҳасад – кўра олмаслик сабабли сеҳрга қўл урадилар. Хуллас, банда жамики ёмонликлардан Аллоҳнинг паноҳини сўраб юриши керак. Зеро, У Зотдан бошқа паноҳ берувчи йўқдир. Ҳасаддан йироқ юриш лозимлиги ҳадиси шарифларда ҳам бот-бот таъкидланган.

عَنْ الزُّبَيْرِ بْنِ الْعَوَّامِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: دَبَّ إِلَيْكُمْ دَاءُ الْأُمَّمِ قَبْلَكُمْ: الْحَسَدُ وَالْبَغْضَاءُ هِيَ الْحَالِقَةُ لَا أَقُولُ تَخْلِقُ الشَّعْرَ وَلَكِنْ تَخْلِقُ الدِّينَ وَالَّذِي تَفْسِي يَدِهِ لَا تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا أَفَلَا أُبَيِّنُكُمْ بِمَا يُبَيِّتُ ذَاكُمْ لَكُمْ أَنْفُسُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Аввал ўтган умматларнинг касаллиги сизларга (махфий тарзда) ўтган. (Бу:) ҳасад ва нафрат-адоватдир. У (яъни, буғзу адоват) қирувчидир. Мен: “У сочларни қиради”, деб айтмайман, балки динни қиради. Жоним измида бўлган Зотга қасамки, иймон келтирмагунигизча жаннатга кирмайсизлар. Бир-бирларингизни яхши кўрмагунигизча (комил) мўмин бўлмайсизлар. Сизларга, шуни (яъни, ораларингиздаги меҳр-муҳаббатни) мустаҳкамлайдиган нарсани айтайми? Ўрталарингизда саломни ошкор қилинглар!” (Термизий, Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилган. Ҳадис санади ҳасан).

Бу ерда ҳасад ва адоватни касаллик дейилиши иккиси ҳам қалб касалликларига кириши сабаб бўлган. Ҳасад ботиний иллат, адоват эса зоҳирда кўринадиган маънавий дарддир. “Мен: “У сочларни қиради”, деб айтмайман, балки динни қиради”, дейиш орқали сочни қириш унга нисбатан осон ва енгил экани, бироқ ўзаро адоват ва ҳасад киши динига, дунё ва охиратига катта зарар етказишига ишора қилинмоқда. Муборакфурийнинг “Тухфатул

аҳвазий” китобида Тийбийнинг: “Устара тукни кирганидек адоват ҳам динни қиради”, дегани келтирилган. Ҳасад авлоддан-авлодга ўтиб, кейинги замонларга ҳам етиб боради. Ҳасад илк марта Одамнинг икки ўғли – Қобил ва Ҳобил замонида рўй берган бўлса, орадан неча минг йиллар ўтиб, бизнинг даврда ўзга бир қиёфада намоён бўлмоқда. Авваллари ҳаёт жуда содда, одамларнинг турмуш тарзи жуда оддий бўлган. Ҳозир эса яшаш тарзи буткул ўзгариб кетди. Шунга қараб қалбдаги иллатлар ҳам замонавий кўринишда, бутунлай ўзгача суратда намоён бўлмоқда. Ҳасад турфа шакл ва кўриниш касб этмоқда. Лекин ҳасад ва адоват ўз моҳиятини йўқотмаган, унинг зарари, касофати ҳалига қадар инсонлар бошига не-не кулфатларни солмоқда. Аксар одамлар айнан мана шу икки иллат туфайли рўшноликдан бебаҳра қолмоқдалар, азият чекмоқдалар.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Ҳасад ва адоват аввалги умматларда ҳам бўлгани.
2. Ҳасад ва адоват замонлар оша ўтиб йўқолиб кетмаслиги.
3. Ҳасад ва адоват қалб касалликларидан биридир.
4. Адоват киши дини ва иймонига катта зиён келтириши. Адоват ҳасаддан келиб чиқса ҳам, бироқ киши динига кўпроқ зарар етказди.
5. Банда иймон келтирмагунича жаннатга киролмаслиги.
6. Бандалар бир-бирларини Аллоҳ учун яхши кўришмас экан ва ўзаро меҳр-муҳаббатли бўлишмас экан, ҳақиқий мўмин бўла олмасликлари.
7. Таниган-танимаган одамга салом бериш яхши амал экани. Саломни ошкор қилиш ва ёйиш шуни

англатади. Шунингдек, баландроқ овозда салом бериш ҳам таъкидланади.

8. Бир-бирига салом бериш, ўртада саломни ошкор қилиш ва ёйиш буғзу адоватни кетказади, гина-кудуратларни аритади, муносабатларни яхшилайдди, қалбларни бирлаштиради, орада меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِيَّاكُمْ وَالْحَسَدَ فَإِنَّ الْحَسَدَ يَأْكُلُ الْحَسَنَاتِ كَمَا تَأْكُلُ النَّارُ الْحَطَبَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Ҳасаддан сақланинглар! Зеро, ҳасад худди олов ўтинни ёндир(иб, кул қил)гани каби яхшилик (савоблар) ни йўқ қилади”, деганлар” (Абу Довуд, Ибн Можа, Байҳақий, Ибн Абу Шайба ва Абу Яъло ривояти).

Бу ҳадисда ҳасаддан эҳтиёт бўлишга чақирилиб, ундан келиб чиқадиган зарар ва ҳасадчининг савоблари ҳасад қилинувчи кишининг ҳисобига ўтиши ҳақида сўз бормоқда. Пайғамбар алайҳиссалом ҳасадни зарарли оловга ўхшатганлари бежиз эмас. Ёнғин чиққан ерда олов ҳамма нарсани еб битиради. Худди шунга ўхшаб ҳасад ҳам дастлаб ҳасадчининг ўзини куйдириб, ҳаётини захарлайди, ҳузур-ҳаловатидан айиради. Шундан кейин у аланга олиб, йўлида учраган ҳамма нарсани ёндириб-куйдириб ташлайди, минг машаққат билан ишлаган ажр-савоблардан бандани жудо қилади. Ҳасад қилувчи ёмон кўрган одамани у йўқлигида ғийбат қилади, ортидан ёмон гап-сўзлар тарқатади, қалбида

унга нисбатан кучли адоват туяди. Бундай ҳолда ҳасад қилувчи тобора жарлик томон қуласа, ҳасад қилинувчи неъмат устига неъмат, фазл устига фазлга эга бўлиб бораверади.

Ҳасад инсон қалбида қайнаб турган бир олов. Қанча йиллар давомида йиғилган солиҳ амаллар ҳасад туфайли бир зумда саробга айланади ҳамда ҳасадчини зулм, ёмонлик ва адоват домига тортиб боради. Инсон ҳасад қурбонига айланмасдан, ҳасад ва ғазаб алангасида ёниб кул бўлмасдан олдин бу разил иллатни қалбидан бутунлай суғуриб ташлаши керак. Бундан бошқа давоси йўқ.

Шу ўринда, кишининг бошқаларга ҳасад қилишига нима сабаб бўлади, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Албатта, баднафслик, кўролмаслик, қаноатсизлик, ўзи учун ёзилган ризққа рози бўлмаслик иймон заифлиги ва шайтон васвасаси туфайли пайдо бўлади. Ҳасад қилувчи киши бу иллатлардан холи бўлмайди. Қачон мазкур иллат ва камчиликларни тарк этса, унда ижобий томонга ўзгариш кузатилади. Иймонда бардавом бўлиш, ҳар бир бандага муайян ўлчов ва миқдорда ризқ берилиши, кимнингдир ризқи кенг, яна кимникидир тор бўлиши мумкинлигини унутмаслик, амалда бардавом бўлиш инсонни ҳасаддан фориғ бўлишига ёрдам беради.

عَنْ ضَمْرَةَ بْنِ ثَعْلَبَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا يَزَالُ النَّاسُ بِحَيْرٍ مَا لَمْ يَتَّحَسَدُوا. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَرِجَالُهُ ثِقَاتٌ.

Замра ибн Саълаба розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Агар одамлар бир-бирларига ҳасад қилишмаса, яхшилик узра бўладилар” (Табароний ишончли кишилардан ривоят қилган).

Демак, одамлар бир-бирини кўролмаса, ичиқоралик қилса, шунга қараб ораларидан яхшилик кўтарилар экан. Ҳасадчилар кўпайган жамиятда тараққиёт бўлмайди, зоҳиран ривожланиш кузатилса-да, у ердаги муносабатлар тагидан чириб, таназул юз кўрсатади. Чунки ҳасад урчиган жойда меҳр-муҳаббат, оқибат, инсонийлик каби улуғ хислатлар аста-секин йўқолиб боради. Бири иккинчисининг тагига сув қуйиш, пайини қирқиш ҳаракатида бўлганидан кейин қандай қилиб оқибат бўлсин!

Бу ҳадисни яхшилаб мушоҳада қилсак, бугун инсоният бошига тушаётган кўпгина муаммолар ва ғам-ташвишлар бекорга эмаслигини тушуниб етамиз. Зеро, қаерда ҳасад, ичиқоралик, кўролмаслик иллати илдиз отган бўлса, ўша ер хайр-барака ва яхшиликка футур етади. Қуйидаги ҳадисда ҳам ҳасаднинг жамият ҳаёти учун нақадар хатарли экани баён қилинган.

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا ذُئِبَانَ جَائِعَانِ أُرْسِلَا فِي غَنَمٍ بِأَفْسَدَ لَهَا مِنْ حِرْصِ الْمَرْءِ عَلَى الْمَالِ وَالشَّرَفِ لِدِينِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Каъб ибн Молик Ансорий розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Молга хирс қўйиш ва (мусулмон) кишининг динига ҳасад қилиш (кўрадаги) қўйлар томон бўш қўйилган икки оч бўридан ҳам ёмонроқдир” (Термизий, Аҳмад ва Табароний ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ).

Бу ҳадисда бойликка ўчлик ва ҳасад қўй кўрасига бўш қўйилган иккита оч бўрига қиёсланмоқда. Одатда, бўри қорни очлигидан қанча қаттиқ кўриқ-

лансаям кўйларга ҳамла қилиб, ниятига етмай кўймайди. Агар ўша бўри кўй кўрасига бўш кўйилса, оқибати нима бўлади? Икки бўри ҳамма кўйларни битта кўймай еб битиради. Ҳеч бўлмаганда жароҳат етказди. Мол-дунёга хирс кўйиш ва ичиқоралик ҳам худди шунга ўхшайди. Фақат бу иккиси ҳалиги бўриларга ўхшаб кўйларга қирон келтирмайди, балки жамият аъзоларига, сизу бизга ўхшаган одамлар ҳаётига хавф туғдиради, осойишталикка раҳна солади, осуда ҳаётни булғайди.

Гуноҳкор кимса доим шайтон асири ва ўз шаҳватларига қул бўлади. У ҳибс қилиниб, озодликдан маҳрум ва ҳоли жуда аянчлидир. Чунки у ўзининг ашаддий душманига асир тушиб, бутун инон-ихтиёрини унга топшириб кўйди. Зеро, ҳавойи нафс ҳибсидан кўра кучлироқ ва шаҳват кишанларидан ҳам мустаҳкамроқ кишан йўқ. Шайтон йўриғига юрган, ўз нафси ва шаҳватлари томонидан забт этилган банда қандай қилиб Аллоҳга ва охират диёрига рағбат қила олсин?! Ҳадиси шарифда: *“Шайтон инсоннинг бўрисидир”*, дейилган (*Аҳмад бу марфу ҳадисни ҳасан лиғойриҳ санад билан ривоят қилган*).

Агар кўйларнинг кўриқчиси бўлмаса, бўрилар бир зумда уларни бўғизлаб чиқарди. Шунга ўхшаб, агар банданинг Аллоҳ тарафидан ҳимоячиси бўлмаса, унинг бўриси – шайтони лаин инсонга ҳамла қилиб, унга азият етказди. Банда тақво қилиш орқали ўзини шайтон васвасасидан ҳимоя этиши мумкин. Айнан тақво бандани дунё ва охират укубатларидан халос этади. Кўй чўпонга яқинлашган сари бўрилардан ўзини сақлай қолади. Чўпондан узоқлашган сари ҳалокатга яқинлашади. Шунингдек, қалб Аллоҳдан узоқлашса, офатларга яқинлашади. Агар Парвардигорига яқинлашса, ҳар қандай офатдан омон бўлади. Инсон ҳасад иллатидан сақланиш учун Аллоҳга тақво қилиши ва Парвардигорининг улуғли-

гини қалбан ҳис этиши керак. Аллоҳни доим ёд этган, Унинг ҳар ерда ҳозиру нозирлигини қалбдан ҳис этиб турган банда бировга ҳасад қилмайди, Аллоҳнинг берган ризқ-насибасига қаноат қилади, ўзгалар мулкига ва обрў-мартабасига асло кўз олайтирмайди.

Дунё ўз аҳлларига торлик-танглик қилади. Чунки улар дунё учун талашиб-тортишиб бир-бирларига ҳасад қиладилар. Бироқ жаннатда ҳасад бўлмайди. Чунки у ерда кўнгли торлик, ғиллу ғашлик бўлмайди. Жаннат аҳллари дунёю охиратда ҳасаддан саломатдир. Имом Муслим “Саҳиҳ”да ривоят қилган ҳадиси шарифда айтилишича, Аллоҳ азза ва жалла жаннат аҳлининг энг қуйи поғонасидаги бандага айтади:

– Сенга дунё подшоҳларидан бирига муҳайё этиладиган нарсалар берилишини истайсанми? – деб сўради.

Банда:

– Парвардигорим, розиман, – деди.

– Сенга шунча ва яна шунинг мислича, яна шунинг мислича ва яна шунинг мисличаси бўлади.

Бешинчи сафар банда:

– Парвардигорим, розиман, – деди.

Шунда Аллоҳ айтади:

– Булар ўн баравар зиёдаси билан сен учун. Сенга нафсинг хоҳлаган, кўзинг хузурланадиган нарсалар бўлади.

– Парвардигорим, розиман, – дейди банда.

Ҳасад жуда кенг тарқалган касаллик бўлиб, ундан эҳтиёт бўлиш керак. Дастлаб ҳар бир инсон бировларни ҳасад қилишдан эҳтиёт бўлсин. Қолаверса, бировларнинг ҳасадидан ҳам эҳтиёт бўлиши керак.

Ҳасад нафсоний иллат қаторига кириб, жуда кам кишиларгина ундан ўзини сақлаши мумкин. Шунинг учун арабларда “Маа холаа жасад мин ҳасад”, яъни инсон танаси ҳасаддан холи эмас, деган гап бор. Пасткаш одам ҳасадининг захрини бировга сочади, ичида кўролмаслик олови аланга олаётгани

учун қони қайнайди, кўзига қон тўлиб, бировларнинг ютуғини кўролмайдди. Олийжаноб инсон эса қалбида ҳасад аломатини сезса, уни ошкор этмайди, қалбини ислоҳ қилиш ҳақида ўйлайди.

Ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деган: “Ҳасад шундай нарсаки, инсон ботини ундан буткул халос бўлолмайдди. Одам қалбида ҳасад борлиги билан гуноҳга ботмайди, балки мусулмон биродаридаги неъматнинг йўқ бўлишини хоҳлаши билан гуноҳкор бўлади” (Манба: *“Ат-тиббуру руҳоний либнил Жавзий”*).

Ҳасад лой билан қориштирилган. Одам боласи борки, у дунёга келган заҳоти у билан бирга ҳасад ҳам дунёга келади. Кимда-ким ичидаги ҳасадни сўз ёки амал билан юзага чиқармаса, ҳечқиси йўқ (Манба: *“Сойдул хотир”*).

Инсон боласи ҳасаддан холи эмас. Магар Аллоҳ тарафидан танланган ва даражалари юксак анбиёларгина бундан мустаснодир. Пайғамбарлардан ўзга зотлар ҳасадга нисбатан ошкор этувчи ёки яширувчидир. Ҳасадчиларнинг ҳам бир қанча даражалари мавжуд. Баъзиларнинг ҳасади қалбини эгалласа ҳам, аммо унинг аломати тилида кўринмайди. Яна шундай кимсалар борки, неъматга эришган одам қаршида ўзини тутиб туролмайди, ғазабини жиловлай олмайди, кўзини лўқ қилиб, суқланиб қарайди, тили билан ғийбат қилади. Хуллас, ҳасад ёмон ва ярамас иллатлардан биридир. Мўмин киши бундай қусурдан узоқ юришга, қалбини ислоҳ қилишга ҳаракат қилиб яшайди.

ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМГА ҲАСАД ҚИЛГАН ШАЙТОН ҚИСМАТИ

Динимиз таълимига кўра, ҳасад илллати илк марта Иблисда намоён бўлган. У Одам алайҳиссаломга ҳасад қилди. Бунга Аллоҳ таоло Одамни халифалик

учун танлагани ва фаришталарни унга сажда қилишга буюргани сабаб бўлган. Шунда Иблисда ҳасад ўти аланга олди, Одамга сажда қилишдан бош тортди ва оқибатда абадий лаънатга учради. Аллоҳ таоло исёнига жазо сифатида Иблисни ҳар қандай яхшиликдан умидини узган ва тавқи лаънатга учраган шайтонга айлантирди. Иблис ҳасад ва кибр туфайли жаннатдан қувилди. Бу ҳақда Қуръони Каримда етарли ва батафсил маълумотлар мавжуд. Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад), эсланг, Биз фаришталарга Одамга сажда қилинг дейишимиз билан улар сажда қилдилар, фақат Иблис кибр ва ор қилиб кофирлардан бўлди” (*“Бақара” сураси, 34-оят*).

“Сажда” сўзи луғатда “бўйин эгиш, ўзини паст олиш”, шаръий истилоҳда эса “ибодат қилиш ниятида пешонани ерга қўйиш” маъноларини англатади¹. Уламолар Аллоҳ таолонинг фаришталарга буюрган саждаси қандай бўлгани тўғрисида бир қанча ривоятларни келтириб, аксарлари: “Ояти каримада кўзда тутилган сажда луғатдаги маънога мувофиқдир”, деган фикрни ёқлайди. Яъни, фаришталарнинг Одам алайҳиссаломга сажда қилишларидан мурод, унинг фазлига тан бериш ва бу улуғ хилқатга таъзим бажо келтиришдир. Бу саждадан мақсадни ибодат ниятида пешонани ерга қўйиш деб тушунмаслик керак. Чунки Аллоҳ таолодан ўзгага ибодат қилиш ширк амалдир, фаришталар ширкдан йироқдир. Аллоҳнинг фаришталарни Одам алайҳиссаломга сажда қилишга буюришидан яна бир мақсад, уларни синаш ва яхшидан ёмонни ажратиш эди. Бу нарсани Аллоҳнинг ҳикмати тақозо қилди. Бунини мана бу ояти каримада кўриш мумкин: **“Улар саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб кофирлардан бўлди”**.

Яъни: Эй, оқил инсон! Ўзингга ваъз-насихат ва ибрат олиш учун Раббинг фаришталарга: “Одамга,

¹ Бу маълумот Муҳаммад Саййид Тантовийнинг “Пайғамбарлар тарихи” китобининг 1–2-жузларидан олинди.

Унга таъзим ва икром келтириш учун сажда қилинг”, деганини эсла. Барча фаришталар Аллоҳнинг амрига бўйсунди, аммо Иблис такаббурлик ва ғурур билан ундан бош тортди. Бунга уни Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр қилмаслик мажбур этди. Натижада, осийлар қаторидан ўрин олиб, Аллоҳнинг раҳматидан узоқлаштирилди. “Аъроф” сурасида Иблисни Одам алайҳиссаломга сажда қилишдан тўсган нарса баён этилади:

“Аниқки, Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнгра фаришталарга: “Одамга сажда қилинглар”, дедик. Бас, улар сажда қилдилар. Магар Иблис сажда қилгувчилардан бўлмади. (Аллоҳ) деди: “Мен сенга буюрган пайтимда сени сажда қилишдан нима тўсди?” “Мен ундан яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг”, деди у. (Аллоҳ) деди: “У ҳолда ундан тушгин! Сен учун унда кибру ҳаво қилиб юриш жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта сен хор бўлгувчилардандирсан!” “Менга улар тириладиган кунгача муҳлат бер”, деди у. (Аллоҳ) деди: “Сен муҳлат берилганлардансан”. У айтди: “Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни кутиб ўтирурман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздираман) ва уларнинг кўпларини шукр қилган ҳолларида тополмайсан”. (Аллоҳ) айтди: “Ундан жирканч ва мағлуб ҳолда чиқ! Қасамки, улардан кимда-ким сенга эргашса, албатта жаҳаннамни сизларнинг барчаларингиз билан тўлдирурман” (“Аъроф” сураси, 11–18-оятлар).

Яъни, Биз оталарингиз Одамни бирон суратга эга бўлмаган ҳолида лойдан яратдик, сўнгра унга сурат бердик. Ёки Биз сизларни оталарингиз Одамнинг бе-лида яратдик ва сизлардан Аллоҳ таолога ибодат қилишларингиз ва Унга бирон нарсани ширк келтир-

маслигингиз тўғрисида мийсоқни олаётган пайтимизда сизларга сурат бердик. **“Сўнгра фаришталарга: “Одамга сажда қилинглар”, дедик. Бас, улар сажда қилдилар. Магар Иблис сажда қилгувчилардан бўлмади”**.

Сўнгра Аллоҳ Иблисни сажда қилишдан тўсган сабабларни баён этиб деди: (Аллоҳ) деди: **“Мен сенга буюрганимда сени сажда қилишдан нима тўсди?”** Яъни, Аллоҳ таоло Иблисга танбеҳ ва маломат маъносида: **“Мен сени фаришталар билан бирга сажда қилишга буюрган бўлсам-да, сени ундан нима тўсди ёки сени сажда қилмасликка нима ундади”**, деганида бунга Иблис шундай деб жавоб беради: **“Мен ундан яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг”**.

Яъни, Иблис тавба қилиб, ўз ишига афсус-надомат чекиш ўрнига, Аллоҳ таолога исён этишда давом этиб, ғурур ва манманлик билан ўзининг Одамдан яхшироқлигини писанда қилди. Чунки у ўзининг оловдан яратилиб, Одамнинг эса оддийгина лойдан яратилганини таъна қилди. Сўнгра Аллоҳ таоло деди: **“У ҳолда ундан тушгин!”**

Яъни, Менга, Менинг амримга исён қилганинг, тоатимдан бўйин товлаганинг сабабли жаннатдан чиқ. **“Сен учун унда кибру ҳаво қилиб юриш жоиз эмас”**, яъни жаннатда манманлик қилиш дуруст эмас, чунки у ер мутакаббирларга ҳозирлаб қўйилмаган. Зеро, у Менинг тоатимга итоат этувчилар, камтарин зотлар маконидир.

“Бас, чиқ! Албатта сен хор бўлгувчилардан дирсан!”

Яъни, эй Иблис, жаннатдан чиқ, сен Аллоҳ ва Унинг суюкли бандалари наздида хор бўлгувчилардансан, бунга сендаги такаббурлик ва ғурур сабаб бўлди. Сўнг Иблисининг Аллоҳ таолодан нима талаб қилгани ва унга қандай жавоб қайтаргани баён этилади: У (Иблис): **“Менга улар тириладиган кунгача муҳлат бер”**, деди.

Яъни, Иблис айтди: Эй Раббим, менинг ажалимни кечиктир, мени Одам билан унинг зурриёти қабрларидан тириладиган кун (қиёмат куни)гача ўлдирмай тур. Иблис бу билан ўлимдан кутулишни ва қиёматгача Одам болаларини йўлдан оздиришни хоҳлаган эди. (Аллоҳ) айтди: **“Сен муҳлат берилганлардансан”**.

Яъни, Аллоҳ таоло Иблисга маълум вақт (қиёмат куни)гача ажалини кечиктирганини хабар бермоқда. Шундан кейин ана шу муҳлатни олган Иблис Одам ва унинг зурриётини йўлдан оздириб, макр-ҳийла ишлатишга ва уларга озор бериш учун ваъда бериши ҳақида ҳикоя қилинади: **У айтди: “Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни кутиб ўтирурман”**.

Яъни, мени йўлдан оздириб, Ўз раҳматингдан узоклаштирганинг сабабли Одам билан зурриётларини ҳақ йўлда кузатиб тураман ва уларни йўлидан тўсаман. Уларни тўғри йўлдан адаштириш учун қанча ҳийлам бўлса, уларни ишга соламан.

“Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздираман)”.

Яъни, уларга душман ўз рақибига ҳужум қиладиган тўрт томон – олд, орқа, чап ва ўнг томондан яқинлашаман, уларни Сенинг тўғри йўлингдан адаштирмай қўймайман. Оқибатда **“уларнинг кўпларини шукр қилган ҳолларида тополмайсан”**.

Яъни, уларнинг аксариятини амрингга бўйсунмаган ва берган неъматларингга шукр қилмаган ҳолларида кўрасан.

(Аллоҳ) айтди: **“Ундан жирканч ва мағлуб ҳолда чиқ!”** Яъни, Аллоҳ таоло Иблисга: **“Жаннатдан маломат қилинган, таҳқирланган ва раҳматимдан қувилган ҳолингда чиқ!”** деди.

“Қасамки, улардан кимда-ким сенга эргашса, албатта жаҳаннамни сизларнинг барчаларингиз билан тўлдирурман”. Яъни, жаннатдан ҳайдалган

холингда чиқ ва шуни билки, жин ва инс тоифасидан сенга эргашганларнинг ҳам, сенинг ҳам борар жойинг жаҳаннам бўлади. У нақадар ёмон жой!

“Ҳижр” сурасининг 28–43-оятларида бу қиссани тўлдириб келувчи оятлар мавжуд. Унда Иблиснинг содиқ ва ихлосли мўминларни тўғри йўлдан чалғита олмаслигини эътироф этиб ўтилган. Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам), эсланг, **Раббингиз фаришталарга: “Мен (асли) қора балчиқдан (олиб), қуритилган лойдан инсон Яратувчиман. Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган холингизда йиқилингиз!”** деди. Барча фаришталар унга сажда қилдилар. Фақат Иблис сажда қилувчилар билан бўлишдан бош тортди. (Аллоҳ) деди: **“Эй Иблис, сенга не бўлдики, сажда қилгувчилар билан бирга бўлмадинг?”** (У) айтди: **“Мен қора балчиқдан олиниб, (одам сурати берилгач), қуритилган лойдан Сен яратган башарга сажда қилувчи эмасман”.** (Аллоҳ) деди: **“Бас, ундан (жаннатдан) чиқ! Энди сен қувилган малъунсан”,** яъни Менинг раҳматимдан узоқлаштирилгансан ва **“То жазо кунигача сенга лаънат бўлур”.**

Яъни, жазо ва ҳисоб куни бўлмиш қиёматгача сенга лаънатим давомий бўлади. Шунда Иблис: эй Раббим, менга улар тириладиган кунгача муҳлат бер, менинг жонимни олмай тур, деди. Аллоҳ: **“Сенга муҳлат берилди”,** деб айтди. Бунга “шукр” сифатида Иблис шундай деди: Энди мени йўлдан оздирганинг туфайли барчаларини йўлдан адаштираман, уларга ер юзида гуноҳ-маъсиятларни зийнатлаб кўрсатаман, илло булар ичида содиқ ва мухлис бандаларинггина бас кела олмасман, чунки уларнинг иймонлари, Сенга бўлган ишончлари кучли. Шунда Аллоҳ деди: **“Менинг зиммамдаги тўғри йўл шудир”.**

Яъни, эй Иблис, мухлис бандаларимни йўлдан оздира олмаслигинг Менинг ҳикматим, адолатим ва раҳматимдир. **“Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай ҳукмронлик йўқдир”**, яъни, Менинг ихлосли бандаларимни тўғри йўлда чалғитишга қудратинг етмайди. **“Илло сенга эргашган гумроҳларнигина (йўлдан оздира олурсан)”**.

Яъни, фақатгина адашиб, сенга эргашган одамлар орасидаги иймони заиф бўлган кимсаларнигина тўғри йўлдан оздира олурсан. **“Уларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой жаҳаннамдир”**. Яъни, Иблис ва унга эргашган, тўғри йўлдан чалғиганларнинг борар жойи жаҳаннамдир.

Мазкур оятлар баёни ва тафсиридан маълум бўладики, оловдан яратилган Иблис оддий лойдан яратилган Одам алайҳиссалом ва пуштикамаридан дунёга келадиган наслларига ҳасад қилиб, уларнинг катта душманига айланди. Аммо шайтон ўзининг душманлигини очик-ошкор тарзда намоён этмайди, балки уларни шахват ва нафс истакларини дунё зийнатлари ва лаззатларига буриш орқали намоён этади. Шу боис, шайтонга алданиб, унинг йўл-йўриғига юрганлар уни ўзларига дўст деб ҳисоблайди. Кўриниб турибдики, Иблиснинг ҳасад қилиши туфайли кек-адоват пайдо бўлди. Зеро, мазкур адоват ва ҳасадни Алишер Навоий бобомиз баён этиб, ундан огоҳлантиради: “Инсон била шайтон орасида адоват ва табиий мухолифат – бири ўтдин ва бири туфроғдин. Бу адоват ораларидадур ул чоғдин ўт ғолиб бўлса, туфроғни кул қилур ва туфроғ ғолиб бўлса, ўтни ўчирур. Одам ва шайтон мухолифатин унутма. Ота душманин ўзунгга дўст тутма. Отангни беҳиштдек маъманидин жало қилди ва йиллар хокдон ғарибистонида залил ва мубтало қилди. Ва отанг авлодидин баъзи анга интиқом туздилар ва хору забун қилиб жафолар кўргуздилар. Нафсни чун тақво риёзати била зеридаст қилдилар – шайтонни залиллик била ерга паст

қилдилар. Сизнинг бу адоватингиз ҳаргиз адам бўлмас. Бу душманлиқ орангизда ҳаргиз кам бўлмас. Бу ғолиб душмандин бир дам ғофил қолма, ўчуролмас исён ўтин ўз хирманингга урма”.

ОҒА-ИНИ ҚОБИЛ ВА ҲОБИЛ ОРАСИ ҚАНДАЙ БУЗИЛДИ?

Одам Ато ва Мома Ҳаво ер юзига тушганларидан кейин энди жаннатдагидек исталган ноз-неъматларини топа олмасдилар. Ўзларига зарур озуқани топиш эртадан-кечгача тер тўкиб меҳнат қилишни тақозо этарди. Ана шу вақтда Аллоҳ таолодан ўзларига ўхшаш инсонларни яратишини ва дунёнинг тўрт тарафига ёйилиб яшашни дуо қилиб сўрашди. Шу тариқа, Яратганнинг марҳамати туфайли улардан фарзандлар дунёга келиб, ер юзига тарқала бошлади. Бугун ер юзида яшаётган барча инсонлар Одам Ато ва Мома Ҳаво зурриётлари ҳисобланади. Бу иккисидан илк туғилган фарзандлар Қобил ва Ҳобилдир. Шайтон Одам болалари орасига низо солиш ва қалбларига ҳасад уруғини сочиш ҳийласини қидира бошлади. Ер юзида илк марта содир этилган мудҳиш жиноят ҳам айнан ҳасад туфайли амалга ошди. Қобил биродари Ҳобилни кўра олмасдан унинг жонига қасд қилди. Қуръони Каримнинг “Моида” сурасида Қобил ва Ҳобил қиссаси келтирилган¹. Аллоҳ таоло айтади:

“(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам), уларга Одамнинг икки ўғли ҳақидаги хабарни ҳаққирост тиловат қилинг, ўшанда у иккови қурбонлик қилганларида бировларидан қабул қилинган, иккинчиларидан қабул қилинмаган эди. Шунда у: “Қасамки, сени ўлдирурман”, деганида биродари айтди: “Аллоҳ фақат тақводорлардангина қабул қилур”. Қасамки, агар сен мени ўлдириш учун қўл чўзсанг, мен сени ўлдириш учун

¹ Бу маълумот Муҳаммад Саййид Тантовийнинг “Пайғамбарлар тарихи” китобининг 1–2-жузларидан олинди.

қўл чўзгувчи эмасман. Чунки мен бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳ таолодан қўрқаман. Мен сени менинг гуноҳим ҳамда ўзингнинг гуноҳинг билан қайтиб, дўзах эгаларидан бўлиб қолишингни истайман. Золимларнинг жазоси шудир.

Бас, нафси унга биродарини ўлдиришни чиройли кўрсатиб (Қобил) уни ўлдирди ва зиён кўргувчилардан бўлиб қолди. Сўнгра Аллоҳ унга биродарининг мурдасини қандай кўмишни кўрсатиш учун ер титадиган бир қарға юборди. У (қарғанинг қилаётган ишини кўриб): «Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми – биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадимми?!» деб надомат қилгувчилардан бўлиб қолди. Ана ўша (қотиллик) сабабли Биз Бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) битдик: Кимки бирон жонни (ўлдирмаган) ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган бир одамни ўлдирса, демак, у гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, демак, у гўё барча одамларга ҳаёт берибди. Ҳақиқатан, Бизнинг пайғамбарларимиз уларга (Бани Исроилга) мана шундай хужжатлар келтирдилар. Шундан кейин ҳам уларнинг кўплари Ер юзида (қон тўкиш билан) ҳаддан ошиб юргувчидирлар” (“Моуда” сураси, 27–32-оятлар).

Ушбу ояти карималар Мусо алайҳиссалом қавмининг разилликлари ҳақидаги узун ҳикоядан сўнг келтирилади. Қавм у кишига эргашмайди, балки қарши бориб, манманлик ва одобсизлик билан “Бас, боргин (эй Мусо), сен ўзинг ва Парвардигоринг улар билан уришаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб (кутурмиз)”, дедилар (“Моуда” сураси, 24-оят).

Ушбу оятни келтиришдан мақсад, Набий солаллоҳу алайҳи васалламга ўз қавмларидан етган жабр-зулм ва азиятларни енгиллатиш, Пайғамбарга эргашмай, унга адоватда бўлиш худди Қобилнинг ўз биродари Ҳобилга бўлган ҳасади ва душманлигига

Ўхшаб кетишини баён қилишдан иборат эди. Яъни, эй Муҳаммад, одамларга ибрат ва насиҳат олишлари учун Одамнинг икки ўғли Қобил ва Ҳобил қиссасини тиловат қилинг. Улардан ҳар бири қурбонлик, яъни у билан Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш учун ўз молларидан садақа қилдилар. Аллоҳ Ҳобилнинг садақасини содиқ ва ихлосли бўлгани учун қабул қилди. Қобилнинг садақаси эса нияти ёмонлиги ва тақвоси йўқлигидан ижобат бўлмади. Шунда у ўз биродари Ҳобилга ҳасад ва зулм билан шундай деди: “Сенинг садақанг қабул қилиниб, меники рад этилгани сабабли энди сени аниқ ўлдираман”. Бунга жавобан тақво ва ихлос соҳиби Ҳобил золим ва ҳасадгўй Қобилга шундай жавоб берди: **“Аллоҳ фақат тақводорлардангина қабул қилур”**.

Яъни, тоат-ибодат ва садақаларни Аллоҳ таоло фақатгина ундан ошкора ва махфий тарзда кўркувчи тақводор бандаларидан қабул қилади, Аллоҳ берган неъматга ҳасад қилгувчи золим бандалардан эса қабул қилмас, сен ҳам Аллоҳ таоло садақангни қабул қилиши учун тақводорлардан бўл! Ҳобилнинг Қобилга берган жавоби юксак панд-насиҳат ва иршодлар рамзидир. Яъни, у садақа мақбул бўлишида тақво ва нафси Аллоҳ таоло рози бўлмайдиган нарсалардан тийиб юриш васила эканини билдирмоқда. Шундан кейин Ҳобил ваъз-насиҳат қилишдан, ўз қалбининг поклиги ва бағрикенглигини намоён этувчи сўзларга ўтади: **“Қасамки, агар сен мени ўлдириш учун қўл чўзсанг, мен сени ўлдириш учун қўл чўзгувчи эмасман. Чунки мен бутун оламлар Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан кўрқаман”**.

Яъни, Ҳобил Қобилга ўзаро биродарлик ҳақларини эслатиб шундай деди: Агар сен мени зулм ва ҳасад қилиб ўлдирмоқчи бўлсанг, мен сени ўлдиришга қодир бўлсам-да, бундай қилмайман, чунки мен оламлар Раббиси Аллоҳ таолодан кўрқаман, У мени сенга қарши қўл чўзганимни кўриб қолишидан чў-

чийман. Зеро, бировни ноҳақ ўлдириш катта гуноҳдир, хусусан бу икки ака-укалар ўртасида содир бўлса... Бироқ Қобил **“Сени ўлдирурман”**, дея қасам ичди, Ҳобил ҳам бировни ўлдирмаслик учун қасам ичди. Шу ерда икки ака-ука ўртасида ахлоқ-одоб ва табиат жиҳатидан катта фарқ борлиги кўзга ташланади.

Шундан сўнг Ҳобил насиҳат қилишда бошқа услубга ўтди, яъни ноҳақ қотиллик қилувчиларнинг тақдири ёмон бўлишини билдиради: **“Мен сени менинг гуноҳим ҳамда ўзингнинг гуноҳинг билан қайтиб, дўзах эгаларидан бўлиб қолишингни истайман. Золимларнинг жазоси шудир”**.

Яъни, Ҳобил Қобилни огоҳлантириб деди: Аллоҳ таоло сенга фақат тақводор бандаларидангина қабул қилишини баён қилди, сен улардан бўлгин, мен сенга биродарлик ҳақларини эслатдим, сени ўлдиришдан мени тўсаятган нарса Аллоҳ таолодан кўркувим эканини ҳам айтиб ўтдим. Охири сенга айтаманки, мен сени Аллоҳ таолога зулм ва ҳасад туфайли қотиллик гуноҳингни кўтарган ҳолатингда Аллоҳ таолога қайтишингни хоҳлайман ва шу гуноҳинг туфайли охиратда жаҳаннам эгаларидан бўласан, бу адолатли ҳукм ҳамда ўз нафси ва ўзгаларга зулм қилгувчи кимсаларнинг жазосидир.

Ҳикоянинг шу жойигача Ҳобил ўз акасига баъзида тарғиб билан, баъзида эса тарҳиб (кўрқитиш) билан бир қанча насиҳатлар қилди. Афсуски, Қобил унинг насиҳатларига кулоқ солмай, жирканч ва қабих жиноятга қўл урди. Келаси оят шу ҳақда хабар беради: **“Бас, нафси унга ўз биродарини ўлдиришни чиройли кўрсатиб (Қобил) уни ўлдирди ва зиён кўргувчилардан бўлиб қолди”**.

Қуртубий **“Бас нафси унга чиройли кўрсатиб...”** жумласини шундай тафсир қилади: **“Нафси бу ишни қилишга уни васваса қилди, руҳлангирди ва ўз биродарини ўлдиришни осон қилиб кўрсатди ва Қобил бу ишни қилди”**. Яъни, Қобил эшитган насиҳатларни

унутди, нафси унга оғир жиноятни зийнатлаб қўйди, уни ўлдирди ҳамда дунёю охиратда қаттиқ надомат қилгувчилардан, зиён кўргувчилардан бўлиб қолди. Унинг дунёда надомат қилгувчилардан бўлиб қолишига ўз укасини ўлдириши сабаб бўлди, ака-ука бир-бирига суянчиқ ва ёрдамчи бўлишдан жудо бўлди. Охиратда надомат чекувчилардан бўлиб қолишига сабаб эса, у оғир жиноят, яъни одам ўлдиришдек манфур бир гуноҳ ишга қўл урди.

Кейинги оятда ўз укасини ўлдирганидан сўнг нима содир бўлгани ҳақида шундай дейилган: **“Сўнгра Аллоҳ унга биродарининг мурдасини қандай кўмишни кўрсатиш учун ер титадиган бир қарға юборди. У (қарғанинг қилаётган ишини кўриб): “Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми – биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадимми?!” деб надомат қилгувчилардан бўлиб қолди”.**

Яъни, Қобил энг жирканч жиноятни амалга оширгач, қаршисида бир мурда ётганини кўриб, уни нима қилиш ҳақида бош қотирди – ҳайрон бўлди.

“Сўнгра Аллоҳ унга ер титадиган бир қарға юборди”. Яъни, Аллоҳ таоло тумшуғи ва оёқлари билан ер ковлайдиган бир қарғани осмондан туширди. Мақсад ушбу қотилга мурдани қандай кўмишни ўргатиш эди. Яъни, Қобил маййит ҳиди тарқалмаслиги ёки ҳайвон ва қушларга емиш бўлмаслиги учун унинг жасадини тупроққа кўмишга йўл кўрсатилди. Шу ерда Қобил қилиб қўйган оғир гуноҳини тушуниб, афсусланади: **“Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми – биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадимми?!”**

Яъни, менинг айёрлигим шу қарғачалик бўлиб, ўз укамнинг жасадини тупроққа кўмишимга қодир қилмадимми? Қарға қушларнинг энг паст табақасига мансуб, мен эса ақлли одамман-ку?! У ўзига шундай саволларни бериб, ўша қарғачалик бўла олмагани учун **“надомат қилгувчилардан бўлиб қолди”.**

Бу Қуръони Каримда ҳикоя қилинган Одамнинг икки ўғли – Қобил ва Ҳобил қиссасидир. Тадаббур қилиб кўрган одам бу қиссадан ўзига кўпгина ҳикмат ва ибратларни олиши мумкин. Булар:

1. Ушбу қисса Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг даргоҳидан нозил қилинганига далиллардан бири бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунга қадар бу ва шунга ўхшаш қиссаларни билмас эдилар. Аллоҳ таоло у зотга токи ақл эгалари ибрат олишлари учун таъсирли услубда ҳикоя қилмоқда: **“Албатта бу ҳақ-рост қиссадир. Ва ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Аллоҳнинг Ўзи бор. Ва албатта Аллоҳнинг Ўзигина қудрат ва ҳикмат Эгасидир”** (*“Оли Имрон” сураси, 62-оят*).

2. Аллоҳ таолога тақво қилиш, ихлосли ва яхши ниятли бўлиш ибодатлар ижобат бўлиши учун васила экани.

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ҳобил тилидан бизга ҳикоя қилади, у ўз акаси Қобилга насиҳат қилар экан, шундай деди: **“Аллоҳ фақат тақводорлардангина қабул қилур”**.

3. Ҳар бир замон ва маконда одамлар ичида Аллоҳ улардан рози ва улар ҳам Аллоҳдан рози бўладиган яхшиларнинг ҳам, тўғри йўлни кўрсалар, ундан четланиб залолат йўлини тутувчи ёмон кишиларнинг ҳам бўлиши. Яхши кишиларни Қуръонда айтилганидек, Ҳобил мисолида кўриш мумкин. У ўз акасига ҳикматли насиҳатлар қилиб, амали қабул бўлиши учун уни Аллоҳга тақво қилишга чақирди, иккинчидан, биродарлик ҳақлари ва у тақозо этадиган нарсаларга риоя этишга ва учинчидан, одам ўлдиришдек манфур жиноятни содир этмасликка даъват этди. Аммо ёмон кишиларни Қобил мисолида кўриш мумкин. У золим, ҳасадгўй ва манфур киши бўлиб, укасининг насиҳатларига қулоқ илмади, балки жоҳиллиги устун келиб, ўз ҳасади ва ғиллу ғашларини “йўқотиш” мақсадида уни ўлдирди.

4. Агар ҳасад иллатига гирифтор бўлинса, нафс халокатга етаклайди. Адоват, гуноҳ, тугён ва залолат зийнатлаб кўрсатилиши.

Ушбу қиссадан очик-ойдин кўриш мумкинки, Қобилнинг Ҳобилга ҳасади укасини ўлдиришга ундаган асосий сабаблардан бири бўлди. Ушбу қотиллик ер юзидаги илк маротаба содир этилган жиноятдир. Алусий айтади: “Муслим ва Бухорий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “(Ер юзида) илк марта Одам фарзанди (Ҳобил) зулм билан ўлдирилди, шунинг учун бу нарса қотилликни бошлаб берди”. Ибн Умар розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар: «Биз (Қиёматда) Одам фарзанди, қотил бўлмиш (Қобил)ни жаҳаннам аҳлининг азоблари унга бўлиб берилаётганини кўрамиз, уларнинг ярим азоби унга бўлади” (*Байҳақий ва Ибн Жарир ривояти*).

Ушбу қиссанинг охирида Аллоҳ таоло шундай дейди: **“Ана ўша сабабли Биз Бани Исроил зиммасига (шундай фармонни) битдик: Кимки бирон жонни (ўлдирмаган) ва ерда бузғунчилик қилиб юрмаган бир одамни ўлдирса, демак, у гўё барча одамларни ўлдирибди ва кимки унга ҳаёт ато этса, демак, у гўё барча одамларга ҳаёт берибди”**. Яъни, Қобил укаси Ҳобилни зулм ва ҳасад билан ноҳақ қатл этгани учун “Ким одамлар орасидан бир жонни ноҳақ ўлдирса, гўё у барча инсонларни ўлдирибди, кимки уларни ўлимдан қутулишига сабаб бўлса, гўёки у барча инсонларни тирилтирибди (қутқарибди)”, деб ёзиб қўйдик.

5. Инсон бирон хатога йўл қўйгач, афсус-надомат қилиши ундан ўша гуноҳни кетказмайди, чунки бу ҳар бир одамга хос хислатдир, ҳар ким бир қабиҳ ишни қилиб қўйгач, ундан афсусланиши табиий. Лекин кимки бирон гуноҳ содир қилиб, кейин Аллоҳни эсласа, Унга чин дилдан – насух тавба қилса ва қил-

миш-гуноҳларидан қайтса, Аллоҳ у бандани кечиради. Бунинг учун, яна такрорлаб ўтамиз, чин қалбдан истиғфор айтиш ва тавба қилиш керак.

ЮСУФ АЛАЙҲИССАЛОМ ВА ОҒИ-ИНИЛАР ҲАСАДИ

Юсуф алайҳиссалом қиссаси Қуръони Каримдаги энг гўзал ва ибратга бой қиссалардан биридир. Юсуф алайҳиссалом ҳали ёш бола вақтида бир туш кўради ва уни отаси Яъқуб алайҳиссаломга айтиб беради. Бу ҳақда Қуръонда шундай дейилган: **“Юсуф отасига: “Эй отажон, мен ўн битга юлдузни ҳам, қуёш ва ойни ҳам кўрдим, уларнинг менга сажда қилаётганларини кўрдим”, деганини эсланг”**.

Яъқуб алайҳиссалом боласига тушда етган хабар бежиз эмаслигини ва бу ёшдаги равон башорат остида бир сир борлигини англаб тараддудга тушди. Чунки туғишмаган (ота бир, она бошқа) акаларга бу туш ўз-ўзидан маъқул бўлмаслигини яхши ҳис этарди. Шунинг учун Юсуфга қараб: **“Эй ўғлим, тушингни акаларингга айтма. Яна улар сенга бирон ҳийла қилмасинлар. Албатта шайтон инсонга очиқ-ойдин душмандир”**, деди. Ота туғилажак ҳасаддан хавфланиб, ўғлини огоҳлантирди: **“Шундай қилиб, Раббинг сени танлаб олади, сенга тушларнинг таъбирини ўргатади, сенга ва Яъқуб аҳлига, худди оталаринг Иброҳим ва Исҳоққа батамом қилганидек, Ўз неъматларини мукаммал қилиб беради. Албатта Парвардигоринг билувчи ва ҳикматли Зотдир”**, деди. Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки фарзандидан Юсуф алайҳиссаломнинг танланиши бежиз эмас эди. Бунинг ҳикматлари қисса давомида маълум бўлиб боради. Яъқуб алайҳиссаломнинг ўн икки ўғлидан ўнтаси бир онадан, Юсуф алайҳиссалом билан укаси Бинёмин бошқа онадан бўлишган. Акалари шу сабабдан Юсуф алайҳиссалом ва укасига бошқача назар билан қараб, оталари укаларини суй-

ганида рашклари қўзғалар, ўзаро суҳбатларда отадан шубҳаланиб, ғийбатга ўтардилар. Қалбларида ниш урган ҳасад ва кек уларни тўғри йўлдан адаштираётган эди. Бу бир васваса бўлиб, малъун шайтон измига тушганларини сезмайдилар. Шунинг учун “отамиз очик-ойдин залолатда” деган қарорга келишлари оталари шаънига тухматдан бошқа нарса эмасди. Оқибатда Юсуф алайҳиссаломга қасд қилиш режасини тузишди. Шу мақсадда оталари билан баҳс-мунозара қилишди.

Келинг, мазкур ибратли қиссани бир бошидан кўриб чиқамиз. Қисса қуйидаги оят билан бошланади: “Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг оға-иниларида сўрагувчилар учун оят-ибрат бордир. Ўшанда улар айтган эдилар: “Гарчи биз бутун жамоат бўлсак-да, шак-шубҳасиз, Юсуф ва унинг биродари отамизга биздан кўра суюклироқдир. Дарҳақиқат, отамиз очик залолатдадир. (Яна дедилар:) “Юсуфни ўлдиришлар ёки бирон жойга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақатгина сизга боқар. Кейин эса яхши қавм бўлиб олурсизлар. (Шунда) улардан бир сўзлагувчи деди: “Юсуфни ўлдирманглар, балки агар бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи карвонлар олиб кетсин”. Улар дедилар: “Эй ота, не сабабдан Юсуфни бизга ишонмайсан? Ахир, биз уни, шак-шубҳасиз, холис (яхши кўрувчи)лармиз-ку. Уни эртага биз билан юборгин, ўйнаб-ёзилиб келсин. Албатта биз уни кўриқлаб-муҳофаза қилувчилардирмиз”. (Яъқуб) деди: “Уни олиб кетишларингиз мени маҳзун қилур. Мен, сизлар ғафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан кўрқурман”. Улар дедилар: “Қасамки, агар биз бутун бир жамоат бўлган холимизда уни бўри еб кетса, демак биз, шак-шубҳасиз, зиён кўргувчи – ҳалок бўлгувчилардирмиз”. Бас, қачонки уни олиб кетишиб,

сўнгра қудук қаърига ташлашга қасд қилган вақтларида, Биз унга: “Сен албатта бу қилмишлари ҳақида хабар берурсан. Улар ўшанда сезмайдилар ҳам”, деб ваҳий қилдик” (“Юсуф” сураси, 7–15-оятлар).

“Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг оға-иниларидан сўрагувчилар учун оят-ибрат бордир”.

Яъни, Юсуф ва оға-инилари қиссасида бу қисса ҳақида сўровчи ва ундаги ҳукмлардан ўзига керакли хулоса чиқариб олувчи ақл соҳиблари учун ибрат ва панд-насихатлар бор. Мазкур оят билан Юсуф алайҳиссалом қиссаси бошланади. Бу оят кейинги ҳодисаларга ўқувчи диққатини тортади, воқеаларнинг кейинги ривожини ва тафсилотларидан хабардор бўлишга ундайди.

“Ўшанда улар айтган эдилар: “Гарчи биз бутун жамоат бўлсак-да, шак-шубҳасиз, Юсуф ва унинг биродари отамизга биздан кўра суюклироқдир. Дарҳақиқат, отамиз очик залолатдадир”.

Ояти каримада келган “унинг биродари”дан мурод Юсуф алайҳиссаломнинг туғишган укаси Бинёмин бўлиб, у Юсуфдан кичик бўлган. Қолган оға-инилари отасининг бошқа хотинларидан дунёга келишган. Ояти каримада келган залолатдан мурод, ақида ва диндаги адашиш эмас, балки фарзандларга муносабатда адашиш ва ҳар бирининг мавқеини тўғри баҳоламасликдир. Яъни: оға-инилар Юсуфга макр режасини туза туриб, шундай дедилар: “Бизлар отамиз хизматига яроқли ва унга кўп фойда келтирадиган бўлсак-да, Юсуф билан укаси Бинёминни отамиз кўпроқ яхши кўради ва у иккисини бизлардан устун кўяди! Албатта, отамиз бу иши билан катта хато қиляпти. Биз катталар турганда қаёқдаги икки ёш болани афзал кўрмоқда!

Бу гаплари билан ака-укалар бор айбни оталарига юклаб, ўзларини оппоқ қилиб кўрсатмоқчи. Бизларни Юсуф ва Бинёминдан ажратиб, орамизга совуқчилик

тушишига фақатгина отамиз сабачи, демоқчи бўладилар. Оталари шаънига айтилган бу ҳукм ноўрин эди, чунки Юсуф алайҳиссаломда афзал кўришга арзийдиган кўплаб фазилатлар бисёр ва жамулжам эди. Алусий айтади: “Ривоят қилинишича, Юсуф алайҳиссалом оға-иниларидан кўра отасига гўзал хулқи ва одоб-ахлоқи билан яхши кўринган. Қачонки юқорида айтиб ўтилган тушни кўргач, Яъқубнинг унга нисбатан оталик муҳаббати янада зиёдалашди. Бунини деб Яъқуб алайҳиссаломни маломат қилиш жоиз эмас, чунки муҳаббат қалбга инсон боласининг хоҳиш-иродаси ёки бирон киши таъсири остида қирмайди” (*“Тафсирул Алусий”, 12-жилд, 171-бет*).

Шундан кейин Юсуф алайҳиссаломни нима қилиш тўғрисида бир қарорга келиб, шундай дедилар: **“Юсуфни ўлдиришлар ёки бирон жойга олиб бориб ташланглар, (шундагина) оталарингиз фақатгина сизга боқар. Кейин эса яхши қавм бўлиб олурсизлар”**.

Яъни, оға-инилар пинҳона маслаҳатлашиб, ўз дилларидагини ошкор этдилар: “Отамиз яхши кўришига муносиб ва лойиқ бўлсак-да, Юсуф билан укасини бизлардан афзал кўришда ҳаддан ошди. Ваҳоланки, бу ишида давом этар экан, бунинг бирдан-бир чораси Юсуфни ўлдириш ёки овлоқ бирон жойда гумдон қилишдир, токи у ўша ерларда сарсон-саргардон ҳолида ўлиб кетсин. Агар шундай қилинса, бу кўргуликлардан халос бўламиз ва ўз-ўзидан отамиз бизларни яхши кўриб қолади. Бунда сизларга ҳеч ким шерик бўла олмайди. Илгари ҳамма эътибор фақат Юсуф билан укасига қаратилган бўлса, эндиликда сизларга қаратилади! Ҳозир сизлар Юсуфни ўлдириш ёки уни олисроқ бир жойга даф қилиш орқали ундан қутулаверинглар, кейин Аллоҳга тавба-истиғфор айтиб, гуноҳдан покланиб оласизлар. Албатта Аллоҳ тавбаларингизни қабул қилади. Агар шундай қилинса, нафақат динингизда, балки дунёин-

гизда ҳам солиҳ кишилардан бўласизлар. Чунки Юсуфнинг ораларингизда туриши сизларга ташвиш келтирмоқда!

Юқорида кўриб ўтганимиздек, агар инсон қалбини нафрат ва гина-кудурат эгалласа, охир-оқибат разил ва чиркин иллат-ҳасадни юзага келтиради. Ана шунда инсон ҳар бир нарсага тўғри нуқтаи назар билан қарай олмайди. Энди унда ҳавойи нафси устунлик қилиб, кичик каттага, катта кичикка айланади. Юсуфнинг оға-инилари наздида, оталарининг кўпроқ Юсуф билан укасини яхши кўриши оғир бир жиноят бўлиб кўринади. Айни пайтда эса ўзлари қотиллик каби жиноятни енгил билиб, уни амалга оширмоқчи, қилғиликни қилиб бўлгандан кейин эса ўзларини Аллоҳнинг ҳузурида ҳамда оталари ва бошқалар олдида пок ва маъсум қилиб кўрсатмоқчи. Оға-инилар шундай мудҳиш ишни амалга ошириш режасини тузиб туришганда орасидан бири туриб, уларни бу ишидан қайтармоқчи бўлиб, деди: **“Юсуфни ўлдирманглар, балки агар бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқ қаърига ташлаб юборинглар, йўловчи қарвонлар олиб кетсин”**.

Мазкур оятдан ўзларидан кичик укаларига қилинажак ноҳақликни кўриб, оға-иниларидан бири ташвишланиб, деди: “Юсуфни ўлдирманглар! Зеро, қотиллик катта гуноҳдир! Унинг ўрнига Юсуфни қудуқнинг энг тубига ташлаб юбора қолинглар. Шунда у дом-дараксиз йўқолади. Балки уни йўловчилар қудуқдан тортиб олишар ва у сизлардан узоқ бўлган жойларга равона бўлар. Шу зайл қалбларингиз ором олади ва оталарингиз ҳам сизларга боқади!”

Буни қайси бирлари томонидан айтилгани Қуръони Каримда айнан тилга олинмаган, чунки қайси бири айтганини билишнинг фойдаси йўқ. Шунга қарамай, баъзи муфассирлар буни Яҳүзо дегани айтади, деб келтиради. Энг муҳими, оға-инилар унинг гапига қулоқ тутиб, Юсуфни то ажали етгунича ўл-

дирмасликка қарор қилдилар. Яна айтиладики, мазкур таклифда ибрат, ҳикмат ва фикр соғломлиги бор. Мазкур таклиф маъқул тушиб, оға-инилар Юсуфни ота кўзидан узоқлаштириб, эски бир кудукқа ташлашга келишиб олишди. Оға-инилар ўзаро қарорга келишганидан сўнг, Яъқуб алайҳиссалом олдига келиб шундай дедилар:

“Эй ота, не сабабдан Юсуфни бизга ишонмайсан? Ахир биз у учун холисларданмиз-ку. Уни эртага биз билан юборгин, ўйнаб ёзилиб келсин. Албатта биз уни муҳофаза қилгувчилардирмиз”. Яъни, оға-инилар Юсуфни ўзлари билан сафарга олиб чиқиш учун: **“Эй ота, нега сен Юсуфни бизлар билан сайилга чиқишига ишонмайсан? Ваҳоланки, биз уни жуда яхши кўрамиз. Ахир у кичик укамиз бўлса, биз унга фақат чин дилдан яхшилик қилишни хоҳлаймиз, унга нисбатан қалбимизда на кек-адоват ва на ғараз бор!”** дея оталарини кўндирдилар ва яна: **“Уни эртага биз билан юборгин, ўйнаб ёзилиб келсин”**, деб ўз мақсадларини изҳор этдилар. Бу ердаги ўйиндан мурод, ҳордиқ чиқариш ва чарчоқни кеткизадиган ўйинларни ўйнашдир. Яъни, эй ота, уни биз билан юборгин, турли мева-чева ва шунга ўхшаган нарсалардан истаганича есин. Сакраш, югуриш ва турли мусобақалар орқали ҳордиқ чиқарсин, кўнгли ёзилсин. Албатта биз унга азият ёки бирон ёмон кор-ҳол етишига асло йўл қўймаймиз. Уни ҳар қандай фалокатдан кўз қорачиғимиздек асраймиз, хатто гард ҳам юқтирмаймиз!

Уларнинг ғаразли ва манфур ниятларини амалга ошириш учун оталарини кўндиришга қаттиқ бел боғлаганликларини тушуниш қийин эмас. Шундан кейин оталари уларга қандай жавоб бергани келтирилади: **“Уни олиб кетишларингиз мени маҳзун қилур. Мен, сизлар ғафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан кўрқурман”.**

Яъни, эй ўғилларим, Юсуфдан бир озга бўлса-да айрилишим мен учун оғирдир. Бу нарса мени қаттиқ ғамга ботиради. Бундан ташқари, уни ўзларингиз билан сафарга олиб чиқадиган бўлсангиз, сизлар ўз ишингиз билан машғул бўлиш ёки безътибор қараш туфайли уни бўри еб кетишидан хавфсираяпман. Шунда оға-инилар қатъий оҳангда шундай дедилар: **“Қасамки, агар биз бутун бир жамоат бўлган ҳолимизда уни бўри еб кетса, демак, биз, шак-шубҳасиз, зиён кўргувчи – ҳалок бўлгувчилардирмиз”**.

Яъни, улар ота қалбига хотиржамлик киритиб, дилидаги ғулғулани, кўрқув ва маҳзунликни кетказиш мақсадида: “Эй отажон, Аллоҳга қасамки, Юсуф биз билан юрганда хавфсизлиги ва саломатлиги қаттиқ назорат қила туриб, агар уни бўри еб кетса, унда биз катта зиён кўргувчилардан ҳисобланамиз”, дедилар.

Охир-оқибат, чорасиз қолган отанинг ўғиллари талабларига рози бўлишдан бошқа иложи қолмади. Қуръон буни ўз балоғат ва фасоҳатли услуби ила хикоя қилади: **“Бас, қачонки уни олиб кетишиб, сўнгра қудуқ қаърига ташлашга қасд қилган вақтларида, Биз унга: “Сен албатта бу қилмишлари ҳақида хабар берурсан. Улар ўшанда сезмайдилар ҳам”, деб ваҳий қилдик”**.

Яъни, қачонки улар ота розилигини олишгач, эртаси Юсуфни ўзлари билан олиб кетдилар. Бир кимсасиз жойдаги эски қудуққа ташлаб, раҳм-шафқатсиз ва тошбағирлигини намоён этдилар. Юсуф қудуққа ташланаётган пайтида қалбига илҳом солиш орқали (ёки Жаброил алайҳиссалом орқали) ваҳий қилинди: “Эй Юсуф, вақти келиб Аллоҳ хоҳласа, улар сенга ёшлигингда нима ишлар қилганлари ва қандай озор берганликларини ўзларига хабар қиласан”. Бу ердаги оға-иниларнинг қилмишларидан мурод, унга озор беришлари ва Юсуф алайҳиссаломни қудуққа ташлаб юборишларидир.

“Улар ўшанда сезмайдилар ҳам”. Яъни, вақти-соати келиб, уларга қилган ёмонликлари ҳақида хабар берилганида бу сен, яъни Юсуф эканингни сезмайдилар. Чунки улар орадан қанча вақт ўтиб кетганидан сени ўлиб кетган деб ҳисоблайдилар. Сен ўшанда бутун бир мамлакат хазинасига кўриқчи бўласан. Улар эса мадад ва марҳамат сўраб ҳузурингда тиз чўкадилар. Аллоҳ таолонинг ушбу башорати кўп ўтмай ўз тасдиғини топди. Оятда шундай дейилади: **Энди қачонки (Мисрга етиб келиб Юсуф алайҳиссалом)нинг ҳузурига киришгач, дедилар: “Эй улуғ зот, бизни ва аҳли оиламизни очарчилик ушлади” (“Юсуф” сураси, 88-оят).**

Ушбу ваҳий Юсуф алайҳиссаломга у балоғат ёшига етмасдан ёки пайғамбар бўлмасдан олдин юборилган. Бундан кўзланган мақсад унинг қалбига хотиржамлик солиш, келажақда унга куч-қувват, мол-давлат ва ҳукмронлик насиб этиши ҳақида хушxabарни етказишдир. Оға-инилар ўз кирдикорларини амалга оширишгач, **“кечқурун оталари олдига йиғлаган ҳолларида келиб: “Эй ота, бизлар Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб қувлашиб кетган эдик, уни бўри еб кетибди. Энди рост гапирсак ҳам сен бизларга асло ишонмайсан”, дедилар”.**

Бу ердаги “йиғи”дан мурод, оталарининг Юсуф ҳақини поймол қилмаганликларига ишонтириш учун қилинган сохта ва ёлғон йиғи кўзда тутилган. “Фожирнинг кўзёши қўлидадир” деган мақолдан ёлғондакам йиғлаб, худди ёш чиқаётгандек қўли билан кўзини ишқалайди, деган маъно уқилади. Ака-укалар оталарига: **“Эй отажон, бизлар ўзаро мусобақаллашиб югураётганимизда Юсуфни сафарда ўзимиз билан олиб чиққан нарсаларимиз (кийим-кечак, озиқ-овқат ва ҳоказолар) олдида қолдириб кетсак, ногаҳон уни бўри еб кетибди. Ундан ҳеч вақо қолмабди. Эй ота, биз сенга Юсуфни бўри еб кетди, деб айтсак**

хам ишонмайсан. Тўғри сўзлагувчи бўлсак-да, бизларга ишонмаслигинга сабаб бизлар ҳақимиздаги ёмон гумонинг ва Юсуфга бўлган қаттиқ муҳаббатингдир”, дея ёлғонни тўқишди. Юсуфнинг оға-инилари сохта йиғи билан чекланмай, балки унга яна бир ёлғонни ҳам кўшиб-чатдилар: **“Ва унинг кўйлагини ёлғон қонга бўяб келтирдилар”**.

Яъни, Юсуфни кудукқа ташлашгач, кўйлагини ўзлари билан олиб қолдилар ва уни Юсуф қонидан бошқа бир қонга бўядилар. У қон кийик ёки бўри қони ҳам бўлиши мумкин. Яъқуб алайҳиссалом уларнинг юз ифодалари, ҳолатлари ва маҳзун қалбининг нидоси орқали билдики, аслида Юсуфни бўри емаган, балки улар Юсуфга бирон макр-ҳийла қўллаган эдилар.

Шу сабаб Яъқуб алайҳиссалом уларга қарата шундай деди: **“Йўқ, сизларга ҳавойи нафсларингиз бирон ишни чиройли қилиб кўрсатган”**. Яъни, Яъқуб ўғилларига қайғули оҳангда деди: “Сизлар даъво қилаётганингиздек, Юсуфни бўри еб кетмаган, балки нафрат ва адоватга тўла қалбингиз унга нисбатан бирон ёмонлик, қабих ишни содир этишни сизларга зийнатлаб кўрсатган. Келажакда, Аллоҳ хоҳласа, унинг асл ҳақиқати очилажак! Сизларнинг бу қилмишларингизга мен чиройли сабр қиламан. Раббимнинг Ўзи ҳақиқатларни юзага чиқарувчи, махфий нарсаларни ошкор қилгувчидир. Мавриди келиб, Унинг иродаси ила ўғлим билан, албатта, яна дийдор кўришамиз!

Алусий айтади: “Ибн Абу Ҳотим ва Абу Шайх Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: “Оға-инилари Юсуфни кудукқа ташлашгач, бир кийикни тутиб, уни сўйдилар ва қонига Юсуфнинг кўйлагини ботирдилар. Кўйлакни келтирганларида оталари орқа-олдини ўгириб кўриб: “Аллоҳга қасамки, ҳеч замонда бу кундагидек мулойим бўрини кўрмаганман! У ўғлимни ебди-ку, аммо кўйлагини соғ қол-

дирибди-да”, деган (Манба: “*Тафсирул алусий*”, 12-жилд, 179-бет). Бу ерда Яъқуб алайҳиссалом ўғилларининг ёлгон тўқиётганларини очик-ойдин хужжат-далиллар билан исботлаб бермоқда¹.

Хуллас, акаларининг ҳасади туфайли Юсуф алайҳиссалом бир қанча синов ва машаққатларни бошидан ўтказди, Аллоҳнинг марҳамати билан қудукдан эсон-омон чиқди, қулликдан қутулди. Охирида Миср юртининг ҳукмдорига айланди. Ҳасадгўй акалар эса қилган ишларига пушаймон бўлдилар. Қисса ниҳоясида айтилишича, Яъқуб алайҳиссалом ўғиллари Юсуф ва Бинёмин билан Миср диёрида яна дийдор кўришди. Яъқуб алайҳиссалом Яратганнинг инояти билан Мисрга кириб келди. Юсуф алайҳиссалом ота-онасини ва яқинларини юксак ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди, ота-онасини тахтга ўтказди, улар Юсуфга (ҳурмат юзасидан) сажда қилдилар.

Қисса Юсуф алайҳиссалом тимсолида Ислом ва иймон ҳақиқатини ифодаловчи ибратли ҳикоядир. Мазкур қиссанинг мазмун-моҳиятида мўмин кишининг сифати, солиҳ ва комил бандага Аллоҳнинг ҳурмат-эҳтироми ўз ифодасини топган. Яна ҳасад балосига учраган банданинг ғамхўри ва ёрдамчиси бўлиши эслатилади. Шу билан бирга Аллоҳни танимаган, ато этган неъматларга ёмон назар билан қараган кимсанинг ҳоли охир-оқибатда қандай яқун топиши ҳам кўрсатиб қўйилган. Бу қисса тўғри йўлдан адашганлар учун сабоқ ҳамда ҳасадга гирифтор бўлганларга шифодир.

Кўриб ўтилганидек, ҳасад одам танламайди. Оға-инилар ҳам, яқин қариндошлар ҳам бир-бирига ҳасад қилиши мумкинлиги мазкур қиссанинг баёни тарзида кўзга ташланиб турибди. Ичиқоралик ва кўролмаслик иллоти оға-инини ҳам ҳасад қилишга мажбурлар экан. Қиссадан ҳисса шуки, ҳасад ўтини

¹ М а н б а: Муҳаммад Саййид Тантовий, “Пайғамбарлар тарихи”, 1–2-китоб.

ўчириш осон бўлмайди. Бу иллатга мубтало бўлган кишига ундан қутулиш жуда оғир кечади.

МЎМИН КИШИ ҲАСАД ҚИЛСА...

Мўмин кишининг иймони ҳасад қилишга йўл кўймайди. Чунки ҳар бир неъмат ва яхшилик Аллоҳ таоло томонидан берилиши, бирон кимса тақдир қилган нарсани қайтара олмаслигини яхши ва теран англайди. Шундай экан, қандай қилиб у бировга етган яхшилик ва неъматни деб ҳасад қилсин. Зеро, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида ҳам иймон ва ҳасад бир қалбда жам бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирилган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا يَجْتَمِعُ فِي جَوْفِ عَبْدٍ مُؤْمِنٍ غَبَارٌ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَفَيْحٌ جَهَنَّمَ وَلَا يَجْتَمِعُ فِي جَوْفِ عَبْدٍ الْإِيمَانُ وَالْحَسَدُ. رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Мўмин банданинг ичида Аллоҳнинг йўлидаги чанг ва жаҳаннам олови жам бўлмайди. Бир банданинг ичида иймон ва ҳасад жам бўлмайди” (Ибн Ҳиббон “Саҳиҳ”да ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан).

Бу ҳадиси шарифга кўра, икки нарса қалбда жам бўлмайди:

1. Аллоҳ йўлида амал қилиб, ана шуни деб чанг ютган одамнинг ичига дўзах олови кирмайди. Бундай банда жаҳаннамдан озод бўлиб, жаннатга киради;

2. Мўминнинг қалбида иймон билан ҳасад жамланмайди. Агар қалбда иймон бўлса, уни ҳасад иллатидан поклайди. Бу мўмин бошқаларга ҳасад

қилмайди, деганидир. Банда ўз қалбидаги ҳасад иймонни чиқариб юбормасдан олдин иймони ҳасадни сиқиб чиқаришига эришиши лозим. Зеро, ҳасад бора-бора кишини иймондан ҳам айришига кафолат бера олмайди. Агар эътибор берсак, бу ерда иймон билан ҳасад худди олов билан сувдек бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қаршилиги маълум бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яна шундай деганлар: **“Албатта, мўмин ҳавас қилади, мунофиқ эса ҳасад”** (*Ибн Абу Дунё ривоят қилган*).

Қуръонни тафаккур билан ўқиб, мазмун-моҳияти билан қалбига жойлаган инсон ҳасад ўтида ёнмайди, ундан ўзини қутқара олади. Бундай киши бошқалар ютуғини кўрганда қувонади, уни табриклаб муборакбод этади ва қалби сутдек оппоқ бўлади. Кўнгли тоза одамнинг ҳаёти осуда ва хотиржам кечади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَا تَبَاغَضُوا وَلَا تَحَاسَدُوا وَلَا تَدَابَرُوا وَكُونُوا عِبَادَ اللَّهِ إِخْوَانًا وَلَا يَجِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يَهْجُرَ أَخَاهُ فَوْقَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ўзаро адоват ва ҳасад қилманглар, бир-бирингиздан юз ўгириб кетманглар, (балки) Аллоҳнинг оға-ини бандалари бўлинглар! Мусулмон (киши) биродарини уч кундан ортиқ ҳажр қилиши ҳалол эмас!” (*Бухорий, Муслим ва Сунан соҳиблари ривояти*).

Мазкур ҳадис мусулмонлар орасини ислоҳ қилиш мақсадида айтилган. Мўмин биродари билан яхши муносабатда бўлмай, уч кундан кўп аразлашиб юриш ҳукми ҳам ана шу мақсадга қаратилган ва ҳадис

маъноси билан яқиндан танишиб чиқсак, фойдадан холи бўлмайди.

“Ўзаро адоват ва ҳасад қилманглар...” Ўзаро адоват араб тилида “табоғуз” дейилади. Айни шу сўз бир-бирини ёмон кўриш ва бир-биридан нафратланиш каби маъноларни англатади. Мусулмон киши биродарини Аллоҳ розилиги учун яхши кўради, унга хайрихоҳ бўлади, омадини кўриб қувонади, зараридан куйинади, зиён кўришини сира истамайди. Ким мусулмон биродарини нафси учун ёмон кўрса, унга яхшилиқни эмас, ёмонликни раво кўрса, унинг иймони жуда заиф эканини билдиради. Чунки Аллоҳга ва охират кунига ишонган инсон ўз биродарига адоват қилмайди. Аммо адоват қилган кимса охиратдан дунёни ва ўтқинчи матоҳларни устун билган бўлади. Бундай кимса маломатга лойиқдир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳасад бирон киши қўлидаги неъмат заволини хоҳлаш эканини билиб олган эдик. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўмин банда биродаридаги неъматга кўз олайтирмаслиги ва ундан кетишини истамаслигини уқтириб, бу борада ўз кўрсатмаларини бермоқдалар. Жамиятдаги нотинчлик, ижтимоий ҳаётдаги носоғлом турмуш тарзи кўп ҳолларда ўзаро рақобат ва даҳанаки курашлар оқибатида келиб чиқади. Ҳасад илдиз отган жойда инқироз ва таназзул бошланади. Чунки ҳасадгўйлар бир-бирининг тагига сув қуйиш ва илдизига болта уриш билан машғул бўлади. Буни севимли адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари мисолида кўриш мумкин. Бир хонлик муҳитида яшаётган кишилар юрт тараққиёти, ватан равнақи ҳақида ўйлаш ўрнига ҳасад, кек-адоват ва ичиқоралик иллатига мубтало бўлиб, бир-бирининг қонини тўкиш пайида

бўлишади. Алалоқибат бундан четдаги душман жуда устомонлик билан фойдаланиб, юртимизни босиб олади. Шунинг учун ҳасад ва ичиқоралик тараққиётга хизмат қилмайди, ривожланишни орқага суради. Шунинг учун кўрамизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳасад қилмасликка чақириш баробарида бу иллатдан қандай қутулиш ҳақида ҳам ўзларининг керакли кўрсатмасини берганлар. Ҳориса ибн Нўмондан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Умматим орасида учта иллат: шумланиш, ҳасад ва бадгумонлик бўлади”, дедилар. Шунда бир киши: “Ё Расулуллоҳ, улардан қандай қутулиш мумкин?” деб сўради. У зот: “Агар (қалбингда биродарингга) ҳасад пайдо бўлса, (Аллоҳга) истиғфор айт. Бировдан бадгумон бўлсанг, (унга асосан) иш тутма. Агар шумлансанг, (қилмоқчи бўлган ишингни тўхтатиб қўйма,) уни амалга ошир (*Табароний заиф санад билан ривоят қилган*).

“Бир-бирингиздан юз ўгириб кетманглар”. Уламолар сўзига қараганда, бир-биридан юз ўгириш (арабий матнда “тадобур” шаклида келган) бир қанча маъноларни англатади:

1. Биродарини кўрганда ундан юз ўгириб кетиш.
2. Ундан нафратланиш ва биродарига адоват қилиш.
3. Мужодала қилиш, биродари билан жанжаллашиш, уришиб-сўкишиш.
4. Учрашган маҳалда салом бермай юзини тескари ўгириб олиш.

Биринчи таъвил авло (муносиб, афзал) саналади. Демак, бир одам иккинчи бир одамни кўрганда юзини тескари буриб, салом-аликни йиғиштириб бурилиб кетиши юз ўгириш бўлади. Бу ҳолат ўртада адоват, гина-кудурат борлиги белгисидир. Чунки бир одамни ёқтирмаса, ундан нафратланса, кўришганда кўрарга кўзим йўқ, дегандек орқа ўгириб кетади. Бир-бирини яхши кўрилганда бунинг акси бўларди.

Бундай вақтда бир-бирига кучоқ очиб пешвоз чиқарди, ҳол-аҳвол сўрарди, бир-бирларининг ҳолидан хабар оларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзининг мўмин биродаридан юз ўгиришдан қайтариб, ўзаро ҳамжиҳат ва иноқ ҳолда ҳаёт кечиришга чақириб: **“ (Балки) Аллоҳнинг ака-ука бандалари бўлинглар! ”** дедилар. Яъни, Аллоҳ буюрганидек, У Зотнинг ўзаро биродар бандалари бўлинглар! Ҳамма мусулмонлар Аллоҳнинг бандаларидир. Шунинг учун бир-бирлари билан аҳил-иноқ бўлиб, ўзаро оға-ини тутинишлари лозим. Имом Қуртубий буни шарҳлаганда: “Меҳр-шафқатда, муҳаббат, ҳамкорлик ва насиҳат қилишда худди туғишган ака-укалардек бўлинглар”, деб тушунтиради. Аллоҳ таоло Каломи мажидида: “Мўминлар ака-укадирлар”, деб марҳамат қилади. Бу хабар маъносида айтилган бўлса ҳам, амр-буйруқ мазмунини ифодалайди. **“Мусулмон (киши) биродарини уч кундан ортиқ ҳажр қилиши ҳалол эмас!”**

Араб тилидаги “ҳажр” сўзи “тарк этиш”, “ташлаб кетиш”, “юз ўгириш” каби маъноларни беради. Масалан, Қуръонни ҳажр қилиш деганда, Каломуллоҳни ўқимаслик, ёдламаслик ва аҳкомларига риоя этмаслик тушунилади. Биродарини ҳажр қилиш эса ундан юз ўгириш, гаплашмай, саломлашмай юриш, аразлашиш туфайли ёрдам бермаслик, ҳолидан хабар олмасликдир. Демак, нимадир бўлиб, мўмин-мусулмон биродарлар орасидан “ола мушук” ўтиб қолган тақдирда, уч кундан оширмасдан ярашиб олишлари керак. Аксинча, ҳар иккиси ҳам гуноҳкор бўлиб, ҳалол бўлмаган ишни қилган ҳисобланади.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Мусулмон кишининг шаръий узр ёки сабаб бўлмаса, ўз биродаридан юз ўгириши ва унга ҳасад қилиши ҳалол эмаслиги.

2. Мўмин-мусулмон банда ўз биродарига ака-укалардек муомала қилиши лозимлиги.

3. Мусулмон банда биродари билан у ё бу сабабга кўра, аразлашиб қолса, уч кундан ортиқ гина-кудурат сақлаши ҳалол эмаслиги. Агар уч кундан ўтиб кетса, ҳаром ишни қилган бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُسْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لَيْسَ مِنَّا ذُو حَسَدٍ وَلَا نَمِيمَةٌ وَلَا كِهَانَةٌ وَلَا أَنَا مِنْهُ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Ҳасадчи, ғийбатчи ва коҳин биздан эмас, мен ҳам ундан эмасман!” (Табароний ривояти. Ривоят санади заиф).

Ҳасадчи, ғийбатчи ва коҳин Ислом умматидан эмас, дейилмоқда бу ҳадиси шарифда. Ўзини билган банда учун бу жуда оғир гап. Пайғамбар алайҳиссалом умматлари қаторидан чиқишни тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, ҳадисда айтиб ўтилган учта иллатдан узоқ юриш ақли расо кишидан талаб этилади.

Коҳинлик жуда оғир гуноҳлигини ва иймонга футур етказишини кўпчилик яхши билади. Лекин ҳасад ва ғийбатдан сақланиш иши бир оз қийинроқ. Чунки бу иккиси ҳар бир инсонга ҳар куни таҳдид қилади. Бировдаги неъматларга кўзи тушганда истаристамас унга ғайрлик қилиши ва ундаги айрим қусур ва камчиликларни билмай тилга олиши хавфи йўқ эмас. Аллоҳга ва охират кунига шубҳасиз ишонган инсон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтарган мазкур учта нарсадан ҳазар қилади. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: “Эй одам боласи! Биродарингга зинҳор ҳасад қила кўрма! Агар

неъмат биродаринг каромати – ҳурмат-эътибори учун берилган бўлса, Аллоҳ таоло азиз қилиб қўйган инсонга ҳасад қилма! Агар бошқа сабаби бўлса, жойи дўзахда бўладиган одамга нега ҳавас қиласан?!” деган экан. Бир киши биродарига деди: “Мен сенга бир неча нарсани насиҳат қилмоқчиман: кибрдан эҳтиёт бўл! Зеро, Аллоҳга осий бўлинган биринчи гуноҳ кибрдир. Аллоҳ фаришталарни Одамга саждага буюрганида барчаси сажда қилишди. Фақат Иблис бош тортди, кибр қилди, кофирлардан бўлди. Яна ҳирсдан эҳтиёт бўл! Зеро, у Одамни жаннатдан чиқарди. Аллоҳ уни осмонлар ва ердан кенг жаннатга жойлаштирган эди. Ҳамма нарсадан ейишга рухсат берди, фақат биргина дарахтга яқинлашмасликни тайинлади. Аммо у ўша дарахтдан тотиб кўрди. Оқибатда Аллоҳ уни жаннатдан чиқарди. Сен яна ҳасаддан эҳтиёт бўл! Чунки Одам боласи биродарини ҳасад туфайли ўлдирди”.

Шу маънодаги ривоят Ҳасан Басрийдан ҳам нақл қилинган: “Одамлар уч нарса туфайли ҳалокатга учрайдилар: кибр, ҳирс ва ҳасад. Кибр диннинг ҳалокатидир. Иблис кибр туфайли лаънатга учради. Ҳирс нафснинг ҳалокатидир. Одам ҳирси орқасидан жаннатдан қувилди. Ҳасад ёмонлик келтирувчидир. Ҳасад сабабидан Қобил биродари Ҳобилни ўлдирди”. Қарангки, кибр, ҳирс ва ҳасад бир бўлганида инсон учун жуда хавфли иллатга айланар экан.

Шу ўринда ҳасад хусусидаги бир ривоятни келтирсак мақсадимиз янада ойдинлашади: “Уч йигит бирга сафарга чиқибди. Бир жойга етиб борганда кеч бўлиб тунаб қолишибди ва кечки овқатдан кейин бир-биридан эл-юртни ташлаб чиқиш сабабларини суриштиришибди. Бири сўз бошлаб: “Қариндош-уруғларим орасида ўзига тинч тенгдошларим бор, улар яхши еб-ичишади, чиройли кийинишади. Уларни кўргани кўзим йўқ. Шу сабабдан эл-юртимни тарк этишга қарор қилдим”,

дебди. “Иккимизнинг дардимиз бир экан”, дебди иккинчиси. “Мен ҳам худди шуни деб сафарга чиқишга қарор қилдим”, дебди учинчиси.

Шу тариқа учовлон сафарини давом эттирибди. Бир жойга етиб боришганда йўлдан ичи тўла олтин халтани топиб олишибди. Лекин тақсимлашга келганда бир-бири билан келиша олмай жанжаллашиб қолишибди. Шу вақт олдиларидан бир подшоҳ навкарлари билан ўтиб қолибди. Бир-бири билан тортишиб, муштлашиб турган йигитларни кўриб йўлидан тўхтабди, уларнинг кимлигини ва муроду мақсадларини суриштирибди. “Мен бутун умримда ҳеч кимга асло яхшилик қилмаганман, бирон кишининг мендан хурсанд бўлишини истайман”, дебди биринчи йигит. Иккинчиси ҳам кўнглидагини тўкиб солиб: “Агар биров бирон кишига мурувват қилганини кўриб қолсам, аламдан тунлари кўзимга уйқу келмайди”, дебди. Учинчисига гал етганида: “Яхшилик ва мурувват ер юзидан буткул йўқ бўлиб кетишини истайман”, дебди. Шунда подшоҳ учовидан ҳам яхшилик келмаслигини англабди ва бирини мамлакатдан чиқариб юборишга, иккинчисини ўлимга ва учинчисини кишанлаб, чўлу биёбонга олиб бориб ташлашга ҳукм қилибди”.

МЎМИН-МУСУЛМОНЛАР МИСОЛИ БИР ТАНА

Аллоҳ таолони яккаю ягона деб иймон келтирган мўмин-мусулмонлар инсон танасига ўхшатишган. Аммо мунофиқлар бундан мустасно. Чунки улар сиртдан мўмин-мусулмонлар билан ҳамжиҳат бўлиб кўринса-да, ташвиш ва синов келганида мўмин-мусулмонларни тарк этадилар. Зеро, Аллоҳ таоло айтади:

“Шубҳасиз, ораларингизда (жангга чиқишдан) кетда қоладиган, агар сизларга бирон мусибат етса, “Менга Аллоҳнинг инъоми бўлди – улар

билан бирга (жангга) ҳозир бўлмадим. (Акс ҳолда ҳалок бўлардим)”, дейдиган кимсалар ҳам бор. **Борди-ю сизларга Аллоҳдан фазлу марҳамат етса,** (яъни, ғалабага эришсангиз), **у гўё (илгари) сизлар билан ўзининг орасида ҳеч қандай танишлик бўлмаганидек,** “**Кошкийди, мен ҳам ўшалар билан бирга бўлиб, улуғ зафарга эришсам эди**”, дейиши аниқдир” (“Нисо” сураси, 72–73-оятлар).

Одамлар ичида (Абдуллоҳ ибн Убай ва унинг шериклари каби мунофиқлар, иймони заифлар) шундай тоифалар бор. Улар мўминларга қўшилиб жангга чиқишни истамасликдан ташқари бошқаларни ҳам чиқишдан қайтаради. Агар иймон йўлидаги курашда мўминларга бирон мусибат етиб, душмандан мағлуб бўлишса, бу тоифа жангга чиқмаганларидан хурсанд бўлиб, мусулмонлар бошига тушган балолардан омон қолганлари учун севинадилар, қийинчиликка сабр қилишнинг мукофоти нақадар улуғлигини ва шаҳидлик қанчалик юқори мартабалигини билмайдилар.

“Борди-ю сизларга Аллоҳдан фазлу марҳамат етса, (яъни, ғалабага эришсангиз), **у гўё (илгари) сизлар билан ўзининг орасида ҳеч қандай танишлик бўлмаганидек,** “**Кошкийди, мен ҳам ўшалар билан бирга бўлиб, улуғ зафарга эришсам эди**”, дейиши аниқдир”.

Агар мусулмонлар зафар кучишиб, кўп ўлжаларни қўлга киритсалар, ҳалиги тоифалар мўминлар билан бирга бўлмаганлари учун куйинадилар, ғамга ботадилар, “Агар улар билан бирга жанг қилганимизда, биз ҳам улушдан насибадор бўлардик, кўп ўлжаларни қўлга киритардик”, дейишади. Зеро, уларнинг энг катта ташвиши ўлжани қўлга киритиш. Ҳа, улар Ислом умматидан бўлмаган ҳолда шундай хомтама бўлишади. Аслида мусулмон бўлиш шартларидан бири – мўмин биродарларига ёрдам бериш, уларни ҳар қандай ҳолатда қўллаб-

кувватлаш, жонини, молини биродари учун фидо этишга тайёр туриш. Зеро, мўмин хайрихоҳ бўлади, унинг қалбида биродарига нисбатан заррача кек-адоват бўлмайди.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
قَالَ: لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ.
رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоху анху Набий сол-лаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Бирон-тангиз ўзи ёқтирган нарсани биродарига раво кўрмагунича (ҳақиқий) мўмин бўлолмайди” (Бу-хорий, Муслим ва Табарий ривояти).

Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, тақдирнинг яхши-ликлари ҳам, ёмонликлари ҳам Аллоҳдан эканига шубҳасиз ишонган инсон мўминдир. Мўмин ишонувчи деган маънони беради. Бироқ иймон калимасини айтиш билан комил мўминлик даражасига эришиб бўлмайди. Бунинг учун яна бошқа шартлар ҳам бор. Жумладан, Аллоҳ йўлида дўст-лашган биродарларини яхши кўриш, уларга хайрихоҳ бўлиш, ўзига раво кўрганини мўмин ака-укаларига, опа-сингилларига ҳам раво кўриш етук иймон соҳибининг белгилардандир (Зеро, яхши кўрган нарсасини бировга илинмаган одам ҳам мўмин бўлиши мумкин, лекин комил мўминлик мақомига кўтарила олмайди). Ҳадиси шарифда мана шу маънога алоҳида урғу берилмоқда. Хўп, “Комил мўмин бўлиш учун ўзи яхши кўрганини биродарига раво кўриши лозим бўлса, бунга нималар киради?” деган савол туғилиши табиий.

Имом Насоий келтирган ривоятда: “Ўзига раво кўрган яхши нарсаларни биродарига ҳам раво

кўрмагунича...” деб айтилган. Уламолар шундан келиб чиққан ҳолда дунё ва охират яхшиликлари, тоат-ибодатга тегишли ва мубоҳ нарсаларни раво кўрилади, дейишган. Жумладан, хайр-эҳсон, садақа қилиш бобида ҳам мана шу ривоятга амал қилиш керак. Чунки, Аллоҳ йўлида садақа қилаётган одам сифатсиз, ўтмас молларни эмас, энг қадрли, энг сифатли ва асл нарсаларни инфоқ қилади, кўнгилдан чиқариб беради, “Ма, ол, кўзимга кўринма!” деган-дек жеркиб берилмайди. Балки Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ниятида холислик билан энг покиза ва сифатлисини танлаб-саралаб берилади.

Афсуски, ҳаётда ўзи ёқтирмайдиган, жирканадиган нарсалардан халос бўлиш учун уни танишбилишлари, ёр-биродарлари, ҳатто мўмин ака-укаларига ўтказиш пайида бўладиганлар ҳам йўқ эмас. Бу биз юқорида келтирган ҳадиснинг мутлақо тескарисидир. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ўзига раво кўрмаган ёмон нарсаларни ўзгаларга “илинган” одамнинг иймонида заифлик бор. Салим – тоза қалб соҳибининг яхшиликни ўзгаларга илиниши осон. Аллоҳ унга шундай кенг феъл ва олийжаноблик хислатини бериб қўйган бўлади. Бироқ бағритош ва зикна кимсаларнинг ўзига раво кўрганини биродарига ҳам раво кўриш жуда оғир ва мушкул. Мўмин киши ўз биродарига ҳасад қилмаслиги аниқ. У қалбида диндош ака-укаларига нисбатан кўролмаслик ҳиссини туймайди. Балки мўмин киши ўзи яхши кўрган нарсани биродарига чин дилдан раво кўради, унга илинади. Зеро, бу етук иймон соҳибининг аломатидир. Аллоҳ таолонинг амрига чиройли итоат этиш белгисидир бу.

Диндош оға-иниларига яхшиликни соғиниш ҳасаднинг аксидир. Ҳасадчи биров эришган хайр-баракатга ёмон назар билан қарайди. Яна у биродари кўлидаги ўша неъмат йўқ бўлишини ва ўзидан устун ва афзал бўлиб олмаслигини хоҳлаб ичи қуяди. Бу

иймони заифлик аломати ҳисобланади. Ҳақиқий мўмин эса бундай қилмайди. У бировга ҳасад қилиш у ёқда турсин, ҳатто ўзидаги энг яхши нарсаларни биродарига илинади, ўзгалар ҳам неъматлардан баҳраманд бўлишини хоҳлайди. Бу олий мақомдир, ҳақиқий мўминлик белгиси, хотамтойлик аломатидир. Ким шундай кенг қалбга ва гўзал феълга эга бўлса, Аллоҳга маҳбуб бандалар қаторидан жой олади. Шу ўринда ҳасадчи табиати ва феъл-атвори қандай бўлишини аниқ кўрсатиб берадиган бир ривоятни келтирсак: “Уч киши ҳузурига фаришта келиб: “Нимани сўрасангиз, дуо қиламан, дарҳол ижобат бўлади. Лекин сўралган нарса кўшнингизга икки баробар қилиб берилади”, деди. Биринчи киши: “Менга уй бўлсин, кўшнимнинг бола-чақаси кўп”, деди. Фаришта дуо қилган эди, дарҳол унга бир уй ва кўшнисига иккита уй муҳайё бўлди. Иккинчи киши бойлик сўраган эди, кўп бойликка эга бўлди ва кўшниси ҳам ундан икки баробар бойиди. Учинчи киши бахил бўлганидан: “Менга биру кўшнимга ундан икки баробар кўп нарса бўлса, у ҳолда бир кўзим оқиб тушсин”, деди. Ҳа, ҳасадчи ўзидан бошқага фақат ёмонлик бўлишини хоҳлайди. Агар бир яхшилик етса, бутун вужуди ҳасад ўтида куйиб-ёнади.

عَنْ النُّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ
 اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَثَلُ الْمُؤْمِنِينَ فِي تَوَادِّهِمْ
 وَتَرَاحُمِهِمْ وَتَعَاطُفِهِمْ مَثَلُ الْجَسَدِ إِذَا اشْتَكَى مِنْهُ عُضْوٌ
 تَدَاعَى لَهُ سَائِرُ الْجَسَدِ بِالسَّهْرِ وَالْحُمَى. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади:
 “Бир-бирларини яхши кўришда, ўзаро меҳр-шафқатда мўминлар мисоли худди бир танага

ўхшайди. Агар ундаги бир аъзо касалланса, қолган аъзолар уйқусизлик ва иситма (ҳарорат кўтарилиши) туфайли оғрийди” (Муслим ва Аҳмад ривоят қилган).

Бу ҳадиси шариф хабар маъносида айтилаётган бўлса-да, аммо унда амр-буйруқ маъноси ҳам мавжуд. Яъни, бир-бирларини яхши кўрсинлар, яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ҳамкорлик қилсинлар, бир-бирларига меҳрибон бўлсинлар деган маънода мўмин-мусулмонларни бир танага ўхшатишган. Шу маънодаги яна бир ҳадис Абу Мусо розияллоху анҳудан ривоят орқали етиб келган: Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Мўмин мўминга худди бир бино кабидир. Улар бир-бирларини мустаҳкам тутиб туришади”, дедилар. Кейин бармоқларини бир-бирининг орасига киритдилар (*Бухорий ва Муслим ривоят қилган*).

Мўмин-мусулмонлар ҳаммалари бир Аллоҳнинг бандалари, бир Расулнинг умматлари экан, уларнинг мақсад ва йўллари ҳам бирдир. Шунинг учун улар доим бир-бирлари билан мустаҳкам алоқада бўладилар, бир-бирларига ёрдам беришга интиладилар. Пайғамбаримиз соллalloҳу алайҳи васаллам мўминларни бир-бирига маҳкам ёпишган бинога ўхшатишлари бежиз эмас. Ҳар қандай иморат пишиқ, чиройли ва ҳар томонлама мутаносиблиги билан ажралиб туради. У яхши қурилган бўлса, бирон жойида дарз ёки ёриқни кўрмайсиз. Ҳар қанақа синовга бардош бера олади. Агар унинг бирон жойида дарз ва бўшлиқ кўринса, ўз-ўзидан бошқа томонига ҳам таъсири бўлмай қолмайди. Шунинг учун унинг бир чети сал дарз еса ҳам, дарҳол уни ўз вақтида тузатиб қўйиш керак. Мусулмонлар ҳам ўзларидан бирон кишининг аҳволи сал ёмонлашганини сезса, дарҳол уни тузатишга шошилишлари керак. Бошига мусибат

тушган кишига ёрдам бериш, бемор ҳолидан хабар олиш, муҳтожларнинг ҳожатини раво қилиш ва мазлумларни ҳимоя қилиш мусулмонлар зиммасидаги ҳақлар сирасига киради. Агар мана шу ишларни ўз вақтида бажариб борилса, бутун жамият ислоҳ бўлади ва инсонлар ҳаётида ғам-ташвиш камаяди.

Аммо фақат ўзларини ва яқинларини ўйлаган мусулмонлар диндошлари ҳолини унутиб қўйса, жамият ҳаётида меъёр бузилишига олиб келади, мазлумни ҳимоя қилмаслик эса зулм ва ноҳақликни келтириб чиқаради. Демак, ҳар бир киши фақат ўзини ўйлаб қолмай, бошқаларнинг манфаати ҳақида бош қотириши керак. Ана шу вақтда ҳақиқий иймон ҳаёт синовидан ўтади ва ўз мевасини беради.

Ҳадисдан олинadиган хулосалар:

1. Иймони комил мўмин-мусулмонлар бир танага ўхшайди. Агар унинг бир аъзоси оғриси, бундан бошқа аъзолар ҳам азият чекади. Шунга ўхшаб, бир мўмин танасига тикан кирса, бундан бошқа мўминлар ҳам ташвиш чекишлари, биродарлари ҳақида қайғуришлари, бошига тушган мусибатни кетказишга интилишлари керак.

2. Одамлар яхшироқ тушунишлари учун зарбулмасал (бирон нарсани мисол қилиб келтириш) жоиз экани.

3. Касаллик уйқусизлик ва ҳароратга сабаб бўлиши. Яхши ухлай олмаганидан кейин бетоб кишининг ҳарорати кўтарилади.

4. Мўмин-мусулмонлар ҳаммалари яккаю ягона Аллоҳнинг бандаларидир. Уларнинг қиблалари ҳам, интилаётган мақсадлари ҳам бир. Шу сабаб, улар ўзаро келишиб, яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилишлари, бир-бирларини яхши кўришлари, ҳурматларини жойига қўйишлари лозим.

5. Фақат ўзини ўйлаш ва худбинлик Ислом таълимотига ёт тушунча. Банда ўзидан бошқалар ҳақида ҳам ўйлаши, имкони бўлди дегунча ҳожатманд мўмин биродарларига ёрдам қўлини чўзиши талаб этилади.

ҲАСАД ҚИЛМАСЛИК ИЛОЖИ ЙЎҚМИ?

Динимиз бирон нарсадан қайтарса, ундан қандай қайтиш ҳақида ҳам керакли йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни беради. Масалан, ҳасад қилмаслик айтилган бўлса, ундан қандай сақланиш ва зарарларидан узоқ бўлиш борасида йўл-йўриқлар ҳам маълум қилинади. Жумладан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида ажойиб иршодлар келганига гувоҳ бўламиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ إِذَا نَظَرَ أَحَدُكُمْ إِلَى مَنْ فَضَّلَ عَلَيْهِ فِي الْمَالِ وَالْخَلْقِ فَلْيَنْظُرْ إِلَى مَنْ هُوَ أَسْفَلَ مِنْهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизлардан бирон киши мол-дунё ҳамда тана тузилишида ўзидан устун одамни кўрса, ўзидан пастдагиларга назар солсин”, деганлар (Бухорий, Муслим ва Аҳмад ривояти).

Мол-дунё деганда бойлик, тижорат, савдо-сотик, ҳисоб рақамидаги пуллар, ер-мулк, уй-жой, чорва ҳайвонлари ва ҳоказолар тушунилади. Тана кўз, қош, лаб, оёқ-қўлларнинг ўзаро бирлашувидан иборат. Мазкур ҳадиси шарифда ҳасад иллатини қандай даволаш ҳақида сўз бормоқда. Зеро, банда ўзидан устунроқ одамни кўрса, дарҳол унда қизиқиш ва

хасад пайдо бўлади. Бунинг оддий давоси ўзидан пастдагиларга қараш, яъни мендан ҳам ёмонроқ ҳолатдаги кишилар бор-ку. Бир кишида кўз йўқ, бир умр ёруғ дунёни кўрмай яшаб ўтишга маҳкум, яна бир киши шол, ўрnidан туришга қодир эмас, яна бирида шундай касаллик борки, бутун мол-давлатини сарфласа ҳам, ундан халос бўлиши оғир. Шунда у ўзидаги неъматларга шукр қилади.

Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан марфуъ тарзда ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган: “Кимда икки хислат бўлса, Аллоҳ уни шукрли ва сабрли (банда сифатида) ёзади: Ким дунёсида ўзидан пастдагиларга қараб, Аллоҳ у туфайли афзал қилиб қўйган (тасарруфидаги бор) нарсаларга шукр қилса, ким динида ўзидан юқоридагиларга қараб, унга иқтидо қилса (эргашса, ана ўша сабрли-шукрли бандадир)” (*Манба: Ибн Ҳажар, “Фатҳул Борий”*).

Демак, бир одам ўзидан бойроқ ва тўқроқ ҳолда яшаётган кишини кўрса, унга ҳавас ёки хасад назари билан қарамайди, ўз ҳолидан нолимайди, балки ўзидан анча муҳтожроқ, камбағалроқ, қашшоқроқ одамлар ҳам борлигини ўйлайди. Дунё ишида ўзидан баландга қараган одам адашади. Бойлик ва мол-дунё тўплашда нуқул тепага қараган одам ношукр бўлади, доим бировдан ортида қолишдан кўрқиб, хавотирда яшайди. Бундай одам ўзидан бойроқ кишини кўрса, нега мен ундай бўлолмайман, деб ўйлайди. Икки қаватли шоҳона уйи бўла туриб, уч қаватли қаср қуришни истаб қолади. Оддийроқ машинага қаноат қилмай, янада қимматроғини минишни хоҳлайди. Орзу-ҳаваснинг чеки йўқ. Инсон умри тугаши мумкин, лекин ҳою ҳаваслар тугамайди, дунё роҳати ва лаззатларида интиҳо йўқ. Бирига эришилган заҳоти бошқа бири чиқиб келаверади, энг сўнгги русум деб машина олсангиз, эртага ундан янгиси пайдо бўлади. Хуллас, бу борада ўзидан

пастдагиларга қараб, ўз ҳолига шукр ва қаноат қилган инсонгина ўзи истаган хотиржамликка эриша олади, қалби безовталиқдан йироқ бўлади.

Тана ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Аллоҳ таоло бандаларини турлича шакл-шамойилда яратган: бирини оқ, бирини қора, кимнидир буғдойранг қилиб халқ этган. Кимнидир чиройли, кимнидир кўримсизроқ қилиб яратиш – Аллоҳ таолонинг ҳикмати. Тана шаклини ҳеч ким ўзгартиролмайди, кўз-қош, бурун, бош, кўл-оёқларни пардоз билан қисман ўзгартириш, чиройлироқ қилиш мумкин, бироқ Аллоҳ яратган асл хилқатни тағ-туғи билан ўзгартириш имкони йўқ. Шундай экан, инсон ўзига ато этилган қиёфадан рози бўлиши, шариат рухсат берган тарзда покликка, чиройли бўлишга ҳаракат қилиши керак. Шунингдек, ўзидан чиройлироқ ва кўркемроқ одамларни кўрганда ўзидан хунукроқ, кўримсизроқлари ҳам борлигини эслаб туриши лозим. Шунда Аллоҳнинг тақдирига рози бўлади, кўнгли таскин топади. Агар фақат ўзидан кўра чиройлироқ одамларга қараб, ўзини камситилгандек ҳис этаверса, ҳаёти рисоладагидек ўтмайди, доим ғам-андуҳда юради. Устига-устак бировларга ҳасад қилиб, гуноҳга ҳам ботади.

Ҳасадчи ҳақида бир ўйлаб кўринг. У Аллоҳнинг тақдирига қарши чиқмоқчи бўлади, қазои қадардан нолийди, “Эй Аллоҳ, фалончига нега бу неъматни бердинг, уни бой қилиб кўйдинг, тан-жонини саломат қилдинг, илм-маърифат бердинг”, деб ўзича Аллоҳга “арз” қилади. Қалбида ҳасади бор одамнинг дили сиқилади, кўнгли безовта бўлади, ич-ичидан қийналади. Чунки бировларнинг муваффақияти унинг оромини ўғирлайди, ҳаловатини бузади. Шу боис, қалбидаги ҳасадни чиқариб ташламас экан, у комил мўмин бўлолмайди, тинч-хотиржам яшолмайди. Ҳасадни қалбдан чиқариш учун набавий кўрсатмаларга амал қилиш талаб этилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: انظُرُوا إِلَى مَنْ هُوَ أَسْفَلَ مِنْكُمْ وَلَا تَنْظُرُوا إِلَى مَنْ هُوَ فَوْقَكُمْ فَإِنَّهُ أَجْدَرُ أَنْ لَا تَزْدَرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ўзингиздан пастдагиларга қаранглар, юқоридагиларга қараманглар! Зеро, бу Аллоҳнинг сизларга (берган) неъматларини паст санамаслик учун муносиброкдир” (Муслим, Термизий ва Аҳмад ривоят қилган).

Имом Ҳоким Абдуллоҳ ибн Шиххирдан – марфуъ тарзда ривоят қилган ҳадисда: “Бойларнинг олдига камроқ киринглар! Зеро, бу Аллоҳ сизларга (ато этган) неъматларни паст санамаслигингиз учун муносиброкдир”, дейилган.

Ҳадисдан олинадиган хулосалар:

1. Инсон мол-дунё ва моддий неъматларда ўзидан пастдагиларга қараши кераклиги.

2. Ўзидан бойроқ, мансаби улуғроқ, чиройлироқ одамларга қараб, уларга ғайрлик қилиш дуруст эмаслиги.

3. Аллоҳнинг неъматларини ҳақир ва арзимас деб билиш номаъкул иш экани.

4. Одам ўзидан даражаси юқоридагиларга қараса, қалбида мол-дунёга, мансаб-мартаба ва дунёвий нарсаларга ҳирс уйғониб, кўлидаги неъматларни менсимаслиги, ўз ҳолидан нолиши ва кимгадир ҳасад қилиши.

5. Агар ўзидан мухтожроқларга ибрат назари билан қараса, Аллоҳ берган неъматларни улуғ билиб,

борига шукр қилади, Аллоҳга ҳамду санолар айтади, холидан норози бўлмайди. Бу шокир бандаларнинг фазилатидир.

Хуллас, ҳар бир инсон бошқа маънавий жиноятлар қаторида ҳасад каби катта иллатдан ҳам қутулиши шарт. Ана шунда эл-юртимизда хайр-барака янада кўпайишидан умид қилсак бўлади.

ФАРЗАНДЛАРНИ ТЕНГ КЎРМАСЛИК ОҚИБАТИ

Ҳаётда кўпроқ бир хил тоифа ва бир хил соҳа кишилари бир-бирига ҳасад қилиши кузатилади. Шунингдек, қариндош-уруғлар ва яқин кишиларда ҳам бир-бирига ҳасад қилиш эҳтимоли йўқ эмас. Жумладан, бир қориндан талашиб тушган ака-ука ва опа-сингиллар бир-бирига ҳасад қилишини Қобил ва Ҳобил қиссаси баёнида кўриб ўтдик. Бунга ота-оналарнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолишини ҳам унутмаслик керак. Бир оила бағрида вояга етаётган болалар ота-она муомаласини жуда яхши билади. Шу боис, ака-укалар, опа-сингиллар бир-бирига ҳасад қилишини нотўғри тушунмаслик керак. Дастлаб бундай ҳасадга ота-онанинг ўзлари айбдор бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Болаларини тенг кўрмай, орасини ажратиш, бирини суюб-эркалаб, бирини жеркиб солиш ва ҳоказо муносабатлар улар орасига ҳасад (ғайрлик) уруғини сочади. Ҳатто бундан қаттиқ таъсирланган баъзи болалар бир умр ота-онасини ёмон кўриб қолиши ва ҳаётда қинғир йўлларга ўтиб кетиши мумкин.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам фарзандларга бирдек муомала қилишга чақирганлар, унисига бошқача, бунисига бошқача муносабатда бўлишдан қайтарганлар.

عَنْ يَحْيَى بْنِ أَبِي كَثِيرٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سَأُؤْوَا بَيْنَ أَوْلَادِكُمْ فِي الْعَطِيَّةِ وَلَوْ كُنْتَ
مُؤَثِّرًا أَحَدًا لَأَثَرْتَ النِّسَاءَ عَلَى الرِّجَالِ. رَوَاهُ سَعِيدُ بْنُ
مَنْصُورٍ.

Яхё ибн Абу Касирдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Совға беришда фарзандларингизни тенг кўринглар! Агар биронтасини афзал кўришинг лозим бўлса, қизларни ўғил болалардан афзал кўрасан”, деганлар (Саид ибн Мансур ривояти).

Яъни, агар фарзандга совға-салом ёки бирон ҳадя бермоқчи бўлса, уларни ўғил ёки қиз, катта ёки кичикка ажратмасдан, ҳаммасини бирдек, ўрталарида адолат билан тақсимлаб бериш керак экан. Мабодо бирини иккинчисидан афзал кўриш лозим бўлса, у ҳолда дастлаб қизлардан бошланади, кейин ўғил болаларга берилади. Қарангки, бу ўринда оддий ҳадя олиб келиш хусусида сўз бормоқда. Пайғамбаримиз ана шу кичик ҳадя улашилганда ҳам адолат ва инсофга риоя қилишга буюрмоқдалар.

Ислоом шариатида қиз бола хурматини жойига қўйиш ва эъзозлаш ҳақида алоҳида кўрсатмалар келган. Қиз фарзанд туғилса, хурсанд бўлиш, совғани аввал қизлардан бошлаш, уч нафар қизни иймонли-эътиқодли, одобли қилиб тарбияласа, жаннатий бўлиш ҳақидаги ҳадиси шарифлар фикримиз исботидир. Жоҳилият даврида қиз болалар хурмати ва ор-номуси топталган, худди кераксиз буюмдек қаралган, ҳатто қиз фарзанд дунёга келса, ор қиладиган “ота”лар уни тириклайин кўмишгача етиб борган, қиз фарзанд кўргани айтилса, бирдан тепа сочи тикка бўлган. Мана шу жоҳилий одатга барҳам бериш мақсадида Ислоом динида қизларга, умуман аёлларнинг ҳақ-хуқуқларига алоҳида эътибор билан қарашга тарғиб-ташвиқ қилиниб, камситмаслик ва

шаънини ерга урмаслик таъкидланади. Совға олиб келганда биринчи қизларга улашишга буюриш ҳам Исломда қиз фарзанднинг ўрни нечоғли катта эканини билдиради.

عَنْ عَامِرٍ قَالَ سَمِعْتُ النُّعْمَانَ بْنَ بَشِيرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا وَهُوَ عَلَى الْمِنْبَرِ يَقُولُ: أَعْطَانِي أَبِي عَطِيَّةً فَقَالَتْ عَمْرَةٌ بِنْتُ رَوَاحَةَ: لَا أَرْضَى حَتَّى تُشْهَدَ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَتَى رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: إِنِّي أَعْطَيْتُ ابْنِي مِنْ عَمْرَةَ بِنْتِ رَوَاحَةَ عَطِيَّةً فَأَمَرْتَنِي أَنْ أَشْهَدَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَالَ: أَعْطَيْتَ سَائِرَ وَلَدِكَ مِثْلَ هَذَا قَالَ: لَا قَالَ: فَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْدِلُوا بَيْنَ أَوْلَادِكُمْ قَالَ: فَرَجَعَ فَرَدَّ عَطِيَّتَهُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Омидан ривоят қилинишича, у Нуъмон ибн Башир розияллоху анху минбарда туриб шундай деганини эшитган экан: “Отам менга бир ҳадя қилди. Шунда (онам) Амра бинти Равоҳа: “Сен Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни гувоҳ қилиб келтирмагунингча рози эмасман”, деди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам келганларида (отам) деди: “Мен Амра бинти Равоҳадан (туғилган) ўғлимга бир ҳадя қилдим. Аёлим унга сизни гувоҳ қилишимни сўради, ё Расулulloҳ!” деди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: “Қолган фарзандларингга ҳам шундай ҳадя бердингми?” деб сўрадилар. У: “Йўқ”, деди. Шунда у зот: “Аллоҳдан кўрқинглар, фарзандларингиз орасида адолат қилинглар!” деб таъкидладилар. Шунда отам қайтиб келиб, ҳадясини қайтариб олди” (Бухорий ривоят қилган).

Бу ерда Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳунинг отаси фарзандларини тенг кўрмаётгани ва бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етказилганда: “Аллоҳдан кўрқинглар, фарзандларингиз орасида адолат қилинганлар”, деб таъкидлаганлари айтилмоқда. Бошқа бир ривоятда бу жумла турли сийғаларда келган. Жумладан:

1. Уни ортига қайтар.
2. Ундай бўлса, мени бунга гувоҳ қилма. Чунки мен жабр-зулмга гувоҳ бўлмайман.
3. Мени зулмга гувоҳ қилма.
4. Бунга мендан бошқасини гувоҳ қил.
5. Мен фақат ҳаққа гувоҳ бўламан.
6. Шунинг учун ундай қилма.

Нўъмон ибн Башир Ансорий розияллоҳу анҳудан келтирилган бошқа бир ривоятда онаси Амра бинти Равоҳа эридан ўғлига бирон ҳадя қилишни сўрайди. Башир бир йил чўзиб юрганидан кейин ҳадя беришга рози бўлади. Шунда Амра: “Сен бунга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни гувоҳ қилиб келтирмагунингча рози эмасман”, деган. Шунда отаси: “Ё Расулуллоҳ, онаси Бинти Равоҳа ўғлимга келтирган ҳадям ҳақида мен билан баҳслашди”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Эй Башир, сенинг бундан бошқа ўғилларинг борми?” деб сўрадилар. Отаси: “Ҳа”, деб жавоб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна савол бердилар: “Уларнинг ҳаммасига мана шу ўғлингга берганингдек ҳадя улашганмисан?” Отаси бу саволга: “Йўқ”, деб жавоб қайтарди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “У ҳолда мени бунга гувоҳ қилма! Чунки мен жабр-зулмга гувоҳ бўлмайман!” дедилар (*Муслим, Насоий ва Аҳмад ривояти*).

Ушбу ривоятдан олинадиган хулосалар:

1. Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳунинг отаси унга ҳадя ва тортиқ келтиргани.

2. Нўъмоннинг онаси Амра бинти Равоҳа розияллоҳу анҳо эрининг бу ишига Расулуллоҳни гувоҳ қилишни талаб қилгани.

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фарзандлар орасида тенг ва адолатли тақсим бўлмаганидан бу ишга рози эмасликларини очиқ баён қилганлари.

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ботилга эмас, фақат ҳаққа гувоҳ бўлганлари, жабр-зулмга рози эмасликлари.

5. Ота фарзандлари ўртасида адолатли тақсимот қилиши, биридан иккинчисини афзал кўриб, унга кўпроқ нарсаларни ҳадя қилиши тўғри эмаслиги. Шундай бўлган тақдирда, афзал кўрилган ўғил ёки қизга берилган нарсалар ортга қайтарилиши.

6. Тақводор одам ҳар бир ишда одилона йўл тутиши, ҳар бир ҳақ эгасининг ҳақини адо этиши лозимлиги.

Фарзандлар орасини ажратиш, уларни тенг кўрмаслик куйидаги кўринишларда бўлади:

7. Бирини мақтаб, бошқасини ёмонлаш, бирини ақлли деб, бошқасини “аҳмоқ” дейиш.

8. Бошқаларини кўйиб, фақат бирига эътибор бериш, унга алоҳида ҳадялар улашиш, яхши муомала қилиш, қолганларини уришиб-тергаш, танбеҳ бериш, ҳақини поймол қилиш.

9. Севимли ўғилни кечириб, бошқасини арзимас сабаблар билан жазолаш.

10. Фарзандлари орасидан фақат биттасини яхши кўриш. Бунга унинг ўзига хослаб бирон нарса бериш, қолганларига бермаслик, яхши кўрган фарзандини ўпиб, суюб-эркалаб, бошқаларига эътиборсизлик сабаб бўлади.

Айтиб ўтилганлардан биронтаси ҳеч бири жоиз эмас. Чунки бундай қилиш фарзандлар ўртасида ҳасад, адоват ва нафратни пайдо қилади. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни

бу ишдан қайтарганлар. Мусулмон банда учун Расулulloҳнинг “Бундай қилма!” деган сўзларининг ўзи кифоя этади. Ортиқча изоҳга ҳожат йўқ.

Ҳаётда баъзи ота-оналар фарзанларининг эътиборсизлиги ва лоқайдлигидан нолиб қолади. Аммо фарзандлари шундай бўлишига ўзлари ҳам айбдор эканларини унутиб қўядилар. Фарзанд дунёга келганидан бошлаб ўз бағрида улғайтирган ота-онани қандай яхши кўрмаслиги мумкин? Ҳадиси шарифда кўрганимиздек, оддий муомала, ҳада бериш ва бирини биридан устун қўйишда ота-она томонидан йўл қўйилган хатолик бола тасаввурига салбий таъсир қилиш эҳтимоли йўқ эмас. Ота-онасига буни айта олмай, узоқ вақт қийналиб, изтироб чекиши боланинг тошбағир ва бемехр ҳолда тарбия топишига замин яратади.

ҲАСАД ВА УНИНГ ЁМОНЛИГИДАН ПАНОҲ СЎРАШ

Қуръони Каримда ҳасад ва ҳасадчининг ёмонлигидан паноҳ тилаш бежиз айтилмаган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам ҳасад ва ҳасадчидан ёмонлик етишини эътироф этганлар. Шундай экан, ҳасад оддий дард эмас, балки инсон қалбини заҳарлайдиган дард. Абдулҳамид деган зот: “Ҳасадгўй ғам борасида заҳарловчига ўхшайди. Агар унинг заҳри ўтса, ғамдан қутулади”, деган экан. “Мансурул хикам”да: “Ҳасадгўйда шараф йўқ”, дейилган. Чунки ҳасадчи ўз яқиними, етти ёт бегонами, ким бўлишидан қатъи назар, аяб ўтирмайди, ўзидаги заҳарни тўкиб солиш билан роҳатланади. Қуръони Каримнинг “Ҳашр” сурасида шундай дуо қилиш ўргатилган:

رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ وَلَا تَجْعَلْ
فِي قُلُوبِنَا غِلًّا لِلَّذِينَ آمَنُوا رَبَّنَا إِنَّكَ رَءُوفٌ رَحِيمٌ.

Дуонинг ўқилиши:

“Роббанағфир ланаа ва ли-ихвааниналлазийна сабақувна бил иймаан, ва лаа тажъал фий қулув-бинаа ғиллал-лиллазийна ааманув, роббанаа иннака роувфур роҳийм”.

Дуонинг таржимаси:

“Парвардигоро, Ўзинг бизларни ва бизлардан илгари иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират эт, қалбларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон ғиллу ғашлик қилма. Парвардигоро, албатта Сен Меҳрибон ва Раҳмлисан!” (“*Ҳашр*” сураси, 10-оят).

Биз оят таржимасида “ғиллу ғашлик” деб келтирган сўз арабий матнда “ғилл” тарзида ифода-ланган. Уламолар уни “кўролмаслик”, “ҳасад”, “адоват” деб шарҳлаб, мана шу оятни далил қиладилар: “Саҳобалар розияллоҳу анҳумдан кейин келган ҳар бир мўмин-мусулмон банда уларнинг ҳақларига дуо қилиб, уларни ҳурмат-эътиром этиши лозим” (Манба: *Муҳаммад Саййид Тантовий, “Ал-васит”*).

اللَّهُمَّ اجْعَلْنِي لَكَ شَاكِرًا لَكَ ذَاكِرًا لَكَ رَاهِبًا لَكَ
مَطْوَعًا إِلَيْكَ مُحِبًّا أَوْ مُنِيبًا رَبِّ تَقَبَّلْ تَوْبَتِي وَاعْسِلْ حَوْبَتِي
وَأَجِبْ دَعْوَتِي وَثَبِّتْ حُجَّتِي وَاهْدِ قَلْبِي وَسَدِّدْ لِسَانِي
وَاسْأَلْ سَخِيمَةَ قَلْبِي.

Ўқилиши:

“Аллоҳуммажъалний лака шаакиро, лака заакиро, лака роҳиба, лака митвааъаа, илайка мух-битан ав мунийбаа. Робби тақоббал тавбатий, вағсил ҳавбатий, ва ажиб даъватий, ва саббит ҳужжа-тий, ва саддид лисааний, васлул сахиймата қолбий”.

Маъноси:

“Ё Аллоҳ, мени Ўзингга шукр қиладиган, Ўзингни эслайдиган, Ўзингдангина кўрқадиган, итоат этадиган, хушули, тавба билан қайтувчи қил! Парвардигорим, тавбамни қабул эт, гуноҳимни кечир, дуойимни мустажоб айла, ҳужжатимни мустаҳкам (кучли) қил, қалбимни (тўғри йўлга) бошла, тилимни тўғрила, қалбимдаги ҳасад-адоватни кетказ” (Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الثَّبَاتَ فِي الْأَمْرِ وَأَسْأَلُكَ عَزِيمَةَ الرُّشْدِ
وَأَسْأَلُكَ شُكْرَ نِعْمَتِكَ وَحُسْنَ عِبَادَتِكَ وَأَسْأَلُكَ لِسَانًا
صَادِقًا وَقَلْبًا سَلِيمًا.

Ўқилиши:

“Аллоҳумма инний асьалукас сабаати фил амр, ва асьалука азийматар рушд, ва асьалука шукро ниъматика ва ҳусна ъйбаадатик, ва асьалука лисаанан содиқов-ва қолбан салиймаа”.

Маъноси: “Ё Аллоҳ, Сендан ишларда собитқадамлик сўрайман, чиройли тасарруф (ёки қатъият) сўрайман, берган неъматларингга шукр қилишни, Сенга гўзал суратда ибодат қилишни сўрайман. Сендан ростгўй тил, салим (покиза) қалб сўрайман” (Термизий, Насоий ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади заиф).

بِاسْمِ اللَّهِ يُبْرِيكَ وَمِنْ كُلِّ دَاءٍ يَشْفِيكَ وَمِنْ شَرِّ حَاسِدٍ
إِذَا حَسَدَ وَشَرِّ كُلِّ ذِي عَيْنٍ.

Ўқилиши:

“Бисмиллаҳи юбрійка, ва мин кулли даа-ин яшфийка, ва мин шарри ҳасидин изаа ҳасад, ва шарри кулли зий ъайн”.

Маъноси: “Сени тузатадиган, ҳар қандай дардингга шифо берадиган, ҳар бир ҳасадчи ҳасад қилганида, ҳар бир кўзнинг ёмонлигидан (ҳимоя қиладиган) Аллоҳ номи билан бошлайман”.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бетоб бўлиб қолсалар, Жаброил алайҳиссалом у зотга: “**Бисмиллаҳи юбрийка, ва мин кулли даа-ин яшфийка, ва мин шарри ҳаасидин изаа ҳасад, ва шарри кулли зий ʼайн**”, деб дам солар эди (Муслим ривояти).

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَهَامَّةٍ وَمِنْ كُلِّ عَيْنٍ لَأَمَّةٍ.

Ўқилиши:

“**Аъувзу бикалимаатиллааҳит тааммати мин кулли шайтонив-ва ҳаамма, ва мин кули ʼайнил лаамма**”.

Маъноси:

“**Аллоҳнинг мукаммал¹ калималари билан ҳар бир шайтондан, зараркунандадан ва гуноҳкор кўздан паноҳ тилайман**”.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайнга паноҳ тилаб: “**Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ҳар бир шайтондан², зараркунандадан ва гуноҳкор кўздан иккингишга паноҳ тилайман**”, дердилар, сўнгра: “Бобонгиз (Иброҳим алайҳиссалом) бу калималар билан

¹ Уламолар ривоятдаги “мукаммал” сўзини манфаатли, шифо келтирувчи, муборак, кор қилувчи, наф берувчи, деб тушунтиришган.

² Бу ўринда “шайтон” сирасига инсон ва жинлардан бўлган шайтонлар киради.

Исмоил ва Исҳоққа паноҳ тиларди”, деб айтардилар (*Бухорий, Абу Довуд ва Табарий ривояти*¹).

Пайғамбаримиз ҳасаднинг давоси оғирлигини инобатга олган ҳолда уни кўпроқ Аллоҳга дуо қилиш ва паноҳ сўраш билан даволаш мумкинлигини кўрсатмоқдалар. Демак, бу касални даволаш осон эмас. Заҳар ичган кишини даволаш осон бўлмаганидек, бу дардга мубтало бўлган кишини ҳам даволаш ва ҳасад ўтидан халос этиш шу қадар қийин кечиши аниқ. Ҳасад ҳасадчи кишининг ичини ўт бўлиб куйдиради. Ўртайти ва заҳар каби бутун баданини эгалаб олади. Шундан кейин унга қанча насиҳат қилинса ҳам, худди эшитмаётгандек безрайиб тураверади, ўзиникини маъқуллашдан нарига ўтмайди. Ибн Муътаз: “Ҳасад – тана дардидир”, деган. Дарҳақиқат, қалбни касал қилишдан ташқари ҳасаднинг танага ҳам таъсири бор. Аини ҳасадда маънавий дард билан жисмоний касаллик ўзига хос уйғунлашиб, ҳасадчининг танаси ва руҳиятига зарар етказди.

ҲАСАДДАН ХАЛОС БЎЛИШ ФАЗИЛАТИ

Абулҳасан Мовардийнинг “Дунё ва дин одоби” китобида барча қалб иллатлари қаторида ҳасадга ҳам ўрин ажратилган ва унинг қандай дард экани тушунтирилган. Бу аллома ҳасад билан рақобат ўртасини ажратиш кераклигини, иккиси бир-биридан фарқ қилишини тушунтириб: “Рақобатлашиш бу – фазл эгаларига зарар етказмай, уларга ўхшашга интилишдир. Ҳасад зарар томонга йўналгандир. Чунки унинг мақсад-ғояси фазилат эгаларини ўз фазилатларидан, ўша фазилатни ўзи эгалламаган

¹ Хаттобий айтишича, Имом Аҳмад ибн Ханбал бу ҳадисни Аллоҳнинг Каломи махлуқ (яратилган) эмаслигига далил қилиб келтирарди. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам махлуқ билан паноҳ истамаганлар (М а н б а: *Ибн Ҳажар, “Фатҳул Борий”*).

холда маҳрум қилишдир. Рақобат билан ҳасад ўрта-сидаги фарқ ана шундан иборат”, дейди. Лекин ҳасад балосига учраган кишининг уни тарк этиши осон бўлмаслиги аниқ. Чунки ўзи бир нарсага ҳожатманд бўлиб, уни бошқага раво кўриш жуда улуғ мақомдир. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Улардан (муҳожирлардан) илгари (Мадина) диёрига ўрнашган, иймон-эътиқодни (маҳкам ушлаган) зотлар (ансорлар) эса ўзлари(нинг ёнлари) га ҳижрат қилиб келган кишиларни суядилар, дилларида уларга берилган нарса-ўлжалар сабабли бирон ҳасад туймайдилар, гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларини кўйиб (ўзгаларни) ийсор-ихтиёр қиладилар. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, ана ўшалар нажот топувчилардир” (*“Ҳашр” сураси, 9-оят*).

Бу оятда, муҳожирлар ҳижрат қилиб, ўз уй-жойларини ташлаб чиққанларида уй-жойлари ва иймон-эътиқоди билан пешвоз чиққан ансорлар¹ бағрикенглиги, самимияти ва ўзидан кўра бошқалар манфаатини устун кўя олишлари таърифланмоқда ва муҳожир биродарларини яхши кўрган инсонлар сифатида мақталмоқда. Ансорлар Мадинада яшаган саҳобалардир. Улар бу шаҳарга келиб ўрнашган, муҳожирлар келишидан олдин ҳам кўплари Аллоҳни таниган зотлар бўлишган. Улар Аллоҳ йўлида бутун мол-мулкани ташлаб чиққан муҳожирларга ўзидаги борини раво кўриб, яхшилиқни соғинган, ўз ҳовлисидан уларга жой берган, ўз молига биродарини шерик қилган, буни бирон тамасиз қалбдан чиқариб, холисан адо этган, қилган ишларидан диллари севинган, муҳожирларга нисбатан зигирча кек-адоват ва ҳасад туйғуси бўлмаган ансорлардир. Улар мўмин биродарларини

¹ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга, муҳожирларга яқиндан кўмак берганлари учун мадиналик саҳобалар ансорлар дейилади.

каттиқ яхши кўрадилар. Чунки иймон уларнинг қалбларини меҳр-муҳаббат риштаси билан мустаҳкам боғлаган. Ўзлари муҳтож бўлса ҳам, биродарларини ийсор қилишарди, ўзларидан устун кўйишарди ва уларни хурсанд қилиш учун қўлларидан келганича ҳаракатда эдилар. Уларнинг мустаҳкам иймони ҳасад, бахиллик ва зикналикдан сақларди. Ояти каримада кимда-ким нафсининг бахиллигидан сақлана олса, ана ўша банда нажотга эришади, Аллоҳ розилигини топади, дейилиши бежиз эмас. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб шундай деди:

– Ё Расулуллоҳ! Мен қаттиқ муҳтожликка тушиб қолдим!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни аёллари олдига юбордилар. У ҳеч нарса топа олмади. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом:

– Бу кеча мана бу кишини меҳмон қиладиган борми? Аллоҳ унга раҳм қилсин! – деб сўрадилар.

Шунда ансорлардан бир киши (бир ривоятда Абу Талҳа дейилган) ўрнидан туриб:

– Мен меҳмон қиламан, эй Расулуллоҳ! – деб уни уйига олиб борди ва аёлига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меҳмонлари ҳурматини жойига кўйишни ва уни иззат-икром қилишни буюрди. Аёли: “Аллоҳга қасамки, уйда болаларнинг овқатидан бўлак ҳеч вақо йўқ!” деди.

– Агар болалар овқат сўрашса, уларни ухлатиб қўй. Бу ерга кел ва чирокни ўчир. Бугун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меҳмонлари учун қорнимизни “ўраб” қўямиз, – деди. Аёли эри айтган ишни қилди (*Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривояти*).

Мазкур ояти каримадан олинадиган хулосалар:

1. Аллоҳ таолонинг ансорларни ва хотам-тойлигини мақтагани.

2. Ансорлар Мадинага кўчиб борган муҳожир-

– Тақволи, покиза, (ҳалок этувчи) гуноҳлардан сақланган, зулмдан йироқ, (дилида) кек-адовати, ҳасади йўқ кишидир (*Ибн Можжа ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Шунга ўхшаш яна бир ривоят келтирилган. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Биз:

– Ё Расулуллоҳ! Одамлар ичида энг яхшиси ким? – деб сўрадик.

У зот:

– Қалби тоза, тили ростгўй (киши), – деб жавоб бердилар.

– Биз ростгўй қандай одам эканини биламиз. Энди бизга қалби покиза киши қандай бўлишини айтинг.

– У тақволи, покиза (кўнглида кири йўқ), гуноҳлардан сақланган, ҳасаддан йироқ (кишидир).

– Ундан кейин ким (энг яхши)?

– Дунё (ва унга тегишли ўтқинчи матоҳларни) ёмон кўрадиган, охиратни яхши кўрувчи (банда).

– Орамизда фақат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Рофеъни шундай одам деб биламиз. Ундан кейин ким (энг яхши)?

– Хулқи чиройли мўмин (банда).

– Лекин бу (хислат) бизда бор! (*Ибн Можжа саҳиҳ санад билан ривоят қилган*).

Ҳадис таржимасида “қалби тоза” деб ифодаланган сўз ривоятнинг арабий матнида “махмумул қалб” тарзида келган. “Махмум” сўзи “супуриб, топ-тоза қилиб қўйилган уй” маъносини англатади. Шундан келиб чиқиб айтамиз: покиза қалб деганда, жабр-зулм, хавойи нафс, шаҳват, кек-адоват, гина-кудурат, ҳасад, нифоқ ва ширкдан холи қалбни тушунилади. Банданинг салоҳияти унинг қалбига боғлиқ. Қалб тоза бўлса, танадаги ҳамма аъзоларнинг иши тоза – ҳалол ва тўғри бўлади¹. Шунинг учун дини-

¹ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Огоҳ бўлинглар!

мизда қалбни поклашга, ахлоқни сайқаллашга, руҳни чиркин иллатлардан тозалашга бот-бот тарғиб этилади.

Қуръони Каримда айтилишича, қиёмат куни Аллоҳ ҳузурига салим – тоза қалб билан борган инсонларгина нажот топадилар, молу давлат ҳам, бола-чақа ҳам фойда бермайди ўша кунда. Фақат иймон ва ихлос билан қилинган солиҳ амаллар, тақво, салоҳият ва қалб поклиги асқатади. Қуръони Каримда Иброҳим алайҳиссалом тилидан шундай дейилган: **“У кунда на мол-давлат, на бола-чақа фойда беради. Магар Аллоҳ ҳузурига салим – тоза қалб билан келган кишиларгагина (фойда беради)”** (*“Шуаро” сураси, 88–89-оятлар*).

Охиратда кимнинг пули кўплиги, ота-боболари қандай одам бўлганига қаралмайди. Бойлик ҳам, насл-насаб ҳам иш бермайди рўзи маҳшарда. Фақат қалбдаги иймон, солиҳ амаллар фойда

Инсон танасида бир парча эт бор. Агар у тузалса, (одамнинг) бутун танаси тузалади. Агар бузилса, тананинг ҳамма аъзоси бузилади. Огоҳ бўлинглар, у қалбдир”, деганлар (*Бухорий, Муслим, Доримий бу ҳадисни Нўъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят қилган*).

Банданинг салоҳияти, яхши ёки ёмонлиги унинг қалбига боғлиқ. Зеро, қалб тананинг амиридир. Бошлиқ яхши бўлса, раият ҳам тузук бўлади. Агар бузилса, раиятдан салоҳият кетади.

Бу ерда қалб иши нозик экани, уни ислоҳ қилиш, қалбни поклаш муҳимлигига алоҳида урғу берилмоқда. Руҳий тарбия соҳасида ҳам энг муҳим иш қалбни тозалашдир. Бу комилликнинг илк босқичидир. Қалб поклансагина банда ўзида юксак ахлоқни, мақталган сифатларни жамлай олади. Шу сабаб динимизда қалб поклигига, руҳий тарбияга алоҳида тарғиб этилади.

Ҳадисда “қалб”нинг “бир парча гўшт” дейилишига сабаб, қалб қолган тана аъзоларига нисбатан кичик, нари борса, одамнинг муштидек келади. Мана шу бир парча эт инсон салоҳиятини белгилаб беради. Мана шу митти аъзони тўғрилай олган инсоннинг бошқа аъзолари ҳам тўғри, соғлом бўлади. Зеро, танаси, ҳамма аъзолар ана ўша қалбга бўйсунди. Ҳалол ризқ топиш, ҳаромдан ҳазар қилишда ҳам қалб поклиги муҳим саналади. Агар қалб тоза бўлса, инсон ҳалолга рағбат қилади, ҳаромдан йироқ бўлади (Манба: *Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шиғфоси”*).

беради. Қалби пок инсон қиёмат куни нажот топади, Аллоҳ розилигига эришади. Шундай экан, зинҳор мол-давлатимиз ва фарзандларимизга ишониб қолмайлик, қалб поклигига эътибор берайлик. Бир ҳадиси шарифда: “Аллоҳ сизларнинг (ташқи) кўринишингизга ҳам, бойликларингизга ҳам қарамайди, қалбингизга ва амалингизга қарайди”, дейилган (*Муслим, Ибн Можса, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон – Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан – марфуъ тарзда ривояти*).

Мусулмон кишининг ташқи кўриниши чиройли ва либослари тоза бўлиши нур устига нур, албатта. Ҳалол йўл билан бойлик орттирса, пешона тери билан топган пулини ўзига, яқинларига сарфласа, кўп савоб олади. Аммо муҳими бу эмас. Асосийси – қалбни поклаш ва амалларни шариат буюрганидек бажариш. Расулуллоҳ бизни қалбни поклашга чақириб, кўкракларига уч марта ишора қилиб: “Тақво мана бу ерда бўлади!” деб таъкидлаганлар. Яъни, тақво қалбда бўлади. Ўзини одамларга ихлосли қилиб кўрсатиш билан тақводор бўлиб қолмайди. Қалбда тақво бўлсин, дили пок бўлсин. Амаллар ҳисоб қилинадиган кунда айнан кўнглида кири йўқ, дили пок инсоннинг юзи ёруғ бўлади.

Қалб поклиги ва уни ислоҳ этиш борасида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ўрнақдир. Бир куни у зот “Ичингизда энг тақводорингиз менман”, деб ҳақиқатни баён этишлари мақтанчоқлик эмас, балки айни ҳақиқатдир. У зот ниҳоятда камтар, фахрланиш ва мақтанчоқликдан мутлақо йироқ бўлганлар. Лекин саҳобаларга намуна бўлиши учун ўзлари тақвода пешқадам эканларини маълум қилганлар. Бундан чиқди, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшашга интилсак, у зотнинг изларидан юрсак, тақводор инсонлар сафига қўшилаемиз, энг яхши бандалар қаторидан жой олаемиз. Натижада охиратда нажот топаемиз, иншааллоҳ!

Юқорида келтирилган ривоятдан олинган хулосалар:

1. Саҳобалар энг афзал ва энг яхши банда кимлигини билишга ўта иштиёқманд бўлишгани, уммати муҳаммадия ичида энг яхшиси бўлишга қаттиқ интиланлари.

2. Покиза қалб соҳиби мусулмонлар ичида энг яхши инсон саналиши.

3. Ростгўйлик, тилни беҳуда гап-сўзлардан тийиш, фақат ҳақни гапириш, рост сўзлаш билан банда юқори мартабага кўтарилиши, уммат ичида энг афзали деб тан олинishi.

4. Тақво эгасининг қалби пок бўлиши. Аниқроғи, қалби тоза инсон Аллоҳ қайтарган ишлардан қайтиб, буюрган амалларни сидқидилдан бажариши.

5. Қалби пок инсонни Аллоҳ турли гуноҳ-маъсиятлардан сақлаши, унга тавфиқ бериши.

6. Қалби пок инсон бировга кўли билан ҳам, тили билан ҳам зулм қилмаслиги, одамларнинг кўнглини оғритмаслиги. Кимда-ким инсонларга зуғум ўтказса, унинг қалби кир ҳисобланади.

7. Дили пок инсон бировга, айниқса, ўзининг мўмин-мусулмон биродарларига кек-адоват сақламаслиги, гина-кудуратдан йироқ юриши, биродарларига етган неъматларга ҳасад қилмаслиги, уларга ёмон назар билан қарамаслиги.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا جُلُوسًا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَطَّلِعُ عَلَيْكُمْ الْآنَ رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَطَعَّ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ تَنْطِفُ حَيْثُ مِنْ وُضُوئِهِ فَذُ تَعَلَّقَ تَعْلِيهِ فِي يَدِهِ الشِّمَالِ فَلَمَّا كَانَ الْعَدُوَّ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِثْلَ ذَلِكَ فَطَلَعَ ذَلِكَ الرَّجُلُ

مِثْلَ الْمَرَّةِ الْأُولَى فَلَمَّا كَانَ الْيَوْمَ الثَّلَاثُ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِثْلَ مَقَالَتِهِ أَيْضًا فَطَلَعَ ذَلِكَ الرَّجُلُ عَلَى مِثْلِ حَالِهِ الْأُولَى فَلَمَّا قَامَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَبِعَهُ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ عَمْرٍو بْنُ الْعَاصِ فَقَالَ: إِنِّي لَأَحِثُّ أَبِي فَأَقْسَمْتُ أَنْ لَا أَدْخُلَ عَلَيْهِ ثَلَاثًا فَإِنْ رَأَيْتَ أَنْ تُؤْوِيَنِي إِلَيْكَ حَتَّى تَمْضِيَ فَعَلْتَ قَالَ: نَعَمْ قَالَ أَنَسٌ: وَكَانَ عَبْدُ اللَّهِ يُحَدِّثُ أَنَّهُ بَاتَ مَعَهُ تِلْكَ اللَّيَالِي الثَّلَاثَ فَلَمْ يَرَهُ يُقُومُ مِنَ اللَّيْلِ شَيْئًا غَيْرَ أَنَّهُ إِذَا تَعَارَى وَتَقَلَّبَ عَلَى فِرَاشِهِ ذَكَرَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ وَكَبَّرَ حَتَّى يُقُومَ لِصَلَاةِ الْفَجْرِ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ غَيْرَ أَنِّي لَمْ أَسْمَعْهُ يَقُولُ إِلَّا خَيْرًا فَلَمَّا مَضَتْ الثَّلَاثُ لَيَالٍ وَكِدْتُ أَنْ أَحْتَقِرَ عَمَلَهُ قُلْتُ: يَا عَبْدَ اللَّهِ إِنِّي لَمْ يَكُنْ بَيْنِي وَبَيْنَ أَبِي غَضَبٌ وَلَا هَجْرٌ ثُمَّ وَلَكِنْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ لَكَ ثَلَاثَ مِرَارٍ: يَطَّلِعُ عَلَيْكُمْ الْآنَ رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ فَطَلَعْتَ أَنْتَ الثَّلَاثَ مِرَارٍ فَأَرَدْتُ أَنْ آوِيَ إِلَيْكَ لِأَنْظُرَ مَا عَمَلُكَ فَأَقْتَدِي بِهِ فَلَمْ أَرَكَ تَعْمَلُ كَثِيرَ عَمَلٍ فَمَا الَّذِي بَلَغَ بِكَ مَا قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: مَا هُوَ إِلَّا مَا رَأَيْتَ قَالَ: فَلَمَّا وَلَّيْتُ دَعَانِي فَقَالَ: مَا هُوَ إِلَّا مَا رَأَيْتَ غَيْرَ أَنِّي لَا أَجِدُ فِي نَفْسِي لِأَحَدٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ غِشًّا وَلَا أَحْسُدُ أَحَدًا عَلَى خَيْرٍ أَعْطَاهُ اللَّهُ إِيَّاهُ فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: هَذِهِ الَّتِي بَلَغْتَ بِكَ وَهِيَ الَّتِي لَا نُطِيقُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ أَبِي حَتْمٍ وَعَبْدُ بْنُ حُمَيْدٍ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдик. У зот: “Ҳозир ҳузурингизга аҳли жаннатдан бир одам чиқади”, дедилар. Соқолидан таҳорат суви оқиб турган, чап кўлида кавуш тутган бир ансорий киши чиқиб келди. Эртасига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айни гапни айтганларида, яна ўша одам кечаги ҳолида чиқиб келди. Учинчи куни ҳам худди шу ҳолат такрорланди. Мажлисадагилар тарқалганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан турдилар. Абдуллоҳ ибн Амр ҳалиги одамнинг ортидан эргашиб бориб: “Отам билан орамиздан гап ўтиб қолди. Уч кунгача унинг олдига кирмасликка қасам ичгандим. Агар маъқул топсангиз, менга шу муддат ўтгунча уйингиздан жой бериб туринг”, деди. У “хўп”, деди”.

Анас айтади: “Абдуллоҳ ўша кеча у билан бирга тунаганини, у одамнинг кечалари ҳеч бедор бўлмаганини гапириб юрарди. Агар у безовта бўлса, ўрнидан ўгирилиб (бошқа томонга қараб) ётар, бомдодгача Аллоҳни зикр қилиб, такбир айтиб чиқар экан”. Абдуллоҳ яна шуларни айтган экан: “Аммо ундан фақат яхши гапларни эшитдим. Уч кеча ўтгандан сўнг унинг амали ҳеч нарса эмас экан, деган фикрга келай дедим. Унга: “Эй Аллоҳнинг бандаси! Отам билан орамизда ҳеч қандай гап ўтгани йўқ. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан уч марта: “Ҳозир ҳузурингизга жаннатийлардан бир киши чиқади”, деган гапни эшитдим. Уч марта ҳам сиз чиқиб келдингиз. Сизнинг ҳузурингиздан жой олиб, қиладиган амалингизга назар солиб, иқтидо қилиш орзусида эдим. Аммо каттароқ бир иш қилганингизни кўрмадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган мақомга

қандай эришдингиз?” деб сўрадим. У: “Ўзинг кўрган нарсадан бўлак ҳеч вақо йўқ”, деди. Қайтиб кетаётганимда у мени ёнига чақириб: “Ўзинг кўрган нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Лекин мен қалбимда биронта мусулмонга гина-кудурат сақламайман, ҳеч кимга (Аллоҳ унга берган яхшиликка) ҳасад қилмайман”, деди. “Сизни ўша мақомга етиштирган шу хислат эканда!.. Бироқ биз бунга тоқат қилолмаймиз”, деди **Абдуллоҳ ибн Амр**” (*Аҳмад, Байҳақий ва Абд ибн Хумайд ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Инсон қалбида ўзгаларга нисбатан ҳасад ва кек-адоват бўлмаслиги улуғ фазилатдир. Зеро, дилида гина-кудурат, кек-адоват ва кўролмаслик иллоти йўқ инсон кишиларга хайрихоҳ бўлади. Бундай одамдан ҳеч қанақа ёмонлик чиқмайди. Мазкур ривоятда ҳасаддан йироқ бўлиш орқали инсон нақадар юксак мартабага кўтарилиши айтилмоқда. Бу ривоятда жуда кўп фойдалар жамланган. Сўзимиз аввалида Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумонинг яхшиликка, солиҳ амалларга кучли рағбати ҳақида озроқ тўхталиб ўтсак. Чунки бу нарса мазкур ривоятни теранроқ англаш учун лозим. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу намоз ўқиш, рўза тутиш, Қуръон хатм қилишга ўта иштиёқманд, кўпроқ савобли амаллар қилиб, Аллоҳга маҳбуб банда бўлиш учун жидду жаҳд қиладиган ғайратли инсонлардан бўлган. Қуйида келтириладиган ривоятлар сўзимизни тасдиқлайди.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қуръонни бир ойда хатм қил!” дедилар. Мен: “Бундан ортиғига қодирман”, дедим. У зот: “Унда етти кунда хатм қил. Бундан оширма!” деб тайинладилар” (*Бухорий ва Муслим ривоят қилган*).

Қуръонни хатм қилиш ҳақида сўз кетганда, машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу-

нинг ибодатга кучли иштиёқи кўз олдимизда намоён бўлади. Ривоятда бир ойнинг зикр қилинишидан хатм учун ўттиз кун энг афзал муддат эканини билиб оламиз. Имкони етган кишилар ундан кам муддатда хатм қилсалар ҳам дуруст. Лекин омма мусулмонлар учун хатм муддати – ўттиз кун деб тавсия этилмоқда. Чунки кўпчилик тоқати етмаслиги ва етти кунда хатм қилиш уни бездириб қўйиши мумкин.

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: Отам мени насл-насабли аёлга уйлантириб қўйди. У доим бизникига келиб, мен ҳақимда сўрарди. Хотиним: “У жуда ҳам яхши киши, келганимиздан бери ўрин ҳам солмайди, тирикчилик қилишни ҳам ўйламайди”, дерди. Бу ҳолат узоқ давом этганидан кейин отам буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтибди. У зот:

– Ўғлингни олдимга чақир, – дебдилар.

Шунда мен Расулуллоҳ билан кўришдим.

– Неча кун рўза тутяпсан? – деб сўрадилар.

Мен:

– Ҳар куни, – деб жавоб бердим.

– Қуръонни қанчада хатм қиласан?

– Ҳар кечада.

– Бир ойда уч кун рўза тут! Қуръонни бир ойда хатм қил!

– Бундан ортиғига тоқатим етади.

– Ҳафтада уч кун рўза тут.

– Бундан кўпига қодирман.

– Икки кун оғзинг очиқ бўлсин, бир кун рўза тут.

– Бундан ҳам кўпига қодирман.

– Ундай бўлса энг афзал рўза – Довуд алайҳиссалом рўзасини тут. Бир кун рўза тутасан, бир кун оғзинг очиқ бўлади. Ҳар етти кечада бир марта хатм қил.

Ўшанда қанийди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тавсияларини қабул қилганимда! Чунки ҳозир ёшим ўтиб, анча заифлашиб қолдим”.

(Мужоҳид айтади:) “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида қилиб юрган амалини тарк этишга Абдуллоҳ ибн Амрнинг кўзи қиймасди. Оила аъзоларидан баъзиларига кундузи Қуръоннинг еттидан бирини ўқиб берар, кечаси енгил бўлиши учун ўқиганларини кундузи ёддан тиловат қиларди. Агар куч-қувватга киришни хоҳласа, бир неча кун рўза тутмас, кейин ҳисоблаб, шунча вақт рўза тутарди” (*Бухорий ва Насоий ривоят қилган*).

Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу ўғли Абдуллоҳни курайшлик аёлга¹ уйлантириб қўйганида хабар олиш учун уларникига тез-тез келиб турар, келинидан ўғли ҳақида сўрарди. Келини Абдуллоҳ нукул ибодат билан машғул бўлиб, рўзғор ишларига бепарво эканини айтарди. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳу ўғли Абдуллоҳнинг хотини ҳақларини адо этмаётганини билди. Бунинг олдини олиш учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шу ҳақида сўз очди. У зот Абдуллоҳ ибн Амрни олдиларига чақиртирдилар.

Абдуллоҳ келгач, неча кун рўза тутиши, Қуръонни қанчада хатм қилишини сўрадилар. Абдуллоҳ ҳар куни рўза тутишини, ҳар кеча Қуръонни бир марта хатм қилишини айтди. Бу ишга банданинг тоқати етмаслиги, бошқа муҳим ишлардан қолиб кетишини эътиборга олган ҳолда Пайғамбаримиз унга енгилроқ йўлни тавсия этдилар. Абдуллоҳ ҳар сафар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган ишдан ҳам ортиғига қодир эканини таъкидлашдан чарчамади. Расули Акрам охири кунора рўза тутишни, Қуръонни ҳафтада бир марта хатм қилишни тавсия этдилар.

Вақт ўтиб, Абдуллоҳ ибн Амр Пайғамбаримиз айтган осон йўлдан юрмаганига афсусланди. Чунки йигитлик чоғидан қанда қилмаган амаллар кексайганида унга оғирлик қилаётган эди. Бироқ шунча йилдан бери қанда қилмай келган ишларни тарк этишни истамасди. Мужоҳид хабар беришича, Абдуллоҳ ибн

¹ Унинг исми – Умму Муҳаммад бинти Маҳмия.

Амр кексайиб, белидан мадор кетганида ҳам кундузи Қуръоннинг еттидан бир қисмини ёддан ўқир ва кечаси намозда қироат қиларди.

Бошқа ривоятда айтилишича, Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан Қуръонни қанчада хатм қилишини сўраганида, у зот: “Қирқ кунда”, кейин “бир ойда”, кейин “йигирма кунда”, сўнг “ўн беш кунда”, кейин “ўн кунда, охири “етти кунда”, деб жавоб берганлар. Етти кундан пастга тушмаганлар (*Абу Довуд ва Термизий мухтасар тарзда ривоят қилган. Ривоят санади саҳиҳ*).

Энди юқорида ҳасаддан холи бўлиш фазилати ҳақида келтирилган ривоятнинг асосий шарҳига ўтсак. Бир куни Пайғамбаримиз саҳобалар билан бирга ўтирганларида, асҳобларига қараб: “Ҳозир олдингизга жаннатий бир киши келади”, дедилар. Шунда таҳорат олгани боис соқолидан сув оқиб турган ва чап кўлига кавушини ушлаган ҳолда мадиналик саҳобалардан бири келади. Эртаси куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна: “Ҳозир олдингизга жаннатий бир киши келади”, деганларида яна ўша киши келибди. Учинчи куни ҳам шу ҳол такрорланди. Мажлис тугаб, одамлар уй-уйларига кетишибди. Лекин солиҳ амалларга иштиёқи баланд Абдуллоҳ ибн Амр бу гапнинг тагига етиш, ҳалиги кишининг қандай қилиб бундай юқори мақомга кўтирилганини билиш учун ўша одамнинг ортидан уйигача бориб: “Отам билан орамизда озроқ гап ўтиб қолди. Мен уч кунгача отамнинг олдига кирмасликка қасам ичдим. Агар рози бўлсангиз, уч кун уйингизда меҳмон бўлсам”, деб ҳалиги одамдан сўрабди. Уй эгаси бажонидил рози бўлибди. Абдуллоҳ тунда жаннатий экани башорат қилинган киши нафл намоз ўқирмикан, деб кузатибди. Лекин у кечаси намоз ўқишга турмабди. Фақат уйқусида у ёқ-бу ёққа ағанаганида бомдодгача Аллоҳни зикр қилиб такбир айтиб чиққанини кўрибди. Абдуллоҳ ҳалиги одамни уч кун кузатибди, унинг

фақат яхши гапларни айтганига гувоҳ бўлибди. Шу билан бирга унинг қилган ибодати Абдуллоҳнинг кўзига жуда кам, балки арзимас бўлиб туюлибди. Кейин асл муддаосини ҳалиги кишига ошкор этибди.

– Эй, Аллоҳнинг бандаси! Отам билан орамизда ҳеч қанақа гап ўтгани йўқ. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уч марта: “Ҳозир олдингизга жаннатий одам келади”, деганларида уч сафар ҳам сиз чиқдингиз. Сизнинг уйингизда туриб, қиладиган амалларингизни билиб, сизга эргашиш ниятида шундай қилдим. Бироқ каттароқ амал қилганингизни кўрмадим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган мақомга қандай эришдингиз? – деб сўрабди.

– Ҳаммасини ўзинг кўрдинг. Бундан бошқа амалим йўқ, – деди ҳалиги одам.

Шундан кейин Абдуллоҳ ибн Амр ортига қайтиб кетаётганида, уни олдига чақириб, деди:

– Ўзинг кўрган нарсадан бўлак ҳеч қандай ортиқча амалим йўқ. Лекин мен қалбимда мўмин-мусулмонларга адоват, гина-кудурат сақламайман, бирон кишига Аллоҳ фазли марҳамати ила неъмат берган бўлса, ҳасад қилмайман, – дебди.

Шунда Ибн Амр розияллоҳу анҳу:

– Шунинг учун мана шундай юксак мақомга кўтарилган экансиз-да! Лекин биз бунга тоқат қилолмаймиз (адоватдан, ҳасаддан тийила олмаймиз), – дебди.

Мазкур ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи саҳобаларнинг жаннатий эканини башорат қилганлари.

2. Ашараи мубашшара (яъни, жаннатий экани башорат қилинган ўн киши)дан бошқаларга ҳам жаннат хушxabари берилгани.

3. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларни жаннатга қизиқтирганлари ва унинг аҳлидан бўлган инсонларни мисол қилиб кўрсатганлари.

4. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу солиҳ амалларга ғайратли, жаннатга ўта ҳавасманд бўлгани.

5. Бирон кишида яхши фазилат ва гўзал хислатларни кўрганда унга эргашиш, тақлид қилиш жоизлиги.

6. Шубҳасиз, тунда таҳажжуд намозини ўқиш жуда фазилатли. Лекин кечалари бедор бўлмай туриб ҳам Аллоҳ наздида улуғ мартабага кўтарилиш мумкин экан. Мазкур ривоятдан шундай хулоса чиқариш мумкин. Чунки жаннатий деб башорат берилган инсон кечаси зикрдан бошқа ибодат қилмаган, тонгда туриб бомдод намозини ўқиган, ортиқча нафл ибодатлар қилмаган.

7. Кечаси уйғонган маҳалда Аллоҳнинг зикр қилиб, такбир ва тасбеҳ айтиш фазилатли экани.

8. Қалбида мусулмонларга нисбатан кек-адоват, душманлик сақламаган, Аллоҳ берган неъматларга ҳасад қилмаган киши улуғ даража соҳиби бўлиши ва шуни деб жаннатга кириши.

9. Ҳасад ва адоватдан йироқ юриш нафсга оғир келиши. Буни фақат Аллоҳ тавфиқ берган бандаларгина қила олишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, олдинги улуғ зотлар ҳасад, ичиқоралик ва гина-кудуратдан холи бўлишган. Шунинг учун ҳар соҳада бутун дунёда пешқадам бўлиб, илм-маърифатда ҳам, моддий тараққиётда ҳам раҳнамога айланишган. Ораларидаги ўзаро меҳр-муҳаббат, инсонийлик ва иймон-этиқод туфайли шундай хайр-барака ва яхшиликка эришишган. Ҳасаддан холи инсон ўз ҳаёти давомида жуда кўп ютуқларга эришади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар одамлар бир-бирларига ҳасад қилишмаса, яхшилик узра бўладилар”, деб бежиз айтмаганлар.

СОЛИҲ АМАЛЛАР МУСОБАҚАСИ

Бутун инсониятга нозил этилган Қуръони Карим уларга яхшию ёмонлик амалларини баён этиб берди. Ақл ва тафаккур эгаларини ёмонликдан огоҳланти-

риб, яхшиликка чақирди. Бунда сусткаш ва лоқайд бўлмасинлар деб охиратда ҳозирлаб қўйилган жаннатни ва унда роҳат-фароғатни яратганини маълум қилди. Шунинг учун одамзод охиратда шундай маъвога кирмоқчи бўлса, бу дунёдан ўтгунга қадар амал қилишда бири-бири билан мусобақага киришади ва Аллоҳ таолонинг фазлу марҳаматига ноил бўлиш учун мусобақада ғолиб чиқишга интилади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“(Эй инсонлар,) Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилинг! Бу (яъни, ваъда қилинган мағфират ва жаннат) Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга ато этади. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир” (“Ҳадид” сураси, 21-оят).

Қуръони Карим назарида, мусобақа (шошилиш) бу дунё ҳаётининг ўткинчи ҳою ҳаваслари, бойлиги ва ўйин-кулгисига эмас, балки Аллоҳнинг мағфиратига ва жаннатга олиб борувчи яхши амалларга қаратилиши керак. Аллоҳ таоло дунё ҳаётини баён этиш баробарида бандаларини икки дунё саодатига элтувчи амалларни бажаришга шошилишга чақиради:

“(Эй инсонлар,) Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилинг!..”

Яъни, эй мўминлар, Парвардигорингиз мағфиратига ошиқинг, солиҳ амалларда мусобақалашинг, У Зот сизларга вожиб этган амалларни бажаринг. Шунда Аллоҳ сизларни – осмонлар ва ердан кенг бўлган – жаннатга киритади. Аллоҳ уни Ўзига иймон келтирган, пайғамбарлари олиб келган нарсаларни тасдиқлаган иймонли кишиларга тайёрлаб қўйган.

Бу – Аллоҳнинг фазли ва эҳсонидир, сизларга қилган яхшилигидир. Аллоҳнинг фазли марҳамати кенг. У бандаларига кўп неъматлар ато этувчи Зотдир. Хоҳлаган бандасига Ўзи истаганча фазл кўрсатади.

“Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган...” жумласи Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига ҳақиқий иймон келтирган, Парвардигори олам буюрган амалларда сусткашлик қилмаган зотлар учун жаннат ҳозирлаб қўйилганига далолат қилади. Ояти каримада **“кенглиги осмон ва ернинг кенглиги каби бўлган жаннатга шошилинг!”** дейилиши жаннатнинг ҳаддан зиёд жуда кенглиги ва унинг ақл бовар қилмас даражада улканлигини билдиради. Ўз-ўзидан маълум бўладики, жаннатнинг бўйи ва эни ҳам жуда беқиёслиги ҳақиқатга яқиндир. Одатда, ҳар қандай нарсанинг бўйи энидан узунроқ бўлади (Манба: *Муҳаммад Саййид Тантовий*, “*Ал-васит*”).

Имом Ибн Касир айтади: “Бизга Имом Аҳмаднинг “Муснади”да ривоят қилинишича, Рум подшоҳи Ҳирақл Пайғамбаримизга ёзган мактубида: “Сен – осмонлар ва ердан кенг бўлган – жаннатга мени даъват қиляпсан. Ундай бўлса, жаҳаннам қаерда?” дейди. Шунда у зот: “Субҳаналлоҳ! Тонг отганида тун (зулмати) қаерга кетади?” деб Ҳирақлга савол билан жавоб берадилар”.

Қуръони Каримнинг бошқа ўрнида шундай дейилган: **“Ана ўшалар (барчадан) ўзувчи бўлган ҳолларида яхшилиқлар қилишга шошиладилар”** (“*Мўминун*” сураси, 61-оят).

Юқорида васфи келтирилган ҳусни хулқ эгалари тоат-ибодатларга қаттиқ рағбат билдириб, тириклик чоғларида Парвардигорини рози қиладиган солиҳ амалларни бажариш пайида бўладилар. Натижада, қолган одамларни ажр-савоб қозонишда ортда қолдириб кетадилар, ажр-мукофот ва нажотга эришишда улардан ўзиб кетадилар. Демак, қайси бир банда со-

лиҳ амалларни қилишга шошилса, эзгу ишларда мусобақалашса, ана ўшанинг ажр-савоблари бисёр, нажот топишга ўзгалардан кўра ҳақлироқ бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **“Албатта аброрлар-яхшилар (яъни, мўминлар жаннат) неъматларидадирлар. Улар сўриларда (Аллоҳ таоло ато этган неъматларга) боқиб (ўтирадилар). Сен уларнинг юзларида неъматларнинг жилвасини кўрасан. Улар (жаннатда) муҳрланган майдан суғориладилар. У (май) нинг муҳри мушқдир. Энди баҳслашувчилар – мусобақа қилувчилар (мана шундай мангу неъматларга етиш йўлида) баҳслашсинлар”** (*“Мутаффифин” сураси, 22–26-оятлар*).

Бу оятларда жаннат неъматлари зикр этилиб, унга эришиш йўлида бир-бири билан мусобақа ўйнашга тарғиб қилинмоқда. Инсон нафси шундай мусобақани тақозо этади. Нафс осонликча ҳаракатга тушмайди.

“Албатта аброрлар жаннатдадирлар”.

Аллоҳнинг амридан чиқмай, Унга итоат этган зотларнинг борар жойлари, албатта, жаннат бўлади.

“Улар сўриларда назар соладилар”.

Мўминлар жаннатда сўриларда ўтирган ҳолларида Аллоҳ уларга тайёрлаб қўйган нарсаларга ёки Парвардигорларига назар соладилар.

“Сен уларнинг юзларида неъматлар севинчини кўрасан”.

Агар юзларига қаралса, улар аҳли жаннат, аҳли саодат эканлари, роҳат-фароғатда ҳаёт кечираётганларини билиб олса бўлади. Чунки юзларида нур, чирой ва қувонч балқиб туради.

“Улар муҳрланган шаробдан суғориладилар”.

Жаннатийларга ёпиқ идишларда ичимлик тортилади ва бу идишлар оғзини фақат аброрлар очадилар. Улардан олдин бу ичимликка ҳеч ким тегмаган.

“Унинг охири мушқдир. Энди мана шунда мусобақалашувчилар мусобақа қилсинлар!”

Ояти карима таржимасида **“мусобақа қилсинлар”**

деган буйруқ арабий матнда “фалятанаафас” шакли-
да келган. “Танофус” калимаси жуда ардоқли ва
кадр-қиймати баланд нарсани қўлга киритиш йўлида
нафсининг ташна бўлиши, инсон ўзига бирон нарсани
талаб қилиши ва ўзига хос мусобақалашини каби маъ-
ноларни англатади. Бу дунёда маст қилувчи ичимлик
солинадиган идишлар лой, ёғоч ва темирдан бўлса,
жаннат шароби солинадиган идишлар мушку анбар-
дан бўлар экан. Бу эса ичимликнинг нақадар сифат-
ли эканидан дарак беради. Оятнинг иккинчи таъвили
қуйидагича: агар ўша ичимлик ичиб бўлинса, ҳамма
ёқни мушку анбар ҳиди тутати. Бу нарса жаннатий-
ларга янада лаззат бахш этади.

Бу оятда жаннат шароби таърифи келтирилгач,
энди унга эришиш йўлида ўзаро мусобақа қилишга
тарғиб қилинади ва солиҳ амаллар орқали Аллоҳ ро-
зилигини қозонишда шу неъматларга етишишга қи-
зиктирилмоқда.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ
رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: إِذَا فُتِحَتْ عَلَيْكُمْ
فَارِسٌ وَالرُّومُ أَيْ قَوْمٌ أَنْتُمْ قَالَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ عَوْفٍ:
نَقُولُ كَمَا أَمَرَنَا اللَّهُ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
أَوْ غَيْرِ ذَلِكَ تَتَنَافَسُونَ ثُمَّ تَتَحَاسَدُونَ ثُمَّ تَتَدَابِرُونَ ثُمَّ
تَتَبَاغَضُونَ أَوْ نَحْوَ ذَلِكَ ثُمَّ تَنْطَلِقُونَ فِي مَسَاكِينِ الْمُهَاجِرِينَ
فَتَجْعَلُونَ بَعْضُهُمْ عَلَى رِقَابِ بَعْضٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ
مَاجَةَ وَالْبَيْهَقِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан
ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи*

васаллам: “Агар сизларга Форс ва Рум фатҳ этилса, сизлар қандай қавм бўласизлар?” деб сўраганларида, Абдурахмон ибн Авф розияллоху анху: “Аллоҳ бизга нимани буюрган бўлса, ўшани қиламиз”, деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Ёки бундан бошқасини (қиласизлар), бир-бирингиз билан мусобақа ўйнайсизлар, кейин бир-бирингизга ҳасад қиласизлар, кейин бир-бирингиздан юз ўгирасизлар, бир-бирингизни ёмон кўриб қоласизлар ёки шунга ўхшаш (ишларни қиласизлар), сўнгра муҳожирлар юртига бориб, бирини бошқасига амир этиб кўясизлар”, дедилар (*Муслим, Ибн Можа ва Байҳақий ривоят қилган*).

Бу ерда ўзга диёрларни фатҳ этилганида юз берадиган фитна ва бузғунчиликлар ҳақида сўз бормокда. Ривоятда айтилишича, агар мусулмонлар кўшни давлатларни ўзларига бўйсундирса, бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қиладилар, бир-бирларига ҳасад қиладилар, бир-бирларидан нафратланиб, юз ўгириб кетадилар, ораларида меҳр-муҳаббат ришталари узилади, биродарлик ҳақлари поймол этилади. Кейин муҳожирлар ёки заифлар юртига бориб, уларнинг айримларини бошқалари устида амир-бошлиқ қилиб тайинлайдилар. Имом Ҳоким, Табароний ва бошқалар Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилишича, Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

– Умматим аввалги умматлар дардига чалинади, – дедилар.

Шунда сўралди:

– Ё Расулуллоҳ! Аввалги умматлар касаллиги нима?

У зот жавоб бердилар:

– Кибр, манманлик, мол-дунё тўплашга берилиш ва бу йўлда кимўзарга ўйнаш, бир-бирини ёмон

кўриш ва бир-бирини кўролмасликдир. Ҳатто зулм, кейин ҳарж бўлади¹.

“Ҳарж” сўзи фитнага тушиб, бир-бирини ўлдириш маъносини англатади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ: رَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ مَالًا فَسَلِطَ عَلَى هَلَكْتِهِ فِي الْحَقِّ وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ الْحِكْمَةَ فَهُوَ يَقْضِي بِهَا وَيَعْلَمُهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَابْنُ مَاجَةَ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Фақат икки кишига ҳавас қилинади: (Биринчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга мол-дунё беради ва у бойлигини ҳақ йўлда сарфлайди. (Иккинчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга ҳикмат ато этади ва у ўша билан ҳукм қилади, уни (бошқаларга) ўргатади” (Бухорий, Муслим ва Ибн Можа ривояти).

“Ҳикмат” сўзи бир қанча маъноларни англатади:

1. Энг афзал илм орқали энг афзал нарсаларни билиш.

2. Ҳақиқатни англаш.

3. Илм-маърифат, ақл-идрок.

4. Ҳар бир ишни қойиллатиб бажариш.

5. Сабаб (бирон ишнинг ҳикмати, деганда сабаби ва моҳияти назарда тутилади).

6. Суннати набавия ва ҳоказо.

Бир сўз билан айтганда, ҳикмат деганда, фойдали илм, ақл-заковат, идрок, ишни мукаммал бажариш ва

¹ Бу ривоятни Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Унинг санадида Абу Саид Ғифорий бор. Ундан фақат Хумайд ибн Ҳоней ривоят қилган. Табаронийнинг қолган ровийлари ишончли деб топилган (М а н б а: Ҳайсамий, “Мажмауз завоид”).

хадис илмидан хабардор бўлиш тушунилади. Демак, икки кишига ҳавас қилса арзийди. Биринчиси, Аллоҳ тарафидан ҳалол-покиза мол-дунё билан неъматлантирилган, бойлигини фақат савобли ишларга сафрлайдиган сахий бой одам. Иккинчиси, Аллоҳ тарафидан фойдали илм, ақл-заковат, сабр-тоқат ато этилган инсон. У билганига амал қилади, илмини одамларга ўргатади, билимига асосан адолатли ҳукм қилади. Мана шундай инсонларга ҳавас қилса, уларга ўхшашга ҳаракат қилса бўлади. Инсон бундай одамларга тақлид қилар экан, агар ниятига етса, нур устига нур, бироқ мақсади ҳосил бўлмаган тақдирда ҳам, нияти холислиги ҳамда эзгуликни дилига тугиб қўйгани учун, карами кенг Аллоҳ унга ўша инсонлар қилган амаллар савобини ато этади. Бундан чиқди, фақат яхши ишларда мусобақа қилиш, солиҳ инсонларга ҳавас қилиб, уларга ўхшаш йўлида жидду жаҳд қилиш лозим экан.

АБУ БАКР СИДДИҚ ВА УМАР ИБН ХАТТОБ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУМО БЕЛЛАШУВИ

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَمَرْنَا رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا أَنْ تَتَّصَدَّقَ فَوَافَقَ ذَلِكَ مَا لَأَعِنْدِي فَقُلْتُ: الْيَوْمَ أَسْبِقُ أَبَا بَكْرٍ إِنْ سَبَقْتُهُ يَوْمًا فَجِئْتُ بِنِصْفِ مَالِي فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَبَقَيْتَ لِأَهْلِكَ قُلْتُ مِثْلَهُ قَالَ: وَآتَى أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ بِكُلِّ مَا عِنْدَهُ فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَبَقَيْتَ لِأَهْلِكَ قَالَ: أَبَقَيْتُ لَهُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ قُلْتُ: لَا أُسَابِقُكَ إِلَى شَيْءٍ أَبَدًا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالدَّارِمِيُّ وَوَسَّنَدُهُ حَسَنٌ.

Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир куни бизни садақа қилишга буюрдилар ва ўша (яъни, Пайғамбар алайҳиссаломнинг садақа қилишга амр этганлари) менинг молимга тўғри келиб қолди. Мен: “Бугун Абу Бакрдан ўзиб кетаман. Агар ҳақиқатан ундан ўзиб кетсам, бойлигимнинг ярмини келтираман!” дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сўрадилар: “Аҳли оиланга нима қолдирдинг?” Мен жавоб бердим: “(Қанча садақа қилган бўлсам) шунчасини (қолдирдим)”. Абу Бакр ўзидаги бор нарсаларни келтирди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ундан: “Аҳли оиланга нима қолдирдинг?” деб сўрадилар. Абу Бакр: “Уларга Аллоҳ ва Расулини қолдирдим”, деди. Шунда мен: “Сендан бирон нарсада зинҳор ўзиб кетолмайман”, дедим”** (*Абу Довуд, Термизий ва Доримий ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан*).

Бир куни Пайғамбаримиз саҳобаларни молидан садақа қилишга буюрибдилар. Бу эса Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг садақа қилган кунига тўғри келиб қолибди. У ўзича “Бугун Абу Бакрдан ўтиб кетаман”, дебди ва “Агар ундан ғолиб келсам, молимнинг ярмини Аллоҳ учун садақа қилиб юбораман”, деган ниятни дилига туғиб қўйибди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Умардан оиласига нима қолдирганини сўраганларида, садақа қилган миқдорчасини қолдирганини айтибди. Кейин Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху ҳам садақа қилибди. Бироқ у зот аҳлига ҳеч нарса қолдирмай, ўзидаги ҳамма нарсани Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилиб юборибди. Пайғамбаримиз ундан ҳам “Аҳлингга нимани қолдирдинг?” деб сўраганларида, “Аллоҳ ва Расулини қолдирдим”, деб жавоб берибди. Буни кўрган Умар ибн Хаттоб: “Эй Абу Бакр, мен сендан ҳеч бир амалда ўзиб кетолмайман. Доим сен

ғолиб чиқасан”, дебди. Ҳазрати Умар бу сўзни холис ниятда айтиб, қалбида заррача ғайирлик ва биродари Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуға ҳасад туймаган. Зеро, такводор мўмин банда ўз ака-укаларига ҳасад қилмайди, Парвардигори берган неъматга ғайирлик қилмайди. Илгари айтилганидек, мўмин банда фақат ҳавас қилади. Иймонида бирон нуқсон ва қусури бўлганларгина ҳасадга мубтало бўлади.

Мазкур ривоятдан олинадиган хулосалар:

1. Пайғамбаримиз ўз умматларини ҳақдор кишиларга садақа қилишга амр этганлари.

2. Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо эзгу ишлар ва тоат-ибодатларда ўзаро мусобақалашгани, яхшилик йўлида бир-биридан ўзишга ҳаракат қилгани.

3. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу қўли очиқ ва молининг ярмини садақа қилиб юборгудек кенг қалб соҳиби бўлгани.

4. Бироқ Абу Бакр Сиддиқ Умарул Форукдан да сахийроқлиги ва қўлидаги бор мол-мулкани ва бойлигини Аллоҳ йўлида сарфлагани.

5. Абу Бакр Сиддиқнинг Аллоҳни ва Расулуллоҳни бениҳоя яхши кўриши ва бу йўлда мол-дунёсини аямаслиги.

6. Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумо ўртасидаги мусобақада доим Абу Бакр ғолиб чиққани.

Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумонинг солиҳ амалларда беллашиши ҳақида бундан бошқа ривоятлар ҳам бор. Ривоят қилинишича, Ҳазрат Абу Бакр билан Умар розияллоҳу анҳумо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Ким Қуръонни нозил қилинганидек (асл ҳолида) ўқишни истаса, Ибн Умму Абднинг кироатига мувофиқ ўқисин!” деганларини эшитиб,

Абдуллоҳ ибн Масъуднинг уйига бориб, унга хушxabарни етказишган (*Ибн Можса, Аҳмад, Ҳоким ва Ибн Ҳиббон ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Бу воқеа тафсилотини Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан эшитамиз: “Расулуллоҳ ва Абу Бакр бирга кетаётгандик, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг Қуръон ўқиётгани эшитилди. Расулуллоҳ тиловатни тингладилар. Шундан кейин Абдуллоҳ руку ва сажда қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (Абдуллоҳга):

– Сўра, сенга берилади. Дуо қил, тилагинг бажо келтирилади, – дедилар¹.

Пайғамбар алайҳиссалом шундан сўнг кетдилар. Кейин:

– Қуръонни нозил қилинганидек ўқиш кимни хурсанд қилса, Ибн Умму Абд кироатига мувофиқ ўқисин! – дедилар.

Атроф зим-зиё бўлишига қарамай, Расулуллоҳ айтган гапни Абдуллоҳга етказиб, хурсанд қилиш учун йўлга чиқдим. Бориб эшигини тақиллатдим. Овозимни эшитиб:

– Нима учун шу маҳалда келдинг? – деб сўради.

– Расулуллоҳ айтган башоратни етказиш учун.

– Абу Бакр сендан аввал келиб, менга хабар берди.

– Агар шундай бўлса, яна ўзиб кетибди. Биз қайси бир амалда беллашмайлик, нуқул Абу Бакр ғолиб чиқаверади! – дедим (*Аҳмад саҳиҳ санад билан ривоят қилган*).

“Саодат кучганлар ибрати” китобида шундай ривоят келтирилган: бир кекса кампирнинг ҳаёти бирмунча оғир кечар эди. Чунки на яқинлари, на болалари – ҳеч кими йўқ эди. Бунинг устига, кўзи кўрмасди. Бундан хабар топган ҳазрати Умар зудлик билан унинг ёнига келиб:

¹ Аҳмад ибн Ҳанбал ва Абу Яъло нақл қилган бошқа ривоятда айтилишича, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху ўшанда “Нисо” сурасини ўқиган (*Бу ривоят санади ҳасан*).

– Эй онажон, сизнинг ҳолингиздан ҳар куни ҳабар олиб тураман. Уйингизни супуриб-сидириб қўяман, ўзингизга қарайман, таомингизни пишириб бераман. Сиз энди ҳеч безовта бўлмайсиз, машаққат тортмайсиз, – деди. – Фақат бир илтимосим бор. Мени ҳеч кимга айтмайсиз. Сизга кўрсатадиган хизматимни ҳам бирон кимсага билдирмайсиз. Хўпми?

Кампир хурсандлик билан бунга рози бўлди. Она-боладек ҳаёт кечира бошлашди. Кунлар ўтди. Ҳазрати Умар олийҳиммат ишларини давом эттираверди. Кунларнинг бирида кампирнинг ҳолидан ҳабар олай деб кирди-ю, ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Уй супурилган, атроф чиннидек топ-тоза. Кампирнинг олдига таом ҳам қўйилган. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу таажжубланиб:

– Эй онажон! Мен сизга “Ҳеч кимга айтманг, мен ўзим сизга қараб тураман”, деган эдим-ку, – деди.

– Мен ҳеч кимга ҳеч нарса айтганим йўқ, – деди кампир.

Ҳазрати Умар “Савобли ишни мендан олдин қилаётган инсон ким экан”, деб турганида, не кўз билан кўрсинки, ичкаридан амирул мўминин ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ чиқиб келмоқда эди.

– Сиз... сизмисиз, эй амирул мўминин, жони-танним сизга фидо бўлсин, – дедию, бошқа сўз айтишга тили айланмай қолди.

Ўша вақтларда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу адлия ишларига масъул эди. У зот: “Қандай ишда бўлмасин, Абу Бакр Сиддиқ билан мусобақалашмай, ҳаммасида у киши ғолиб чиқар эди”, деб тан олган экан¹.

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ ҲАСАДЧИЛАРИ

Ҳали Ислом дини келмай туриб, Қуръони Карим нозил этилмасдан олдин яҳудийлар охирги пайғам-

¹ М а н б а: Абдуқаюм Ҳикмат, “Саодат кучганлар ибрати”.

барни ўзларидан чиқишини интиқлик билан кутиб юрардилар. Араблар билан бирон ишни деб низолашиб қолишса, сизларни ундай қиламиз, бундай қиламиз, деб дарҳол ўзларидан чиқадиган пайғамбарни рўкач қилиб, дўқ-пўписага ўтардилар. Бироқ Аллоҳнинг фазлу марҳамати ер юзида яхудийларни эмас, арабларни танлади. Шунинг учун яхудийларнинг Пайғамбаримизга кек-адовати ва ҳасади янада зиёдалашди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай хабар беради:

“Аллоҳ бандаларидан хоҳлаган зотга (яъни, Муҳаммадга) Ўз фазлу карами билан (вахий) юборишига ҳасад қилиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага кофир бўлишлари сабабли улар (яхудийлар) ўзларини энг ярамас нарсага сотдилар. Бас, улар ғазаб устига ғазаб билан қайтдилар. Кофирлар учун хор қилувчи азоб бордир!” (*“Бақара” сураси, 90-оят*).

Яхудийлар пайғамбарликка араблардан бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни танланганига у зотга ҳасад қилиб, иймон келтиришмади. Ҳолбуки, улар Тавротда зикри келган Пайғамбарнинг сифатларини, “ўзимиздан чиқади”, деган даъвода юрар эдилар. Ояти каримада уларнинг қилмишларини: “Энг ярамас нарсага сотдилар”, деб аталмоқда ва уни жуда ҳам ёмон иш, деб баҳоланмоқда. Шунингдек, пайғамбарликнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келишини: **“Аллоҳ бандаларидан хоҳлаган зотга Ўз фазлу карами билан (вахий) юборишига...”** деб таърифланмоқда. Одамларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг бандалари, аммо пайғамбарлик – Унинг фазли. Аллоҳ таоло пайғамбарликни кимга беришини бандаларидан, хусусан, Бани Исроилдан сўраб ўтирмайди ва улардан яхшироқ билади. Бандаларининг вазифаси Аллоҳ таоло кимга пайғамбарликни ато этган бўлса, ана ўша зотга иймон келтиришдан иборат. Аммо Бани Исроил иймон келтириш ўрнига ҳасад қилди, Аллоҳнинг туширган Қуръ-

онини тан олмади. Бу билан: **“Улар ғазаб устига ғазаб билан қайтдилар”**.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган ҳасад тўғрисида бошқа оятларда ҳам маълумотлар бор. Аллоҳ таоло шундай хитоб қилган:

“Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қиладиларми?” (*“Нисо” сураси, 54-оят*).

Мужоҳиддан ривоят қилинишича, мазкур оятдаги ҳасад қилувчилардан мурод яҳудийлардир (*Абд ибн Ҳумайд, Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти*). Атийядан ривоят қилинишича, яҳудийлар мусулмонларга: “Сизлар даъво қилишингизга қараганда, Муҳаммадга дин камтарликда берилган, лекин унинг тўққиз нафар хотини бор. Қайси бир подшоҳ ундан улуғроқ?!” деганида, Аллоҳ таоло **“Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қиладиларми?”** оятини нозил қилган (*Ибн Мунзир ривояти*). Икристима сўзига қараганда, оятдаги “одамлар”дан мурод хоссатан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдир (*Абд ибн Ҳумайд, Ибн Жарир, Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти*). Абу Молик бу оят ҳақида: “Яҳудийлар ўзларидан бўлмагани учун Муҳаммад алайҳиссаломга ҳасад қилдилар ва кофир бўлдилар”, дейди (*Абд ибн Ҳумайд ва Ибн Абу Ҳотим ривояти*). Ибн Журайж оятдаги “Аллоҳнинг фазли”ни нубувват деб тафсир қилган (*Ибн Жарир ривояти*). Яъни, анавилар Аллоҳ бандаларига фазлини тор этишини истайдилар, бошқа умматларга ўзларидаги ёки уларникидан кўпроқ неъмат берилишини хушламайдилар. Чунки улар насл-насаблари билан ғурурланиб, ота-боболарига кўр-кўрона тақлид қилишади, уларнинг ҳоли жуда ёмон. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Аллоҳ тарафидан берилган улуғ неъмат – нубувват ва рисолатни тан олмай, камига у зотга ҳасад қилишди. Шу сабаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ий-

мон келтиришмади, у зотнинг келтирган рисолатини тасдиқлашмади. Бунга Пайғамбар алайҳиссаломнинг Бани Исроилдан эмас, араблардан чиқиши сабаб бўлди. Шунинг учун у зотни тан олмадилар.

Уларнинг ҳасади мудҳиш хато қилишга ундади ва охиратга қадар тавқи лаънатга гирифтор этди. Зеро, бу рисолат ва неъматлар Аллоҳ тарафидан илк марта берилаётган эмас эди. Аллоҳ дастлаб Иброҳим алайҳиссалом оиласини шундай неъматлари билан мушарраф этди. Араблар эса Иброҳимнинг ўғли Исмоил алайҳиссалом зурриётидир. Шундай экан, нега Иброҳим алайҳиссалом оиласига берилган улуғ неъматлардан ажабланмайдилар-у, Муҳаммад Мустафога берилганидан ажабланадилар? Аллоҳ таоло айтади:

“Қачон уларга Ҳақ – Қуръон келгач, улар: “Бу сеҳрдир. Албатта биз унга кофирмиз”, дедилар. Яна улар: “Бу Қуръон икки қишлоқ(нинг бири) дан бўлган улуғ одамга нозил қилинганида эди”, дедилар. (Эй Муҳаммад алайҳиссалом) Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайғамбарлик) ни ўшалар тақсимлайдиларми? (Йўқ, асло ундай эмас!) Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаймиз, баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун (бировларини бой ёки кучли-қувватли қилиб, бошқаларни эса камбағал ёки заиф-кучсиз қилиб) айримларини айримларидан баланд мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати – пайғамбарлик улар тўплайдиган нарсаларидан яхшироқдир” (“Зухруф” сураси, 30–32-оятлар).

Ояти каримада зикр этилан “икки қишлоқ”дан мурод Макка ва Тоиф шаҳарларидир. Мушриклар назарида Макканинг улуғи ўша жойлик боёнлардан Валид ибн Муғйра ва Тоифнинг улуғи Урва ибн Масъуд Сақафий деган бир бой кишилар эди. Барча замонлардаги бойлар каби бу иккиси ҳам улуғлик-

ни мол-дунё ва салтанат билан ўлчардилар. Шунинг учун: “Агар бу Қуръон ҳақ китоб бўлганида Муҳаммадга ўхшаган етим ва камбағалга эмас, Валид ва Урва каби улуғ зотларга тушган бўларди”, дедилар.

Яъни, Қуръон ва Расул (Пайғамбар) келганида, “Муҳаммад олиб келган нарса аниқ сеҳрдир, у Аллоҳ тарафидан юборилган ваҳий эмас”, дедилар, у зотни инкор этдилар, куфр йўлини танладилар. Бу дилларидаги ярамас ҳасад ва чексиз нафрат туфайли юзага чиқди. Яҳудийлар пайғамбарни танлаш борасидаги илоҳий ихтиёрга эътироз билдириб: “Рисолат мансаби улуғ бир мансабдир. У фақат Макка ёки Тоиф аҳлига мансуб шарафли, обрў-эътиборли ва бой-бадавлат кишигагина муносибдир. Муҳаммад бой ҳам, обрў-эътиборли ҳам, шарафли ҳам эмас”, дедилар. Аллоҳ таоло бу эътирозларига раддия сифатида шундай деди: “(Эй Муҳаммад алайҳиссалом,) **Парвардигорингизнинг раҳмати** (бўлмиш пайғамбарлик) **ни ўшалар тақсимлайдиларми?** (Йўқ, асло ундай эмас!)”

Яъни, пайғамбарларни танлаб олиш уларнинг ишими, бу ишларида норозилик ва эътирозлари аниқ кўзга ташланиб турибди. Кимни пайғамбар қилиб танлаш Ёлғиз Аллоҳнинг ишидир. У Зот кимга рисолатини нозил қилишини билади, Аллоҳ қалби пок, нафси тоза инсонга, энг покдомон зотларга рисолатини нозил этади.

“Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаймиз, баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун (бировларини бой ёки кучли-қувватли қилиб, бошқаларни эса камбағал ёки заиф-кучсиз қилиб) айримларини айримларидан баланд мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати – пайғамбарлик улар тўплайдиган нарсаларидан яхшироқдир”.

Яъни, Аллоҳ таоло дунё ҳаётида куч-қувват, мол-дунё, обрў-эътибор ва ғайрат-шижоат жиҳатидан айрим бандаларни айримларидан афзал қилиб қўяди. Чунки уларнинг ҳаммаси бир-бирига тенг ва баробар бўлса, айримлари айримларига хизмат қилишдан бўйин товлаб, бир-бирини ишлата олмасди. Натижада, ҳаёт низоми бузилиб, тирикчилик изидан чиқарди. Бунда (яъни, бир-бирларидан афзал қилиб қўйилишида) ақл эгалари учун ҳикматлар кўп. Аллоҳ таолонинг махлуқотларига раҳмати одамлар йиғиб-тўплайдиган бойлик ва турли матоҳлардан хайрлироқдир.

ҲАСАДЧИЛАР ДАРАЖАСИ

Ҳасад қилувчилар бир нечта тоифага бўлинади. Биринчи тоифаси бировга тегишли неъматни ундан кетказиш учун бутун вужуди билан ҳаракат қилади. Иккинчи тоифаси бировнинг ютуғини ўзига ўтказиш пайида бўлади. Учинчи тоифаси бировдаги неъматнинг ўзига ўтишини эмас, бутунлай йўқ бўлиб кетишини истайди. Бу энг пасткаш кимсаларга хос иллатдир. Бу қабила неъматнинг бировга ҳам, ўзига ҳам буюрмаслигини хоҳлайди. Мана шу шарият қоралаб, ундан қайтарган ҳасаддир. Иблис Одам алайҳиссаломга ҳасад қилиб, оғир гуноҳга ботди. Иблис қараса, одам фаришталардан устунликка эришди, Аллоҳ уни яратиб, фаришталарни унга сажда қилишга буюрди ва унга барча нарсанинг номини ўргатди. Иблис инсон зотига берилган мана шу неъматларни кўролмади. Шунинг учун Одам алайҳиссаломни жаннатдан чиқариш учун тинмай саъй-ҳаракат қилди. Охири мақсадига эришди, бироқ ўзи малъун шайтонга айланди, Аллоҳ тарафидан қувилди, бўйнига тавқи лаънат осилди.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Иблис Нуҳ алайҳиссаломга шундай

деган: “Икки нарса туфайли Одам болаларини ҳалок этаман. Биринчиси – ҳасад. Ҳасад туфайли мен лаънатландим, қувилган шайтонга айландим. Иккинчиси – ҳирс. Одамга жаннатда ҳамма нарса мубоҳ қилинган эди. Мен айнан ҳирс туфайли ниятимга етдим¹ (уни васваса қилиб, жаннатдан ҳайдалишига эришдим)”. Тўртинчиси, ҳасад қилувчи тоифа бировга ҳасад қилса, ҳасади талаб этганини амалга оширмайди, ҳасад қилинувчига тили ёки қўли билан зулм ўтказмайди. Ҳасан Басрийдан ривоят қилинишича, банда бу билан гуноҳкор бўлмайди. Ҳасаднинг бу тури икки хил бўлади: биринчиси, бу ҳасадни ўзидан кетказиш имкони йўқ бўлиб, у табиатига сингиб кетади. Бу билан банда гуноҳкор бўлмайди. Иккинчиси, агар киши ўз ихтиёри билан бирон иш қилса ёки айтса, биродаридаги неъмат заволини хоҳласа, унга бирон азият етказишга ҳаракат қилса, ана ўшанда гуноҳга ботади. Бешинчи тоифа ҳам борки, ҳасад қилса, неъматнинг йўқ бўлишини хоҳламайди, балки худди ўшандай фазилат эгаси бўлишга ҳаракат қилади, ҳавас қилади. Агар бу дунёдаги фазилатларни деб бўлса, унда яхшилик йўқ. Бунга, дунё ҳаётини истайдиган кимсалар Қорунга ҳавас қилишларини мисол қилиб келтириш мумкин (Қ а р а н г: “Қасас” сураси, 79-оят).

Агар диний фазилатга ҳавас қилинса, яхши бўлади. Абу Ҳурайра розияллоху анху Расулуллоҳ солаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилади: “**Икки кишига ҳавас қилиш мумкин: (биринчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга Қуръон (илми)ни берган бўлиб, кечаю кундуз тиловат қилади. Қўшниси (Қуръон ўқиганини) эшитиб: “Қанийди фалончига берилган нарса менга ҳам насиб этганида, унга ўхшаб амал қилардим!” деб орзу қилади. (Иккинчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга бойлик ато этган бўлиб, (бойлигини) ҳақ йўлда сарфлайди.**

¹ Ибн Абу Дунё ривоят қилган.

(Буни кўрган) киши: “Қанийди фалончига насиб этган нарса менга ҳам берилганда, мен ҳам унга ўхшаб амал қилардим!” деб орзулайди” (*Бухорий, Аҳмад ва Байҳақий ривояти*).

Яна бир тоифа борки, агар қалбида ҳасад аломатини сезса, уни кетказишга уринади, ҳасад қилинаётган одамга яхшилик қилиб, ҳақиға дуо этади. Шунда ҳасад ўрнига мўмин биродарига нисбатан муҳаббат пайдо бўлади. Бу – иймоннинг энг юқори даражаси. Бу мартаба соҳиби комил мўминдир. У ўзига раво кўрганини биродарига ҳам раво кўрувчи бағри кенг ва кўнгли тоза инсондир. Аллоҳ таолодан мана шундай покиза қалб ва мустаҳкам иймон сўраймиз!

ҲАСАДНИНГ ТУРЛАРИ

Уламоларнинг сўзига қараганда, ҳасад, асосан, уч хил бўлади: Биринчиси – Аллоҳ бандасига неъмат беришини ёқтирмаслик ва унинг йўқ бўлиб кетишини хоҳлаш. Иккинчиси – неъматнинг йўқ бўлишини истамаслик, бироқ Аллоҳ бандага неъмат ато этишини хуш кўрмаслик. Бундай одам “рақиби”нинг олим эмас, жоҳил, бой эмас, камбағал, кучли эмас, заиф ҳолида қолишини истайди. Бунга унинг Аллоҳдан узоклиги, жоҳиллиги ва дин-диёнатдан беҳабарлиги сабаб бўлади. У неъмат заволини истамагани билан бировларнинг эски ҳолича айб-нуқсонли бўлиб қолишини хоҳлайди. Буям қораланган ҳасаддир. Чунки у Аллоҳнинг неъматини ёқтирмаяпти, унинг тақдирига қарши чиқмоқда. Учинчиси – ғибто ҳасади, яъни ҳавас қилиш. Ҳавас қилган одам худди биродаридаги каби неъматга эришишни орзу қилади, унинг йўқ бўлишини тиламайди. Бунинг зарари йўқ. Ҳавас қилган инсон қораланмайди, бу ишнинг айби йўқ. Балки, бу солиҳ амалларда мусобақа қилишга яқин бир ҳолатдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам

шундай деганлар: **“Фақат икки кишига ҳавас қилинади: (Биринчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга мол-дунё беради ва у бойлигини ҳақ йўлда сарфлайди. (Иккинчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга ҳикмат ато этади ва у ўша билан ҳукм қилади, уни (бошқаларга) ўргатади”** (*Бухорий, Муслим ва Ибн Можа ривояти*). Бошқаларга ҳавас қилган одам улардаги яхши хислатларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади, уларга ато этилган неъматлар ўзига ҳам берилишини Аллоҳдан сўрайди ва шуни деб ҳаракат қилади. Шу билан яхшилик йўлида бўлади, эзгуликка интилиб яшайди. Шундан келиб чиққан ҳолда уламолар ҳасадни икки турга бўлишган:

1. Қораланган ҳасад.
2. Мақталган ҳасад (яъни, ҳавас).

Бировга насиб этган яхшиликни кўра олмасдан, унга ғайирлик қилиш ва шу неъматдан айрилиб қолишини ич-ичидан хоҳлаш қораланган ҳасаддир. Куръони Карим ва ҳадиси шарифларда ҳасаднинг бу туридан қайтарилган. Зеро, бундай иллат одамни ёмон йўлларга бошлайди. Қалбида ҳасад иллоти бор кимса қинғир йўллар билан бировга зиён етказиш ва шу орқали “алами”дан чиқишни ўйлайди. Кимдир биров қурган иморатга ёмон назар билан қарайди, яна кимдир оғайнисининг чиройли хотинига кўз олайтиради, уни талоқ қилишини ва уни ўзиники қилиб олишни истайди. Ёки мансаб курсисига ўтирган раҳбарни кўл остидагилардан биронтаси кўролмайди, унинг ҳар бир иши ва сўзидан хато излайди, тагига сув қуйиш пайида бўлади.

Мақталган ҳасадни тилимизда ҳавас дейилади. Бировнинг ютуғига яхши назарда қараш, унга ўхшашга интилиб яшаш ва ўзгаларга ғайир қилмаслик ҳавасдир. Бундай одам яхшилик тарафдори бўлиб, бошқаларга ёмонликни раво кўрмайди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳумонинг: “Кимда Аллоҳнинг неъмати бўлса, унинг бир ҳасад қилувчиси ҳам бор.

Агар киши камон ўқидан тўғрироқ бўлганда ҳам ба-рибир таъна қилувчиси йўқолмайди”, деган сўзидан инсон ҳам ожиз банда эканини ва ҳасад қилувчилар ҳаётда бутунлай йўқолиб кетмаслигини биламиз. Дарҳақиқат, одамзод ҳаёти ҳам бир хил кечмайди. Бир кам дунё деганларидек, бу дунё неъматлари ҳам-мага баробар улашилмаган. Бетоқат инсон ўзини бир неъматдан маҳрум ҳолда кўрса, тезроқ унга етишиш-ни ва ундан баҳраманд бўлишни ўйлаб ҳасад қилиш-га ўтади. Бундан эса фақат ўзига зиённи орттиради, холос.

ҲАСАДНИНГ ЗАРАРЛАРИ

Шайтон ва нафс инсонни бу дунё ўткинчи, тезроқ неъматлардан баҳраманд бўлмасанг, кўз очиб юмгун-ча умринг ўтиб кетади, деб алдайди. Бу эса ҳасадчи ичини қиздириб, ҳасад оловида куйдиради. Шундан кейин бу оловни ўчириш ёки сўндириш ўз соҳибига осон бўлмаслиги аниқ. Худо кўрсатмасин, у ана шу ҳолатида тавба қилмай бу дунёни тарк этса, Аллоҳ таолонинг қаттиқ азобига гирифтор бўлиши муқар-рардир. Шу боис, ҳасадни танадаги дард ва касаллик-ка ўхшатиш бежиз эмас. Дард инсон танасини кеми-риб, адо қилганидек, ҳасад ҳам соғлом қалбни айни-тади, бузади ва қаттиқ дард исқанжасида қолдиради. Одамлар ҳасадчини ёмон кўриши дард устига яна бир дарддир. Унинг атрофида уни яхши кўрадиган ва ўзи ҳам яхши кўрадиган кишилар қолмайди. Агар бўлган тақдирда ҳам ўзига ўхшаш ҳасадчилар бўли-ши мумкин. Ҳасадчи Аллоҳ таолонинг қаҳр-ғазабига йўлиқиши, гуноҳкорга айланиши ва бу гуноҳ юки-ни охиратга орқалаб кетиши катта мусибат ва ютқи-зикдир. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: “Ҳасад яхшиликларни олов ўтинни егани каби ейди”, деган сўзларини бир ўйлаб кўрайлик. Демак, ҳасадчида би-рон яхшилиқ ёки яхши амал нишонаси қолмаслиги

унинг бадбахт эканидан дарак бермайдими? Абдуллоҳ ибн Муътаз айтади: “Ҳасадгўй бегуноҳ одамга жаҳл қилади, ўз мулки бўлмаган нарсани қизғанади ва топиш иложи йўқ нарсани қидиради”. Инсон шундай ҳасадчи билан бирга бўлиши ёки қўни-қўшни бўлиб қолишига тўғри келса, қандай йўл тутиши керак бўлади? Дастлаб унга Аллоҳдан паноҳ тилаб, ҳасадчининг ёмонлиги ва макр-ҳийласидан эҳтиёт бўлиши кераклигини уқтирадилар. Зеро, “Неъматга ҳасад қилувчини неъмат кетишидан бошқа нарса рози қилмайди”, деб бежиз айтилмаган. Донишмандлардан бири: “Ўз феъл-атвори билан зарар келтирадиган одам яқинлашса, ҳушёр бўл. Чунки ўзгармас нарсани ўзгартириш амримаҳол”, деди. Абдулҳамид деган зот: “Арслонга яқин келишинг ҳасадгўйни кузатганингдан кўра яхшироқдир”.

Улуғларнинг ҳасад ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан ҳасад инсон ҳаётини издан чиқариб, осуда турмушини заҳарлашини билсак бўлади. Чунки ичи ҳасадга тўла одам ўзгалар бахтини кўролмайди, уларга ёмонликдан бошқа нарсани тиламайди. Шунинг учун ўзининг ҳам ҳаёти ғам-қайғуга тўла. Ҳасадгўйнинг қалби доим безовта, ором топмайди. Қачон қарасангиз (худди бошқалар унинг ҳисобидан бахтли бўлаётгандек), юрагини чангаллаб, ўзгалар ютуғидан хавотирда юради. Ҳасад яна тил офатларига эшик очади. Ҳасадчи “душман”ларини ғийбат қилади, устидан тухмат-бўхтонлар ёғдиришдан тап тортмайди. Устларига мағзава ағдаради. Хуллас, ҳасадгўй яхшилик ҳақида ўйламайди, фақат ўзини ўйлайдиган худбин кимсага айланади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳасад зарарлари ва офатлари шундай кўриниш олади:

1. Ҳасад Аллоҳ таолонинг ғазабига сабабдир.
2. Ҳасадчини одамлар ёмон кўради.
3. Ҳасадгўйнинг қалби ҳасратга тўла бўлади.
4. Ҳасадчи ўзининг ич-этини ейди.
5. Доим асабий ҳолатда бўлади.

6. Ҳасад эгасининг мартабасини пасайтиради.
7. Ҳасад неъматнинг қўлдан кетишига сабаб бўлади.
8. Ҳасад жамият ҳаётини издан чиқарувчи ижтимоий иллатдир.
9. Ҳасад ахлоқсизлик аломатидир.

ҲАСАДЧИНИНГ ОҚИБАТИ

Бакр ибн Абдуллоҳнинг ҳикоя қилишича, бир солиҳ ва ориф киши подшоҳлардан бирининг яқини бўлган экан. Кундузлари подшоҳ раиятнинг арз-додини тинглаш ва бошқа давлат ишлари билан машғул бўлар, кечга томон сарой аъёнлари ва илм аҳли билан ўзига хос маънавий суҳбатлар уюштирарди. Ҳикоямиз қаҳрамони ҳам мазкур суҳбатларда иштирок этар, ҳатто аъёнлар ва надимлар ҳузурида подшоҳга: “Эй шоҳ, яхши инсонга яхшилиги туфайли эҳсон ва яхшилик қил! Ёмонга эса ёмонлигининг ўзи кифоя қилади”, дер эди. Шу подшоҳнинг бир вазири бўлиб, шоҳ ҳузуридаги ҳурмати ва мартабаси унинг ғашини келтирарди. Чунки вазирнинг ўзи ҳам подшоҳ ҳузурида бу даражада бемалол сўз айтишга журъат қилолмасди. Шу боис, у солиҳ зотни подшоҳ назаридан туширишни билмай юрарди.

Ҳар куни ҳасад ўтида қовурилган вазир ниҳоят кунларнинг бирида подшоҳга юзланиб: “Шоҳим, доим сизнинг рўпарангизда туриб, ақл ўргатадиган анави одам сиз ҳақингизда жуда ёмон сўзлар айтиб юрибди”, деди. “Ия, нима деяётган экан?” деди подшоҳ ажабланиб. “Шоҳимизнинг оғзи сассиқ экан” деяпти”, деди вазир. Подшоҳ ҳайратдан ёқасини ушлаб, “Наҳотки, шу киши шундай деса?! Қандай қилиб, ўзимга яқин олиб, сийлаганим учун бу инсон мен ҳақимда бунақа нолайиқ гапларни айтиб юрса? Бу қандай журъат?!” дея ғазабланди. Вазир шоҳни янада ишонтириш мақсадида: “Шоҳим, у одам кела-

си сафар ҳузурингизга келганда сизга яқин келишини сўранг. Кўрасиз, яқинроғингизга келганда қўли билан бурнини беркитиб олади”, деди. Подшоҳнинг кўнгли қаттиқ ранжиди. Бир оз ўйланиб турди-да, вазирга юзланиб: “Сен боравер, мен ўйлаб кўриб, бир қарорга келаман”, дея жавоб бериб юборди. Подшоҳнинг ўз аъёнлари билан уюштирадиган навбатдаги суҳбат куни вазир ҳалиги муҳтарам зотни уйига чақириб, меҳмон қилди ва унга саримсоқ қўшилган таом едирди. Солиҳ киши вазирнинг уйдан чиққач, тўғри подшоҳ ҳузурига йўл олди. Подшоҳ уни ҳар сафаргидек ҳурмат-иззат билан қарши олди. Солиҳ киши ўз одатига кўра подшоҳ рўпарасида туриб насиҳат қилди: “Эй шоҳ, яхши инсонга яхшилиги туфайли эҳсон ва яхшилик қил. Ёмонга эса ёмонлигининг ўзи кифоя қилади”. Бу сафар шоҳнинг бу сўзлардан энсаси қотди. Лекин ошкор этмади. “Қани, бери кел-чи!” дея уни ёнига чорлади. Бояги киши шоҳга яқин келганда уни саримсоқ ҳидидан озорланмасин, дея оғзини енги билан ёпиб олди. Буни кўрган шоҳ ичида: “Ҳа, вазирим рост айтган экан”, дея вазирнинг гапига ишонч ҳосил қилди.

Подшоҳнинг бир одати бор эди. Агар бир одамга ўз қўли билан нома ёзиб берса, бу яхшилик аломати ҳисобланарди. Бунда, мактубни етказган кишига албатта катта бир мукофот, инъом ва яхшилик бериларди. Мабодо, кимнидир жазоламоқчи бўлса, бировга буюриб ёздирарди. Лекин бу сафар азбаройи ғазаби қайнаб, тоқати тоқ бўлганидан ҳамда сабаби ошкор қилишга нолайиқ кўрилган хунук нарса бўлганлиги туфайли одатини ўзгартириб, ўз қўли билан содиқ қулларидан бирининг номига мактуб ёзди. Бу номани ҳалиги кишига тутқазиб, фалончига олиб бор, дея амр этди.

Қаҳрамонимиз мактубни олиб, шоҳ ҳузуридан чиқди. Иттифоқо, сарой ичида вазир иккиси бир-бирига тўқнаш келиб қолдилар. Вазир унинг қўлидаги номайи ҳумоюнга кўз қирини ташлар экан, ич-ичи-

дан зил кетди. Ҳатто “Бу қандай мактуб?” дея ўзини гўлликка солиб, қизиқсинди ҳам. “Шоҳим менга инъом берилишини буюриб, буни ўз қўллари билан ёзиб бердилар ва фалончига етказишимни буюрдилар”, деди муҳтарам зот самимият билан. Ҳирс ва нафс олчоқ вазирнинг кўзини кўр қилган эди. “Тақсир, сиз бир зоҳид одам бўлсангиз, мол-дунёни нима қиласиз?! Ундан кўра номани менга беринг, мен олинажак маблағни керакли жойларга сарф қиламан, сизга ҳам савоб бўлади”, дея муғамбирлик йўлига ўтди. У ўзидан ҳар томонлама мавқеи паст кишидан ҳады сўрашга орланмади. Солиҳ киши: “Марҳамат, олинг. Сизга бўлсин!” дея заррача оғринмай номани вазирга тутқазди. Қувончи ичига сиғмаган вазир ўша заҳоти уни керакли одамга олиб бориб топширди. Подшоҳнинг ишончли кишиси мактубни очиб, ўқиса, “Ушбу номани келтирган кишини сўйиб, терисини шилиб ол. Кейин ичига сомон тиқиб, менга юбор!” деб ёзилган экан. Бу вақтда эса вазир бениҳоя ширин орзулар оғушида сайр қиларди.

Айни чоғда қандай мукофот олиши ҳақидаги ўйлар унга тинчлик бермас ва сабрсизликдан юраги ёрилиб кетай дерди. Ҳалиги одам мактубдан бошини кўтариб, совуққонлик билан: “Бу мактубда сени ўлдириб, терингни шилиш буюрилибди”, деди. Шу пайт вазирнинг ширин хаёллари тахир бўлиб, бошига гурзидек тушган бу сўз эсхонасини чиқариб юборди. Бир зумда рангу рўйи ўчиб, оёқ-қўлларини қалтироқ босди. “Йўқ, йўқ! Бу хат аслида менга битилмаган, подшоҳдан яна бир карра сўраб билинг. Мен шоҳнинг вазириман”, дея каловланиб, ваҳима билан ялинишга тушди. Аммо мактубни олган киши: “Подшоҳ номаси муҳокама қилинмайди!” дея қочишга уринган вазирни бир ҳаракат билан ер тишлатди. Кейин хатда буюрилганидек, терисини шилиб, ичига сомон тиқиб, подшоҳ ҳузурига юборди.

Эртаси куни ҳеч нарсадан хабари йўқ солиҳ киши яна саройга келиб, мажлисда қатнашди. Ҳар сафаргидек подшоҳ қаршисида туриб, одатдаги насихатини бошлади. Бу ҳолдан ажабланган подшоҳ мажлис охирида уни ёнига чорлаб: “Мактубимни нима қилдинг? Олиб бормадингми, айтилган одамга?” деб сўради. Солиҳ киши: “Ўша куни хузурингиздан чиққандан сўнг, вазир ҳазратлари олдимдан чиқди. У қўлимдаги номани ўзига беришимни сўради. Мен рад қилолмай, унга бердим”, деди. Подшоҳ: “Ҳим... вазирнинг айтишича, сен мени оғзи сассик, дер экансан”, дея сирини ошкор қилди. Солиҳ киши: “Астаф-фируллоҳ, мен бундай демаганман. Қайси тил билан сиз ҳақингизда бундай нолойиқ сўзни гапиришим мумкин?!” деди ҳайрон бўлиб. “Ундай бўлса, нега менга яқинлашганинга оғзингни қўлинг билан тўсиб олдинг?” деди подшоҳ. Солиҳ киши нима бўлганини бирма-бир айтиб берди. Вазир кирдикоридан воқиф бўлган подшоҳ: “Ҳа-а... сен тўғри айтар экансан. Бор, ҳар доимгидек, мажлисимда ўз ўрнингда қол. Зеро, ёмонга ёмонлиги кифоя қилибди!” деди. Шу тариқа, ёмонга ёмонлигининг ўзи жазо бўлган экан.

ҲАСАДЧИНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Ҳасад кўпроқ тенгдош, қариндош-уруғ ва яқин кишилар феъл-атвори ва табиатида намоён бўладиган иллат. Чунки улар бири-бири билан деярли ҳар кун кўришади, муомала қилади ва бир-бирини йўқлаб туради. Ана шу вақтда ўзига етмаган яхшилик ёки неъмат ўзига ўхшаш тенгдоши, қариндош-уруғи ёки бошқа яқин кишисига етса, унга ҳасад қилади ва нега менга эмас, унга етди, менинг ундан кам жойим борми, деб қаттиқ қайғуга ботади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

“Агар сизларга бирон яхшилик етса, бу уларни хафа қилади. Агар сизларга бирон ёмонлик

етса, улар бундан хурсанд бўладилар. Агар сабр-тоқат қилсангиз, Аллоҳдан кўрқсангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қачон зарар қила олмайди. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини ихота қилувчидир” (“Оли Имрон” сураси, 120-оят).

Ояти каримада таъкидланаётганидек, бировга яхшилик етганида сиқилиш, ёмонликка учраганида қувониш айнан ҳасадгўйлик белгисидир. Бундай вақтда ҳасадгўйга муносиб жавоб сабр-тоқат қилиш ва Аллоҳ таолодан кўркишдир. Ана шундай қила олса, ҳасадчи ҳар қанча уриниб, хоҳласа ҳам, унинг зараридан омон қолади. Муовия раҳимахуллох: “Мен ҳар қандай одамни рози қила оламан. Фақат ҳасадчи бундан мустасно. Чунки уни фақат неъматнинг кетишидан бошқа нарса рози қилмайди”, деган экан (Манба: “Завожир”). Манбаларда ҳасадчида рўй берадиган ўзгариш ва бошқа белгиларни ўрганиб, у ҳақда маълумотлар берилган. Айни ўринда ана шу белгиларни келтириб ўтмоқчимиз:

1. Аллоҳнинг тақдиридан кўп шикоят қилади, доим бирон нарсадан нолийди, Аллоҳга ҳамд айтмайди. Ўзи баҳраманд бўлаётгани Аллоҳнинг неъматларини камдан-кам эслайди.

2. Одамларга нафрат кўзи билан қарайди.

3. Аллоҳни кам зикр қилади, дунёни кўп эслайди, унга ўч бўлади. Бойлик ва ўткинчи матоҳлар ҳақида кўп гапиради.

4. Юзи қорамтир-сарғиш тусли бўлади, доим ғам-андухда, хафа ҳолда юради.

5. Ҳамиша дунё аҳлидан бой-бадавлат кишиларга қарайди, ўзини нуқсонли ва бахтсиз ҳисоблайди. Агар юқори мансаб-мартабада бўлсаям, ўзидан тепадагига интилаверади. Шунинг учун ҳаётида мазмун ва ҳузур-ҳаловат йўқ, еб-ичгани ўзига татимайди. Ҳақимлар “Ал-ҳасуд лаа ясуд”, яъни ҳасадчи ҳеч қачон юзага чиқмайди (хурмат-эътибор қозона олмайди), деб бежиз айтишмаган.

6. Ўзига ёққан нарсани қаттиқ нишонга олади, уни кўриб ажабланганидан ақлини йўқотаёди.

7. Агар бирон кишида неъматни кўрса, унга барака сўраб дуо қилмайди, Аллоҳга ҳамд айтмайди, балки ундан хафалигини ва бировнинг ютуғидан сиқилганини билдириб қўяди.

Энг асосийси, ҳасад қилинган кишидан яхшилик ёки неъмат кетганда ҳасадчи жуда хурсанд бўлади, қалбидан қувонади ва ундан роҳатланади. Бу ҳасадчиларнинг охириги белгисидир. Буни баъзилари ичига сиғдира олмай, ўз хатти-ҳаракати, гап-сўзи ва амалида ҳам билдириб туради. Ҳасадчи шу яхшилик ва неъматни деб ҳасад қилгани учун шуларнинг завол топишидан бошқа нарсадан рози бўлмайди.

ҲАСАДНИНГ САБАБЛАРИ

Ҳасадни келтириб чиқарадиган ўз сабаблари ҳам борки, бу сабабларнинг асосий ва муҳимлари ҳақида маълумот бериб ўтамиз:

1. Банданинг Аллоҳдан узоқлиги.

Зеро, Аллоҳга яқин инсоннинг қалби ҳасаддан холи бўлади. Буни қурбат ҳосил қилиш дейилади. Шунинг учун тақводор ва илмли уламолар ҳасаддан йироқ бўлишган. Чунки улар яхшилик ва неъматларни берувчи Зотга яқин бўлишган ва ҳасаддан фойда йўқлигини теран англашган.

2. Тақвонинг камлиги.

Тақводор одам Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандасига истаган неъматини беришига ишонади, бировларга ҳасад қилмайди, тақдирдан нолимайди.

3. Ўзини ҳаддан зиёд севиш, ўзгаларга яхшиликни раво кўрмаслик ва Аллоҳнинг неъматини одамлардан қизганиш.

Бундай бузуқ шахс биров эришган ютуқдан сиқилади, дунё кўзига тор кўринади. Ўзига боғлиқлик жойи йўқ одамлар бирон ютуққа эришишларини кўролмайди, мудом ҳасад қилади.

4. Мақсадига эришолмай қолишдан қўрқиш.

Бу ҳолат бир мақсад йўлида ҳаракат қилаётган кишиларда кўпроқ учрайди. Шундай кишилардан бири кўзланган мақсадга эришиш йўлида неъматга сазовор бўлса, бошқаси унга ҳасад қилади. Мансабга эришиш ёки ўз соҳасида тенги йўқ деб топилиш йўлида ҳамкасбига ҳасад қилиш, ака-ука ва опа-сингилларнинг ота-она қалбидан жой олиш учун курашиши бунга мисол бўлади.

Тарихдан маълумки, Юсуф алайҳиссаломнинг оға-инилари оталари муҳаббатига сазовор бўлиш учун қинғир йўлни танлашди. Бу ҳақда Каломи мажидда шундай дейилган: **“Ўшанда улар (Юсуф алайҳиссаломнинг ўғай оғалари:) “Гарчи биз бутун бир жамоат (яъни, кўпчилик) бўлсак-да, шак-шубҳасиз, Юсуф ва унинг (туғишган) биродари (Бинёмин) отамизга биздан кўра суюклироқдир. Ҳақиқатан, отамиз очик залолатдадир”, деган эдилар”** (*“Юсуф” сураси, 8-оят*).

Улар баднияти йўлида, ҳатто Юсуфни ўлдириш ва нима қилиб бўлса ҳам отасидан узоқлаштириш пайида бўлдилар. Бироқ илоҳий тақдир уларни қўлламади. Юсуф алайҳиссалом оға-инилари устидан ғолиб чиқди. Ҳаммалари унинг ҳузурида бош эгиб туришга мажбур бўлди.

Шунингдек, ҳасад риёсат ва мол-дунёда шерик кишилар ўртасида ҳам рўй беради. Агар бир киши ўз улушини олиб, бошқаси бенасиб қолса, бири иккинчисидан афзал бўлгани учун улар орасида нафрат ва кек пайдо бўлади. Бу Иблиснинг, Одам алайҳиссалом ўғлининг, Юсуф алайҳиссалом биродарларининг ҳасадига ўхшайди. Айтилишича, уч сабабга кўра, ер юзида илк марта Аллоҳга исён қилинган. Булар: хирс, кибр ва ҳасад. Ҳирс Одам алайҳиссаломдан, кибр Иблисдан, ҳасад эса Қобилдан содир бўлган. Чунки у Ҳобилни қатл этган.

5. Бировларнинг ютуғини кўролмаслик.

Айрим кимсаларда бошқанинг ўзидан афзал ва устун бўлишини кўра олмаслик одати бўлади. Одатда, бировни ўзидан паст билиб, уни одам ўрнида кўрмай, назарига илмайдиган кимса шундай қилади. Ўша одам доим унга қарам бўлишини, ялиниб-ёлворишини ва уни мухтожликда кўришини истайди. Бирдан қараса, ҳалиги одам ўзидан яхшироқ неъматга эришибди. Ҳасадчининг хаёли бошидан учадди, тинчи бузилади, оромини йўқотади, ўзини қўярга жой топа олмай эзилади. Қалбининг тубида уйғонмай турган ҳасад иллоти ўз ишини қилишни бошлайди. Бунга кўпроқ ҳасад қилинаётган кишининг риёсат, илм, мол-дунё ёки мансаб-мартабага эришиши сабаб бўлиши мумкин. “Душмани”нинг иззат-обрўси ошиб, мартабаси кўтарилаётгани ва ўзини ортда қолдираётганини кўрган ҳасадчи қалбида нафрат олови гувиллаб ёнади, уни жизғанак қилиб, ҳоли-жонини ўртайди. Оқибатда ҳақиқатни тан олишни истамайди, ҳақни кўрмайди. Ибн Исҳоқ шундай ривоят қилади: “Тунларнинг бирида Абу Суфён ибн Ҳарб, Абу Жаҳл ибн Ҳишом ва Ахнас ибн Шурайқ Расулуллоҳдан Қуръон эшитиш учун чиқишибди. Улардан ҳар бири алоҳида ўтириб тинглабди. Бир-биридан хабари йўқ экан. Кечаси билан у зотга қулоқ солиб, тонг отганда уйларига тарқалишибди. Йўлда ногаҳон дуч келиб, бир-бирларини роса маломат қилишибди. “Энди бу ерга бошқа келмайлик. Эси паст одамлар кўриб қолса, гап-сўз бўлмасин тағин”, деб, уй-уйларига тарқалишибди.

Иккинчи кечада уларнинг ҳар бири яна ўз жойига келиб, эрталабгача Қуръон эшитиб чиқибди. Тонг отганда қайтиб кетаётиб, йўлда дуч келганда яна бир-бирларига аввалги гапларни айтишибди. Учинчи кечада ҳам келиб, туни билан Қуръонга қулоқ тутишибди. Тонг отганда қайтиб кетаётиб, яна аввалги ҳол такрорланибди. Бу сафар бир-бирларига: “Бошқа

кайтиб келмасликка аҳд қилмагунимизча тарқалмай-миз”, дейишибди. Қатъий аҳду паймон қилиб уйларига тарқалишибди.

Ахнас кундузи ҳассасини қўлига олиб Абу Суфён ибн Ҳарбнинг уйига борибди.

– Эй Абул Ҳакам, Муҳаммаддан эшитганларинг хақида нима дейсан? – дебди.

Абу Суфён:

– Нима эшитибман?! Биз Бани Абдуманоф билан обрў талашиб келганмиз. Улар ҳам кишиларга таом беришди. Биз ҳам бердик. Улар ҳам улов беришди. Биз ҳам бердик. Ҳамма тиз чўкиб, пойгага қўйилган икки отдай бўлган бир паллада, улар: “Бизда пайғамбар бор. Унга осмондан ваҳий келди”, деб турибдилар. Биз бунга қачон етиб оламиз, ахир?! Аллоҳга қасамки, биз Муҳаммадга зинҳор иймон келтирмаймиз, уни тасдиқламаймиз ҳам, – деди. Ахнас унинг олдидан чиқиб кетди”.

6. Душманлик ва ёмон кўриш.

Ҳаётда ҳар хил ҳолат бўлиши мумкин. Икки киши бир-бири билан низолашиб, орасидан ола мушук ўтса, ғазаб отига минган одам ўзининг душманига нисбатан қалбида кек-адоват сақласа, бу бориб-бориб ҳасадга айланади. У душманига беролмаган “адаб”-ни бошқалар беришини кутади. Агар душмани бошига бирон кулфат тушса, ўзида йўқ хурсанд бўлади. “Адолат қарор топди. Менга ёмонлик қилгани учун Аллоҳнинг Ўзи жазосини берди”, деб ғурурга ботади. Мабодо душмани бир яхшиликка эришса, кутганига зид бўлгани учун ғамга ботади, сиқилади, ичидаги ҳасад ўти баттар аланга олади. Бу неъматни ундан кетказиш йўлида жирканч усулларни қўллашдан ҳам тоймайди. Афсуски, кўп ҳолларда мана шундай манфур кимсалар ўз мақсадларига етадилар. Кўпгина истеъдод ва қобилият соҳиблари ҳасад қурбони бўлишганини кўрамиз, эштамиз. Аллоҳ таоло бундай кўнгилсиз ҳодисалардан асрасин!

7. Кибр ва мақтанчоқлик.

Мутакаббир кимса бошқалардан орқада қолиб кетишни истамайди. Шунинг учун ютукқа эришган кишини кўролмайди. Бундайлар ўзидан пастдагиларни доим масхара қилиб, таҳқирлаб, олдиларида мақтаниб, сал нарсага керилиб юрадилар. Шунинг учун ўзларидан паст одамларнинг бир яхшиликка эришганига чидай олмай, ҳасад қилишга ўтадилар. Яна, бошқалар раъйига қараб иш қилишини, сўзини икки қилмаслигини истайди, қош-қовоғига қарашни талаб этадилар. Агар бирон киши ўзидан бир поғона кўтарилса, мутакаббир қалбида ҳасад аланга олади. Қуръони Каримда Фиръавн қавми ҳақида шундай дейилган:

“Сўнгра Биз Мусо ва унинг биродари Ҳорунни Ўз оят-мўъжизаларимиз ва очик ҳужжат билан Фиръавн ва одамларига пайғамбар қилиб юборган эдик, улар: “Ўзимизга ўхшаган икки кишига иймон келтирамизми? Ҳолбуки, уларнинг қавми (Бани Исроил) бизнинг қулларимиз-ку”, дедилар” (*“Мўминун” сураси, 45–47-оятлар*).

Кибр-манманлик Макка кофирларининг ҳасадига сабаб бўлган. Улар: “Абу Толибнинг етимчаси пайғамбарликни даъво қиляптими?” деб таъна-маломат қиларди. Қуръони Каримда шундай дейилган: **“Яна улар: “Бу Қуръон икки қишлоқ(нинг бири)дан бўлган улуг одамга нозил қилинганида эди”, дедилар”** (*“Зухруф” сураси, 31-оят*).

Бошқа бир оятда шундай дейилган: “(Эй Муҳаммад,) қачон улар Сизни кўрсалар: “Аллоҳ мана шуни пайғамбар қилиб юборибдими? Агар сабр қилиб (маҳкам турмаганимизда) ҳақиқатан, у бизларни худоларимиздан оздираёзди-я”, деб Сизни масхара қиладилар. Яқинда азобни кўрган вақтларида ким йўлдан озганроқ эканини билиб оладилар” (*“Фурқон” сураси, 41–42-оятлар*).

Тарих китобларида келтирилишича, Валид ибн Муғйра исмли мушрик Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васалламга: “Агар ҳақиқатан нубувват бўлса, у ҳолда мен пайғамбарликка сендан кўра муносибман. Чунки менинг ёшим сеникидан каттароқ, мол-дунёим кўпроқ”, деган.

8. Мансабпарастлик ва шуҳратпарастлик.

Бунга бирон соҳада тенги йўқ бўлишни орзу қилган шуҳратпараст кимса мисол бўлади. Бундай одам бирон киши яқинига йўлашини ва ўзини ортда қолдиришини истамайди, ўз соҳасида бир ўзи тенгсиз ва танҳо деб топилишни, замонасининг яктоси бўлишни ич-ичидан хоҳлайди. Агар илмда, амалда, касб-ҳунарда, мол-дунё ёки чиройда “Сенга тенг келадиган одам чиқибди”, дейилса, унинг йўқ бўлиб, фақат ўзи қолишини қаттиқ хоҳлайди, унга ўлим тилайди. Кўп ҳолларда ягона ва тенгсиз деб топилиш каби орзу-умидлар одамни қинғирлик ва ноҳақликка ундайди. У ўзидан ўзиб кетмаслиги учун рақибининг оёғидан чалиш, турли таниш-билишларни ишга солиш ва бошқа ноҳақ ишлар орқали мақсадига эришиш режасини тузади. Бу риёсатни, мансаб-мартабани яхши кўриш ва шуҳратпарастликдан келиб чиқади. Бу ҳам қалб иллатларидан биридир.

Яхудий уламолар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сифатлари Тавротда келганини яхши билишарди, бироқ у зотнинг ҳақ пайғамбар эканини инкор этишиб, буни одамлардан яширишарди. Нега? Чунки ҳақиқат ошкор бўлса, риёсатдан қуруқ қолишлари ва обрў-эътибордан қуруқ қолишларидан қўрқишарди.

9. Зиқналик ва бахиллик.

Ҳасадга ундайдиган яна бир иллат бахилликдир. Зеро, зиқна кимса бошқалардаги неъматни кўрса, қалби ҳасадга тўлади. Халқимиз ўзи бермайди, бергани кўролмайд деб айни шу тоифани назарда тутиб айтган. Ҳасад ўзгаларга қилинган зулмдир. Зиқналик эса ўзига-ўзи зулм қилиш саналади.

Ривоят қилинишича, Абдураҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу Каъбатуллоҳни тавоф қилаётганда, “Эй

Аллоҳ, нафсимни зикналикдан сақла!” деб жуда кўп дуо қиларди. Бир киши буни эшитиб: “Нега бу дуони кўп ўқияпсан?” деб сўрайди. Шунда Абдурахмон: “Агар нафсинг зикналигидан сақлансанг, бахиллик, зулм ва силаи раҳмни узишдан сақланасан”, деб жавоб берди.

10. Илм ва мол-дунё каби кўзга ташланадиган неъматлар.

Илм-маърифат ва ҳалол йўл орқали топилган бойлик улуғ неъматдир. Одамлар олим кишилар, мол-дунёсини яхшилик йўлида сарфлайдиган сахийларга ҳасад қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шу маънода: “Икки кишига ҳавас қилиш мумкин: (биринчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга Қуръон (илми)ни берган бўлиб, кечаю кундуз тиловат қилади. Қўшниси (Қуръон ўқиганини) эшитиб: “Қанийди фалончига берилган нарса менга ҳам насиб этганида, унга ўхшаб амал қилардим!” деб орзу қилади. (Иккинчиси шундай) кишики, Аллоҳ унга бойлик ато этган бўлиб, (бойлигини) ҳақ йўлда сарфлайди. (Буни кўрган) киши: “Қанийди фалончига насиб этган нарса менга ҳам берилганда, мен ҳам унга ўхшаб амал қилардим!” деб орзулайди”, деганлар (*Бухорий, Аҳмад ва Байҳақий ривояти*).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур ҳадисда энг кўп ҳасад қилинадиган иккита соҳа – одамларга илм ўргатиш ва яхшилик йўлида инфоқ-эҳсон қилишни зикр этмоқдалар. Аслида Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилиш, намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж қилиш саналган амаллардан афзал туради. Бироқ нафсга оғир келадиган ишларда одамлар бир-бирига ҳасад қилмайди. Ҳасад асосан обрў келтирадиган, одамлар кўз ўнгида юзага чиқадиган амалларда бўлади. Таълим ҳам, инфоқ ҳам шундай ишлар қаторига киради. Шунинг учун ортидан эргашувчилари кўп уламоларга ҳасад қилинади. Шунингдек, молини эҳсон қилиш туфайли одамлар қалбидан жой олган

саховатпеша инсонларга ҳам ҳасад қилинади. Бири қалб, иккинчиси бадан озиғи бўлгани учун бу борада кўролмаслик илллати намоён бўлади. Зеро, ибодатларда ҳасад камроқ бўлади. Ҳасад асосан, риёсат ва обрў келтирадиган ишларда кўп учрайди.

ҲАСАДНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ҳасад илллати манфур ва жирканч бўлиб, у кўпайиб борган сари жамиятга катта зарар етказди. У қалбни қорайтириб, одамлар орасида ғийбат, иғво ва бекорчи гап-сўзларга йўл очади, иғвогар ва бўҳтончилар хусумат, бировни ноҳақ қоралаш, сўкиш ва яна бошқа кўплаб хунук оқибатларни юзага келтиради. Ҳасад оқибаотида юзага келадиган ҳолатлар ҳақида баҳоли кудрат тўхталиб ўтмоқчимиз:

1. Буғзу адоват ва душманлик.

Бир ҳадиси шарифда: “Аввалги умматларга етган ҳасад ва буғзу адоват сизларга ҳам ўтган”, дейилган. Бу ривоятда ҳасад билан буғзу бежиз ёнма-ён зикр қилинаётгани йўқ. Зеро, иккиси бир-бирига боғлиқ. Баъзи ҳолатларда буғзу ёмон кўришга, нафратланиш ҳасадга сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бироқ кўп ҳолларда нафратланиш илллати ҳасад туфайли келиб чиқади. Ҳасадгўй Аллоҳнинг неъматини ўзидан бошқаларга етишини ёқтирмайди. Агар бировга яхшилик ва неъмат етганини кўрса, эшитса, ўзиникини тортиб олгандек афт-башараси бужмаяди. Шунинг учун қандай бўлмасин, бировга етган неъмат завол топишини хоҳлайди, йўқ бўлишини истайди. Бу энг пасткашларнинг сифатидир.

2. Зулм ва ситам.

Зулм ҳасаднинг энг хавфли кўринишларидан биридир. Бироқ ҳасадчи унга жабр-ситам ўтказаётганини ва ҳақини топтаётганини билмайди. Ҳасад балосига учраган ҳар бир кимса бундан холи эмас. Бунга илм аҳли ўртасидаги ҳасадни мисол қилиб келтириш

мумкин. Илм аҳли ўзидан бошқа биродари эришган ютукни кўролмайдди ва унга ғайирлик қилади. Буни у билмасдан қилмайдди. Илми ўзига етарли, Аллоҳнинг Каломини ўқийди, ҳадисларни бемалол тушуниб, одамларга етказиш салоҳиятига эга. Бироқ қалбида ҳасад ўти ёниб, уни зулм қилишга ундайдди. Агар ютукқа эришган одам билан юзма-юз келиш иложи бўлмаса, унинг ортидан гап-сўз қилиб, шаънини булғайди, чақимчилик қилади, тухмат-бўхтонга ўтади. Бундан мақсад “рақиб” тагига сув куйиш. Зулмнинг бу тури ҳасаддан келиб чиқади.

3. Биродарини тарк этиш, уни қаровсиз қолдириш.

Бир-бирининг ҳолидан хабар олмаслик ва қаровсиз қолдириш мўмин-мусулмонлик риштаси мустаҳкам эмаслигини билдиради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мўмин-мусулмонларни бир-бирига самимий ва хушмуомала бўлиб, ҳасад, кин-адоватдан узоқ бўлишга даъват этганлар. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: **“Бир-бирингизга ҳасад қилманг, бир-бирингизга адоват қилманг, юз ўгириб кетманг, (орадаги ришталарни) узманг, балки Аллоҳнинг ака-ука бандалари бўлинглар! Мусулмон (киши) учун биродарини уч кундан ортиқ ҳажр қилиши ҳалол эмас. У иккиси учрашиб қолади ва униси у ёққа, буниси бу ёққа қараб кетади. (Ана ўшанда) биринчи салом бергани уларнинг энг яхшисидир”** (*Бухорий ва Муслим ривояти*).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: **“Бирон-тангиз ўзи ёқтирган нарсани биродарига раво кўрмагунича (ҳақиқий) мўмин бўлолмайди”** (*Бухорий, Муслим ва Табарий ривояти*).

Демак, мусулмон банда ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўради. Яхши кўрган нарсани чеғара-ралаб бўлмайди. Демак, ўзи ёқтирган нарсани ўз би-

родарига ҳам раво кўриш мўмин-мусулмонлик белгисидир. Чунки Аллоҳ ва Расули бизни шунга буюрган, яхшилик қилишга ва туғишган ака-укадек иноқ бўлишга амр этган, ўзаро ҳасад, адоват ва ойлаб-йиллаб аразлашиб юришдан қайтарган.

Мусулмонлар яшайдиган жамият ўзаро меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқат асосига қурилган десак хато бўлмайди. Бошқа жамиятларда бундай эмас. Ғайридинлар жамиятида ўзаро низо ва нифоқ каби иллатлар яққол кўзга ташланади. Уларда ит ва мушукларга ўхшаш махлукларга раҳм-шафқат етарли, ўз уйида асраб-авайлайди, тансиқ таомларидан беради, ювиб-тарайди, парваришлайди. Аммо одамларга нисбатан раҳм-шафқати йўқ, қўшниси ўз уйида ҳеч ким беҳабар ҳолда ҳаётдан кўз юмади. Бундан фарқли ўлароқ мусулмон жамиятида ўзаро меҳр-мурувват ва бир-бирини ҳурмат қилиш каби гўзал хислатлар мавжуд. Мусулмон киши нафақат қариндош-уруғи, яқин қўшнилари ҳолидан ҳам хабар олиб туради, ўзига пиширган тансиқ таомлардан ҳам унга чиқариб туради. Тўғри, қўшниси у чиқарган таомга қараб қолмагандир. Лекин икки қўшни ўртасида самимий муносабат пайдо бўлиб, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат уйғонади.

4. Ғийбат қилиш, насиҳатни тарк этиш.

Ҳасад ички иллат бўлиб, баъзан ўзини намоён этиши, баъзан намоён этмаслиги мумкин. Масалан, қалбида ҳасади бор киши зарар етказишга кўзи етмаса, ғийбат қилиб, ҳурмати топтойди. Демак, ҳасадчи ҳасад оқибатида зарар етказиш иложини топмаган тақдирда ғийбат гуноҳини ўзига “ишлаб олади”. Зеро, мусулмон одам бировни ўзи ғийбат қилмай, бошқаларни ғийбатдан қайтариши ва қабоҳатга қарши курашиши керак.

5. Аллоҳ ҳасадгўйларни ёмон кўради.

Аллоҳнинг ёмон кўриши ҳасадчиларга катта тавқи лаънатдир. У Зотнинг назаридан қолиш ва

қахр-ғазабига дучор бўлиш ҳасадчининг бахтиқаро-лигидан дарак беради. Чунки ҳасадчининг қалби нафрат, гина-кудурат, ёмонликка тўла. Бундай қалбга иймон нури кирмайди, агар олдин кирган бўлса ҳам, уни тарк этади. Ҳасадчи бир умр тақдирдан нолийди, Аллоҳнинг қазойи қадарига қарши чиқмоқчи бўлади, ўзича илоҳий тақсимотдан норозилигини билдиради. Шундай бўлганидан кейин ҳасадгўй қандай қилиб Аллоҳга суюкли банда бўла олсин?!

6. Ҳасад туфайли эзгу амаллар савоби йўқ бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоху анху ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Ҳасаддан сақланинглар! Зеро, ҳасад худди олов ўтинни ёндир(иб, кул қил)гани каби яхшилик (савоблар)ни йўқ қилади”, деганлар” (*Абу Довуд, Ибн Можжа, Бай-ҳақий, Ибн Абу Шайба ва Абу Яъло ривояти*).

Ҳасад эзгулик кушандасидир. Бу иллат туғилажак эзгуликни ҳам, қилинган савобли амалларни ҳам бар-бод қилади. Ҳасадгўй разил нияти билан кимнингдир оёғига болта уради, унинг мағлубиятига сабаб бўлади. Бу билан қилинган солиҳ амаллари савобини йўқотади. Ҳасадгўйнинг гуноҳга ботиб, соғлиғидан айрилгани етмаганидек, эзгу амаллари ажридан ҳам жудо бўлиши унга катта бадбахтликдир. Ким бундай кўргиликни ўзига раво кўришни истамаса, бировга ҳасад қилмасин, ўз нафсига раҳм қилсин.

7. Ҳасад банда иймонига нуқсон етказди. Бир қалбда иймон билан ҳасад жамланмайди. Иймон бор қалбда ҳасад, ҳасад бор қалбда комил иймон бўлмайди.

Бу нима дегани? Агар одам бировга ҳасад қилса, иймони ноқис бўлади. Чунки иймони комил, Аллоҳга ва охират куни аниқ ишонган, Парвардигори олам ҳаммага ризқ-насибасини тақсимлаб қўйганига ишонган банда биров эришган ютуқларга ҳасад қилмайди, тақдирдан шикоят қилмайди. Акс ҳолда ий-

монига нуқсон етади. Бундан чиқди, иймони бус-бутун бўлишини истаган кишидан ўзини ислоҳ қилиб, ҳасад иллатидан қутулишга ҳаракат қилиши талаб этилади.

8. Ҳасадчининг асаби бузилиб, ғазаби кўзийди, соғлиғи ёмонлашади. Ичи ҳасадга тўлганидан бора-бора одамлар нафратига йўлиқади.

Арабларда “Ҳасадчи бахтли бўлолмайди”, деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан, ҳасадгўй ҳаётида роҳат ҳам, ҳузур-ҳаловат ҳам бўлмайди. Чунки доим кимнингдир иши юришганини кўрса, жиғи кўзийди, асаби бузилади, фиғони фалакка етади. “Нега доим унинг иши юришаверади, меники эса бундай?” деб Аллоҳ белгилаб берган илоҳий тақсимотдан норози бўлиб, оқибатда бебаҳо соғлиғидан айрилади. Гуноҳга ботгани, солиҳ амаллари савоби ва саломатлигини бой бергани етмаганидек, қалбини ҳасад эгаллаб олган кимса кўпчилик нафратига йўлиқади. Ҳасаднинг оқибати ҳасадчига мана шундай зарарларни келтиради. Ҳали уни охиратда хорлик ва азоб-уқубатлар кутиб тургани янада оғир.

ҲАСАДНИНГ ДАВОСИ

Ҳасадчи қалбини ҳасаддан поклаши ва уни кетказиши осон бўлмайди. Бунинг учун ич-этини еб ёндираётган ҳасад ўтини сўндириши ва ундан халос бўлиш режасини тузиши керак. Ҳақиқий тавба қилиб, ҳасаддан покланишни истаганларга уламолар бир қанча тавсияларни келтирганлар:

Биринчиси, Аллоҳга дуо қилиб, қалбини ҳасаддан поклашини сўраш. Дарҳақиқат, дардни берган Зот давосини ҳам беради, деганларидек, ҳасадни яратган Зот уни қандай даволашга ҳам йўл кўрсатади. Фақат ҳасадчида бу иллатдан қутулиш ва халос бўлишга қаттиқ ишонч бўлиши керак. Имом Ғаззолий “Тафаккур китоби”да ҳасадни шаҳват, ғазаб, ба-

хиллик, худбинлик, риё, ҳасад, бадгумонлик, ғафлат, гурур каби муҳликот-ҳалок этувчи иллатлар қаторида келтириб шундай дейди: “Ким ўз қалбини бу иллатлардан холи ва пок деб ўйласа, дунё имтиҳон ва синовдан иборат эканини унутмаслиги керак. Албатта, нафс ҳар доим ўзига яхшиликни душман билиб, яхшилик қилишни орқага суради. Агар ўзингда кибр-ҳаво йўқлигини даъво этсанг, олдинги зотлар нафсини синаб кўрганидек, сен ҳам нафсингни бозорда ўтин орқалаб, ҳаммоллик қилиб синаб кўр-чи. Агар ўзингни ҳилмлиман деб даъво қилсанг, бошқадан бирон озор ё азият етганида, ғазаб ва жаҳлингни боса олиш-олмаслигингни амалда синаб кўр. Бошқа иллатларда ҳам худди шундай ўз устингда тажриба ўтказ. Бу тажриба ва синов ёмон иллатлар ўзида бор-йўқлигини билиб олиш учун қилинади”. Демак, ҳасад дардига мубтало бўлган киши Имом Ғаззолий айтганидек, ўзида бор-йўқлигини тажрибада синаб кўриши керак. Бирор яқини ёки таниши эришган ютуқ ёки омаддан ҳасадланса, бу иллат борлигига ишониши керак ва уни қалбидан кетказиш тадориғини кўриши керак.

Иккинчиси, ҳасаднинг моҳиятини англаб етиш. Ҳасад қалб хасталиқларидан биридир. Бундай иллатлар илм ва амал билан даволанади. Ҳар бир киши ҳасад ўзининг динию дунёсига қони зарарли эканини англаб етиши керак. Шу билан бирга ҳасад қилинаётган одамнинг на динига, на дунёсига зиён келтиролмаслигини ҳам тушуниб етиши лозим. Ким ҳасад қилса, бундан дастлаб ўзи жабр чекади, душмани фойда кўради. Ҳасадчининг ўзи ҳасади туфайли ич-этини ёйди, қалби дард-аламга тўлади. Лекин ҳеч қанақа фойда кўрмайди.

Учинчиси, бировга берилган неъматга ёмон назар билан қарамаслик. Унинг ўрнига инсон ўзига берилган неъматлар ҳақида фикр юритиб, Аллоҳга шукр қилса, қалби хотиржам бўлади. Инсон шуни

билиб олсин: ёмон кўриши билан неъмат ҳасад қилинаётган одамдан кетиб қолмайди. Чунки унга неъматни Аллоҳнинг Ўзи берган. Бу неъмат унда Аллоҳ тақдир қилган вақтгача туради. Бировнинг ҳасади туйфайли неъматга завол етмайди. Охиратда унга зарар етмаслиги аниқ. Сабаби – неъмат етгани ёки ҳасадчининг ҳасади унга гуноҳ бўлиб ёзилмайди. Балки ҳасад қилингани учун мазлум сифатида фойда олиши ҳам мумкин.

Тўртинчиси, ҳасадни даволаш учун унинг аксини қилиш керак. Яъни, одамларга хайр-саховат қиладиган банданинг бу ишдан дили ёришади, Аллоҳ унга кўп ажр-савоб беради. Шунингдек, ҳасад илллати унга душманини ёмонлашни буюраётган бўлса, уни мақтасин. Ҳасади унга мутакаббирлик қилишни буюрса, камтар бўлсин.

Бешинчиси, ўз айбини тузатишга ҳаракат қилиш ва бошқалар нуқсон-камчиликларидан кўз юмиш. Кўпчилик бу ишнинг уддасидан чиқиши қийин. Чунки одамзод ўз айбига эмас, кўпроқ бошқалар айбини кўришга ва у ҳақда гап-сўз қилишга қизиқади. Шунинг учун ўз айбини кўра олган одам дарҳол уни ислоҳ этишга ўтади.

Олтинчиси, мол-дунёда, мансаб-мартабада ўзидан пастдагиларга қараб ибрат олиш, бориға шуқр қилиш. Мол-дунёда пастга қарашга нафс йўл қўймайди. Чунки нафс бошқалар олаётган лаззат ва роҳатни кўриб, нега сен бунга қодир эмасман, деб ўз эгасини баландга қарашга қизиқтиради.

Еттинчиси, дунёдаги нарсалар ўтқинчи, ҳасад қилишга арзимаслигини англаб етиш. Нақл қилинишича, бир куни Шақик Балхий шогирди Ҳотимул Асомдан “Эй Ҳотим, менинг суҳбатимда қанча йил бўлдинг”, деб сўради. Ҳотим ўттиз уч йил бўлди, деди. Балхий: “Шунча йил юриб, қанча илм ҳосил қилдинг”, деди. Ҳотим саккизта фойда олганини айтди. Шақик Балхий: “Албатта биз Аллоҳнинг банда-

ларимиз ва албатта биз у Зотга қайтгувчилармиз” (*Бақара, 116*), дея таржеъ айтди-да, “Эй Ҳотим, мен таълим беришга умримни бағишласам-у, шу саккиз фойдадан ташқари илм олмадим деяпсан”, деди ҳайрон бўлиб. У шогирдидан олган саккизта фойданг нималар, деганида шогирд улар ичида мана бу фойдани ҳам олганини келтиради: “Бешинчиси, одамларга қарасам, бир тоифа бир-бирини ёмон кўриб, мол-дунё ва мансаб-мартабани яхши кўрганидан бир-бирига ҳасад қиляпти. Аллоҳ таолонинг: **“Уларнинг ҳаёти дунёдаги маишат-тирикчиликлари ҳам уларнинг ўрталарида Биз ўзимиз тақсимлаганмиз”**, (*Зухруф, 32*) деган сўзи ҳақида фикр юритиб билдимки, бу тақсимот азалда собит экан ва унда бирон кишига инон-ихтиёр йўқ экан. Шундан кейин ҳеч кимга ҳасад қилмадим. Боқий Зотнинг берганига рози бўлдим ва дунё аҳли билан муроса қилдим”, деди Ҳотим. Шақиқ: “Яхши қилибсан”, деди.

Саккизинчиси, кимдадир бирон неъматни кўрса, ўзига ҳам шундай неъматни Аллоҳдан сўраш. Бу ҳақиқий мўмин-мусулмон кишининг одатидир. Чунки мўмин киши ҳеч қачон бировга ҳасад қилмайди, ҳар бир неъмат ва яхшиликни Аллоҳ яратиб, уни хоҳлаган бандасига берса, унга қарши бориш аҳмоқликдан бошқа нарса эмаслигини жуда яхши тушунади.

Тўққизинчиси, мўмин киши биродарига берилган неъматга хайр-барака тилайди. Шу билан ўзи ҳам ҳасаддан сақланади, биродарининг мол-дунёси зиёда бўлади, ёмон кўздан сақланади.

Ўнинчиси, ҳасадланиш сабабларини ва унга чақирувчи нарсаларни даф этиш. Масалан, нафрат, ёмон кўриш каби иллатлар ҳасадга сабаб бўлса, уни қалбдан чиқариб ташланади. Токи дилдаги нафрат ҳасадга айланмасин. Бу борада нима қилиш кераклиги набавий ҳадисда айтиб қўйилган:

عَنْ حَارِثَةَ بْنِ التُّعْمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: ثَلَاثٌ لَازِمَاتٌ لِأُمَّتِي: الطَّيْرَةُ وَالْحَسَدُ وَسُوءُ الظَّنِّ فَقَالَ رَجُلٌ: مَا يُذْهِبُهُنَّ يَا رَسُولَ اللَّهِ مِمَّنْ هُوَ فِيهِ قَالَ: إِذَا حَسَدْتَ فَاسْتَعْفِرِ اللَّهَ وَإِذَا ظَنَنْتَ فَلَا تُحَقِّقْ وَإِذَا تَطَيَّرْتَ فَأَمْضِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ ضَعِيفٌ.

Ҳориса ибн Нўъмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

– Умматим орасида учта иллат: шумланиш, ҳасад, бадгумонлик бўлади, – дедилар. Шунда бир киши сўради:

– Ё Расулуллоҳ, улардан қандай қутулиш мумкин?

– Агар (қалбингда биродарингга нисбатан) ҳасад пайдо бўлса, (Аллоҳга) истиғфор айт. Бировдан ёмон гумон қилсанг, (унга асосан) иш тутма. Агар шумлансанг, (қилмоқчи бўлган ишингни тўхтатиб қўйма,) уни амалга ошир (Табароний заиф санад билан ривоят қилган¹).

Кунларнинг бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга хитобан:

– Менинг умматим орасида учта иллат: шумланиш, ҳасад ва ёмон гумон қилиш бўлади, – дедилар.

Шунда бир киши сўради:

– Эй, Аллоҳнинг Пайғамбари! Бу иллатлардан қандай қутулиш мумкин?

Расули Акрам дедилар:

– Агар биродаринг ҳақида ёмон гумон қилсанг, унга суяниб иш қилма, шунга биноан бирон амалга қўл урма. Агар бировга ҳасад қилсанг, Аллоҳга истиғфор айт. У Зот тасарруфидаги нарсаларга эъти-

¹ Ривоят санадида Исмоил ибн Қайс Ансорий бор. У заифдир (М а н б а: Ҳайсамий, “Мажмауз завоид”).

роз билдирганинг учун Ундан мағфират сўра. Агар қалбингда бирон нарсадан шумланиш пайдо бўлса, мақсадингни амалга оширишда давом эт, тўхтаб қолма¹.

Демак, банда билиб-билмай ўзгаларга ҳасад қилса, Аллоҳга истиғфор айтиб, гуноҳини кечиришни сўрайди. Чунки ҳасад Аллоҳ бандалари орасида қилган тақсимотига норозилик ва тақдирдан нолиш саналади. Бировга ҳасад қилган одам гуноҳга ботади. Устига-устак машаққат билан топган ажр-савоблари маҳсуд (ҳасад қилинган) одам ҳисобига ўтиб кетади. Шунинг учун шайтон васвасаси туфайли қалбга ҳасад кирса, дарров истиғфор айтилади. Истиғфор билан банда гуноҳлардан покланиб, истиғфор айтган кишининг қалби қора доғлардан покланади. Истиғфор айтган инсон ҳасад оловидан ва унинг зараридан сақланади.

Агар қалбда биров ҳақида ёмон хаёл пайдо бўлса, ҳужжат-далиллар билан исботланмагунича уни тасдиқланмайди, шубҳа-гумонларга ишониб иш қилинмайди. Чунки асоссиз нарсага таяниб бирон иш қилиб қўйилса, зулм бўлиб қолиши, бировга ноҳақ жабр қилиб қўйилиши мумкин. Бунда одам икки баравар гуноҳга ботади. Шунинг учун бўлар-бўлмас гапларга, одамлар тилидаги шов-шувларга, овозаларга ишонавермаслик, бирон гапни аввал текшириб, суриштириб, рост бўлса, кейин тасдиқлаш матлубдир. Юқоридаги ҳадисда шумланишни қандай даволаш, унинг зарарларидан қай тариқа қутулиш тўғрисида ҳам қимматли маслаҳат берилмоқда. Унга кўра, шумланиш безовта қилган ҳолларда, хайрли ишни тўхта-тиб қўймасдан, давом эттирилади, махлуқотлар зараридан чўчилмайди.

Шумланиш иймон-эътиқод заифлигидан келиб чиқади. Иймони мустаҳкам инсон оддий махлуқотлардан кўркмайди, уларнинг овозидан хавфсирамай-

¹ М а н б а: Муновий, “Файзул Қодир”.

ди, Аллоҳнинг изнисиз бирон нарса унга фойда ҳам, зиён ҳам келтиролмастгига аниқ ишонади. Мустаҳкам иймонли одам шунинг учун шумланмайди, Аллоҳга таваккул қилиб бошлаган эзгу ишларини сабот билан давом эттиради. Иймонсиз ёки иймони заифлар эса озгина синовлар олдида ҳам изтиробга тушади, қандайдир ёқимсиз овозни эшитса, бирон кўнгилсиз ҳодисанинг гувоҳи бўлса, дарров шумланишга ўтади, ўзича фол очади, “Энди ундай бўлади, ишим юришмайди, бир кўнгилсизлик бўлади”, деб Аллоҳга маъқул келмайдиган гапларни гапирди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам юқоридаги ҳадисда бизни бундай қилишдан қайтармоқдалар, шумланишни бас қилиб, яхши ишни охиригача давом эттириб қўйишга чақирмоқдалар.

* * *

Агар ҳасад кибрдан пайдо бўлса, у ҳолда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу сўзларини эсга олинади: “Қалбида заррача кибр бор (кимса) жаннатга кирмайди!” Яна бир ҳадисда шундай дейилган: “Мутақаббирлар қиёмат куни кичик қизил чумолиларга ўхшаган кишилар суратида ҳашр қилинадилар. Уларни ҳар бир жойда хорлик ўраб, жаҳаннамдаги “Булас” номли қамокқа ҳайдаб борилади. Уларнинг устида оловларнинг олови бўлади. Улар тийнатул ҳабол – дўзах аҳлининг йиринги билан суғориладилар” (*Бухорий¹ ва Термизий ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Шунинг учун инсон камтар бўлса, бундан ўзига фойда, Зеро, Аллоҳ таоло мутавозе банданинг ҳурматини зиёда қилади.

Агар мақсадга эришиш йўлида ҳасад туфайли таллашиб-тортишиш ва рақобат қилиш бўлса, қалбдан дунё муҳаббати чиқариб ташланади. Токи ўткинчи матоҳлар деб бировга душманлик қилмасин, умри-

¹ Бухорий бу ривоятни “Ал-адабул муфрад”да нақл қилган.

ни беҳуда нарсаларга сарфламасин. Дунё матоҳи жуда оз. Ундаги ҳар бир нарса фитна ва имтиҳондир. Аллоҳ таоло шундай деган: **“Билингки, албатта мол-дунёларингиз ва бола-чақангиз фақат (сизлар шукр қиласизларми ёки йўқми, имтиҳон қилиш учун берилган) бир фитна-алдовдир, холос. Ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридагина улуғ ажр-савоб бордир”** (“Анфол” сураси, 28-оят).

Ҳасаддан халос бўлишга ёрдам берадиган тадбирлардан яна бири ўлимни эслашдир.

قَالَ أَبُو الدَّرْدَاءِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: مَنْ أَكْثَرَ ذِكْرَ الْمَوْتِ
قَلَّ فَرْحُهُ وَقَلَّ حَسَدُهُ. رَوَاهُ أَبُو تَعَيْمٍ فِي حِلْيَةِ الْأَوْلِيَاءِ
وَأَبْنُ مُبَارَكٍ فِي الرَّهْدِ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу шундай деган: “Кимда-ким ўлимни кўп эсласа, хурсандчилиги камаяди, қалбидаги ҳасад олови сўнади” (Абу Нуайм “Ҳилятул авлиё”да, Ибн Муборак “Зухд”да ривоят қилган).

Ўлимни эслаш қалбни поклайди, хулқни сайқаллайди. Нотўғри йўлларга кириб кетишига кўп ҳолларда ўлимни унутиш сабаб бўлади. Ўлимни эсламаган, охиратни ўйламаган одам кўнгли тусаган ишни қилади. Банда бир кун келиб дунёдан кўз юмишини, қабрга кўйилишини, Мункар ва Накир исмли фаришталар томонидан савол-жавоб қилинишини ёдда тутса, қадамини ўйлаб босади, у ёқ-бу ёққа қараб иш қилади. Ўлимни эслаган одамнинг ўткинчи дунёга хоҳиши сўнади. Ўлимни эслаган, охиратни ўйлаган инсон гуноҳлардан тийилади, нафаси кириб-чиқиб турганида Парвардигорига тезроқ тавба қилишга шошилади, ўзини ислоҳ қилади. Инсон ўлимни эслаганда, лаззатлар завқи сўнади, ҳакалаб отиб турган нафс хоҳишлари сал бўлсаям жиловланади. Бир кунмас-бир кун дунёни тарк этишини билган киши оқибатли

бўлади, бир иш қилишдан олдин охирини ўйлайди, мулоҳаза юритади¹.

Ўлимни унутган кимса, “Бу дунёда абадий қоламан”, деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Ҳар бир тирик жон бошида ўлим қисмати бор. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди. Ақлли инсон ажал келмасдан олдин ўлимга тайёргарлик кўради, охират озуқасини шай қилиб, фоний дунёдан охиратга хотиржам рихлат қилади. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Лаззатларни парчаловчи (ўлим)ни кўп эсланглар”, деганлар (*Термизий ва Насоий ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ*).

Ўлим ҳақлигини унутмаган, қилган ҳар бир ишига қиёмат куни жавоб беришни ўйлаган инсон Аллоҳнинг буюрганини қилади, қайтарганидан қайтади. Ривоят қилинишича, Рабийъ ибн Хайсам ҳовлисига қабр қазиб қўйган эди. Унга ҳар куни бир неча бор кириб ётар, шу йўл билан ўлимни эслар, “Агар ўлимни эслаш мени бир лаҳза тарк этса, қалбим бузилади”, деб айтарди².

Халифа Умар ибн Абдулазиз Анбаса ибн Саъидга шундай насиҳат қилди: “Эй Анбаса! Ўлимни эсла. Зеро, агар ишинг юрмай, ҳаётингда танглик бўлса, ўлимни ёд этиш билан дилинг ёришади, ором оласан. Ҳаёт лаззатига масрур бўлиб, кенгликда турган бўлсанг, ўлимни эслаш билан ҳовурингдан тушасан³.

ҲАСАДЧИНИНГ ЁМОНЛИГИДАН САҚЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳасадчини ҳасаддан қайтариш иложи оғир эканини инобатга оладиган бўлсак, инсон унинг ҳасади-

¹ М а н б а: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

² М а н б а: Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, “Рухий тарбия”, 1-китоб.

³ М а н б а: Ибн Саъд, “Табақот”.

дан сақланиш ва ўзини ҳимоя этиш чораларини кўриши керак бўлади. Зеро, Аллоҳ таоло Ўзи ҳасаднинг ёмонлигидан паноҳ сўрашга буюрган. Аллоҳ таоло айтади:” **Ҳасад қилган ҳасадчининг ёмонлигидан (паноҳ сўрайман)” деб айт**”. Аллоҳ таолонинг китобидаги куйидаги ояти карима ҳам бу сўзга мувофиқ келади: **“Сен яхшилик бўлган нарса ила даф қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адоват бор кимса худди содиқ дўстдек бўлур”** (“*Фуссилат*” сураси, 34-оят). Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳ бу оятни ёмонлик қилувчининг ёмонлигини салом бериб даф қил, дея тафсир қилган. Бундан кўринадикки, ҳасадчини ёмонлиги ва адоватидан унга ёмонлик қилиш билан даф этиб бўлмайди. Фақат яхшилик қилинса, унинг ҳасад ва адоват ўти сўниши ва ёмон кўриб қолган кишига зиён қилмаслиги мумкин экан. Уламоларнинг айтишича, ҳасадчининг ёмонлиги ва адоватидан ўнта йўл билан сақланиш мумкин:

Биринчиси, унинг ёмонлигидан Аллоҳ паноҳ беришини сўраш, У Зотдан мадад истаб, фақат Ўзига илтижо қилиш. Аллоҳ банданинг ҳар бир сўзини эшитади, агар паноҳ сўраса, унга паноҳ беради, унинг дуосини ижобат этади. Қуръони Каримда Иброҳим алайҳиссалом тилидан: **“Албатта Парвардигорим (барча) дуоларни Эшитувчидир”** (*Иброҳим, 39*) дейилган.

Аллоҳ таоло айтади: **“Албатта Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига келган бирон хужжатдалилсиз талашиб-тортишадиган кимсалар, аниқки, уларнинг дилларида бир кибр (яъни, ўзини сиздан катта олиш) бордирки, улар ўшанга (яъни, орзу қилган катталиқка) етувчи эмаслар. Бас, Сиз Аллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта Унинг Ўзи Эшитувчи, Кўрувчидир”** (“*Ғофир*” сураси, 56-оят).

Инсон ўзига ўхшаган бандалар ёмонлигидан ҳам, шайтон васвасасидан ҳам Аллоҳдан паноҳ сўраши ва Парвардигорига илтижо этиши керак. Зеро, Ал-

лоҳ ҳамма нарсани кўриб-билиб туради, бандаларнинг дуоларини эшитади, уларга ижобат этади. Иймон тақозосига кўра, агар Аллоҳ таоло ирода этмаса, оёққа бир митти тикан ҳам санчилмайди, агар Аллоҳ таоло хоҳласа, ўзи ўйламаган томондан зарар етиб келади, деган фикрда бўлиши керак. Бироқ инсон ожиз ва заиф яратилган. Ҳар доим ана шу ақида асосида ҳаёт кечира олмайди.

Иккинчиси, Аллоҳга тақво қилиш, Аллоҳ буюрганларини қилиб, қайтарганларидан қайтиш. Қайси бир банда Аллоҳга тақво ва таваккул қилса, Аллоҳ уни Ўз ҳифзу ҳимоясига олади, уни ўз ҳолига ташлаб қўймайди, душманлари ёмонлигидан сақлайди. Аллоҳ таоло айтади:

“Агар сизларга бирон яхшилик етса, бу уларни хафа қилади. Агар сизларга бирон ёмонлик етса, улар бундан хурсанд бўладилар. Агар сабр-тоқат қилсангиз ва Аллоҳдан кўрқсангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар етказолмайди. Албатта Аллоҳ қилаётган ишларини ихота қилувчидир” (*“Оли Имрон” сураси, 120-оят*).

Яъни, анави кофир ва мунофиқлар сизларга қаттиқ адоватлари туфайли Парвардигорингиз тарафидан (худди Бадр кунида бўлгандек) бирон яхшиликка – нусратга, фойдага ёки фаровонликка эришсангиз, улар хафа бўлади. Агар мўминлар (Ухуд кунидаги каби) мусибатга учрасалар – мағлуб бўлишса, бошларига ёмонлик келса, қаҳатчиликка учрашса хурсанд бўлишади. Уларнинг кимлигини яхшилаб билиб олдингизми? Энди ўзингизга ва ишингизга пишиқ-пухта бўлинг. Диннинг буйруқларини сабр-тоқат билан бажариб борсангиз, ҳаётда учрайдиган қийинчиликларга сабр қилсангиз, тақво қилиб, Аллоҳ қайтарганларидан қайтсангиз, ҳар қандай душман қўллаган тадбир ва ҳийла-найранглари сизга зиён етказа олмайди: **“Агар сабр ва тақво қилсангиз, уларнинг макри сизга ҳеч зарар қилмайди”**.

Яъни, сизлар Аллоҳнинг амрига сабр қилсангиз, гуноҳлардан сақлансангиз, кофирларнинг ҳар қандай адовати ва ҳасади сизларга зарар келтирмайди. Аллоҳ таоло бу ўринда мўминларни сабр ва тақво сифати билан зийнатланишга чақирмоқда, кофирлар азияти ва макр-ҳийласидан нажот топиш учун Ўзи-га таваккул қилишга чорламоқда. Зеро, Аллоҳ ҳеч нарсани назардан четда қолдирмайди, ҳамма нарса У Зотнинг хоҳиш-иродасига боғлиқдир. Албатта қилмишларига яраша жазоларини беради: **“Албатта Аллоҳ қилаётган ишларини ихота қилувчидир”**.

Душманлар қалбида мусулмонларга нисбатан қанча кек-адоват ва ёмонликлар борлигини кўрдик. Лекин Ислом мусулмонларни уларга қарши бирон бир ёмонлик қилишга ундамайди. Фақат сирдош қилиб олмаслик ва шу туфайли зиён кўриб қолмасликка амр қилади. Аммо ёмонликларига ёмонлик, хиёнатига хиёнат ва ҳасадгўйликка ҳасадгўйлик билан жавоб беришни раво кўрмайди¹.

Аллоҳга тақво қилиш, У Зот белгилаб берган ҳудудлар риоясини қилиш нажот калити экани ҳадиси шарифда ҳам таъкидланган.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنْتُ خَلْفَ رَسُولِ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا فَقَالَ: يَا غُلَامُ إِنِّي أُعَلِّمُكَ
كَلِمَاتٍ: احْفَظْ اللَّهَ يَحْفَظْكَ ، احْفَظْ اللَّهَ تَحِذُهُ بُجَاهَكَ ،
إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ وَإِذَا اسْتَعَنْتَ فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ وَاعْلَمْ
أَنَّ الْأُمَّةَ لَوْ اجْتَمَعَتْ عَلَى أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَنْفَعُوكَ
إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ لَكَ وَلَوْ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَضُرُّوكَ
بِشَيْءٍ لَمْ يَضُرُّوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ رُفِعَتْ

¹ М а н б а: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Тафсири ҳилол”.

الأَقْلَامُ وَجَفَّتِ الصُّحُفُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ
وَالْبَيْهَقِيُّ وَالطَّبْرَانِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Ибн Аббос розияллоҳу анху ривоят қилади: “Бир куни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ортларидан кетаётган эдим, у зот: “Эй бола, мен сенга бир неча (фойдали) сўзларни ўргатаман: Аллоҳ(нинг худудлари)ни сақла, шунда У Зот сени сақлайди. Аллоҳ(нинг ҳақлари)ни сақла, шунда Уни қаршингда топасан. Агар сўрамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан сўра. Агар ёрдам истасанг, Аллоҳдан ёрдам сўра. Билгинки, агар уммат (бир жойга) тўпланиб, сенга манфаат етказмоқчи бўлсалар, фақат Аллоҳ сенга (тақдир қилиб) ёзиб қўйган даражада манфаат етказа оладилар. Агар улар йиғилиб, сенга зиён етказмоқчи бўлсалар, фақат Аллоҳ сенга ёзган даражада зарар етказа оладилар, холос. Қаламлар кўтарилди, саҳифалар қуриди”, дедилар” (*Термизий, Аҳмад, Ҳоким, Табароний ва Байҳақий ривоятлари*).

Аллоҳдан ўзга зот бирон нарсани бериш ва ман қилишга, зарарни даф этиш ёки фойда келтиришга қодир эмас. Паноҳ ва ёрдам сўрашда ҳам фақат У Зотнинг Ўзигагина юзланиш лозимки, Аллоҳдан ўзгаси мукамал суратда, ҳақиқий маънода паноҳ беролмайди. Бандалар берган “паноҳ” вақтинчалик, ўткинчи ва завол топувчидир. Ислом мўмин-муслмон кишига шундай таълим беради ва шу асосга биноан яшашса бу дунё ҳаётида зиён кўрмаслигини билдиради.

Аллоҳ Ўзидан сўраган бандасини яхши кўрса, аксинча, дуо қилмайдиган ва ҳожатларини сўрамайдиган бандасини ёмон кўради. Шу маънода Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Одамларга энг ёқимли инсон улардан беҳожат бўлиб, бирон нарсани сўрамайдиганидир. Одамларга

Энг ёқмайдиган инсон уларга мухтож бўлгандир. Аллоҳ учун энг суюмли инсон Аллоҳга мухтож бўлгани ва Ундан сўрагани, Аллоҳга энг ёқмайдиган инсон Ундан “беҳожат” бўлгани ва ҳеч нарса сўрамагандир”. Абдулқодир Жийлоний ўғлига насиҳат қила туриб шундай деган экан: “Эй фарзандим, Аллоҳ учун холис тақво қил, тоатни тарк этма. Бировдан кўркма ва бировдан умид қилма. Ҳожатинг раво бўлса, уни Аллоҳдан деб бил. Ҳожатингни фақат Ўзидан тила!” Биз шарҳини келтираётган мазкур ҳадисдаги яна бир жумлага эътибор қаратишни истардик: **“Эй бола, мен сенга бир неча (манфаатли) сўзларни ўргатаман: Аллоҳ(нинг ҳудудлари)ни сақла. Шунда У Зот сени сақлайди. Аллоҳ(нинг ҳақлари)ни сақла. Шунда Уни қаршингда топасан”.**

Яъни, Аллоҳ ман этган ишлардан сақлан, қайтарганларидан қайт, “Қилма!” деган ишни қилма, ҳаром амаллардан йироқ юр. Шунда Аллоҳ сени турли бало-офатлардан Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлайди. Одам бошига бирон кулфат ўзича тушмайди, балки ўзининг гуноҳлари туфайли юз беради. Ҳеч қандай сабабсиз бирон балога йўлиқмайди одам. Албатта, бу ишнинг ортида қандайдир бир важбахонаси бор. Кўп ҳолларда ҳаром-хариш ишларни қилиш бошга мусибатлар ёғилишига сабаб бўлади. Кўпчилик бу тарафини ўйламайди. Мусибатлар аримаётган, уйдан файз-барака кетган, кетма-кет балога йўлиқаётган киши бир ўзига разм солсин, қандай амаллар қилганига эътибор берсин. Агар билиб-билмай гуноҳга қўл урган бўлса, дарров тавба қилиб, чин дилдан истиғфор айтса, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиради, бошига тушган мусибатларни кетказди, кушойиш беради. Аллоҳ сақлаган бандасини сақлайди, Ўзига итоат этганларни ёмонликлардан асрайди.

“Аллоҳ(нинг ҳақлари)ни сақла. Шунда Уни қаршингда топасан”. Яъни, Аллоҳга итоат эт, Унга ибодат қил, амрига хилоф иш тутма, шунда қийин дамларда Аллоҳни қаршингда топасан ва У Зот сенга кўмак беради, машаққатлардан халос этади. Банда тоат-ибодати ва зикр-тасбеҳи билан Аллоҳнинг ҳимоясига киради, У Зотнинг назарини ўзига жалб этади. Диннинг устуни бўлган намозни тарк этишнинг ўзи кўп ҳолларда бирон фалокат ва бирон зиён-заҳмат етишига олиб келади. Чунки динимиз тақозосига кўра, намозни узрсиз тарк этиш жуда катта мусибат ва оғир гуноҳдир. Агар банда намоз ўқиса, рўза тутса, Аллоҳнинг айтганини қилса, бошига машаққат тушганида Парвардигори унга ёрдам беради. Ким фаровон кунларида ва ошиғи олчи бўлиб турганида Аллоҳга шукр айтса, Унга ибодат қилса, Аллоҳ бандага қийин дамларда мадад беради.

Ушбу ривоятдан олинадиган хулосалар:

1. Аллоҳнинг ҳудудларини сақлаган бандани Аллоҳ турли бало-офатлардан ҳимоя қилади.
2. Аллоҳга итоат этган ва У Зотга ибодат қилган инсонга қийин дамларга мадад берилади.
3. Агар биз Аллоҳнинг ҳудудларини сақласак, ўзимизни сақлаган бўламиз.
4. Илоҳий кўрғон ичига кирган банда ҳар қандай ёмонликлардан ҳимояланади.
5. Комил мўмин банда ҳожатлари раво бўлишини фақат Аллоҳдан сўрайди, фақат Аллоҳдан мадад истайди.
6. Аллоҳ бандалар тақдирини аввалда ёзиб қўйган, ҳамма нарса Аллоҳнинг изни-иродаси билан содир бўлади.
7. Агар бир гуруҳ бир кишига манфаат етказмоқчи бўлса, Аллоҳ тақдир қилганидан ортиқ фойдага қодир эмас.

8. Агар одамлар тўпланиб, бир инсонга зарар етказмоқчи бўлса, бу ҳолда ҳам Аллоҳ тақдир қилганидан ортиғига қодир эмас.

Учинчиси, душманлар томонидан етган азиятларга сабр қилиш, улар билан жанжаллашмаслик ва шикоят қилмаслик.

Зулм аслида золимнинг ўзига қарши қаратилган зарбадир. Зулм аслида золим томонидан ўзига отилган ўқдир. Зулм фақат эгасига зарар етказди. Агар зулмга учраган одам сабр қилса, Аллоҳ унга ёрдам беради. Бу ҳақда Каломи мажидда шундай дейилган: **“(Иш) шудир. Ким ўзига берилган азоб-уқабат баробарида ўч олса, сўнгра яна унга зулм-зўравонлик қилинса, албатта Аллоҳ у (мазлумга) ёрдам беради. Ҳақиқатан, Аллоҳ афв қилувчи, кечирувчидир”** (*“Ҳаж” сураси, 60-оят*).

Аллоҳ таоло бу ўринда зулмга учраган ва ҳақини олган одамларга нусратни ваъда қилмоқда. Энди зулм кўриб, ҳақини ололмаган, ситамга учраб, сабр қилган кишилар ҳақида нима дейиш мумкин? Аллоҳ таоло зулмнинг гуноҳини жазосиз қолдирмайди, мазлумларга ёрдам бериш баробарида золимлар ва зўравон кимсаларга бир уқубат туширади.

Тўртинчиси, Аллоҳга таваккул қилиш. Зеро, ким Аллоҳга таваккул қилса, У Зот унга етарли Ёрдамчидир. Одамлардан етадиган зулм-ситамларни қайтаришда таваккул энг кучли қуролдир. Банда бошига тушадиган мусибатларни даф этишга қодир бўлмаган вақтларда ҳам таваккул унинг энг ишончли қуроли бўлиб қолади. Зотан, таваккул қилган бандага Аллоҳнинг Ўзи етарли мададқордир. Аллоҳ қайси бир банданинг ҳимоячиси ва мададкори бўлса, душманлар учун унга азият етказишга йўл бўлсин. Аллоҳ таоло шундай деган:

“Ким Аллоҳга таваккул қилса, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир” (*“Талоқ” сураси, 3-оят*).

Баъзи салафлар шундай дейишган экан: “Аллоҳ таоло ҳар бир амал учун мукофот белгилаган. Бирок таваккулнинг мукофоти бандаси учун Ўзи кифоя эканини маълум қилган, “Ким Аллоҳга таваккул қилса, Унинг Ўзи унга етарлидир”, деган, балки унга шунча мукофот берамиз, демаган. Балки таваккул қилувчи бандасига Ўзи кифоя қилиши ва ҳимоячи бўлишини билдирган. Агар банда Аллоҳга ҳақиқий таваккул қила олса, Аллоҳ унга ҳар қандай мушкул вазиятдан чиқиб кетиш йўлини кўрсатади, унга нусрат беради, уни қўллаб-қувватлайди”.

Бешинчиси, ҳасад ҳақида ўйламаслик, қалбни у ҳақдаги ўй-хаёллардан фориғ қилиш. Агар бирон киши сизга ҳасад қилаётган бўлса, бунга эътибор берманг, фикр-хаёлингиз унга боғланиб қолмасин, ўз ишингиз билан машғул бўлинг, ҳасадчига парво қилманг. Шунда сиз ютасиз. Ҳасадчи бўлса ўзининг ич-этини еб, ўз ёғида қовурилиб, адойи тамом бўлади. Зеро, ҳасад оловга ўхшайди. Агар у бировни ёндирмаса, ўз эгасини ёқиб кул қилади. Бу ҳасаднинг шарридан йироқ бўлишда энг фойдали усуллардан саналади. Буни фақат олийжаноб ва ҳиммати баланд кишилар қила олади. Улар ҳасадчи ва ғаразғўйларга парво қилмаслик туфайли қалб хотиржамлиги ва иймон ҳаловатини топадилар. Чунки душманига қалби боғланиб қолган кишининг ҳаётидан ҳаловат кетади ва оромини йўқотади. Ҳақиқий мўмин инсон эса ҳар қандай ҳолатда Аллоҳга таваккул қилади, Ўзидан паноҳ истайди. Таваккул қилиб, ёрдам сўраганидан кейин кўнгли хотиржам тортади. Чунки Аллоҳнинг кафолати ва ваъдаси ҳақ эканига ишонади. Иймон-этиқодли бандасини Аллоҳнинг Ўзи қўллайди, уни душманлар макридан сақлайди.

Олтинчиси, Аллоҳга юзланиш ва У Зотга ихлос қилиш. Мўмин одамнинг Аллоҳга муҳаббати ҳар нарсадан устун туради. Банда Аллоҳ розилигини

истайди, Унга юкиниб, дуо-илтижолар қилади. Шунда кишининг ғам-андухлари, хавотири ва орзу-истаклари Аллоҳнинг муҳаббати соясида қолиб кетади. Яъни, Парвардигор севгиси қаршисида улар ҳеч нарса бўлмай қолади. Аллоҳни яхши кўрган, Унга ихлос-ла ибодат қилган инсон Парвардигорини доим зикр қилади. Унинг руҳи Аллоҳ муҳаббатидан зинҳор узоклашмайди. Аллоҳ ихлосли бандаларинигина ҳар қандай ғам-андухдан, шикаст-балодан ва шайтон васвасасидан сақлайди. Қуръони Каримда Аллоҳ таоло шундай деган:

“Албатта иймон келтирган ва Ёлғиз Парвардигорларига таваккул қиладиган зотлар устида (шайтон) учун ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ. (Шайтоннинг) ҳукмронлиги фақат (уни) дўст тутиб, (Аллоҳга) шерик қилиб оладиган кимсалар устидадир” (*“Наҳл” сураси, 99–100-оятлар*).

“Аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ. Магар сенга эргашган адашган кимсаларнигина (тўғри йўлдан оздира оласан)” (*“Ҳижр” сураси, 42-оят*).

Юсуф алайҳиссалом ҳақида шундай дейилган: **“Ундан ёмонлик ва бузуқликни четлатиш учун мана шундай қилдик (яъни, уни ҳифзу ҳимоямизда асрадик). Зеро, у покиза бандаларимиздандир”** (*“Юсуф” сураси, 24-оят*).

Кимда-ким Аллоҳнинг ҳимоясида бўлса, унга ҳеч нарса хавф туғдиролмайди, безовта ҳам қилолмайди.

Еттинчиси, Аллоҳ таолога гуноҳлардан тавба қилиш. Зеро, гуноҳлар сабаб душманлар банда устидан ғолиб бўлади. Аллоҳ таоло шундай деган:

“(Эй инсонлар,) сизларга не бир мусибат етса, ўз қўлларингиз қилган нарса – гуноҳ сабабли (етади). Яна кўп (гуноҳларнинг жазосини бермасдан) афв қилиб юборади” (*“Шўро” сураси, 30-оят*).

Аллоҳ шундай хитоб қилган:

“(Эй мўминлар,) агар сизларга (Ухудда душ-

ман томонидан) **бирон мусибат етса – холбуки, сизлар** (кофирларга Бадр жангида) **унга икки баравар мусибат етказган эдингиз – “Бу бало қандай келди?” дейсизларми?!** (Эй Муҳаммад,) уларга: **“Бу (мусибат – мағлубият) ўз қилмишларингиздан”, деб айтинг! Албатта Аллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир**” (*“Оли Имрон” сураси, 165-оят*).

Бир киши бандага азият етказишга журъат қилибдими, демак, бу гуноҳлари туфайли амалга ошаяпти, деган фикрда бўлиш керак. Чунки бундай киши ўзи билган ва билмайдиган жуда кўп гуноҳларни қилган бўлади. Эҳтимол, хотирасида эслаб қолганларидан кўра унутиб юборган маъсиятлари кўпроқдир. Шунинг учун банда ҳамма гуноҳларидан қайтиб, Аллоҳдан мағфират сўраса, Меҳрибон ва карами кенг Зот фазли-карами ила унинг гуноҳларини кечириб юборади. Ривоят қилинишича, салафлардан бирига нотаниш киши кўпол муомала қилибди, унга қаттиқроқ гап айтибди. Шунда салафлардан бири: “Шу ерда кутиб тур. Шундоқ уйга кириб чиқай!” дебди. У уйига кириб, Аллоҳга сажда қилибди, тавба-тазарру қилибди, илтижолар айлабди. Кейин ҳақорат қилган киши олдига чиққанда: “Уйга кириб нима қилдинг?” деб сўрабди. Шунда у: “У билан сени менга журъатли қилиб қўйилган гуноҳимдан Аллоҳга тавба қилдим”, деб жавоб берибди.

Саккизинчиси, имкони борича хайр-садақа ва инфоқ-эҳсонлар қилиш. Садақа бериш балоларни, кўз тегишини ва ҳасад ёмонлигини даф этишда жуда катта фойда беради. Зеро, сахий инсон ўзи қилган яхшиликлар паноҳида юради ва унга Аллоҳ тарафидан мустаҳкам ҳимоя ато этилади. Бир сўз билан айтганда, шукр ва садақа неъматни заволга кетишдан асровчи кўрғондир.

Тўққизинчиси, яхшилик қилиш билан ҳасад оловини ўчириш ва зулмни қайтариш. Бу нафсга энг оғир келувчи ва машаққат туғдирувчи усулдир.

Аллоҳ тавфиқ берганларгина унга эришиши мумкин. Агар азият, шикаст, ёмонлик, ҳасад зиёда бўлган сари унга қилинган яхшилик ва насиҳат ҳам зиёда бўлса, охири чиройли якун топади. Аллоҳ таоло Каломи мажидда шундай дейди:

“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмайди. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан даф қилинг! (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ дўст каби бўлиб қолади. Унга (яъни, ёмонликни яхшилик билан даф қилиш хислатига) фақат сабр-тоқатли зотларгина эришадилар, унга фақат улуғ насиба эгасигина эришади. Агар сизни шайтон томонидан бирон васваса йўлдан оздириб (мазкур хислат эгаси бўлишдан қайтармоқчи бўлса), у ҳолда Аллоҳдан паноҳ сўранг. Зеро, У Эшитувчи, Билувчи Зотдир” (*“Фуссилат” сураси, 34–36-оятлар*).

Бошқа бир ояти каримада шундай дейилган: **“Ана ўша зотларга (дину иймон йўлида) сабр-тоқат қилганлари сабабли ажр-мукофотлари қайта-қайта ато этилади. Улар яхшилик (яъни, сабр-тоқат) билан ёмонликни даф қиладилар, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладилар”** (*“Қасас” сураси, 28-оят*).

Тарихдан маълумки, мушриклар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қанча озор беришган, ҳатто шикаст етказиб, жароҳатлаган вақтларида ҳам мушфиқ Пайғамбаримиз алайҳиссалом қонни арта туриб: **“Ё Аллоҳ! Қавмимни мағфират эт. Чунки улар билишмайди!”** деганлар. Пайғамбар алайҳиссаломнинг инсон зотига меҳрибонликларини қаранг: қавмлари озор берса ҳам уларни кечирмоқдалар. Устига-устак, ҳақларига истиффор ҳам сўраяптилар, билмасликларини сабаб қилиб келтирмоқдалар, **“Қавмим”**, деб уларни ўзларига яқин оляптилар. Хуллас, душман ёмонлиги, ҳасад ва

адоватидан сақланишда уларга яхши муомала қилиш, хатоларини кечириш ва хайр-эҳсон қилишнинг аҳамияти жуда катта.

Ўнинчиси, тўғри эътиқодда бўлиш. Юқорида айтиб ўтилган барча сабаблар мана шу тўғри эътиқодда бўлишга боғлиқ. Тўғри эътиқод тавҳиддир. Ҳар бир нарса ва воқеа-ҳодиса Аллоҳнинг изни билан бўлишига ва бу ирода бўлмаса, бирон нарса бандага фойда ҳам, зарар ҳам етказолмаслигига қатъий ишонилса иймон комил ва қалб хотиржам бўлади. Душманлар макри, хийла-найранги ва ғанимлар озорларидан сақланишда мана шу эътиқоднинг аҳамияти кўп. Аллоҳ таоло айтади:

“Агар Аллоҳ Сизга бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кетказа олади. Агар Сизга бирон яхшилик (етказишни) ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олувчи йўқдир. У Ўзи хоҳлаган бандаларига яхшилик етказади. У Мағфиратли, Мехрибондир” (*“Юнус” сураси, 107-оят*).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхуга: Аллоҳ(нинг худудлари)ни сақласанг, У Зот сени сақлайди. Аллоҳ(нинг ҳақлари)ни сақласанг, Уни қаршингда топасан. Агар сўрамоқчи бўлсанг, Аллоҳдан сўра. Агар ёрдам истасанг, Аллоҳдан ёрдам сўра. Билгинки, агар уммат (бир жойга) тўпланиб, сенга фойда етказмоқчи бўлса, фақат Аллоҳ сенга (тақдир қилиб) ёзиб қўйганича етказа олади. Агар улар йиғилиб, сенга зиён етказмоқчи бўлса, фақат Аллоҳ сенга ёзганича зарар етказа олади”.

Агар банда Ёлғиз Аллоҳга ишониб, тавҳид арқонига мустаҳкам боғланса, қалбида Аллоҳдан ўзгасидан кўрқиш ҳиссини туймайди. Шунда у душманидан кўрқмайди. Чунки у фақат Аллоҳдан кўрқади, Парвардигоридан умид қилади, Унга суянади, Ундан мадад сўрайди. Аллоҳ Ўзидангина

кўрқадиган солиҳ ва тақводор бандаларини Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлайди.

Ҳақиқий мўмин банда фақат Аллоҳ зикри билан яшайди, Уни доим эслайди, Парвардигорини яхши кўради, Унга дуою илтижолар қилади, фикру хаёли Раббини рози қилиш ва Унга қурбат ҳосил қилиш билан банд. Мана шундай иймон ҳаловатини топган инсон одамлар таҳдиди ва маломатию озорларидан кўрқмайди. Чунки Аллоҳ Ўзига ихлос билан ибодат қиладиган, хушуъ ила дуо этадиган бандаларини мусибат-балолардан асрайди, уларга нажот беради. Мўминнинг эътиқоди ва ишончи ана шу асосга қурилган. Аллоҳ таоло мўминларни ҳимоя қилишини Қуръони Каримда айтиб қўйган. Бу улкан ваъда. Аммо мўмин-мусулмон киши шу ваъдага лойиқ инсон бўла олиши керак. Банданинг иймони қанча қувватли бўлса, Аллоҳнинг ҳимояси ҳам унга нисбатан комил ва кўпроқ бўлади. Зеро, ким Аллоҳга тўлиқ юзланса, Аллоҳ ҳам унга юзланади. Ким Аллоҳдан юз ўгирса, Аллоҳ ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўяди.

Хуллас, ҳасад ва унинг ёмонлигидан сақланиш учун қалб тавҳид риштаси билан мустаҳкам боғланган бўлиши керак. Чунки тавҳид Аллоҳнинг мустаҳкам қўрғонидир. Ким бу қўрғонга кирса, саломат бўлади. Аллоҳга шак-шубҳадан холи иймон келтириш ва Ундангина кўрқишда нажот бор. Айрим салафлар шундай дейишган экан: “Ким Аллоҳдан кўрқса, ҳамма нарса ундан кўрқади. Ким Аллоҳдан кўрқмаса, ҳар томондан унга хавф-хатар келаверади”.

Яна шуни таъкидаш лозимки, ҳасадчи ўзига-ўзи душман, душманига дўстдир. Чунки унинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва уринишлари фақат ўзига зарар етказди, душмани эса фойда кўради. Бу худди душманини ўлдириш учун тош отаётган одамга ўхшайди. Биринчи тошни отганда душманига тегмай ўзига қайтади ва кўзини кўр қилади. Унинг баттар

аччиғи чиқиб, иккинчи тошни отади. Иккинчи тош ҳам мўлжалга тегмай ўзига қайтади ва яна бир кўзини ҳам кўр қилади. У ғазаб отига миниб, учинчи тошни ҳам отади. Тош душманига тегиш ўрнига ўзига қайтиб, бошини ёради. Душмани эса соппа-соғ, унинг қилаётган жоҳилона ишини кузатиб туради. Демак, айтиб ўтилганлардан ҳам билиш мумкинки, ҳасадчи ҳасадидан сақланиш қийин эмас. Шунингдек, ҳасадчини зиён ва зарар етказишга қодир деб Аллоҳни эсдан чиқариб қўймаслик керак. Чунки ҳасадчи ҳам Аллоҳнинг хоҳиш-иродасидаги ишни қила олади ва ундан ошиғига қодир эмас. Энг муҳими, тавҳид риштасига боғланган қалб ва танага бирон нарса зарар етказа олмаслигига ишонч бўлиши ҳар қандай ҳасад ва балоларга қалқон бўла олади.

ҲАСАД ҚИЛИНАЁТГАН КИШИГА АЙТАР СЎЗИМИЗ

Эй дўстим, шуни яхши билгинки, сенда бирон фазилат ва ўзида нуқсон-камчилик борлиги учун ҳасадгўй сенга ҳасад қилмоқда. Шундай экан, ундан етаётган озор ва азиятларга сабр қил, дарҳол жаҳлинг чиқиб, уни итоб этма. Зеро, шундай қилсанг, ҳасадчининг ғам-андуҳи камайиш ўрнига янада зиёда бўлади. Шуни унутмагинки, ҳасад олови ёндиришга нарса топа олмаса, ҳасадчининг ўзини ёндириб кулга айлантиради.

Шуни бил, ҳасадчи Аллоҳ таолонинг қазойи қадарини заррача ўзгартиролмайдди. Агар сенга кўз ё суқ тегса, бу Аллоҳ таолонинг тақдири туфайли юз беради. Сен уни Аллоҳнинг тақдири ила даф эт, ҳасад ва кўз тегишини қайтариш учун шаръий чораларни ишга сол. Баъзида ўзингга ёки фарзандларингга кўз тегса, унинг қаердан келганини ва ким сенга ҳасад қилганини билолмай қолишинг мумкин. Сен ҳасадчини топмоқчи бўлиб, кўп ҳаракат

Аллоҳ тарафидан неъматга лойиқ кўрилган банда борки, унга ҳасад қилинади. Чунки унинг кўлидаги улуғ тухфа ҳаммага ҳам насиб этмаслиги мумкин, яна бундай неъматлар осонлик билан қўлга киритилмайди. Шу сабаб неъматга эришган одам кўлидаги Аллоҳнинг фазлини имкон қадар сир тутгани маъқул. Қайси маънода? Мақтанчоқлик қилмасин, қанча пул топиши, қайси соҳада қандай ютуқларга эришадиганини бировга, аниқроғи, бегоналарга айтиши шарт эмас. Чунки билиб бўлмайди, эшитувчилар ичида ҳасадгўйлар, “кўзли” одамлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун эришилган ютуқлар ва қўлга киритилган муваффақиятлар иложи борича махфий тутилгани, кўпчиликка ошкор этилмагани яхши, фақат яқин дўстлари ва қариндошлари даврасида тилга олинса, ўшанда ҳам манманлик ва мақтанчоқликдан сақланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

ҲАСАДЧИГА АЙТАР СЎЗИМИЗ

Эй Аллоҳ берган неъматларга ҳасад қилаётган кимса! Сен ҳасадинг билан Аллоҳ азза ва жалланинг ҳукмига қарши бораётирсан, барча махлуқотларни мукамал суратда яратган Зот яхши тақсимлай олмаган, нега мени бенасиб этди, деган гумондасан. Бу гумонингни тарк эт. Закариё алайҳиссаломдан ривоят қилинишича, Аллоҳ таоло: “Ҳасадчи Менинг неъматимга душмандир, тақдиримдан нолувчидир, у бандаларим орасида қилган тақсимимдан рози эмас”, деб айтади (Манба: *Ғаззолий*, “*Ихёу улумиддин*”).

Ҳасаднинг диндаги зарарлари:

1. Аллоҳнинг қазойи қадари ва белгилаб қўйган тақдиридан нолийди. Бу билан Иблисга шерик бўлади.

2. У мўмин бандаларга берилган неъматдан хафа бўлади, уни ёқтирмайди. Ваҳоланки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Биронтангиз ўзи яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунича (ҳақиқий) мўмин бўла олмайди”, деганлар.

Ҳасаднинг дунёдаги зарарлари:

1. Дилдаги торлик.
2. Доимий хавотир, безовталик.
3. Қайғу, ғам-ташвиш.
4. Юрак ўйноғи.
5. Ҳузур-ҳаловатнинг йўқолиши.

Буларнинг ҳаммаси киши саломатлигига зарар етказди. Ҳасадчи шуни билиб қўйсин, уни одамлар қоралайди, маломат қилади, ёмон кўради, фаришталар эса унинг ҳақиқа лаънат айтади. Бунинг қанақа катта мусибат эканини билмаган кишигина ҳасад ўтида ёнади, бошқаларга ёмонликни раво кўради. Яна бундай кимса ўз ўлими олдидан жуда қаттиқ қийналади, кўркув ҳолатида бўлади. Маҳшаргоҳда эса хор-зор ҳолида туради. Энг ёмони, Аллоҳ даргоҳидан узоқлаштирилади, унга ғазаб қилинади.

Яна шуни билсин, ҳасадчи ўз ёмонлиги билан бировнинг қўлидаги неъматни кетказолмайди. Аллоҳ кимга кенг ризқ, фаровон ҳаёт беришни хоҳласа, Унинг ҳукмига қарши чиқувчи йўқдир. Аллоҳ таоло айтади:

“Аллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, уни ушлаб-тўсиб қолувчи бўлмайди, нени ушлаб қолса, У Зот (ушлаб қолгани)дан сўнг у (нарсани бандаларга) бирон юборувчи бўлмайди. (Аллоҳ) қудрат ва ҳикмат Эгасидир” (*“Фотир” сураси, 2-оят*).

Бу оят Аллоҳнинг қудрати ва бандаларига берадиган фазли қандай бўлиши ҳақида хабар бер-

моқда. Яъни, яхшилик калитлари ҳам, қулфлари ҳам Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг измидадир. Агар У Зот бирон бандасига бир яхшиликни ато этса, фазлу марҳамат кўрсатса (ёмғир ёғдириш, ризқни кенгайтириш, сиҳат-саломатлик бериш ва ҳоказо), уни қайтарувчи ёки ушлаб қолувчи йўқ. Агар қайсидир бандасидан яхшилик ва хайр-баракадан маҳрум этса, уни кенгайтирувчи, очиб юборувчи бирон киши йўқдир. Аллоҳ Ўз ишида Ғолибдир, Ҳаким Зотдир. У Зот тасарруф этган ҳар бир иш бандалар учун фойда келтиради. Яна бир ўринда Аллоҳ таоло айтади:

“Уларнинг дунё ҳаётидаги тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаймиз, баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун (бировларини бой ёки кучлик-қувватли қилиб, бошқаларни эса камбағал ёки заиф-кучсиз қилиб) айримларини айримларидан баланд мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати – пайғамбарлик улар тўплайдиган нарсаларидан яхшироқдир” (*“Зухруф” сураси, 32-оят*).

Шунингдек, ҳасадчи тепага эмас, ўзидан пастга қарасин. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ўзингиздан пастда-гиларга қаранглар, юқоридагиларга қараманглар! Зеро, бу Аллоҳнинг сизларга (берган) неъматларини паст санамаслик учун муносиброқдир” (*Муслим, Термизий ва Аҳмад ривояти*).

Тақводор ва кўнгли пок оқил инсон дунёдаги барча неъматларни Аллоҳ беришига ҳамда ўткинчи бу ҳаётда ҳар кимнинг ўз насибаси борлигига иймон келтиради. Банда учун энг қадрли неъмат Ислом неъматидир. Ундан кейин сиҳат-саломатлик ва хотиржамлик неъматидир. Бундан бошқаси ўткинчи ва тез тугайдиган матоҳлардир. Кунлар

Ўтиб, барибир кўлдан кетади, завола топади. Эгаси уларни ташлаб кетади, ўзи билан олиб кетолмайди. Сен шуни унутма, неъмат эгаси қўлидаги неъматдан айрилишдан кўрқади. Шуларни тафаккур қилсанг, қалбингдаги ҳасад олови ўз-ўзидан сўнади ва сени ортиқча безовта қилмайди. Шундай экан, ҳасадчи қалбини ислоҳ қилишга ва ҳасад иллатидан қутулишга ҳаракат қилиши керак.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

КЎЗ ТЕГИШИ БОРМИ?

Кўз тегиши деганда, ҳасад билан қаралганда юзага келадиган зарар тушунилади. Душман ёки ҳасадгўй одам бирон кишига ёки нарсага суқланиб қараса, унга зиён етиш эҳтимоли бор. Ислом эътиқодига кўра, кўз тегиши рост ва ҳақиқат. Шу туфайли, ҳатто ўлим юз бериши ҳам мумкин. Маълумки, кўз тегиши ҳасад ва ичиқораликдан келиб чиқади. Сеҳр ва иссиқ-совуқ кабилар зарар етказиши тажрибада ўз исботини топган. Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ “Тафсиру Ибни Касир” асарида: “Кўз тегиши ва унинг таъсири Аллоҳ азза ва жалланинг амрига кўра ҳақ деб қаралади”, деган. Кўз тегиши Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифлар билан собит бўлгани учун уни инкор этиб бўлмайди.

Аллоҳ таоло пайғамбар Яъқуб алайҳиссалом ҳақида шундай деган: “(Сўнг) айтди: “Эй ўғилларим, бир дарвозадан кирманглар, балки бошқа-бошқа дарвозалардан киринглар. Мен сизлардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтара олмайман. Ҳукм Ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. Мен фақат У Зотнинг Ўзига таваккул қилганман. Барча таваккул қилгувчилар Унинг Ўзига таваккул қилсинлар!” (“Юсуф” сураси, 67-оят).

Яъни, Яъқуб ўз ўғилларини сафарга кузатиш чоғида уларга қарата: “Эй ўғилларим, Миср юртига етиб боргач, барчаларингиз ўн бир киши бўлиб, бир эшикдан кирманглар, балки турли эшиклардан киринглар ёки уч-тўрт киши бир эшикдан киринглар!” деди. Айтилишича, ўша вақтда Миср диёрига олиб кирувчи эшиклар тўртта бўлган. Муфассирлар ўз китобларида Яъқуб алайҳиссалом ўғилларига нима учун бундай насиҳат қилгани борасида турли фикрларни билдиришган. Алусийнинг бу

тўғрида айтган фикри ҳақиқатга яқинроғидир: “Яъқуб алайҳиссалом ўғилларини бир эшик орқали киришларидан қайтариши кўз тегиб қолиши, одамлар ҳасад қилиб, уларга бирон азият етказиб қўйишларидан хавфсирашидан келиб чиққан. Чунки улар чиройли, кўркам ва хушсурат йигитлар бўлишган”. Қатода розияллоҳу анҳу шундай деган: “Улар (яъни, Яъқуб алайҳиссалом ўғиллари) хушсурат ва чиройли бўлишган. Отаси ҳар доим кўз тегишидан кўрқиб юрган” (*Ибн Жарир, Ибн Мунзир, Ибн Абу Ҳотим, Абдураззоқ ва Абу Шайх ривояти*).

Алусий яна ўз фикрини далиллаб шундай дейди: “Кўз тегиши ҳақдир. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Агар бирон нарса қадар (тақдир)дан устун бўлганида, албатта кўз тегиши устун келарди”, келтирилган саҳиҳ ҳадис билан исботини топади. Бошқа бир ривоятда: “Албатта кўз тегиши кишини қабрга киритса, туяни қозонга туширади”, дейилган. (Манба: *“Тафсирул Алусий”, 13-жилд, 115-бет*).

Яъни, ҳасад, кўролмаслик ва бошқалар ютуғига ола қараш ҳалокатга сабаб бўлади. Айтиладики: “Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғилларига бир эшикдан кирманглар, деган амри агар ундан кирсалар, Миср шаҳри кўриқчилари эътиборини ўзларига жалб этишдан кўрқиб туфайли келиб чиққан. Чунки шаҳар кўриқчилари уларни жосус ёки бошқа нарсада гумон қилиб зиндонбанд этишлари ва Юсуф алайҳиссаломнинг олдига етиб боришларига тўсқинлик қилишлари мумкин эди”. **“Мен сизлардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтара олмайман”**. Ҳатто турли эшиклардан кириш ҳам Аллоҳ таолонинг ёзиб қўйган тақдирига тўсқинлик қила олмаслигини билдиради. Яъни, айтаётган сўзим ва насихатим билан Аллоҳ сизларга ёзиб қўйган нарсани қайтара олмайман. **“Ҳукм Ёлғиз Аллоҳнинг измидадир. Мен фақат У Зотнинг Ўзига таваккул қилганман”**. Махлуқот-

лари устидан ҳукм чиқаришда ҳеч ким Унга шерик эмас ва Унинг ҳукмини бирон киши қайтара олмас. Шунинг учун мен барча ишларимни У Зотнинг Ўзига топширдим. **“Барча таваккул қилгувчилар Унинг Ўзига таваккул қилсинлар!”**

Яъни, ҳақиқий таваккул қилувчилар сабабларини унутмаган ҳолида¹ Аллоҳ таолога таваккул қилсинлар. Зеро, барча ишларда бандадан таваккул ва сабабларини амалга ошириш талаб этилади. Ақлли киши ҳар бир ишнинг сабабларини амалга оширган ҳолда, ҳар доим ҳақиқий ҳукм чиқариш Аллоҳдан бошқага хосланмаслигини яхши билади. Ишларнинг сабаби эса ҳаракатлардан иборат. Қанча ҳаракат қилмасин, Аллоҳ хоҳлаган иш рўёбга чиқади, аксинча. хоҳламаса зинҳор-базинҳор амалга ошмай қолаверади. Чунки Аллоҳ хоҳлаган ишини қилувчи Адолатли ва Ҳикматли Зотдир.

Яъқуб алайҳиссалом бу ерда ўғилларига зоҳирий сабабларни амалга ошириб, сўнгра Аллоҳ таолонинг Ўзига боғланиб, таваккул қилишларини таълим бермоқда. Ўғиллар ҳам ота насиҳатига қулоқ осдилар. **“Оталари буюрган тарафдан киришлари улардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтаргувчи эмасдир. (Бу) фақат Яъқубнинг дилидаги бир эҳтиёж эдики, у ўзининг (шу эҳтиёжини) қондирган эди, холос”.**

Бу ердаги “эҳтиёж”дан мурод – Яъқуб алайҳиссаломнинг одамлар ҳасад қилишидан кўрқиб, ўғилларига Миср шаҳрининг турли эшикларидан кириш ҳақида қилган насиҳати эди. “Қондирди” дегани “уни ошкор қилди, ичида сақлаб тура олмади, уларга айтди” каби маъноларни англатади. Яъни, оталари амр қилган ҳолда оға-иниларнинг шаҳарга кириши Аллоҳ таолонинг азалда ёзиб қўйган тақдирини қайтаролмас эди. Яъқуб эса кўнглида бир хавотир кечгани

¹ Бу ерда Аллоҳга таваккул қилган киши ўзи ҳам ҳаракат қилиб, ишларни амалга ошириш сабабларини қилиши, унинг ривожини Аллоҳга ҳавола этиши лозимлиги назарда тутилмоқда.

сабаб ўғилларига шундай насиҳат қилди. Қаттиқ оталик меҳр-муҳаббати туфайли ўзи билган нарсаларни улардан яшириб тура олмади.

“Зотан, у Биз берган таълимимиз сабабли чуқур билим эгасидир. Лекин одамларнинг кўплари (буни) билмайдилар”.

Бу Яъқуб алайҳиссалом илм соҳиби ва ишларни чиройли тадбир қила олиш маҳорати туфайли Аллоҳ тарафидан унинг шаънига айтилаётган мақтовдир. Яъни, Биз ваҳий йўли орқали Яъқуб алайҳиссаломга кўплаб манфаатли илмларни бердик, у Аллоҳ хоҳлагандан бошқа нарсаларни зинҳор унутмас. Лекин одамларнинг аксарияти пайғамбарларимизга илм-маърифат ҳамда чиройли сабр эта олиш хислатини берганимизни билмайдилар¹.

Аллоҳ таоло айтади: **“(Эй Муҳаммад,) албатта кофир бўлган кимсалар Эслатма – Қуръонни эшитган вақтларида Сизни кўзлари билан йиқитаёзадилар² ва (Муҳаммад) шак-шубҳасиз, мажнундир, дейдилар”** (*“Қалам” сураси, 51-оят*).

Яъни, анави мушриклар Сизга (адоват ва нафратлари қаттиқлигидан) ёмон кўз билан қарайдилар. Ҳатто Қуръон тиловат қилганингизда ҳасад ва адоват сабабидан кўзлари ила йиқитмоқчи (ёки ҳалок қилмоқчи) бўладилар, ҳасад қиладилар. Қуръон эшитганларида, жоҳиллик ва бузғу адоват ила: **“Албатта Муҳаммад мажнундир, унинг ақли жойидамас”**, дейдилар. Ваҳоланки, Биз Сизга нозил қилган Қуръон оламлар учун эслатма ва шарафдир.

Кўз билан йиқитишнинг икки хил маъноси мавжуд: биринчиси, Пайғамбаримиз Қуръон ўқиганларида, адоват ва душманлик назари билан у зот-

¹ М а н б а: Муҳаммад Саййид Тантовий, “Пайғамбарлар тарихи”, 1–2-китоб.

² Оятда “йиқитаёзадилар” (арабий матнда “якааду” шаклида келган) сўзининг музореъ келаси замонда келтирилганидан, бу иш келажакда ҳам давом этишини билиб олиш мумкин (М а н б а: Муҳаммад Саййид Тантовий, “Ал-васит”).

ни ҳақ йўлдан тойдириш, адаштириш. Кофирлар ва мушриклар у зотга маънавий зарар етказиш пайида бўлишган, Куръон ўқилишини жуда ёмон кўришган, Каломуллоҳ тиловат қилинишига хушлари йўқ эди. Шунинг учун қироат қилинганда адоват назари ила Расулуллоҳга тикилиб туришган. Иккинчиси, кўз тегизишдан мурод Пайғамбар алайҳиссаломга жисмоний зарар етказиш, у кишини йиқитиш ва ҳалок этишдир. Бу оятнинг нозил бўлиши ҳақидаги ривоятларда нақл этилишича, мушриклар Қурайш қабиласида кўзи билан йиқитадиган кишини олиб келиб, Пайғамбар алайҳиссаломга ёмон кўз билан қаратиб зарар етказмоқчи бўлишган экан. Бани Асад қабиласида ҳам шундай кўзли кишилар бўлган экан. Мабодо биронтаси семиз туяни кўрганда ёмон кўз билан қараб “Ҳой қиз, идишни олиб бориб, манавининг гўштидан олиб кел!” деса, туя тезда касал бўлиб йиқилар экан ва эгаси уни сўйишга мажбур бўлар экан. Пайғамбар алайҳиссалом ўз ҳадисларида “Кўз тегиши ҳақдир. У туяни қозонга, одамни қабрга киритади”, деганлар¹.

Юқоридаги оят кўз тегиши ва Аллоҳ азза ва жалланнинг изни-иродаси ила таъсир этиши ҳақ эканига далилдир. Шунингдек, бу ҳақда турли ривоят йўллари орқали ворид бўлган ҳадислар ҳам кўп.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْعَيْنُ حَقٌّ وَتَهَى عَنِ الْوَشْمِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кўз (тегиши) ҳақдир”, деганлар ва вашмдан қайтарганлар (Бухорий ва Муслим ривояти).

¹ М а н б а: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, “Тафсири хилол”, 29-пора.

Кўз тегишининг таъсирини инкор этиб бўлмайди. Кўз тегиши Аллоҳнинг изни-иродаси ила амалга ошиб, касал қилиши, ҳатто ҳалок этиши ҳам мумкин. Бу нарса нақл жиҳатидан ҳам собит бўлиб, воқеликда ўз тасдиғини топган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: اسْتَعِيدُوا بِاللَّهِ فَإِنَّ الْعَيْنَ حَقٌّ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ.

Ошиа розияллоҳу анҳо ривоят қилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳдан паноҳ сўранглар! Зеро, кўз (тегиши) ҳақдир”, деб айтганлар (Ибн Можса ва Ҳоқим ривояти¹).

Ҳасад, адоват ёки бошқа шунга ўхшаган таъсир туфайли кўз тегиши ва неъмат завол топиши ҳақдир, собитдир. Шунинг учун бу каби ёмонликлардан сақлашини сўраб Аллоҳга дуо қилиш керак ва ўзига паноҳ тилаш керак. Зеро, Аллоҳдан ўзга ҳеч бир зот кўз тегиши ва шикаст-балолардан сақлай олмайди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу борада ҳам бизга намуна бўлганлар. У Зот Қуръони Карим оятларини ва турли дуоларни ўқиган ҳолда ўзларига дам солардилар, кўз тегиши ва ҳасаддан паноҳ сўраб Аллоҳга илтижо қилардилар. Айни шу маънода ўқиладиган энг фазилатли суралар, шубҳасиз, “Фалақ” ва “Нос” сураларидир.

عَنْ عُبَيْدِ بْنِ رِفَاعَةَ الزُّرَقِيِّ قَالَ: قَالَتْ أَسْمَاءُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ بَنِي جَعْفَرٍ تُصِيبُهُمُ الْعَيْنُ فَأَسْتَرْقِي لَهُمْ قَالَ: تَعَمَّ فَلَوْ

¹ Ривоят санадида Абу Воқид – Солих ибн Муҳаммад ибн Зоида Лайсий бор. У заиф ровий.

كَانَ شَيْءٌ سَابِقَ الْقَدَرِ سَبَقَتْهُ الْعَيْنُ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ
وَالْبَيْهَقِيُّ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Убайд ибн Рифоа Зурақийдан ривоят қилинишича, Асмоъ: “Эй Расулulloҳ! Бани Жаъфарга кўз тегади. Уларга дам солсам бўладими?” деб сўради. Шунда у зот: “Ҳа, (бўлади). Агар бирон нарса қадардан ўтиб кетганида, кўз (тегиши) ўтарди”, дедилар (Ибн Можса, Аҳмад ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Бир куни Асмо бинти Умайс розияллоҳу анҳо шундай деди:

– Эй Расулulloҳ! Бани Жаъфарга кўп кўз тегади. Уларга дам солишимиз жоизми?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволга:

– Ҳа, бўлади. Зеро, бирон нарса қазойи қадардан ўтиб кетолганида, кўз (тегиши) ўтиб кетарди, – деб жавоб бердилар.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан илон чақишига қарши муолажа сўраб келганларида Оли Ҳазмга дам солишга рухсат бердилар. Кейин Асмо бинти Умайсга:

– Нима учун биродарим ўғиллари танасини озғин ҳолда кўряпман. Уларга нима бўлди? – дедилар.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, лекин уларга кўз жуда тез тегади, – деди Асмо.

Расулulloҳ алайҳиссалом:

– Уларга дам сол! – дедилар.

Асмо: “Мен у зотга (дам солишда ўқиладиган оят ва дуоларни) кўрсатдим.

У зот:

– Дам солавер, – дедилар (Муслим ривояти).

Бу ривоятда кўз теккан одамнинг танаси озиб-

тўзиб кетиши ва уни кетказишга қарши шаръий дам солиш жоиз эканини билиб оламиз. Кўз тегиши ва унинг зарари собитдир. Албатта у Аллоҳнинг тақдирини четлаб юз бермайди ва ундан бирон нарсани қайтара олмайди. “Агар бирон нарса қадардан ўтиб кетганида, кўз (тегиши) ўтарди” дейилиши кўз тегишининг собит эканини муболаға ила таъкидлаш маъносида айтилган. Бу жумла кўз тегиши тақдирдан бирон нарсани қайтара олишини билдирмайди. Зеро, Аллоҳнинг амрини ва белгилаб кўйган нарсаларини қайтарувчи йўқ! Бунга Қуртубий шундай мисол келтиради: “Фараз қилайлик, бирон нарсада тақдирдан ўзиб кетиш қуввати бўлганида, кўз тегиши ўтиб кетарди. Бироқ у ўтиб кетолмайди. Бошқа нарсалар қандай ўта олсин?” (Ибн Ҳажар Асқалоний, “Фатҳул борий”).

عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الْعَيْنُ تُدْخِلُ الرَّجُلَ الْقَبْرَ وَالْجَمَلُ الْقِدْرَ. رَوَاهُ أَبُو نَعِيمٍ وَالْقُضَاعِيُّ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Кўз (тегиши) кишини қабрга киргизади, туяни қозонга туширади” (Абу Нуайм ва Кузоий ривояти. Ҳадис санади ҳасан).

Бу ривоятдан кўз тегиши киши вафотига сабаб бўлиши мумкинлигини билиб оламиз. Ҳақиқатан, кўп нохушлик ва кўнгилсиз ҳолатлар айнан кўз тегиши натижасида содир бўлади. Бир киши фавқулодда бир ютуққа эришса, атрофдагилар унга ёмон кўз билан қарайди, ҳасад қилади. Оқибатда ҳалиги кишига кўз тегади. Ҳатто вафот этиб, қабрга дафн этилади. Биз тўсатдан юз берадиган ўлим ҳолатларини бирон касалликка йўямиз. Бироқ кўп

холларда туппа-тузук юрган одамнинг бирдан ҳолати ўзгариб қолишига кўз, суқ ва нафас кабилар сабаб бўлишини хаёлимизга келтирмаймиз.

Ҳадиси шарифда кўз тегиши туяни ҳам йиқитади, деб келтирилмоқда. Ҳатто гўшт бўлиб, қозонга тушиш хавфи ҳам йўқ эмас. Арабларнинг Бани Асад кабиласида шундай “кўзли” кишилар бўлгани ривоят қилинади. Шундай киши олдидан семизроқ сигирми, туями ўтиб қолса, унга суқланиб қараб, кейин жориясига: “Эй қиз, мана бу пулни олгин-да, мана шунинг гўштидан озроқ олиб кел!” деса, туя ёки сигир ҳеч қанча ўтмай ерга қулар, эгаси уни сўйиб, қозонга солиб пиширишга мажбур бўлар экан.

وَعَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَكْثَرُ مَنْ يَمُوتُ مِنْ أُمَّتِي بَعْدَ
كِتَابِ اللَّهِ وَقَضَائِهِ وَقَدَرِهِ بِالْأَنْفُسِ. رَوَاهُ الْبَزَّازُ وَالْحَكِيمُ
وَسَنَدُهُ حَسَنٌ.

Яна Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳнинг ёзгани ва қазойи қадаридан сўнг умматимдан энг кўп ўлим нафаслар (кўз тегиши) сабабидан бўлади”, деганлар” (Баззор ва Ҳаким ривояти. Ривоят санади ҳасан).

Уммати муҳаммадия барча умматлардан афзал қилинган. Шу сабаб бўлса керак, бошқалар мусулмонларга кўп ҳасад қилади. Мусулмонлар кўз тегиши балосидан кўп мусибатларга учраши мана шу ривоятда маълум қилинмоқда. Бу кўз тегишининг ҳақлиги ва ундан сақланиш чораларини кўриш ҳар бир мўмин-мусулмон банда учун лозимлигини билдиради. Мўмин банда ҳамма нарса Аллоҳнинг тақдири ва хоҳиши билан содир бўлишига сўзсиз

иймон келтиради. Кўз тегиши ҳам шундай. Унинг ўзи аслида бандага зарар келтирмайди, фақат Аллоҳнинг изни бўлган тақдирда зиён-заҳмат етказиши мумкин. Бандани кўздан асровчи ҳам Аллоҳдир.

Имом Нававий шундай деган: “Барча иш Аллоҳ таолонинг тақдири билан юз беради. Кўз тегиши ва бошқа сабаблар туфайли бандага етадиган фойда ва зарар ҳам фақат Аллоҳнинг тақдири билан бўлади. Кўз тегиши ҳақ ва унинг зиёни катта экани ҳам ростдир”.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْعَيْنُ حَقٌّ تَسْتَنْزِلُ الْحَالِقَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ وَسَنَدُهُ حَسَنٌ لِعَيْرِهِ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Кўз (тегиши) ҳақиқатдир. У тоғнинг баланд чўкқисидан туширади” (Аҳмад ва Ҳоким ривояти. Ҳадис санади ҳасан лигойрих).

Шу маънода яна қуйидаги ривоят нақл қилинган.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ الْعَيْنَ لَتَوَلِّعُ بِالرَّجُلِ بِإِذْنِ اللَّهِ حَتَّى يَصْعَدَ حَالِقًا ثُمَّ يَتَرَدَّى مِنْهُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالطَّبْرَانِيُّ وَأَبُو يَعْلَى وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Зар розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Албатта кўз (тегиши) Аллоҳнинг изни билан бир кишига боғдан тушади (арийди)” (Аҳмад, Табароний ва Абу Яъло ривояти. Ҳадис санади саҳиҳ).

Ҳадиси шарифда айтилишича, бир киши юқори мартабага эришади, худди тоғ чўққисига кўтарилгандек, баланд марраларни забт этади. Кейин кўз тегиши туфайли юқоридан пастга қулайди. Бу унинг атрофидаги “кўзи” ва нигоҳи қаттиқ одамлар туфайли юз беради. Мазкур ривоятда эркак кишига кўз тегиши айтилмоқда. Шу билан бирга аёл ва болаларга ҳам кўз тегиши бор. Ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам йиғлаётган бола овозини эшитиб, “Болангизга нима бўлди, унга кўз тегишига қарши дам солсангиз бўлмайдимиз?” деганлар (*Имом Аҳмад ривояти*). Бундан кўринадики, кўз тегиши бирнинг олға кетишига тўғанок бўлиши ва зарар кўришга хизмат қилиши ҳақ экан. Бунга қарши инс ва жинларнинг кўзидан паноҳ сўраш талаб этилади. Аллоҳнинг ва Унинг Расули айтганларини қилган банда ўз-ўзидан илоҳий паноҳга сазовор бўлади ва бу иллатдан сақланади. Тоат-ибодат ва беш маҳал намоздан кейин Оятул курсийни тиловат қилиш бандани Аллоҳнинг изни билан жин тегиши, сеҳр ва назар-нафас каби турли ёмонликлардан сақлайди. Валлоҳу аълам.

ҲАСАД БИЛАН КЎЗ ТЕГИШИНING ФАРҚИ

Ҳасад билан кўз тегиши орасидаги асосий фарқлар қуйидагилардан иборат:

1. Ҳасадчи кўзи бор одамдан умумийроқдир. Чунончи, кўзи бор одам хос ҳасадчидир. Ҳар қандай кўзи бор кимса ҳасадчидир, лекин ҳар қандай ҳасадчининг “кўзи” бўлмайди. Шу сабаб “Фалақ” сура-сида ҳасадчининг ёмонлигидан паноҳ сўрашга буюрилган. Агар мусулмон банда ҳасадгўйнинг шарридан паноҳ истаса, унинг сирасига кўзли одам ҳам киради. Бу Қуръоннинг мўъжизаси ва балоғатидир.

2. Ҳасад нафрат, кўролмаслик ва неъматнинг заволини хоҳлаш туфайли келиб чиқади. Бирок

кўз тегишига бирон нарсани кўриб ажабланиш, макташ ва улуғлаш сабаб бўлиши мумкин.

3. Ҳасад ва кўз тегиши натижа жиҳатидан муштаракдир. Яъни, иккиси ҳам маин (кўз тегилган) ва маҳсудга (ҳасад қилинган одамга) зарар етказди. Лекин вужудга келиш жиҳатидан бири-биридан фарқ қилади. Ҳасаднинг манбаи қалбнинг ёниши, ҳасад қилинган кишига неъматнинг кўп берилиши ва унинг заволга учрашини хоҳлашдир. Бироқ кўз тегиши неъматга қараш ва унга хирс кўйиш туфайли пайдо бўлади. Шунинг учун ҳасад қилмайдиган нарсалардан ҳам кўз тегиши содир бўлиши кузатилган. Ҳатто одамнинг ўзининг кўзи ўзига тегиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

4. Ҳасадчи ўзига ва молига ҳасад қилмайди. Бироқ одамнинг кўзи ўзига ҳам тегиши мумкин.

5. Ҳасад фақат пасткаш, кўнгли кир одамдан содир бўлади. Аммо кўз тегиши солиҳ киши тарафидан ҳам содир бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Бунда у бирон неъматни кўриб, хайрон қолиб ажабланади, ўзи билмаган ва неъмат заволини хоҳламаган тарзда биродарига кўзи тегди. Бунга Омир ибн Рабийъанинг биродари Саҳл ибн Ҳунайфга (рози-яллоҳу анҳумо) кўзи текканини мисол қилиб келтириш мумкин. Омир Исломга аввал кирган Бадр аҳлидан эди. Шундай бўлишига қарамай унинг кўзи биродарига тегди. Бу воқеа ҳақида кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

ҲАСАД ВА КЎЗ ТЕГИШИГА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Баъзилар ҳасад ва кўз тегишини инкор этиб, ҳақиқат эмас, хаёлдир, дейишади. Бу ҳақиқий илмдан, руҳ ва нафс ҳолатидан хабари йўқ кишининг сўзидир. Ҳар бир миллат ва халқ вакиллари ҳасад ва кўз тегишининг инсонга таъсири борлигини тан олишган. Аммо кўз тегиш сабаблари ва ҳолатлари

хақида ихтилофга боришса-да, зарар етказишини рад этишмаган. Мусулмон одам учун Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда келган далиллар кифоя қилади. Зеро, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳасад ва кўз тегиши ҳақлигини ҳамда зарари борлигини тасдиқлагани боис, биз ҳам унга сўзсиз ишонамиз. Ҳасад ва кўз тегиши ҳақида турли фикрларни келтирган уламолар сўзига кўра, ҳасад, қизғанчиқлик ва кўролмаслик бир нарсанинг уч қутби саналади. Унинг офати кўп. У ўзидан заҳар чиқариб, саломатликка зарар етказади. Қайси бир одамда нафрат, кўролмаслик илллати бор экан, демак, у ҳасадгўйдир.

Америка Қўшма Штатларида ўтказилган илмий тажрибаларда аниқланишича, инсон кўзидан чиқадиган жуда майда нурлар хужайраларга ўтиб, инсонга, ўсимлик ёки ҳайвонларга муайян маънода таъсир қилади. Ҳаётда қошиқ ёки санчқига қараса, уни икки букиб кўядиган одамлар бор. Агар очилиб турган гулларга назар солса, қаттиқ ҳасад ва кўзи ўткирлиги боис, гуллар сўлийди ёки тўкилиб тушади (Аллоҳ бундай кимсалар шарридан паноҳида асрасин). Маълумки, номаҳрамларга ёмон назар билан қараш Иблис ўқларидан биридир. Бу фақат бегона аёлларга қараш ҳақида эмас (Яна Аллоҳ билади). Икки тараф ўртасидаги севги-муҳаббат қараш орқали пайдо бўлишини биламиз. Бу шайтон васвасаси таъсирида ҳавойи нафсдан келиб чиқади. Кўзнинг таъсир қуввати қалбларни шайтоний севги сари бошлайди. Буни ишқ дейилади. Мана шу дард бир назар ёки бир қиё боқишдан келиб чиққан. Бу назарнинг қанчалик кучга эга эканини исботлайди.

ЖИНЛАРНИНГ ҲАМ КЎЗИ ТЕГАДИМИ?

Уламолар сўзига қараганда, кўз тегиши икки хил бўлади:

1. Инсий кўз тегиши.
2. Жинний кўз тегиши.

Инсондаги кўз тегиши ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик. Бу бобда жинларнинг кўзи ҳақида нақл қилинган ривоятлар билан танишамиз.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَعَوَّذُ مِنْ عَيْنِ الْجَانِّ ثُمَّ أَعْيَنَ الْإِنْسَ فَلَمَّا تَرَلَّتِ الْمُعَوِّذَتَانِ أَخَذَهُمَا وَتَرَكَ مَا سِوَى ذَلِكَ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَاللَّفْظُ لَهُ وَابْنُ مَاجَهَ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (айрим дуоларни ўқиб) инсу жинлар кўзидан паноҳ сўрардилар. “Фалақ” ва “Нос” сураси тушганидан кейин, иккисини ўқийдиган бўлдилар, бошқасини тарк этдилар” (Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Расулulloҳ алайҳиссалом айрим дуоларни ўқиб, инс ва жинлар кўзидан паноҳ сўраб юрардилар. “Фалақ” ва “Нос” сураси тушганидан кейин, шу иккисини ўқишни одат қилиб, бошқасини тарк этганлар. Шунингдек, у зот сеҳрланганларида “Фалақ” ва “Нос” суралари билан шифо топганлар. Бундан чиқди, ёмонликлардан паноҳ сўрашда “Фалақ” ва “Нос” сураларига тенг келадигани йўқ. Мана шу икки сурани ўқиб юрган одамга – Аллоҳнинг изни билан – ҳеч қандай шикаст-бало яқин йўламайди. Кези келганда, “Фалақ” ва “Нос” суралари билан дам солиш ҳақидаги айрим ривоятларни келтирамиз. “Фалақ” ва “Нос” суралари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун энг севимли суралардан эди (*Ибн Мардавайҳ Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган*).

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кечаси нозил қилинган суралар ичида бу иккисига тенг келадиган сурани кўрганмисан? (Улар) “Фалақ” ва

“Нос” сурасидир”, деганлар (*Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Аҳмад ривоятлари*).

Ибн Масъуддан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муаввизотдан бошқаси билан дам солишни унча хушламасдилар (*Байҳақий “Шуабул иймон”да ривоятлари*). Маълумот ўрнида айтиш лозимки, “Ихлос”, “Фалақ” ва “Нос” суралари муаввизот дейилади. Мана шу суралар хосияти ва фазилати ҳақидаги ривоятларни куйида кўриб чиқамиз.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَأَى فِي بَيْتِهَا جَارِيَةً فِي وَجْهِهَا سَفْعَةٌ فَقَالَ: اسْتَرْقُوا لَهَا فَإِنَّ بِهَا النَّظْرَةَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالْحَاكِمُ.

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг уйидаги бир жория¹ юзида қора доғни кўриб: “Унга дам солинглари. Сабаби унга назар теккан”, деб айтганлар (Бухорий, Муслим ва Ҳоким ривоятлари).

Фарро ҳадисдаги “қора доғ”ни жиннинг назари туфайли пайдо бўлган, деб келтиради. Ибн Ҳажар Асқалонийга кўра, бу хусусда ихтилоф қилинган. Бир қавлга кўра, унга жиннинг кўзи теккан. Яна бир қавлга кўра, унга инсон кўзи теккан. Абу Убайд Ҳиравий шунга қўшилган. Нима бўлганда ҳам, жорияга кўз теккан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга дам солишга рухсат берганлар. Бундан чиқди, кўз текканда дам солиш жоиздир (*Ибн Ҳажар Асқалоний, “Фатҳул борий”*). Кўз теккан вақтда пайдо бўладиган қора доғ киши рангига қараб турлича бўлади. Агар тана ранги қизғиш бўлса, доғ

¹ Ибн Ҳажар “Фатҳул Борий” китобида: “Мен ўша жориянинг исмини топишга муваффақ бўлмадим. Муслим ривоятида айтилишича, у Умму Саламининг уйидаги жория бўлган”, деган.

коп-қора бўлади. Агар оқ бўлса, доғ сариқ бўлади. Агар буғдойранг бўлса, доғ қорамтир-қизғиш бўлади.

Юқорида келтирилган икки ривоятдан маълум бўладики, инсон кўзи текканидек, жинларнинг ҳам кўзи тегиши мумкин экан. Шунинг учун мусулмон банда ҳожатхонага кирганда, либосини ечганда ёки ойнага қараганда “Бисмиллаҳ!” деб Аллоҳнинг исмини зикр қилиши керак. Шунда инс, жинлар ва ўзининг кўзидан ҳимояланади.

Ушбу ривоятдан олинадиган фойдалар:

1. Умму Салама розияллоҳу анҳо онамиз уйларида жория хизмат қилгани.

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша жория юзида доғ кўриб, унга кўз текканини айтганлари.

3. Юзда қорамтир ва сарғиш рангдаги доғлар пайдо бўлиши кўз теккани аломати бўлиши мумкинлиги. Баъзилар бу юзнинг чакка қисмида бўлишини айтишган.

4. Одамга инс ва жинларнинг кўзи тегиши мумкинлиги.

5. Кўз тегишига қарши шаръий дам солиш жоизлиги.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: سَتَرُ مَا بَيْنَ أَعْيُنِ الْجِنَّ وَعَوْرَاتِ بَنِي آدَمَ إِذَا دَخَلَ أَحَدُهُمُ الْخَلَاءَ أَنْ يَقُولَ بِسْمِ اللَّهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَةَ وَأَحْمَدُ وَسَنَدُهُ صَحِيحٌ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Агар биронталари ҳожатхонага кирса,

жин ва одам болалари аврати орасида тўсиқ (бўладиган) нарса “бисмиллаҳ”, дейишидир” (Термизий, Ибн Можжа ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Мўмин киши ҳожатхонага киришдан олдин “Бисмиллаҳ”, деса, жинлар авратига назар сололмайди, яъни авратини жинларга кўрсатмайдиган парда пайдо бўлади. Бу ривоятда жинлар одам болаларига назар солиши ва уларни кўришларига ишора қилинмоқда. Бу ўз-ўзидан кўз тегиши эҳтимоли борлигини билдиради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага киришдан олдин маълум дуоларни ўқиганлари ҳақида турли ривоятлар келтирилган.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْحُبْثِ وَالْحَبَائِثِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَصْحَابُ السُّنَنِ وَالدَّارِمِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حِبَّانَ.

Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонага кирсалар: “Аллоҳумма инний аувзу бика минал хубуси вал хобааис”, деб айтардилар” (Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Доримий, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти). Дуонинг маъноси: “Ё Аллоҳ! Сендан эркак ва аёл жинлар ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман!”

Ҳожатхонада Аллоҳ номи зикр қилинмагани боис, у ерни эркак ва урғочи жинлар ҳамда шайтонлар ўзига макон қилиб олади. Шу сабаб ҳожатхонага киришдан олдин уларнинг ёмонлигидан Аллоҳнинг асрашини сўралади. Акс ҳолда жин ва шайтонлар зарар келтириши эҳтимоли йўқ эмас. “Бисмиллаҳ”

ва мазкур ривоятда келган дуо ҳожатхона таш-қарисида ўқилади. Ҳожатхона хоҳ очик жойда, хоҳ ёпиқ жойда бўлсин, ушбу дуо ўқилаверади. Агар ҳожатхона иморат шаклида бўлса, унга киришдан олдин, агар очик жойда бўлса, ҳожат чиқаришга тайёрланаётганда ўқилади.

Зайд ибн Арқам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Бу боғларда жин ва шайтонлар бўлади. Агар сизлардан биронтангиз унга кирса, “Эй Аллоҳ! Сендан эркак ва урғочи жинлар (ёмонлиги)дан паноҳ беришингни сўрайман” десин”, деганлар. (*Абу Довуд, Ибн Можжа, Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Табароний ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*¹).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: سِتْرٌ مَا بَيْنَ أَعْيُنِ الْجِنِّ وَعَوْرَاتِ بَنِي آدَمَ إِذَا وَضَعُوا ثِيَابَهُمْ أَنْ يَقُولُوا: بِسْمِ اللَّهِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ وَابْنُ السُّنِّيِّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Агар либосларини ечсалар, жинлар кўзи ва одам болалари аврати орасида тўсиқ (бўладиган) нарса “бисмиллаҳ”, дейишидир” (Термизий ва Ибн Сунний ривояти).

Ибн Сунний келтирган ривоятда “Бисмиллаҳ-иллазий лаа илааҳа иллаа ҳув”, Ибн Абу Дунё келтирган ривоятда эса “Бисмиллаҳил ҳакийм” дейилган.

Келтириб ўтилган ҳолатларда Аллоҳнинг исми зикр этилса, жинлар назаридан ҳимояланиш мумкин. Бу банданинг саломатлиги учун ниҳоятда муҳимдир.

¹ М а н б а: Одилхон қори Юнусхон ўғли, Зиёвуддин Раҳим, “Таҳорат китоби”.

Булардан шундай хулосага келиш мумкин:

1. Жинларнинг кўзи тегиши ҳақдир.

2. Жинлар одам боласига назар солади, айниқса, либосини ечадиган ҳолатларда нигоҳини унга қаратади.

3. Жинлар кўзидан ва ёмонликларидан Аллоҳ паноҳ бериши сўралади, Қуръон (хусусан, “Оятул курсий”, “Фалак” ва “Нос” суралари) ўқилиб, дам солинади. Шунда, иншааллоҳ, назар-нафасдан ва турли ёмонликлардан йироқ бўлади.

КЎЗ ТЕГИШИ ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ?

Бир тоифанинг айтишича, “кўзи” ўткир одам ёмон назар билан қараса, унинг иккала кўзидан қувват таралади ва ҳасад қилинаётган одамга зарари етади. Яна бир тоифанинг сўзига кўра, айрим одамларда кўзга кўринмайдиган латиф жавҳарлар бўлиб, ана шу маинга, яъни ҳасад қилинаётган одамга тегади, жисмига таъсир қилиб, зарар етказди. Ғойибга ишонмайдиган айрим тоифалар кўз тегишини инкор этиб, “Бу хаёл, ҳақиқат эмас”, дейишади. Улар руҳлар ва нафслар олами, сифатлари ва таъсири борлигидан беҳабар одамлардир. Миллати ва келиб чиқиши ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир халқнинг оқил кишилари кўз тегишини инкор этмайди. Гарчи унинг сабаби ва таъсири хусусида ихтилоф қилишса-да, аммо кўз тегиши ҳақ эканини таъкидлашади.

Шубҳасиз, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло жисмлар ва руҳларни турли қувват ва табиатли қилиб яратган. Аксарларида хусусият ва таъсир қувватига эга ҳолатлар жорий этилган. Оқил одам руҳнинг танага таъсирини инкор қилиши мумкин эмас. Зеро, бу ҳамма тасдиқлаб, ҳис этадиган ишдир. Бирон нарсадан тортинган ёки уялган одамнинг юзи қизариши, кимдандир кўрқса, қаттиқ сарғайиб

кетишини яхши биламиз. Буларнинг ҳаммаси рух таъсири билан боғлиқ. Рухлар табиати, қуввати, ҳолати ва хусусиятига кўра турлича бўлади. Ҳасадчининг руҳи ҳасад қилинаётган одамга аниқ таъсир кўрсатишини билгани учун Аллоҳ таоло Ўз Расулини ҳасаднинг ёмонлигидан паноҳ сўрашга буюрган. Кўз тегиши баъзида бевосита муносабат ёки кўриш, ёки руҳнинг таъсир этаётган одамга йўналиши, ё дуолар, ё хаёл орқали ҳам таъсир этиши мумкин.

Кўз тегишини фақат кўриш билан боғлиқ ҳодиса деб қарамаслик керак. Кўзи ожиз одамга бирон нарса таърифлаб берилса, кўзи кўрмаса ҳам, нафаси орқали таъсир кўрсатиши мумкин. Кўп ҳолларда кўрмасдан туриб васф орқали кўз тегиши ҳолатлари кузатилади. Кўз тегиши мисоли бир ўқдир. У кўзи ўтқир одамдан чиқиб, ҳасад қилинаётган кишига бориб тегади. Баъзида бу ўқ хато кетади, баъзида ҳимоясиз қолган кишига тегади. Агар банданинг кўз тегишига қарши куроли бўлса, бундан ҳимояланган бўлса, ўқ унга таъсир қилмайди. Балки унинг кўзидан таралган салбий қувват эгасининг ўзига қайтиши ҳам мумкин. Бунинг асли кўзи бор одамнинг бирон нарсдан таажжубланиши оқибатида келиб чиқади. Кейин унда салбий-нопок кайфият пайдо бўлиб, ҳасад қилинаётган одамга захрини сочади, унга суқланиб қарайди. Айрим ҳолларда кишининг кўзи ўзига ҳам тегиши мумкин. Баъзида ўзи хоҳламаса ҳам, кўзи тегиб қолади (*Ибн Қаййум, “Зодул маод”*).

КЎЗ ТЕГИШИ САБАБЛАРИ

Кўз тегиши асосан адоват, нафрат ва ҳасаддан келиб чиқади. Бир кимса неъмат билан сийланган одамни кўради, унга ҳасад қилади, суқланиб қарайди ва ундаги неъмат завол топишини истайди. Кўриб қолгудек бўлса, бутун диққат-эътиборини унга қаратади, назари билан йиқитиш ва кўзи билан кулатишга ҳаракат қилади. Бунга Расулуллоҳ соллал-

лоху алайҳи васалламга нафрат билан қараган кофирлар назарини мисол қилиб келтириш мумкин.

Кўз тегиш сабабларидан яна бири – ажабланиш, хайрон қолиш. Бир одам биродаридаги неъматни кўриб, “Во ажаб!” деб ҳайратга тушиб, қаттиқ таъсирланганидан ўзи билмаган ҳолда кўзи тегади. Унинг руҳи неъматлантирилган одамга таъсир қилади. Бунинг исботини ҳаётда кўп кўрганмиз. Шунинг учун одамлар диққатини тортадиган жиҳатларни улар назаридан яшириш керак. Бир ютуққа эришиб, бўлар-бўлмасга ўзини кўз-кўз қилавериш, мақтаниш яхши эмас. Акс ҳолда кўлидаги неъматдан айрилиб қолиши ҳеч гап эмас. Биродарида бирон неъматни кўрганда, “Маашааллоҳ” деб қўйилса, Аллоҳнинг изни-ииродаси ила унга кўз тегмайди. Бу ҳақида қуйида тўхталиб ўтамиз.

КЎЗ ТЕККАНЛИК АЛОМАТЛАРИ

Тиббиёт ва шаръий дам солиш ўртасида ҳеч қандай қарама-қаршилиқ йўқ. Зеро, Қуръон танадаги ва руҳий касалликларга бир хил шифодир. Агар инсон тана касалликларидан фориг бўлса, у ҳолда кўз тегиши қуйидаги кўринишда намоён бўлади:

1. Бош оғриғи.
2. Юзнинг сарғайиши.
3. Кўп терлаш ва бавл қилиш.
4. Иштаҳанинг пасайиши.
5. Аъзоларнинг қизиқ кетиши ёки совиқ қолиши.
6. Қалб торлиги, маҳзунлик.
7. Яхши ухлай олмаслик.
8. Ғайриоддий ҳолатда қаттиқ қўрқиш ёки ғазабланиш.
9. Кўп кекириш.
10. Ёлғизликни хоҳлаш.
11. Дангаса ва ишёқмас бўлиб қолиш.
12. Уйқучилик.

13. Бирон сабабсиз тиббий касалликлар билан оғриш ва ҳоказо.

Мусулмон кишининг иймони бақувват ва қалби мустаҳкам бўлиши керак. Шунда унга вас-васа зарар етказа олмайди. Зеро, васваса муолажаси қийин иллатлардандир. Бу иллатни эътиқодни мустаҳкамлаш, қалбни поклаш, Аллоҳга боғланиш билан муолажа қилиш мумкин. Юқорида келтирилган аломатлар баъзида соғлом одамда ҳам учраб қолади. Баъзида мана шу аломатлар тана касалликлари туфайли юзага келиши мумкин. Айрим ҳолатларда бундай иллатларга иймони заифлик – қалби торлик, ризқнинг камлиги ҳақида қайғуриш, маҳзунлик, дангасалик ва шу кабилар сабаб бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда иймонни кучайтириш, динда собитқадам бўлиш билан қарши курашилади.

КЎЗ ТЕГИШИГА ҚАРШИ АЙТИЛАДИГАН ЗИКР

مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ.

Дуонинг ўқилиши: “*Маа шаа-аллоҳу лаа қув-вата иллаа биллааҳ*”.

Дуонинг маъноси: “**Аллоҳ хоҳлагани (бўлади). Аллоҳдан ўзгада қувват йўқ!**”

Бу дуо мол-давлат ва фарзанд неъматига эришганда, уларга эга бўлиб турганда ўқилади. Шунда Аллоҳнинг изни билан неъматлар завол топмайди, кўз тегиши ва турли шикаст-офатлардан саломат бўлади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَا أَنْعَمَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى عَبْدٍ نِعْمَةً فِي أَهْلِ أَوْ مَالٍ أَوْ وَلَدٍ فَيَقُولُ: مَا شَاءَ اللَّهُ لَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ إِلَّا دَفَعَ

اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ كُلِّ آفَةٍ حَتَّى تَأْتِيَهُ مِنْيْتُهُ وَقَرَأَ «وَلَوْلَا إِذْ دَخَلْتُ». رَوَاهُ أَبُو يَعْلَى وَابْنُ مَرْذَوَيْهِ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло бирон бандага оиласи, моли ёки фарзандида бирон неъмат берганида: “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах” деса, умрининг охиригача Аллоҳ таоло ундан ҳар қандай офатни даф қилади”, дедилар. Сўнгра “Агар боғингга кирганингда...” оятини тиловат қилдилар (Абу Яъло, Ибн Мардавайҳ ва Байҳақий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда шундай дейилган: “Ким ўз мулкида бирон нарсани кўриб, ундан кўзи қувнаса, “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”, деб айтсин. Шунда бу молга офат етмайди” (Байҳақий “Шуабул иймон” да ривояти).

Ривоят қилинишича, Ибн Шиҳоб мол-давлатли бўлганида, “Маа шаа-аллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”, деб айтарди ва “Агар боғингга кирсанг...” оятини тафаккур қиларди (Ибн Мунзир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти). Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах” тўқсон тўққиз дардга даводир. Уларнинг энг энгили ғам(ташвиш)дир” (Ибн Мардавайҳ ривояти). Ривоят қилинишича, Зуҳайр ибн Муҳаммаддан “Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах” калимасининг маъноси ҳақида сўралганда: “Сен ўзинг яхши кўрган нарсани фақат Аллоҳнинг ёрдами билан қўлга киритасан. Сенга ёқмайдиган нарсалардан Аллоҳнинг мадади билан узоқ бўласан”, деди (Ибн Абу Ҳотим ривояти).

КЎЗ ТЕГИШИДАН ҲИМОЯЛАНИШ

Қуйида кўз тегишидан сақланиш йўллари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Зеро, касални даволагандан кўра, унинг олдини олишнинг фойдаси катта. Демак, кўз тегишидан сақланишнинг бир қанча йўллари бор:

Биринчиси, кўз тегиши хавфи бор кишилардан неъматни яшириш. Ўзига ато этилган неъматни одамларга кўз-кўз қилиш маъқул эмас. Айниқса, биров эришган ютуқни деб ҳасади қўзийдиган, “кўзи” ўткир кимсаларга асло билдирмаган маъқул. Зеро, ёмон назар туфайли эришилган ютуқдан айрилиб қолиши ҳеч гапмас.

Иккинчиси, “Фотиҳа” сураси ва “Оятул курсий”ни ўқиш. Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар банда бирон уйда “Фотиҳа” сураси ва “Оятул курсий”ни ўқиса, ўша куни уларга инсон ва жиннинг кўзи тегмайди”, деганлар (*Дайламий ривояти*). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Фотиҳа” (сураси) ҳар қандай дардга шифодир”, деганлар (*Доримий саҳиҳ санад билан ривояти*). “Фотиҳа” сурасининг маънавий иллатларни муолажа қилишда катта фойдаси бор. “Фотиҳа”ни ўқиган банда Аллоҳдан ўзгага сиғиниш ва ожиз нарсалардан мадад сўрашдан қутулади. Қолаверса, бу сура танадаги айрим касалликларни, хусусан, кўз тегиши ва чаён чақишини даволайди. Беморларга “Фотиҳа” сурасини ўқиб дам солинса, Аллоҳнинг изни билан шифо топиб кетиши тажрибадан ўтказилган.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Қуръон оятларининг саййиди “Оятул курсий”дир”, деганлар (*Ҳоким ривоят қилиб, бу саҳиҳ санадли ҳадис, лекин икки шайх ривоят қилмаган, деган*). Кечаси уйқуга ётишдан олдин “Оятул курсий”ни ўқиган кишига Аллоҳ тарафидан бир фаришта юборилиб,

унга жин ҳам, шайтон ҳам яқинлашолмайди. Мўмин киши “Оятул курсий”ни ўқиб ётса, кечаси роҳатланиб ухлайди, кўрқинчли тушлар кўрмайди, тиниқиб дам олади. Натижада, кундузги ишида ҳам унум бўлади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоятида шундай дейилган: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга Рамазон закотини қўриқлашни тайинладилар. (Мен уни қўриқлар эканман,) бир киши келиб, қўлини тиқиб таомдан ола бошлади. Уни ушлаб олиб: “Сени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига олиб бораман!” дедим. У: “Мени қўйиб юбор. Ҳожатманд кишиман, бола-чақам бор, ўта муҳтожман!” деб ялинди. Уни қўйиб юбордим. Тонг отгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кеча асиринг нима қилди, эй Абу Ҳурайра?” деб сўрадилар. Бола-чақаси борлигини, қаттиқ муҳтожлигини айтиб ялингани учун раҳмим келиб қўйиб юборганимни айтдим. “У сени алдаган, (эртага) яна қайтиб келади”, дедилар. У зотнинг “яна қайтиб келади” деган сўзларидан қайтиб келиши аниқлигини билиб кузата бошладим. (Айтилганидек) у яна келиб, таомдан ола бошлаши билан ушлаб олиб: “Сени Расулуллоҳ ҳузурларига олиб бораман”, дедим. У яна: “Мени қўйиб юбор. Муҳтожман, бола-чақам бор. Бошқа қайтиб келмайман!” деб сўз берди. Унга раҳм қилиб қўйиб юбордим. Тонг отганда Расулуллоҳ яна: “Эй Абу Ҳурайра, кеча асиринг нима қилди?” деб сўрадилар. Муҳтожлиги ва бола-чақаси борлигини айтиб ялиниб-ёлворгани учун кўнгилчанлик қилиб, яна қўйиб юборганимни айтдим. “У сени алдаган. (Эҳтиёт бўл,) у яна қайтиб келади”, дедилар. Мен уни яна пойладим. Ҳалиги одам келиб, таомдан ола бошлаган заҳоти шартта ушлаб: “Энди сени Расулуллоҳнинг олдиларига олиб бормасам бўлмайди. Бу учинчиси. Бошқа қайтиб келмасликка сўз бериб, барибир яна келдинг!” дедим. Шунда у: “Мени қўйиб юборсанг, сенга фойдали калималарни ўргатаман”, деди. “Қани

айт-чи, улар қандай калималар экан?” дедим. У: “Агар тўшагингга ётсанг, “Оятул курсий” – “Аллоҳу лаа илааҳа иллаа хувал ҳайюл қойювм”ни охиригача ўқи. Шунда Аллоҳ томонидан сен учун бир ҳимоячи (фаришта) тушади, шайтон тонггача яқин келолмайди”, деди. Мен уни қўйиб юбордим. Кун ёришганида Расулуллоҳ яна мендан: “Кеча асиринг нима қилди?” деб сўрадилар. “Ё Расулуллоҳ, фойдали калималарни ўргатишни ваъда қилганди, қўйиб юбордим”, дедим. “У қайси калималар экан?” деб қизикдилар. У менга: “Агар тўшагингга ётсанг, “Оятул курсий” – “Аллоҳу лаа илааҳа иллаа хувал ҳайюл қойювм”ни бошидан охиригача ўқи. Шунда сенга Аллоҳ тарафидан бир қўриқчи (фаришта) тушади, шайтон тонггача сенга яқинлашмайди” деб айтди”, дедим. “У ёлғончи бўлсаям, (бу сафар) рост гапирибди¹. Эй Абу Ҳурайра, уч кечадан бери ким билан гаплашаётганингни биласанми?” дедилар. Йўқ, дедим. “Ўша, (сенга одам киёфасида кўринган аслида) шайтон эди”, дедилар” (*Бухорий ва Ибн Ҳузайма ривояти*).

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб: “Ким ҳар намоздан кейин “Оятул курсий”ни ўқиса, жаннатга киришдан уни фақат ўлими тўсиб туради. Ким (ўша оятни) ўрнига ётганда ўқиса, Аллоҳ унинг хонадони, қўшнисининг уйи ва атрофидаги уйларга омонлик беради”, деб айтганлар (*Байҳақий “Шуабул иймон”да ривоят қилган, ривоят санадини заиф, деган*).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Кимда-ким ҳар бир фарз намозидан кейин “Оятул курсий”ни ўқиса, келаси намозгача Аллоҳнинг ҳимоясида бўлади” (*Табароний ҳасан санад билан ривоят қилган*).

¹ Яъни, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аслида шайтоннинг турган-битгани ёлғончи. Лекин бу сафарги гапи тўғри” деб, Иблис – Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга “Оятул курсий” ҳақида – айтган гапнинг ростлигини тасдиқламоқдалар.

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Ким ҳар бир фарз намозидан кейин “Оятул курсий”ни ўқиса, кейинги намозгача (ёмонликлардан) сақланади. Буни фақат набий, сиддиқ ёки шаҳидгина давомий қила олади¹” (*Байҳақий “Шуабул иймон”да ривоят қилган, санадини заиф, деган¹*).

Учинчиси “Ихлос”, “Фалақ” ва “Нос” сураларини ўқиш. Ибн Хубайб ривоят қилади: “Биз ёмғирли, зим-зиё тунда йўлга чиқдик. Намоз ўқиб берсинлар, деб Расулуллоҳни қидирдик. У зотни топганимизда:

– Сизлар намоз ўқидингизми? – деб сўрадилар.

Мен индамадим. У зот:

– Қул (яъни, айт), – дедилар.

Мен ҳеч нима демадим. Кейин яна:

– Қул (айт), – дедилар.

Мен яна индамай туравердим. У зот яна дедилар:

– Қул (айт).

– Ё Расулуллоҳ, нимани айтаман?

– “Қул хуваллоҳу аҳад” билан “муаввизайн”ни кеч кирганда ва тонг отганда уч марта ўқи. Шунда улар сен учун кифоя қилади (*Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Аҳмад ривояти. Ривоят санади ҳасан*).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оила аъзоларидан биронтаси оғриб қолса, “муаввизот”ни ўқиб, дам солардилар. Вафот этишларидан олдин бетоб бўлиб қолганларида, мен у зотга дам солардим, қўллари билан ўзларини силардим. Чунки у зотнинг қўллари меникидан баракалироқ эди” (*Муслим ривояти*). Расули Акрам “Ихлос”, “Фалақ” ва “Нос” сураларини ўқиб, ўзларига ва оила аъзоларига дам солардилар. Агар ўзлари касал бўлсалар, Оиша розияллоҳу анҳо онамиз Қуръон ўқиб, у зотга дам солганлар.

¹ Байҳақий “Шуабул иймон”да ривоят қилган, санадини заиф деган.

² М а н б а: Зиёвуддин Раҳим, “Қуръон – қалблар шифоси”.

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кечаси нозил қилинган суралар ичида бу иккисига тенг келадиган сурани кўрганмисан? (Улар) “Фалақ” ва “Нос” сурасидир”, деганлар (*Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Аҳмад ривояти*).

Расулуллоҳ алайҳиссалом айрим дуоларни ўқиб, инсу жинлар ёмонлигидан паноҳ сўраб юрардилар. “Фалақ” ва “Нос” сураси тушганидан кейин, шу иккисини ўқишни одат қилиб, бошқасини тарк этганлар. Шунингдек, у зот сеҳрга учраганларида “Фалақ” ва “Нос” суралари билан шифо топганлар. Бундан чиқди, ёмонликларда паноҳ сўрашда “Фалақ” ва “Нос” сураларига тенг келадигани йўқ. Мана шу икки сурани ўқиб юрган одамга Аллоҳнинг изни билан ҳеч қандай шикаст-бало яқин йўламайди. Яна Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ билан Жухфа ва Абво¹ орасида кетаётгандим. Шу пайт кутилмаганда эсган шамол ва қаттиқ зулмат ичида қолиб кетдик. Расулуллоҳ “Фалақ” ва “Нос” сураларини ўқиб, Аллоҳ таолодан паноҳ сўрай бошладилар. Кейин: “Эй Уқба, мана шу иккиси билан паноҳ сўра. Зеро, ҳеч бир паноҳ сўровчи бу иккисидан афзал (сура) билан паноҳ сўролмайдир”, дедилар” (*Абу Довуд ва Байҳақий ривояти. Ривоят санади саҳиҳ*).

Демак, қаттиқ шамол бўлганда, ҳаётига хавф туғилганда ва бошқа таҳликали ҳолатларда “Фалақ” ва “Нос” сураларини ўқиб паноҳ сўралса, офатлардан саломат бўлинади. Ибн Обис Жуханий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: “Эй Ибн Обис, сенга паноҳ сўровчилар ўқийдиган энг афзал (суралар)ни ўргатайми?” дедилар. У: “Ҳа, ё Расулуллоҳ”, деди. У зот: “Фалақ” ва “Нос” (сураси)”. Мана шу икки сура (паноҳ сўрашда ўқиладиган энг яхши сурадир)”, дедилар (*Насоий саҳиҳ санад билан ривояти*). “Фалақ” ва

¹ Жухфа ва Абво – Макка ва Мадина орасидаги жой номлари.

“Нос” суралари Пайғамбаримизга энг севимли суралардан эди (Ибн Мардавайх – Умму Салама розияллоху анҳодан – ривоят қилган).

Ривоят қилинишича, Пайғамбар алайҳиссалом: “Ҳеч бир сўровчи, паноҳ истовчи “Фалақ” ва “Нос” каби (афзал сура) билан дуо қилолмайдди, паноҳ сўрамайдди”, деган эканлар (*Ибн Абу Шайба ва Ибн Мардавайх ривоятлари*). Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам (айрим дуоларни ўқиб,) инсу жинлар ёмонлигидан паноҳ сўрар, “Фалақ” ва “Нос” сураси тушганидан кейин, иккисини ўқийдиган бўлдилар, бошқасини тарк этдилар (*Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривоятлари. Ривоят санади саҳиҳ*). Ибн Масъуддан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам “муаввизот”дан бошқаси билан дам солишни унча хушламасдилар (*Байҳақий “Шуабул иймон”да ривояти*¹).

Тўртинчидан, кўз тегишидан сақлашини сўраб Аллоҳга дуо қилиш. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам набиралари Ҳасан ва Ҳусайн розияллоху анҳумога шайтон васвасаси ва ёмон кўздан паноҳ сўраб дуо қилардилар, “Отангиз Иброҳим бу дуо билан Исмоил ва Исҳоққа паноҳ сўрарди”, деб айтардилар (*Бухорий ривояти*).

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кўрсатмаларига кўра, мусулмон банда ўз биродарида ёки ўзида бирон неъматни кўрса, унга барака тилайди.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَامِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: ... قَالَ رَسُولُ
اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ مِنْ أَخِيهِ أَوْ مِنْ
نَفْسِهِ أَوْ مِنْ مَالِهِ مَا يُعْجِبُهُ فَلْيَبْرِكْهُ فَإِنَّ الْعَيْنَ حَقٌّ. رَوَاهُ
أَحْمَدُ.

¹ М а н б а: Зиёвуддин Раҳим, “Куръон – қалблар шифоси”.

Абдуллоҳ ибн Омир розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Агар биронтангиз биродарида ёки ўзида ёки молида ажойиб нарсани кўрса, унга барака сўрасин. Зеро, кўз (тегиши) ҳақдир”, деганлар” (Аҳмад ривояти).

Мўмин-мусулмон киши биродарида ёки ўзида бирон неъматни¹ кўрганида, “Ё Аллоҳ! Бу неъматга барака бер!” деб дуо қилса, ёмон кўз, назар-нафасдан йироқ бўлади, унга зарар етмайди. Бошқа ривоятларда келишича, бундай ҳолатда “Маашааллоҳу лаа қуввата иллаа биллаах”, деб айтилади.

Ушбу бобдан чиқариладиган умумий хулосалар:

1. Инсонга одамлар ва жинлар кўзи тегади.

2. Кўз тегишидан сақланишни истаса, дастлаб Аллоҳ таоло берган неъматлар шукрини адо этилади, уларни айтиб мақтанмайди, имкон қадар кўпчиликдан (тўғри маънода) беркитилади, неъматни кўз-кўз қилинмайди.

3. “Фотиҳа”, “Оятул курсий”, “Ихлос”, “Фалақ” ва “Нос” сураларини ўқиш (Аллоҳнинг изни билан) бандани кўз тегишидан асрайди.

4. Агар киши ўзида ёки биродарида ажойиб, кўзни қувнатувчи неъматни кўрса, унга барака тилайди, ёмон кўзлардан сақлашини сўраб Аллоҳга дуо қилади.

ҲАСАД ВА КЎЗ ТЕГИШИ МУОЛАЖАСИ

Агар бирон кишига кўз тегса, уни икки йўл – ғусл қилиш ва шаръий дам солиш билан даволанади.

¹ Бунга насал-насабнинг тозалиги, исломининг гўзаллиги, иймони комиллик, хулқи гўзаллик, чирой, бойлик, мол-дунё ва ҳоказолар кириши мумкин. Банда ўзидами, биродаридами, мана шундай марғуб нарсаларни кўриб кўзи қувонса, “Маашаа-аллоҳ”, деб неъматнинг бардавом бўлишини сўрайди, назар-нафасдан, ёмон кўзлардан омон сақлашини сўраб Аллоҳга дуо-илтижо қилади.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْعَيْنُ حَقٌّ وَلَوْ كَانَ شَيْءٌ سَابِقَ الْقَدَرِ سَبَقَتْهُ الْعَيْنُ وَإِذَا اسْتُغْسِلْتُمْ فَاغْسِلُوا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ أَبِي حَتْمَةَ.

Ибн Аббос розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилади: “Кўз (тегиши) ҳақдир. Агар қадардан ўзиб кетадиган бирон нарса бўлганида, кўз (тегиши) ўтиб кетарди. Агар сизлардан ғусл қилиш сўралса, ғусл қилинг!” (Муслим, Термизий ва Байҳақий ривоятлари).

Шунга биноан бирон киши сиздан ғусл қилишни сўраса, жаҳлингиз чиқмасин, ғазабланманг, “Мен ҳеч кимга ҳасад қилмайман, менга кўз тегмайди ёки менинг кўзим ҳеч кимга тегмайди. Ғусл қилмайман”, деб ортиқча қаршилиқ қилманг. Балки суннатга амал қилиб, ғусл қилинг.

Имом Молик “Муваатто”да ривоят қилишича, Набий соллаллоху алайҳи васаллам Омир ибн Рабийъага: “Кўз (тегиши) ҳақдир. Унинг учун таҳорат қил!” деганлар. Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Кўзи теккан одам таҳорат олишга буюриларди ва кўз теккан (оғриган) одам шу сувда ғусл қиларди” (*Абу Довуд ривояти*).

Агар бир кишининг бошқа бирига кўз теккани аниқ бўлса, кўзи теккан одам таҳорат олган идишдаги сувдан олиб, кўз касалига учраган кишининг боши ва орқасидан куйиш керак бўлади. Шунда бемор (Аллоҳнинг изни билан) тузалиб кетади. Баъзида солиҳ инсонлар кўзи ҳам (ўзи билмаган ва хоҳламаган тарзда) биродарига тегиши мумкин. Одатда, биродарида бирон неъматни кўриб, унга барака тиламаганда шундай бўлади. Машҳур саҳоба Омир ибн Рабийъа розияллоху анху билан шундай воқеа содир бўлган.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ أَبِي أُمَامَةَ بْنِ سَهْلِ بْنِ حُنَيْفٍ أَنَّهُ سَمِعَ أَبَاهُ يَقُولُ: اغْتَسَلَ أَبِي سَهْلُ بْنُ حُنَيْفٍ بِالْحَرَّارِ فَتَزَعَّ جُبَّةً كَانَتْ عَلَيْهِ وَعَامِرُ بْنُ رَبِيعَةَ يَنْظُرُ قَالَ: وَكَانَ سَهْلٌ رَجُلًا أَبْيَضَ حَسَنَ الْجِلْدِ قَالَ: فَقَالَ لَهُ عَامِرُ بْنُ رَبِيعَةَ: مَا رَأَيْتُكَ كَالْيَوْمِ وَلَا جِلْدَ عَذْرَاءٍ قَالَ: فَوَعِكَ سَهْلٌ مَكَانَهُ وَاشْتَدَّ وَعْكَهُ فَأُتِيَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأُخْبِرَ أَنَّ سَهْلًا وُوعِكَ وَأَنَّهُ غَيْرُ رَائِحٍ مَعَكَ يَا رَسُولَ اللَّهِ فَاتَاهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأُخْبِرَهُ سَهْلٌ بِالَّذِي كَانَ مِنْ أَمْرِ عَامِرٍ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عَلَامَ يَقْتُلُ أَحَدَكُمْ أَخَاهُ إِلَّا بَرَّكَتَ إِنَّ الْعَيْنَ حَقٌّ تَوْضًا لَهُ فَتَوْضًا لَهُ عَامِرٌ فَرَّاحَ سَهْلٍ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَيْسَ بِهِ بَأْسٌ. رَوَاهُ مَالِكٌ.

Муҳаммад ибн Абу Умома ибн Саҳл ибн Хунайфдан ривоят қилинишича, у отасининг шундай деганини эшитган экан: “Отам Саҳл ибн Хунайф оқиб турган булоқда ғусл қилди. Устидаги жуббани ечди. Омир ибн Рабийъа унга қараб турганди. Саҳл оқ танли, териси чиройли киши эди. Омир ибн Рабийъа унга: “Бугундақасини, бунақа тоза (чиройли) терини кўрмаганман!” деди. Ҳеч қанча ўтмай Саҳлнинг мазаси қочиб, касали оғирлашди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, Саҳл касал бўлиб қолгани айтилди, “Ё Расулulloҳ, у сиз билан бирга юролмайди (яъни, ҳузурингизга келолмайди)”, деб хабар қилинди. Кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унинг олдига борганида Саҳл Омирнинг нима деганини айтиб

берди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизлардан биронтаси нега биродарини қатл қилади. Барака тила(б дуо қил) са бўлмайдими! Албатта кўз (тегиши) ҳақдир. “Энди сен унинг учун таҳорат ол!” дедилар. Шунда Омир унинг учун таҳорат олди ва Саҳл Расулulloҳ билан юриб кетди, унга ҳеч нарса бўлмагандек (соғайиб кетди)” (*Молик ривояти*).

Саҳл ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳу хушсурат, териси оқ ва чиройли киши эди. Бир куни булоқ сувида чўмилаётганда, Омир ибн Рабийъа ногаҳон уни кўриб қолиб, ҳайрати ошиб: “Унинг териси бунча чиройли! Бунақасини ҳеч кўрмагандим!” деди. Омирнинг шу гапидан ҳеч қанча ўтмай Саҳлнинг мазаси бўлмай қолди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига бориб, бўлган воқеа айтиб берилди, Саҳл у зотнинг олдиларига келолмаслиги билдирилди. Шунда Саҳл ибн Ҳунайфнинг олдига ўзлари бордилар. Саҳл бўлган воқеани у зотга айтиб берди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: “Нега бир-бирингизни қатл қиласизлар? (Биродарида кўзига ёқадиган бирон нарсани кўрганида) унга барака тиласа бўлмайдими? Зеро, кўз тегиши ҳақдир”, дедилар танбеҳ бериб. Кейин Омирга таҳорат ол, дедилар. Омир таҳорат олди. Саҳл шундан кейин тузалиб, дард кўрмагандек соғайиб кетди.

Бу ҳақда яна бир ривоят келтирилган. Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайфдан ривоят қилинади: “Омир ибн Рабийъа чўмилаётган Саҳл ибн Ҳунайф олдидан ўта туриб: “Бугундақасини, бунақа мастур (беркитилган, кўздан сақланган чиройли) терини кўрмаганман!” деди. Ҳеч қанча ўтмай (Саҳл) ерга кулади. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига бориб, “Саҳл хушидан кетиб қолди!” дейилди. У зот: “Бунинг боиси ким деб ўйла-япсизлар?” дея сўрадилар. “Омир ибн Рабийъа”,

дейишди. Шунда Расулulloҳ алайҳиссалом: “Нега бирингиз ўз биродарини қатл қилади?! Агар биронтангиз (диндош) ака-укасида биронта ажойиб нарсани кўриб қолса, унга барака тилаб дуо қилсин”, дедилар. Кейин сув олиб келишни, Омирга таҳорат олишни, юзини, икки қўлини тирсагигача, оёғини тўпиғигача ва изорининг ичидан ювишни буюрдилар. Сўнг (Саҳлнинг) устидан (ўша сувни) куйишни амр этдилар” (*Ибн Можса ривояти*).

Ривоятдан олинадиган хулосалар:

1. Кўз тегиши ҳақ экани.
2. Биронта чиройли ва ажойиб нарсага суқланиб қараш ўша неъматнинг барбод бўлиши ва завол топишига сабаб бўлиши.
3. Кўз тегиши ҳушдан кетиш ва оғир бетоб бўлиб қолишгача етиб бориши мумкинлиги.
4. Кўз тегиши туфайли зиён етказиш одамни ўлдиришга тенглаштирилгани. Яъни, кўз тегишида одамни ўлдириши хавфи борлиги.
5. Мусулмон банда биродарида бирон ажойиб нарсани, кўзини қувнатадиган неъматни кўрганида, унга барака тилаб дуо қилиши лозимлиги. Барака сўраб дуо қилиш кўз тегиш ва у туфайли келиб чиқадиган шикаст-балолар олдини олади, балони даф қилади.
6. Кўз тегишини даволаш учун “кўзли” одам таҳорат олишга буюрилиши, ўша сувдан кўз теккан одамнинг орқа томонида туриб бош тарафидан бошлаб, бутун баданига сув куйиш кераклиги. Шундай қилинса, маъюн, яъни кўз теккан одам дарддан фориғ бўлиши.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُنِي أَنْ أَسْتَرِقِيَ مِنَ الْعَيْنِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ مَاجَةَ وَابْنُ أَبِي هَتَيْمٍ.

Ошиа розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: **“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам мени кўз тегишига қарши дам солишга буюрардилар”** (Муслим, Ибн Можа ва Байҳақий ривояти).

Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, Набий соллalloҳу алайҳи васаллам унинг уйидаги бир жория юзида қора доғни кўриб: **“Унга дам солинглар. Чунки унга назар теккан”**, деб айтганлар (Бухорий, Муслим ва Ҳоким ривояти).

Асмоъ бинти Умайс розияллоҳу анҳодан ривоят қилинишича, бир куни у: **“Ё Расулulloҳ! Жаъфарнинг болаларига жуда тез кўз тегади. Уларга дам солсам бўладими?”** деб сўради. Шунда Пайғамбаримиз: **“Ҳа, (бўлади). Агар бирон нарса қазойи қадардан ўтиб кет(иши мумкин бўл)ганида, албатта кўз (тегиши) ўтиб кетарди”**, дедилар (Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти).

عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: رَخَّصَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الرُّقِيَةِ مِنَ الْعَيْنِ وَالْحُمَةِ وَالنَّمْلَةِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кўз текканда, (илон ёки чаён) чаққанда ва намила чиққанда дам солишга рухсат берганлар”** (Муслим ва Аҳмад ривояти).

“Намила” ёнбошга чиқадиған нарса бўлиб, чумоли ўрмалаб юриб, чақаётганга ўхшаш ҳолатга

сабаб бўлади. Бу ўринда дам солиш мумкин бўлган уч хил ҳолат мавжуд. Бу эса фақат шуларга қарши дам солиш мумкин, бошқаларига ножоиз, дегани эмас. Зеро, бу ерда саволга жавоб тариқасида баён этилган гап келтирилмоқда. Бошқа ривоятларда айтилишича, қайд этилган уч ҳолатдан бошқа иллатлар учун ҳам дам солиш мумкин. Кўз текканда қандай дам солиш ҳақида бошқа ривоятларда керакли кўрсатмалар мавжуд. Ривоят қилинишича, бир гуруҳ саҳобалар сафарга чиқишди. Араблар яшайдиган жойда кўним топиб, улардан ўзларига егулик сўрашди. Аммо қабиладагилар меҳмон қилишни истамади. Шу орада ўша қабила бошлиғини чаён чақиб олди. Қабиладагилар унинг соғайиши учун кўлларида келган барча чораларни кўришди. Бироқ ҳеч қандай наф чикмади. Шунда бири:

– Анави кишилардан сўраб кўринглар. Шояд фойдаси тегадиган бирон дори-дармон бўлса! – деди.

Қабила аъзолари саҳобалар олдига келиб сўрашди:

– Ҳой, мусофир одамлар! Бошлиғимизни чаён чақиб олди. Ҳар қанча уринсак ҳам бирон натижа чиқаролмадик. Ичингизда бирон киши бунга даво топа оладими?

– Ҳа, мен дам соламан. Лекин сизлар бизни меҳмон қилишдан бош тортдингиз. Энди бирон мукофот бермас экансиз, унга дам солмайман! – деди саҳобалардан бири.

Улар бир тўда қўй эвазига рози бўлишди. Ҳалиги киши “Фотиҳа”ни ўқиб дам сола бошлади. Бемор дард кўрмагандек тезда соғайиб кетди. Шундан сўнг қабила бошлиғи:

– Аҳдингизга вафо қилинг. Келишилган нарсани уларга беринг! – деб буюрди.

Саҳобалардан бири деди:

– Қўйларни тақсимланг!

Дам солган киши:

– Шошманглар! Аввал Набий соллаллоҳу алайҳи

васаллам олдиларига борайлик, бўлган воқеани у зотга айтмайлик, нимага буюрадилар, – деди.

Улар Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳузурларига бориб, бўлган воқеани айтиб беришди. Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом дам солган кишидан:

– “Фотиҳа” сураси билан дам солишни қаердан биласан? – деб сўрадилар. Кейин:

– Тўғри қилибсизлар. Қўйларни тақсимланг, менга ҳам улуш ажратинг, – деб кулиб қўйдилар¹.

Ибн Қаййум шундай деган: “Бу ҳадисга кўра, ҳашарот чакқан одамга “Фотиҳа” сурасини ўқишнинг фойдаси бор. Қироат унга дори ўрнига ўтган. Балки дам солиш билан топган шифони дори-дармондан тополмасди²”.

“Фотиҳа” сураси шифо эканини Ибн Қаййум тажрибада синаб кўрган. У киши шундай ҳикоя қилади: “Мақкада яшаган чоғимда касал бўлиб қолдим. У ерда на табиб, на бирон дори топиларди. Шунда ўзимни “Фотиҳа” сураси билан даволадим, унинг ажойиб таъсири борлигига амин бўлдим. Озроқ замзам сувидан олиб, унга “Фотиҳа”ни ўқиб ичдим. Натижада, дарддан бутунлай халос бўлдим. Шундан сўнг жуда кўп касалларни “Фотиҳа” сураси билан даволадим. Бундан жудаям кўп фойда топдим. Кимдир касалликдан шикоят қилиб келса, унга “Фотиҳа” билан дам солишни тавсия қилардим. Бемор тезда соғайиб кетарди³.

Ривоят қилинишича, Амр ибн Ҳазм Ансорий розияллоҳу анҳу Мадина шаҳрида илон чакқан аёлга дам солишга чақирилди. Бироқ у рози бўлмади. Амрнинг бу иши Пайғамбар алайҳиссаломга хабар берилганида уни ҳузурларига чақиртириб, нега бундай қилганини сўрадилар. Амр:

– Ё Расулуллоҳ, ахир ўзингиз дам солишдан қайтарасиз-ку! Сиз қайтарган ишни қандай қиламан?! – дея савол оҳангида мурожаат қилди.

¹ Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

² М а н б а: “Мадорижус соликин”.

³ М а н б а: Ибн Қаййум, “Зодул маод”.

Шунда Амрдан, қайси оят ёки дуони ўқиб дам солишини сўрадилар. Амр у зотга дам солишда ўқийдиган оятларини тиловат қилиб берди. Набий алайхиссалом руқяни эшитгач:

– Ҳечқиси йўқ. Уни ўқиб дам солавер, – деб рухсат бердилар¹.

Қўшимча маълумот:

Уламолар дам солиш ҳақида турли мулоҳазаларни келтиради. Аксар фуқаҳолар инсон йўлиқадиган ҳар қандай касалликка қарши дам солиш мумкинлигини айтиб ўтишган. Фақат бунинг учта шарти борлигини айтадилар:

1. Дам Аллоҳнинг Каломи, У Зот исм ва сифатлари билан солиниши.

2. Дамни араб тилида ёки тушунарли тилда солиш.

3. Дамнинг ўзи фойда беради деб эмас, балки Аллоҳнинг қудрати билан манфаат етказди, деган эътиқодда бўлиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга: “Менга дам солишингизни кўрсатинг. Агар унда ширк бўлмаса, дам солишнинг зарари йўқ”, деганлар (*Муслим ва Абу Довуд ривояти*). Баъзи уламолар: “Фақат кўз тегиши ва чақишга қарши дам солиш мумкин”, деб Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳунинг: “Дам фақат кўз тегиши ва иситмага қарши қўлланади”, ҳадисини далил қилиб келтиришган (*Ушбу ҳадисни Бухорий ривоят қилган*). Бошқа бир уламолар: “Аллоҳнинг Китоби ва маъсур дуолар билан дам солиш макруҳ. Чунки бу таваккулга қарши боришдир”, деб Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жаннатга ҳисобсиз кирадиган зотларни зикр қилиб: “Улар шумланмайдиган, дам ҳам солмайдилар, балки Парвардигорларига таваккул қиладилар”, деб айтган ҳадисларини далил қилиб келтиришган. (*Бу ҳадисни Бухорий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қил-*

¹ Аҳмад ривоят қилган. Бу – саҳиҳ ҳадис. Аммо санади заиф.

ган). Бошқа бир тоифа “муаввизот”дан бошқа сура-лар билан дам солиш макрух, деган фикрни маъкул-лайди. Уламолар ичида баъзилари касалга учрашдан олдин дам солиш билан касал бўлгандан кейин дам солиш орасини фарқлаб: “Бирон мусибат етишидан олдин дам солишдан қайтарилган, балога учраганда дам солишга эса рухсат берилган”, дейишган. Кўз те-гишига қарши қуйидаги дуоларни ўқиш тавсия эти-лади.

بِسْمِ اللّٰهِ اَرْقِيكَ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ يُؤْذِيكَ، مِنْ شَرِّ كُلِّ نَفْسٍ اَوْ عَيْنٍ حَاسِدٍ، اللّٰهُ يَشْفِيكَ بِاسْمِ اللّٰهِ اَرْقِيكَ.

Ўқилиши: “Бисмиллаҳи арқийка мин кулли шайъин юъзийка, мин шарри кулли нафсин ав ъайни ҳасид, аллоҳу яшфийка, бисмиллаҳи арқийка”.

Маъноси: “Аллоҳнинг исми билан сенга озор берадиган ҳар қандай нарсадан, ҳар бир нафс (назар-нафас) ёки ҳасадчининг кўзидан (паноҳ истаб) дам соламан. Аллоҳ сенга шифо берсин. Аллоҳнинг исми билан дам соламан”.

Абу Саъид Худрий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Жаброил Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Эй Муҳаммад, тобин-гиз йўқми?” деб сўради. “Ҳа”, дедилар у зот. Шунда Жаброил: “Бисмиллаҳи арқийка мин кулли шайъин юъзийка, мин шарри кулли нафсин ав ъайни ҳаасид, аллоҳу яшфийка, бисмиллаҳи арқийка”, деб дам солди¹”.

اللّٰهُمَّ رَبَّ النَّاسِ، مُذْهِبَ الْبَاسِ، اشْفِ اَنْتَ الشّافِي، لَا شَافِيَ اِلَّا اَنْتَ، شِفَاءً لَا يُغَادِرُ سَقَمًا.

¹ Муслим, Термизий ва Ибн Можа ривоят қилган.

Дуонинг ўқилиши: “Аллоҳумма роббан-наас, музхибал баъс, ишфи анташ-шаафий, лаа шаафия иллаа ант, шифаа-ан лаа юғодиру сақ-омаа”.

М а ъ н о с и: “Ё Аллоҳ, одамларнинг Парвардигори, (касаллик) шиддати кетказ, шифо бер. Сендан ўзга шифо берувчи йўқ. Ҳеч қандай дардни қолдирмайдиган (мукамал) шифо бер”.

Абдулазиздан ривоят қилинади: “Собит иккимиз Анас ибн Моликнинг олдига кирдик. Собит унга: “Эй Абу Ҳамза! Менинг тобим йўқ”, деди. Анас сўради: “Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам руқялари билан дам солиб қўяйми?” Собит: “Ҳа”, деди. Шунда Анас: “Аллоҳумма роббан-наас, музхибал баъс, ишфи анташ-шаафий, лаа шаафия иллаа ант, шифаа-ан лаа юғодиру сақомаа”, деб дам солди¹”.

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَشَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونِ.

Ўқилиши: “Аувзу бикалимаатиллааҳит-тааммаати мин ғозобиҳий ва шарри ъйбаадих, ва мин ҳамазаатиш-шаятийни ва ай-яхзурувн”.

М а ъ н о с и: “Аллоҳнинг мукамал калималари билан Унинг ғазабидан, бандалари ёмонлигидан, шайтон васвасасидан, (намоз ёки Қуръон ўқиётганимда, зикр қилаётганимда) ҳозир бўлишидан паноҳ тилайман”.

Амр ибн Шуайб отасидан, отаси бобосидан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрқув безовта қилганда, уларга “Аувзу бикалимаатиллааҳит-тааммаати мин ғозобиҳий ва шарри ъйбаадих, ва мин ҳамазаатиш-шаятийни ва ай-яхзурувн”, деб дуо қилишни ўргатардилар².

¹ Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривоят қилган.

² Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривоят қилган. Ривоят санади ҳасан.

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ.

Ўқилиши: “**Аувзу бикалимаатиллааҳит-тааммаати мин шарри маа холақ**”.

Маъноси: “Аллоҳнинг мукаммал калималари билан У Зот яратган нарсалар ёмонлигидан паноҳ сўрайман”.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: “Ё Расулulloҳ, кеча мени чаён чақиб олди”, деди. Шунда у зот: “Кеч кирганида **“Аъувзу бикалимаатиллааҳит-тааммаати мин шарри маа холақ”**, деб айтганинда сенга зиён етказолмасди”, дедилар¹.

Бошқа бир ҳадисда: “Ким бирон жойда кўним топиб, **“Аувзу бикалимаатиллааҳит-тааммаати мин шарри маа холақ”** деса, ўша ердан кетгунича унга ҳеч нарса зарар етказолмайди” дейилган².

Беш вақт фарз намозларни ўз вақтида ўқиган, кўп истиғфор айтган, Қуръон тиловат қилиб, нафл ибодатларда қоим бўлган, рўза тутган, садақа берган мўмин банда (Аллоҳнинг изни билан) ҳасад ва кўз тегишининг зараридан саломат бўлади.

¹ Муслим, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилган.

² Муслим – Хавла бинти Ҳаким Суламия розияллоҳу анҳудан – марфу тарзда ривоят қилган.

ҲАСАД ҲАҚИДА
МУТАФАККИР ВА ДОНИШМАНДЛАР СЎЗИ

Кўзи суқ одам кўп нарсага қаноат қилмайди, кўзи тўймайди. Ажал келиб тутганда эса ўкинади, лекин ҳеч тадбир топа олмайди.

* * *

Одамларга ҳасад қилма, оққўнгил бўл. Бу икки феълга эга одам доим мунгда бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб

* * *

Оқил сира ҳис-туйғуга бўлмайди асир,
Зар қадри пасаймайди ҳасад бирла, ахир.

Паҳлавон Маҳмуд

* * *

Барча инсонлар бир отанинг фарзанди бўлиб, шакл-суратда бир-бирларига ўхшайдилар. Лекин улар ўзларининг табиатларида бўлган ўзаро рақобат ва бир-бирига ҳасад қилишдан холи эмаслар.

Ҳасад билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва кудуратли қилиб юборади.

Абу Райҳон Беруний

* * *

Яхшиғадур аҳли ҳасад заҳмати,
Нақднинг ўғридин эрур офати.

* * *

Ҳар кимки ҳасадчи эрур сазовордир ҳасади,
Ҳақдин бўлгон ёмон қазодир ҳасади.
Ўз жониға етгунча балодир ҳасади,
Балким анга дарди бедаводир ҳасади.

* * *

Ҳасадчида роҳат йўқ.

* * *

Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,
Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.
Кўзларни алишмоққа чекиб тийғи ситам,
Эл кўзини ҳам ўйғаю ўз кўзин ҳам.

Алишер Навоий

* * *

Кимки ҳасад ўтин ёқса жаҳонда,
Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда!

Ҳожа Самандар Термизий

* * *

Оташ ўз-ўзидан ёниб кул бўлғони каби ҳасуд (ҳасадгўй)ларнинг жасади ҳасад ўти ила эруб, маҳв ва барбод бўлур.

Абдулла Авлоний

* * *

Ул одамким, ҳасад ғайриға айлар кечаю кундуз,
Қилиб рашку таассубнинг ўтига бағрини гирён.

Агарчи илгидан келмас бировни хуррам этмак,
Кўра олмас ва лекин кимсани қалби эса шодон.

Аваз Ўтар

* * *

Одамзод ҳасад қилмаслиги керак, ҳавас қилиши
керак. Ҳавас қилган одам муродига етади.

Абдулла Қаҳҳор

* * *

Кўролмасанг бировни сувига банд бергайсан,
Заҳар солиб ошига ёвига қанд бергайсан.
Кўролмасанг подшоҳни камситгайсан юртни ҳам,
Чавандозни кўролмай отига панд бергайсан!

* * *

Ичиқоралик, ҳасадгўйлик, гуруҳбозлик иллатлари
миллатни зимдан емирадиган наркотик заҳарлардир.

* * *

Инсониятнинг азамат фарзандлари ёхуд фидойи
инсонлар ҳамаша ичи қораларнинг уйқусини қочира-
ди. Ичи қоралар ўз қадрларини билмайдилар.

Абдулла Орипов

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Абулфидо Исмоил ибн Касир*. “Тафсирул Қуръонил азим”. – Байрут-Ливан: Дорул маориф, 1989.
2. *Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Касир ибн Ғолиб Абу Жаъфар Табарий*. “Жомеул баён фи таъвиллил Қуръон”. – Муассасатур рисола, 2000.
3. *Абдурахмон ибн Камол Жалолиддин Суютий*. “Ад-дуррул мансур”. – Байрут: Дорул фикр, 1993.
4. *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. “Тафсири ҳилол”. –
5. *Шайх Абдулазиз Мансур*. “Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири”. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2009. – 617 б.
6. *Муҳаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ Бухорий*. “Саҳихул Бухорий”. – Байрут.: Дору Ибни Касир – Ямома, 1987.
7. *Муслим ибн Ҳажжжоз Абулхусайн Қушайрий Найсобуррий*. “Саҳиху Муслим”. – Байрут: Дору ихёит турос.
8. *Сулаймон ибн Ашъас Абу Довуд Сижистоний Яздий*. “Сунану Абу Довуд”. – Байрут: Дорул фикр.
9. *Муҳаммад ибн Исо Абу Исо Термизий*. “Сунанут Термизий”. – Байрут: Дору ихёит турос.
10. *Аҳмад ибн Шуайб Абу Абдурахмон Насоий*. “Сунанун Насоий”. – Ҳалаб: Мактабул матбуот, 1986.
11. *Муҳаммад ибн Язид Абу Абдуллоҳ Қазвиний*. “Сунану Ибни Можа”. – Байрут: Дорул фикр.
12. *Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Абу Муҳаммад Доримий Самарқандий*. “Сунануд Доримий”. – Байрут: Дорул куттоб ал-арабий, 1407 ҳ.й.
13. *Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Абдуллоҳ Шайбоний*. “Муснадул имом Аҳмад ибни Ҳанбал”. – Миср: Муассасату куртуба.

14. *Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсобурий*. “Ал-мустадрак алас саҳиҳайн”. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1990.
15. *Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий*. “Ал-адабул муфрад”. Тошкент.: Ўзбекистон, 1990.
16. *Абулқосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний*. “Ал-муъжамул кабир”. – Ал-Мавсил: Мактабул улуми вал ҳикам, 1983.
17. *Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий*. “Шуабул иймон”. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1410 х.
18. *Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Нуайм Асбаҳоний*. “Ҳилятул авлиё ва табақатул асфиё”. – Байрут: Дору китобил арабий, 1405 х.
19. *Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадриддин Айний Ҳанафий*. “Умдатул қорий”. – Байрут: Дору ихёит турос.
20. *Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Абулфазл Асқалоний Шофеъий*. “Фатхул Борий”. – Байрут: Дорул маърифат.
21. *Абу Закариё Яҳё ибн Шараф Нававий*. “Шархун Нававий ала саҳиҳи Муслим”. – Байрут.: Дору ихёит турос, 1392 х.
22. *Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Мусо ибн Аҳмад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Бадруддин Айний Ҳанафий*. “Шарху сунани Абу Довуд”. – Риёз: Мактабатур рушд, 1420 х.
23. *Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Абулғало Муборакфурий*. “Тухфатул Аҳвазий”. – Байрут: Дорул кутубил илмия.
24. *Абдурахмон ибн Абу Бакр Абулфазл Суютий*. “Шархус Суютий лисунанин Насоий”. – Ҳалаб: Мактабул матбуот. 1986.
25. *Нуруддин ибн Абдулҳодий Абулҳасан Синдий*. “Ҳошиятус Синдий ала Ибни Можа”. – Ҳалаб.: Мактабул матбуот, 1986.
26. *Абдурауф Муновий*. “Файзул Қодир”. – Миср: Ал-Мактабатут тижория, 1356 х.
27. *Мулло Али Қори*. “Мирқотул мафотих шарху мишкотил масобиҳ”.
28. *Абдулғазим ибн Абдулқавий Абу Муҳаммад Мунзирий*. “Ат-тарғиб ват-тарҳиб”. – Байрут: Дорул кутубил илмия, 1417 х.

29. *Али ибн Ҳусомиддин Муттақий Ҳиндий*. “Канзул ум-мол фи сунанил ақволи вал афъол”. – Байрут: Муассасатур рисолат, 1989.

30. *Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ҳайсамий*. “Мажмауз за-воид ва манбаул фавоид”. – Байрут.: Дорул фикр, 1412 ҳ.

31. *Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф*. “Руҳий тарбия”/1-китоб. – Тошкент.: Шарқ, 2007. – 447 б.

32. *Зиёвуддин Раҳим*. “Қуръон – қалблар шифоси”. – Тошкент.: Шарқ, 2014. – 358 б.

33. Ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. Тошкент, 2012.

МУНДАРИЖА

(Анвар қори Турсунов).....	3
Муқаддима	5

Биринчи бўлим

“Ҳасад” сўзининг маъноси	9
Ҳасад ва ҳавас ўртасидаги фарқ	12
Шайтон ва ҳасад	17
Ҳасад – эзгулик кушандаси	24
Одам алайҳиссаломга ҳасад қилган шайтон қисмати	35
Оға-ини Қобил ва Ҳобил ораси қандай бузилди?.....	42
Юсуф алайҳиссалом ва оға-инилар ҳасади	49
Мўмин киши ҳасад қилса	59
Мўмин-мусулмонлар мисоли бир тана	66
Ҳасад қилмаслик иложи йўқми?	73
Фарзандларни тенг кўрмаслик оқибати	77
Ҳасад ва унинг ёмонлигидан паноҳ сўраш	82
Ҳасаддан халос бўлиш фазилати	86
Солиҳ амаллар мусобақаси	101
Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Ҳаттоб розияллоҳу анҳумо беллашуви	108
Расулulloҳ алайҳиссаломнинг ҳасадчилари	112
Ҳасадчилар даражаси	117
Ҳасаднинг турлари	119
Ҳасаднинг зарарлари	121
Ҳасадчининг оқибати	123
Ҳасадчининг белгилари	126
Ҳасаднинг сабаблари	128

Ҳасаднинг оқибатлари	135
Ҳасаднинг давоси	139
Ҳасадчининг ёмонлигидан сақланиш йўллари.....	147
Ҳасад қилинаётган кишига айтар сўзимиз	161
Ҳасадчига айтар сўзимиз	163

Иккинчи бўлим

Кўз тегиши борми	167
Ҳасад билан кўз тегишининг фарқи	177
Ҳасад ва кўз тегишига илмий ёндашув	178
Жинларнинг ҳам кўзи тегадими?	179
Кўз тегиши қандай таъсир қилади?	185
Кўз тегиши сабаблари	186
Кўз текканлик аломатлари	187
Кўз тегишига қарши айтиладиган зикр	188
Кўз тегишидан ҳимояланиш	190
Ҳасад ва кўз тегиши муолажаси	196
Ҳасад ҳақида мутафаккир ва донишмандлар сўзи..	208

Диний-маърифий нашр

Одилхон қори Юнусхон ўғли

**ЭЗГУЛИК
КУШАНДАСИ**

“Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2018

Нашр учун масъул *Эркин Малик*

Муҳаррир *Қодиржон Қаюмов*
Бадий муҳаррир *Феруза Башарова*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи *Гулноза Шоназарова*
Мусахҳих *Маъмура Зиямуҳамедова*

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 й.

Босишга рухсат этилди 17.03. 2018 йил.
Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. “Times New Roman” гарнитураси.
Офсет босма. Шартли босма табоғи 14,65.
Нашриёт-ҳисоб табоғи 14,00. Адади 5000 дона.
Буюртма № 46.

**“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**